

85.31  
А. ОДИЛОВ




# ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА ИЖРОЧИЛИК ТАРИХИ



25.31  
0-29

А. ОДИЛОВ

# ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА ИЖРОЧИЛИК ТАРИХИ



ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1995



Ушбу ўқув қўлланмада кўпдан бери қаламга олинмаган ўзбек халқ чолғуларида мусиқа ижрочилигининг асосий босқичлари ҳақида илк бор сўз юритилади. Рисолада халқ чолғулари кўҳна тарихидан то ҳозирги кунгача бўлган давр камраб олинади, шунингдек, унда таниқли ижрочиларнинг ижодий фаолиятига алоҳида-алоҳида ўрив берилади.

Қўлланма мусиқа ўқув юр்தларининг халқ чолғу бўлимлари ҳамда созандачилик санъати ихлосмандларига мўлжалланган.

Махсус муҳаррир:

санъатшунослик фаялари номзоди,  
доцент **В. З. ПЛУНГЯН**

Тақризчи:

Ўзбекистон халқ артисти, профессор **САЙФИ ЖАЛИЛ**


85.31  
0 29

Одилов А.

Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. —  
Т.: Ўқитувчи, 1995 — 128 б.

85.31

Б 213-95  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат кутубхонаси  
Тираж 1000  
Қарт. тиражи 2000



4306011800 — 172 24-94  
354(04) — 95

BN 5-645-02359-5

© «Ўқитувчи» нашриёти 1995 йил

## МУАЛЛИФДАН

Қўлингиздаги рисола ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг шу кунгача вужудга келган тарихи ва тараққиётидаги асосий босқичларни ўрганиш ва шу асосда тарихий маълумотларни ёритиш, системага солиш ҳамда умумлаштириш йўлидаги дастлабки уринишдир. Сўнгги йилларгача ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати тарихи ўзлаштирилмаган муаммолардан бири бўлиб келди. Шу боис «Халқ чолғулари» ихтисоси бўйича олий ва ўрта махсус музыка ўқув yurtлари талабалари ушбу тарихдан етарли даражада маълумотга эришмади. Шундан келиб чиқиб, ушбу мавзуга қўл уришни олдинизга мақсад қилиб қўйдик.

«Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати тарихи» курси қуйидаги қисмлардан иборат:

1. Халқ чолғулари пайдо бўлганидан то 1917 йилги тўнтаришгача бўлган даврдаги ижрочилик санъати.

2. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг 1917 йилги тўнтаришдан кейинги ривож.

3. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг урушдан кейинги даврдаги юксалиши.

4. 1960—90-йилларда ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати.

Созандачилик санъати тараққиётидаги янги босқич Тошкент Давлат Консерваториясининг Оркестр факультети таркибида ўзбек халқ чолғулари бўлими ташкил этилиши (1948 й.) дан, сўнгра мустақил халқ чолғулари факультети (1949 й.) га айлантиришдан бошланди. Ўзбек халқ чолғулари оркестри чолғу созандаларини, дирижёрлар ва юқори малакали ўқитувчиларни етук савияда тайёрлаш ва тарбиялаш муаммоси илк бор М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваториясида, сўнгра республикамизнинг бошқа олий музыка илмгоҳларида шартли равишда йўлга қўйилди. Муҳими, яккахонлик, ансамбль ва оркестр ижрочилиги, тараққиёти, шунингдек, халқ чолғуларини такомиллаштириш йўлидаги изланишлар бу жараёни жонлантирувчи омил бўлди.

Мазкур қўлланмада аввал Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрининг шаклланиш жараёни баён қилинади, сўнгра республика телекўрсатувлари ва радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрининг ижодий фаолияти таҳлил этилади.

Ўзбек халқ чолғулари кўп овозли ижрочилик санъатининг шаклланиши эндиликда бастакорлардан янги ижрочилик репертуарини яра-

тишни тақозо этди. Натижада Ўзбекистон бастакорларининг дастлабки оригинал мусиқий асарлари пайдо бўлди. Оркестр учун ёзилган асарлар билан бир қаторда айрим чолғу асбоблари учун ҳам махсус асарлар вужудга келди.

Рисоланинг муайян бўлимларида нодир ўзбек халқ чолғуларини ясаган машҳур соз усталари ҳақида қисқача лавҳалар, республика халқ чолғулари ижрочиларининг қардош республикалар чолғучилари билан ижодий ҳамкорликлари, хорижда ўзбек халқ чолғулари ансамбли ҳамда айрим якканавоз чолғучиларнинг саҳнада чиқишлари ёритилади.

Муаллиф қўлланмани яратишда ва нашрга тайёрлашда яқиндан маслаҳат ва ёрдам берган М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваторияси ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик, ўзбек халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги кафедралари аъзоларига, мусиқа тарихи ва назарияси ҳамда Шарқ мусиқаси кафедраларининг вакиллари-га ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

## КИРИШ

Ўзбек халқ чолғуларида замонавий ижрочилик санъати ўз тараққиётининг кўп асрлик анъаналарини мерос қилиб олди. Уларнинг илҳамири қадим-қадим даврларга бориб тақалади. 1933 йилда Айратам ниҳристон археологик қазилмаларида топилган материаллар, қадимий адабий манбалар ўзидан илгари турли мусиқа асбоблари бўлганлигидан далолат беради.

Эрамик бошларида турли-туман халқ чолғуларидан кундалик турмушда, овда, сарой ҳаётида, маданий байрам маросимларда, халқ сабилларида фойдаланилган. Халқ чолғулари асрлар давомида инсонларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириб, тадрижий равишда ривожланиши ва такомилланиши.

Моддий маданият ёдгорликлари, тасвирий санъат асарлари, жумладан, девордаги расмлар, сопол ҳайкалчалар ва турли хил миниатюралар эрамикнинг VII асридаёқ икки турдаги халқ чолғулари ансамбли мавжуд бўлгани ҳақида маълумот беради. Улардан бири (дамли) ва урма зарбли чолғулардан, иккинчиси торли ва мизробли (чертма) чолғуларидан иборат эди. Булардан ташқари, пай, сурнай, чанг, тамбур, ул ва гижжак каби чолғуларда яққанавоз ижрочилик ҳам мавжуд эканлиги маълум.

Репертуар эса халқ оҳанглари ва чолғучилар басталаган асарлардан тузилган. Ижрочилик халқ оғзаки ижоди ва классик адабиёт билан узвий алоқада ривожланган (мусиқани ёзиб олиш усули анча кейин пайдо бўлган). Урта асрларда халқ мусиқа ижодининг оғзаки анъаналари кенг тарқалган бўлиб, улар чолғу мусиқасининг ҳар хил жанрларини қамраб олган эди. Тўй-томоша, байрамлар (наврўз, ҳосил байрами) халқ оғзаки ижодининг анъанавий интонацион (талаффуз) гузрилиши билан боғлиқ мақом туркумлари сингари ранг-баранг мусиқа санъати турлари улкан маданий мерос сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келган. Чупончи, юриш ҳамда тақлидга асосланган уйғун, «ҳарбий мусиқа» шаклланди. У ҳарбий кўрикларда, турли маросим ва таштаналарда, шунингдек сарой аъёнлари ҳузурида ижро этилган.

Урта асрларда мусиқа ижрочилиги бир-биридан фарқли ўлароқ уч хил мустақил услуб касб этди. Уларнинг биринчиси Фарғона — Тошкент ижрочилик йўналиши, иккинчиси Хоразм ижрочилик йўналиши ва ниҳоят, учинчиси Бухоро—Самарқанд ижрочилик услубидир. Туркумнинг кўра оддийгина куй ва кўшиқлар билан бир қаторда лад-тоналлигига кўра мураккаб вокал-чолғу мусиқа шакллари — мақом туркумлари мавжуд бўлган.

Хоразм вилояти ва Туркменистон мусиқасида дostonларга асосланган туркумлар: «Гўрўгли», «Алпомиш», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсапам», «Баҳром ва Дилором» кабилар, Фарғона вилоятида эса якка чолғу мусиқаси (катта ашула, якпарда ва бошқалар) шаклланди.

Анъанавий ижрочилик санъати импровизацияга асосланган бўлиб, чолғучидан айнан ижодий муносабатда бўлишни талаб этарди. Бунда мусиқа ижро этилаётганда ҳар гал янгича, қайд этилмайдиган ижро усуллари қўлланилганди. Бу омиллар ижрочининг ўзига хос ижодий тафаккурини ва бетакрор талқин йўсинини намоён этишга имкон берганди.

Анъанавий ижрочилик санъати бугунги кунда ҳали ҳам тингловчиларнинг эътиборини қозонмоқда. Шу боис мусиқа маданиятининг ижтимоий ҳаёт билан бевосита алоқадорлигини назарда тутган ҳолда, уни қўйдаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Мусиқа санъати ибтидоий жамиятда халқ турмуши ва меҳнат жараёни билан узвий боғланган; бунда чолғулар кенг қўлланилган. Масалан, «Навруз» тантаналарида чолғучилар тапбур, дутор, най, чанг, рубоб, доира (даф, чилдирма) сингари чолғуларида ажойиб куй ва қўшиқлар ижро этишгани;

2. Энг қадимги халқ оғзаки мусиқий шеърий ижодиётининг шаклланиши ҳам халқ чолғулари тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлгани;

3. Ўрта асрларда халқ чолғулари, турларининг пайдо бўлиши ва қўлланилиши — жамият тараққиёти юксалишининг самараси бўлганлиги;

4. XIX аср охири — XX аср бошларидаги халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг ривожланиши янги ижтимоий-сиёсий шароит ҳамда Оврўпо маданияти таъсири билан боғлиқлиги;

5. 1917 йилги тўнтаришдан кейинги даврда ижрочилик санъатининг ривожланиши ҳақида мулоҳазалар.

Шундай қилиб ўзбек халқ чолғуларининг пайдо бўлиши ва такомиллашишининг бой тарихи билан боғлиқ билимлар ёш ижрочиларга якканавоз, ансамбль ижрочилигида ифода ва ижрочилик техникаси имконияти тараққиёти қонуниятларини очишга ёрдам беради. Шулар қатори рисола бўлажак мутахассисни машҳур халқ чолғучиларни — ижрочилик санъати усталарининг педагогик ва ижрочилик принциплари билан, шунингдек, жумҳурият бастакорларининг ўзбек халқ чолғулари учун яратган мусиқий асарлари билан яқиндан танишишларига кўмаклашади.

Таҳсил (курс) республиканинг олий ва ўрта махсус мусиқа билим юртлири талаба ва ўқувчиларига ўзбек чолғу ижрочилиги тарихи ва назариясини ўргатиш, ижодий ёшларнинг бадиий-эстетик дунёқарашини ҳамда танлаган соҳасининг турли йўналишларида ўз йўлини топа олиши учун хизмат қилади.

Ушбу қўлланма етук чолғучилар ва халқ чолғучилик санъатининг кўп сонли ихлосмандларига ҳам мўлжалланган.

## ҚАДИМ ЗАМОНЛАРДАН XIX АСРГАЧА БУЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИ

Урта Осиё ҳудудида ижрочилик санъатининг пайдо бўлган даврдан то XIX асрнинг 60-йилларигача тараққиёти

Халқ чолғулари узоқ ўтмишда пайдо бўлган. Маълумотларга қараганда дастлабки мусиқа чолғулари эрамиздан аввалги XIII минг йилликда дунёга келган, деб тахмин қилинади. Мусиқачиликда дастлаб урма зарбли чолғулар пайдо бўлган. Бу тушунарли. Чунки, энг қадимги меҳнат қўшиқлари ишнинг ритмик тузилиши билан бевосита боғлиқ.<sup>1</sup>

Кейин шовқинли чолғулар пайдо бўлди. Ижрочилар қарсак чалиб ритми таъкидладилар, шовқинли чолғулар таъсирини кучайтирдилар. Ижрочи аёлларнинг чапак зарблари ўзига хос, такрорланмас, гўзал ҳолатни вужудга келтирар эди.

Кейинроқ халқ усталари томонидан қамиш ёки бамбук поясидан сурнай, ҳуштак, яна биров ўтгач эса най (бўйлама, кўндаланг, кўп йўлли), найсимон ҳуштаклар, шиқилдоқлар, чилторлар (арфа, лира) ва кифаралар ясалди. Вақт ўтиб у чолғулар янада такомиллашиб (кўп йўлли, шунингдек замонавий кўп тешикли) найлар юзага келди. Сўнграк торли-мизробли ва торли-камончали мусиқа чолғулари пайдо бўлди. Улардан сарой аъёнларининг маросимларида, ҳарбий юришларида фойдаланилди.

Қадимги Шарқ маданияти қучоғида ўзбек халқ чолғулари шаклланди. Улар кўп асрлик тараққиёт давомида ўзига хос хусусиятларини топиш тусини сақлаб қолди. Ўзига хос тузилиши туфайли най, сурнай, тиббур, дутор, рубоб, фижжак, қобузлар анъанавий шаклларда бизгача етиб келди.

Эрамиздан аввалги III аср ўрталарида Урта Осиёнинг ғарбий вилоятларида Парфиён(а), шарқда эса Грек-Бақтрия давлатлари ташкил топди. Эрамизнинг I асрида Урта Осиёнинг жанубий қисмида қудратли Кушон шоҳлиги таркиб топди. Маҳаллий Кушон сулоласи ҳокимияти остида бир қанча давлатлар бирлашди, бунинг натижаси ўлароқ шаҳарлар юксалди, маданият гуллаб-яшнади, янги-янги мусиқа чолғуларининг яратилишига шарт-шароит юзага келди.

Қулдорлик тузуми даврида Мароканд, Нисо, Тупроққалъа, Термиз ва бошқа шаҳарлар мавжуд эди. Ушбу шаҳарлар ҳудудида олиб борилган қазилма ишлар чоғида бадий ҳунармандчилик буюмлари, турли

<sup>1</sup> Абдуллаева С. Современные азербайджанские музыкальные инструменты. Баку, 1984 й. 5-бет.

хил чолғуларининг тасвирлари топилди. Қулдорлик жамияти Урта Осиё халқлари маданияти ривожда муҳим босқич бўлди. Халқ мусиқаси янада юксалиши билан бирга, чолғулар ҳам такомиллашди.

Эрамининг IV асридан бошлаб Урта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий алоқаларида ўзгариш юз берди: қулдорлик тузуми ўрнини аста-секин феодал тузуми эгаллай бошлади. IV асрнинг 60-йилларида Урта Осиёга туркларнинг кириб келиши натижасида туркий ва шарқий Эрон халқларининг аралашуви тобора кучайиб, натижада ўзбек ва бошқа Урта Осиё халқлари шаклланди. Шу даврдан бошлаб Урта Осиё худуди Туркистон (турклар яшайдиган жой) номини олди.

Асримизнинг 30—40-йилларида уюштирилган археологик экспедициялар (С. Л. Толстов, В. А. Вяткин, М. Б. Массон ва бошқалар раҳбарлигида) натижасида Урта Осиё маданиятини, шу жумладан халқ чолғуларини ўрганишда қимматли маълумотларга эга бўлинди. Топилган маданий ёдгорликлар: най, рубобсимон чолғу, ҳозирги доирага ўхшаш дўмбира ва шу сингари чолғуларни чалаётган машшоқлар тасвирланган. Булар Афросиёб, Тупроққалъа, Айратам (Айратам фризи деб аталади) каби шаҳарлардан топилган сопол идишлардаги машшоқ ҳайкалчалардир. Уларда турли хил мусиқа асбоблари: лютня, танбур, рубобсимон чолғу, қонун, уд, руд, шэманэ (мусиқор), чағона, чилтор, най, бурғу, сурнай карнай, доирасимон чолғуларида машқ қилишлари тасвирланган (1-расмга қаранг).

Халқ чолғулари Урта Осиё аҳолисининг турмуши ва меҳнат фаолиятига сиғиб, инсон фаолиятининг ажралмас таркибий қисмига айланди. Чолғулар жўрлигида қўшиқ, ўйин ва куйлар халқнинг катта-катта маросимлари ва оилавий байрамларида ижро этилгани бизга маълум. Байрамлар кунроқ йил фасллари билан боғлиқ бўлган. Урта Осиёда «Наврўз», «Лола сайли», «Ҳосил байрами», «Қовун сайли», «Узум сайли» каби маъсумий байрамлар кенг тарқалган. Бундай оммавий байрамларни халқ чолғу ансамбллари, хонанда ва созандалар ҳамда раққосаларсиз тасаввур қилиш қийин. Байрамларда, маданий маросимларда айниқса, карнай, сурнай, доира, ноғора ва чиндоул каби ва урма зарбли мусиқа чолғулари кенг қўлланилган. Халқ рақслари аслида қош ўйини, елка ўйини, бош ўйини кабиларни ўз ичига олган. Улар қарсақ жўрлигида ҳам ижро этилган.

Феодализм даврида Урта Осиё халқлари маданияти тараққиётнинг янги босқичига кўтарилди. VII асрда Осиёга арабларнинг кириб келиши кенг ҳудудда араб халифалигини барпо этди. Тирик жонзотни тасвирлашни тақиқловчи ислом динининг ёйилиши деворий суратларни, шунинг жумладан мусиқа чолғулари тасвирининг барҳам топишига олиб келди. VII—VIII асрлардаги араб истилоси Урта Осиё маданияти тараққиётига сезиларли таъсир ўтказди.

IX аср охирида сомонийлар маҳаллий феодал сулоласи Урта Осиёнинг каттагина қисmini бирлаштиришга муваффақ бўлди. Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухоро йирик маданий марказга айланди. Бу ерда адабиёт ва мусиқа тараққий этди. Ҳаёт шароитининг ўзгариши туфайли мусиқа санъатининг ижтимоий аҳамияти ошди. Шаҳарликлар ва юқори табақа синфлари турмушда мусиқанинг роли сезиларли кучайди. Уша пайтлардаёқ якканавоз, ансамбль мусиқачилиги

на рақсини ўз ичига олган вокал-чолғу мусиқа туркум турлари мавжуд эди. Сарой аъёнлари тантанали маросимларида ижро этилган мусиқа алоҳида урин тутган. Одатда бу бир неча дамли (карнай, сурнай) ва турли парбли чолғулар: (ноғора, чиндовул) асбобларнинг биргаликда талқининдан ҳосил бўлган. Дутор ижрочилиги ўша пайтда фақат кимдир хусусият касб этган бўлиб, бу ижрочилик санъатини асосан адаблар ағаллаган эдилар.

Урта аср мусиқа ижрочилиги маданиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири шунда эдики, чолғучилар нафақат бир неча турдаги мусиқа асбобларини чала олган, балки ўзлари ҳам мусиқа басталадилар. Чолғучилар ўз даврининг стук мусиқачилари ва шоирлари ҳам бўлишган. Урта аср шаронтида мусиқий ихтисослашув махсус мусиқий устахоналарни пайдо бўлишига олиб келди. Бу ерда устоз-шогирд аъёнлари қарор топиб ривожланди. Айни пайтда ансамбль ижрочилиги такомиллашди, мусиқа санъатининг асосий кўринишлари шаклланиб чолғу асбобларининг янги намуналари кашф этилиши ҳам ўша узоқ даврларга бориб тақалади.

Шарқ олимларининг назарий қарашлари мавжуд ижрочилик санъати тажрибаси асосида шаклланган бўлиб, улар ўз рисолаларида мусиқанинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берганлар. Форобийнинг (873—950) «Катта мусиқа китоби» («Китоб ал-мусиқа ал-кабир»), ибн Синонинг (980—1037) «Даволаш китоби» («Китоб уш-шифо») қомусидаги «Мусиқа ҳақида рисола», Ал-Хоразмийнинг (X аср) «Билимлар калияти», Сафиуддин Урманийнинг (1216—1294) «Олижаноблик ҳақида китоб» ёки «Шарафия китоби», Жомийнинг (1414—1492) «Мусиқа ҳақида рисола» китобларида мусиқа ижрочилиги ва халқ чолғулари ҳақида муҳим маълумотлар бериб этилган.<sup>1</sup> Сафиуддин Урманий истедодли уд чолғучиси, хошанда, минҳур сөзанда сифатида танилган. У Озарбайжоннинг Урмия шаҳрида туғилган. Сафиуддийнинг энг катта ютуғи лад («модус») ларининг мукаммал системасини ишлаб чиққанлигидадир. Ибн Зайлининг (1044 йилда вафот этган) «Мусиқа ҳақида тўлиқ китоб» и («Китоб ул-каби фи-л-мусиқий») унинг мусиқа илмидаги ягона ва бебаҳо китобидир. У янги усулни — мусиқада ладларни ҳарфлар билан ифодалаш усулини ишлаб чиқди. Абдуқодир Мароғий (XV аср) Абдуқодир ибн — Раббий (Мароғий) Озарбайжоннинг Мароғ шаҳрида туғилган бўлса-ди, ҳаётининг иккинчи ярми Темур саройида — Самарқандда ўтган ва Ҳиротда вафот этган. «Мусиқа илмида оҳанглар тўплами» («Жами ал-алхан фи-нлм ал-мусиқий») рисоласида мусиқа ҳақидаги таълимотин — камонча, етти торли гижжак каби бир турдаги мусиқа чолғулари борлиги ҳақидаги маълумотлар билан бойитди. Ал-Хусайннинг (XV аср) Мусиқий Канонларида асосан Урта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган икки торли мусиқа чолғуси — дутор ҳақида маълумот берилган. Қутбиддин аш-Шерозий (1236—1310) эронлик мусиқа назарийчиси сифатида танилган бўлиб, ўз рисоласида камончали танбур ҳақида ибратли мулоҳазалар билдирган ҳамда инсон

<sup>1</sup> Абдурахмон Жомий — ажойиб мусиқа назарийчиси, илмий ва ижодий фаолияти асосан Ҳиротда кечди. Узининг мусиқа ҳақидаги рисоласи билан мусиқа илмининг сезиларли даражада бойитди.

овозини мусиқа асбоблари ичида энг ёқимлиси деб ҳисоблаган. XVII асрда яшаган бухоролик мусиқашунос Дарвиш Али<sup>1</sup> ўз рисоласидаги танбур, чанг, қонун, барбот, чағона, уд, руд, рубоб, қобуз, ғижжак, шэманэ, рухавза, кунгура каби мусиқа чолғулари ҳақида батафсил маълумот берган.

Буюк Шарқ мутафаккирларининг мероси халқ чолғуларини ўрганиш соҳасида ҳам тарихий қимматга эга. Абу Наср Муҳаммад Форобийнинг машҳур асари — «Мусиқа ҳақида катта китоб» («Китоб ал-мусиқа ал-кабир») улкан аҳамиятга эга. Ўрта аср олими бу китобида икки хил мусиқа ижрочилиги: оҳангни инсон овози (қўшиқ санъати) ва чолғулар воситаларида қайта тиклашга ажратади. Форобий моҳир ижрочи сифатида мусиқа чолғуларининг жамият ҳаётидаги ролини ўрганишга аҳамият беради ва у: «... Жангу-жадалларда, рақсларда, тўй-томошаларда, кўнгил очар базмларда ҳамда ишқ-муҳаббат қўшиқларини кўйлашда чалинадиган ўзига хос чолғулар бор», деб ёзган эди.

Форобийнинг юқорида келтирилган фикри чолғуларнинг турлитуманлиги ва уларнинг нафақат сарой аъёнлари, балки шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳунармандлари орасида, шунингдек мусиқа маданиятида етакчи роль ўйнаганлигини тасдиқлайди.

Китобнинг иккинчи қисми бошдан охир ўша давр мусиқа чолғуларига бағишланган. Унда лютня, танбур, уд, най, рубоб, чанг, шоҳруҳ; қонун ва бошқа мусиқа чолғулари изчил ва батафсил таърифланади. Форобий торли — мизробли лютняни ўша даврда энг кенг тарқалган чолғу ҳисоблаган. Лютня ўзига хос мизроб (чертма) воситасида чалинган, дастасида эса лигатура (лада) лар жойлашган. IX—X асрларда лютня арабча уд номини олади. Бу чолғу кўпгина Шарқ мамлакатларида, Кавказ орти халқлари орасида ҳозирги кунгача сақланиб келяпти (Замонавий уд намуналари Тошкент Давлат Консерваториясининг соҳавий — тажрибавий синовхонасида мавжуд). «Мусиқа ҳақида катта китоб» да Форобий яна бир чолғу асбоби — танбурни ҳам таърифлайди. Олимнинг фикрича, танбур (дилли тирнаш) удга энг яқин турадиган чолғулардан биридир. Танбурда торлар нохун<sup>2</sup> ёрдамида чертилади. Танбур худди уд каби кенг тарқалган ва халқ севган чолғудир. Танбурнинг икки ёки уч жез тори бўлган. Унинг икки тури маълум: Хуросон ва Бағдод танбурлари. Бағдод танбурининг мақомлари камроқ (бешта), чолғу дастаси калтароқ бўлган. Хуросон танбурининг мақомлари кўп бўлган, дастасида чолғу бўғзидан то дастанинг ярмигача оралиғида пардалар жойлашган. Танбурнинг бу тури шу кунгача ўз шаклини йўқотмай, мусиқа ижрочилиги амалиётида якканавоз ҳамда ансамбль чолғуси сифатида амалиётда фойдаланиб келиняпти.

Форобий шунингдек найни ҳам таърифлайди. У турли хил дамли мусиқа чолғуларини овоз ҳосил қилиш принципига кўра найсимон гу-

<sup>1</sup> Дарвиш Али — XVII аср мусиқаси ҳақида Бухорода яратилган рисола муаллифи. Бувада у мусиқа чолғулари ҳақида, санъат кяшилари ва мусиқа ижрочилари ҳақида бой, қимматли маълумотлар баён қилган. Дарвиш Али Мовароуннаҳр ҳукмдори Имом Кулиҳов (1611—1642) саройида чолғучи бўлган.

<sup>2</sup> Нохун — ўзбек халқ чолғуларидан танбурни чалишда ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғига кийдириладиган, металлдан ясалган махсус чертмак — «тирноқ».

руҳига киритади, яъни най қувурида ҳавонинг дамли ҳаракати орқали товуш ҳосил бўлади. Улардан бири оддий най ёки бир йўналишда қайрилган кўп тешикли най. Бу турдаги бўйлама найлар ёки турлича аталувчи найлар ҳозирги кунда ҳам Шарқ халқлари орасида мавжуд. Уни вьетнамликлар сао, тожиклар тутек, татарлар кавал, қozoқлар сибига, озарбайжонлар ней (жуда кам учрайди), қирғизлар уоо, чоор (чўнонларнинг чолғу асбоби), ўзбеклар най деб атайдди.

Олим кўпинча ўрик ёки тут дарахтидан ишланадиган кенг тарқалган сурнай ҳақида ҳам тўхталлади.

Фаробий шунингдек, дунай (мизмар) ни ҳам тилга олади. Дунай ҳозирги кўшнаё ёки туркман халқ чолғуси гоша-дилли тўй джук (кўш қимми найчадан тузилган чолғу) га ўхшайди.

Фаробий рисоласида ўзи яшаган даврда мавжуд бўлган рубобни ҳам батафсил таърифлайди. Уша даврдаги рубоб ҳам ҳозирги қаниқар рубобига ўхшаб резонатор ва анча узун дастадан тузилган. Икки хил чертма торли рубоб мавжуд бўлган: 1 ёғоч декали ва асосий қисми ётоқдан, 2 пастки қисми чармдан ишланган декали.

Фаробий шаҳодат беришича, чанг очиқ торларнинг тебраниши орқали оҳанг ҳосил қилувчи мусиқа чолғулари туркумига киради. Уша даврдаги чангнинг 15 тори бўлган, улар диатоник созланган ва икки октава оралиғига тенг товушқаторга эга бўлган. Рисолада таърифланган барча чолғулар ашула, рақс, якканавоз ва ансамбль ижрочилигида жўр бўлишда фойдаланилган. Фаробийнинг гувоҳлик беришича, у чолғуси ансамбль ижрочилигида етакчи роль ўйнаган. «Чолғу асбоблари ҳақида китоб» да олим танбур, рубоб, чанг каби чолғуларини ўдди чалинаётган куйга ёки якканавоз хонандага уйғун жўр бўлиш учун созлаш усулларини тушунтиради. Шундай қилиб, Шарқнинг улур олдомаси мусиқа илмининг бир бўлими сифатида чолғуларни ўрганувчи чолғушунослик соҳага асос солди. Бу соҳа кейинчалик бошқа даврларнинг асарларида ҳам кенг бойитилди ва ривожлантирилди.

Яшаган даврига кўра буюк олим ибн Сино Фаробийга жуда яқин. Унинг «Даволаш китоби» деб номланган йирик қомусининг «Мусиқа ҳақида рисола» бобида ўша даврнинг мусиқачилигига оид илмий-фалсафий билимлари баён этилган. Бу рисолада чолғулар таърифига анчагина ўрин ажратилган. Ибн Сино ўз даври мусиқаларини икки гуруҳга бўлиди: мизробли, нохунли (барбад, танбур, рубоб) ва бутун резонатор қолқоғи бўйлаб тортилган очиқ торли чолғулари (шоҳруҳ, чилтор, лира), чанг (арфа).

Инсон овози азалдан энг мукамал чолғу ҳисобланган. Торли-мизробли ёки торли-камончали мусиқа чолғулари ижрочилари ҳамиша ўйлари яратган куйлар оҳангини инсон овозига яқинлаштиришга, бунда ўлгача бир мусиқийликка эришишга, оҳангни таъсирлироқ, самимийроқ, равоироқ чиқаришга интилишган. Олим оҳанги инсон овозига жуда яқин турган чолғулар уд ва рубобни батафсил таърифлаган. Бунда рубоб тушунчаси остида рижжакка ўхшаган, торлари камонча билан чалинган мусиқалари назарда тутилган. Дамли чолғулар ичида рисолада най (флейта) ва сурнай, шунингдек Византия органун (музмар, музамир) ни келтирилади.

Уша даврда Шарқнинг таниқли мутафаккири Сафиуддин Урмавий мусиқа илми тизими (системаси) ни ривожлантирди. У уста уд чолғу-

чи, хонанда ва моҳир бастакор сифатида машҳур эди. Удда олиб борган тажрибаларига таяниб олим ўз назарий қоидаларини баён этди. Урмавийнинг «Тақводорлик китоби» да уд таърифи қуйидаги сўзлар билан бошланади: «Билгинки, чолғу асбоблари ичида уд деб аталувчиси энг машҳур ва энг замонавийдир». Уднинг беш жуфт тури кварта тартибидаги 7 та мақоми (лади) бўлган. Торлари, бам, маснас, масне, зир ва энг юқориси ҳадд деб аталган. Беш қўш торли, такомиллашган уд кейинги пайтларда ҳам ўз тузилишини сақлаб қолган (шу кунларгача Арманистон, Озарбайжон ва Ўзбекистонда сақланиб қолган уд ҳам беш қўш торли, лекин мақом (лада) сиз). Уднинг квартага мос созланган беш қўш тури ва етти мақоми (ладаси) ҳақида Шерозий (1236—1311), Жомий (XV аср), Ал-Ҳусайний, Мароғий, Ибн Синолар ҳам ёзишган. Жомийнинг «Муסיқа ҳақида рисола» сида келтирилган уд дастасининг тўла чизмаси уни созлаш ҳақида тўлиқ тасаввур беради. Унинг тасдиқлашича мавжуд 12 мақом қадимий етук муסיқанинг асосидир. Жомий муסיқанинг тингловчиларга таъсири ҳақида тўхталиб, унинг чуқур руҳий ва маънавий аҳамияти бор, деб ҳисоблайди.

Мароғийнинг XIV асрда яратилган «Қанз ал-Тухаф» рисоласида ғижжак ва рубоб ҳақида қизиқарли маълумотлар мавжуд. Масалан, Мароғий ўзининг рисоласида ғижжак ясаш усули (технологияси) ҳақида маълумот беради. Олимнинг тасдиқлашича ипак ёки пай торлар жез торларга нисбатан анча яхши ва майин оҳанг чиқариш мумкин экан.

Қўш торли чолғу-датор ҳақидаги илк маълумотлар Ал-Ҳусайнийнинг XV асрда яратилган муסיқа қанонларида учрайди. «Датор» атмасининг пайдо бўлишига уни шаклан ўхшаш, кўп торли бошқа чолғуларда (озарбайжонча соз, танбур, уд каби) фарқлаш асосий сабаб бўлган.

XIII—XVII асрларда яратилган рисолаларда чанг, қонуи, нузха, рубоб, танбур каби торли чолғулар, шунингдек, дамли чолғу—найнинг таърифлари берилган. Дарвиш Алининг (XVII асрда) Бухорода яратилган муסיқага доир рисоласи анъанавий халқ чолғулари ҳақидаги маълумот манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин. Унда муסיқа маданияти, чунончи Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида мавжуд бўлган чолғулар ҳамда моҳир ижрочилар ҳақида нодир маълумотлар мавжуд.

Дарвиш Алининг рисоласи XVI—XVII асрлар Ўрта Осиё муסיқасини ўрганишда қимматбаҳо манбадир. Мазкур асарда машҳур хонанда ва чолғучилар, басткорларнинг ижодий таржимаи ҳоллари баён этилган. Рисоланинг V ва VI боблари ўша даврда кўпгина Шарқ мамлакатларида қўлланилган халқ чолғулари ҳақидаги маълумот батафсил баёи қилинади.

Дарвиш Али ўтмишдошлари сингари торли, мизробли чолғулар орасида тебраниш оҳангига кўра энг яхшиси саналган удни чолғулар «шоҳи» деб атади. Уднинг жуфт созланган ўн икки тури бўлган. У Форобий давридаги дастлабки уддан бирмунча фарқ қилган. Дарвиш Алининг маълумотларига қараганда, олтинчи қуйи тор (мухталиф) чолғусининг пастки диапазонини (бас регистрини) кенгайтирган.

Рисолада ёзилишича чанг чолғучилар ҳомийси — Зухрага бағиш-

дарвиш. Таърифланган чангининг етти мақом ижроси учун йигирма олти турли ва етти пардаси бўлган. Най қадимий чолғуларнинг бири сифатида тилга олинади. Булардан ташқари, рисолада қонун, рубоб, қобиз, гижжак, мусиқор, энбон-най (дамли, чармли), Хитойда тарқалган руҳини (олти тордан иборат нохунли) каби чолғулар ҳам тилга олинган.

Дарвиш Али таъриф берган чолғулардан еттитаеси: танбур, чанг, қонун, уд, рубоб, қобиз, гижжак ўша даврда энг кенг тарқалган чолғулар эди. Дарвиш Алининг маълумотлари мусиқа амалиётида дастлаб ансамблда уйғун колорит ҳосил қиладиган торли-нохунли ва торли-камончали чолғулар қўлланилганлиги ҳақидаги фикрни тасдиқлайди. Рисолада чангчи Дилором, найчилар Абдуқодир ва Хўжа Абдуллоҳи — Лори, Мавлоно Мирек чангий Бухорий, Мавлоно Косим-и Раббоний, Султон-Аҳмад-и-«девоиа», рубобчилар ака-ука Шайх-Абубакр-и Раббоний ва Шайх Бехдучи Доно, қонунчи шайх Шамсий-Раббоний ва кўпгина бошқа машҳур усталарнинг номлари тилга олинади.

Гижжак чолғучи Шоҳ Қулий-Гижжакий шу мусиқа асбобида ажойиб ижрочилик маҳоратини кўрсатган ва чолғу куйларини яратган уста ёшраткор бўлган. Унинг яратган куйлари орасида муҳаммас ритмида яратилган пешрави «Хусайний» алоҳида ажралиб туради.

Найчи Султон Аҳмад-и Дарвиш Али машҳур чолғучи сифатида тилга олади. Рисола муаллифининг ёзишича, у чалган найнинг сеҳрли оҳанглари мусиқа санъати ихлосмандларида чуқур таассурот қолдирган.

Уд чолғучиси Султон-Муҳаммад-Уддий-Самарқандийни муаллиф рубоб истеъдодли чолғучи, мусиқий асарлар ижодкори сифатида аке эътиборган.

Бухоролик Шайх Шамсий-Раббоний моҳир рубоб чолғучи, машҳур соҳнада сифатида танилган. Унинг ижроси тингловчиларга шу қадар кучли таъсир қилганки ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмаган. Рубобининг оҳангини эшитиб, бетакрор ижросидан ҳайратга тушган одамлар чор атрофдан тўпланаверишган экан.

Таниқли чолғучи Дарвиш Шадийдан уд ва чанг чалиш маҳоратини таълимлаган унинг шогирди моҳир созанда Мавлон Зайнулла Беданий Руми кўпгина пешравлар (исфаҳон, сақил, пешрав, фар ва бошқ.) ижодкори эди.

Халқ чолғуларининг кўзга кўринган ижрочиларидан бири Али-Муиқор Дугоҳ оҳангларида, Турк—зарб ритмида яратилган асарлар бастакори сифатида танилган. Унинг «Савти бегумий», «Нақши бегумий» (бўёқдор-оҳангдор куйлар) оҳанглари халқ орасида кенг ёйилган.

Нажмиддин Кавкабий<sup>1</sup> ва Дарвиш Али рисолаларида ўн икки мақом — (Раҳовий, Хусайний, Зангула, Рост, Ушшоқ, Наво, Бўслик, Хиҷоз, Ироқ, Исфаҳон, Зирафканд, Буэрук) асосида мусиқа асарлари яратган бастакорлар номи тилга олинади.

Ижрочиликда етук бўлган Мавлон Шайхий Тебес-Гилексий — ибн-Абдураҳмоний-Румий (Руд), Устод Зайтуний — Гижжакий, Хўжа-Маҳмудбек Исҳоқий Шеханий (датор), Сайид Аҳмад-бин-Меҳтарий Мира-

<sup>1</sup> «Илми адвор» («Билемлар калити») трактати айниқса машҳур.

кий, Устод Қурбон Саъдий, Устод Поёнда (сурнай ва ноғора), Устод-Амир-Қулий Танбурий (танбур), Аҳмад Қонуний Самарқандий (қонун), Шайх Аҳмадий Қобизий (қобиз), мусиқа назариясининг катта билимдони, ўз даври мусиқа санъати вакиллариининг илғори Амир Маътий Хиротий (қобиз), Юсуф Мавлудий дутори Хиротий (дудор), Устод Ғулоқий Найи Устод Абдусаттор — Қонуний, Устод Араб-Навзий Қобизий, Хўжаги Жаъфарий Қонуний, Хафиз Бобоий Қонуний, Ҳафиз Турдий Қонуний ва бошқа халқ чолғу ижрочилари муҳим ўрин тутганлар.

Дарвиш Али уша даврда мавжуд бўлган чолғу ансамбллари ва уларнинг ижрочилари ҳақида, улар Султон Муҳаммад саройида турли хил тантаналарда, қабулларда, дам олиш кечалари ва яқин кишилар давраларида доимо иштирок этганлари ҳақида хабар беради. Саройда ноғора хона<sup>1</sup>, деб аталган 60 ижрочидан ташкил топган чолғучилар ансамбли бўлган. Уларни ноғорачи (маэстро) бошқарган. У мисол тариқасида шундай далилни келтиради: «Султон Ҳусайн саройида ансамбль раҳбари — меҳтар вазифасини етук ноғорачи Сайид Аҳмадбин меҳтарий-Мироқий бажарган. Дарвиш Али бу созанданинг маҳоратини юксак баҳолаб, уни «тенгсиз чолғучи, бу дунёнинг катта-ю кичик мўъжизалари кўрки»<sup>2</sup>, деб таърифлаганди. Саройда куп сонли созанда-ларнинг сақланиши, уларнинг ҳордиқ чиқариш, тантана ва байрамлари ташкил этишдаги аҳамияти, халқ чолғулари ижрочилиги аҳолининг турли табақалари орасида кенг тарқалганлиги ҳақида тахминини тулиқ асослайди.

Дарвиш Алининг гувоҳлиги яна шуниси билан қимматлики, у қайд этган чолғуларнинг каттагина қисми (най, сурнай, чанг, қонун, рубоб, танбур, ғижжак, қобиз, доира, ноғора, уд). Ўрта Осиёнинг Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа республикаларида, шунингдек Озарбайжонда бизнинг кунларгача сақланиб келди ва у такомиллашмоқда. Ушбу мусиқа чолғулари узок вақт мобайнида ўзбек халқининг маданий турмушидан мустаҳкам ўрин олиб, унинг маданий ҳаётида кенг қўллавиб келинган. Шундай экан, бу чолғуларни ўзбек халқ чолғулари, деб аташ ўринлидир.

Феодал шаҳарларнинг ижтимоий турмушида ҳар бир мусиқа чолғусининг муайян вазифаси бўлган. Зиёфат, базм ва йиғинлар (шоирлар мажлиси) да одатда торли чолғулари, дамли чолғулардан най, баъзан бўламон, урма чолғуларидан доира ва ноғора чалинган.

Дарвиш Али ўша замоннинг буюк халқ чолғучилари ижро этган кўп қисми, туркум мусиқий асарлар — мақомларнинг катта аҳамияти ҳақида сўз юритган. Ўрта аср Шарқ олимларининг асарларида мусиқий чолғулар, улар яратган маънавий ва маданий муҳит ҳақида тарихий маълумотлар етарли баён қилинган, аммо уларда у ёки бу халқ чолғуларининг техник ва бадний имкониятлари ҳақида маълумот жуда оз. Рисолаларда таъкидланишича, ижрочилар айнан ўзига хос ижрочилик амалиёти асосида мусиқа назариясини ишлаб чиқишган ва халқ чолғуларининг мавжуд шакллари таърифлашган.

<sup>1</sup> Ноғора хона — ноғора ва дамли чолғуларида куй чалаётган пайтда ижрочилар жойлашган хона.

<sup>2</sup> Семенов А. Среднеазиатский трактат по музыке Дарвиша Али, Ташкент, 1946.

Мўғуллар истилоси даврида (XIII аср) Урта Осиёнинг маданий ҳаёти бироз орқага кетиш бўлди ва фақат соҳибқирон Темур Урта Осиёни бирлаштиргач, санъатнинг турли соҳалари яна раванқ топа бошлади. Темур ўз пойтахти Самарқандда меъморчилик ишларига катта эътибор берди. Самарқанддан ташқарида ҳам бир қанча меъморчилик обидалари қад кўтарди (Шахрисабз, Ясса шаҳарларида). Самарқандда олинган маданий марказлардан турли касб усталарини, шумлидан, чолғучиларни (чолғулари билан бирга) олиб келди.

Халқ чолғулари халқ оғзаки ижоди ва классик адабиёт билан яқин боғлиқликда ривожланди. Халқ чолғулари ҳақидаги тасаввурларнинг бадиий асарлардаги мусиқа чолғулари ифодалари, китоб миниатюраларидаги чолғучилар тасвири бойитади. Фирдавсий, Саъдий, Анварий, Насимий, Фузулий, Бейҳақий, Деҳлавийларнинг асарларида ҳам кўп эътибор халқ чолғуларининг номи зикр этилган.

Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари (XIV аср) мусаввир Муҳаммад Муқдум Хисрав олдида уд чалаётган VI аср чолғучиси Барбаднинг тасвиридан. Асардан чолғуларнинг икки гуруҳга — хонаки чолғулари (чанг, руд, лютня, флейта, най) ва шовқин дамли чолғулари (карнай, танбирлар, бубен, барабан, гонг) га бўлинганлиги маълум бўлади.

Абдул Фазл Байҳақий (XIV аср) асарларида торли мизробли (руд, барбад, танбур) дамли ва урма зарбли чолғулар (карнай, литавра ва барабан) сингариларининг номлари келтирилган.

XIV аср охири XV аср бошларида Урта Осиёда адабиёт ва санъат, шумлидан мусиқа темурийлар ижтимоий ҳаётида (айниқса Самарқандда) муҳим ўрни тутган. «Зафарнома» нинг бир миниатюрасида Темурнинг сафарга чиқишини акс эттирган бўлиб, унда дутор чолғуси тасвирланган. Бошқа бир суратда эса карнайчи қалъа девори устида туриб Темур қўшинлари ғалабаси ҳақида жар солаётганлиги акс эттирилган.

Самарқандлик хонанда ва созандалар эл орасида ҳақли равишда шухрат топганлар. Улар юксак ижрочилик маҳоратига, ранг-баранг репертуарга эга бўлган истеъдодли мусиқачилар сифатида таърифланганлар. Уша даврнинг тарихчиларидан бири Ҳофизий-Абру ёзади: «Шира овозли қўшиқчи ва моҳир чолғучилар форс тарафлари арабча оҳангларда туркийчасига, мўғулча овоз билан Хитой қўшиқлари қонунчиларига ва олтойликлар ўлчамларига мувофиқ чалишган, куй-деганган».

XV—XVII аср миниатюраларида чанг (арфа), доира, лютня, барбад, уд, қонун, гижжак, соз, най, рубоб, танбур каби чолғулари тасвирланган. «Шоҳнома» нинг XV аср ўрталарида кўчирилган нусхасидаги миниатюра парчасида чанг, уд, танбур ва рубоб чолғулари акс эттирилган. Урта аср миниатюраларида най халқ чолғулари хонаки ансамбли таркибида тасвирланган. Бу чолғунинг жозибали оҳангидан баҳрамаланган Жалолиддин Румий (XIII аср) унга бағишлаб «Най қўшини» шеърини битади:

Найнинг овозига қулоқ тут  
У не ҳақда ғам чекар, йиғлар:  
Мангу ҳижрон, ўтмиш аламин

Унутолмай дилларни тирнар:  
 «Қамишзорда бешафқат чўпон  
 Келганида мени беомон  
 Ошиқларнинг оҳи-ёшларн  
 Сингиб кетди танимга тамом  
 Азоб ичра қолган бўтамга  
 Умр бўйи қайтмоқ истайман  
 Мангу висол армон азобин  
 Кўнгилларга айтмоқ истайман»<sup>1</sup>

XIV—XV аср миниатюраларида чолғулардан ташқари қарсак журлигида ижро этилган рақслар ҳам тасвирланган. Чанг, лютня, уд каби мусиқа чолғулари ҳақида Низомий Ганжавийнинг «Хамса» асарн қулёзмасида ифода этилган расмлар гувоҳлик беради. Келтирилган маълумотлар, яъни миниатюраларда ифодаланган мусиқа чолғулари ўша давр мусиқа шакллари ҳақида қимматли маълумот беради.

Маълумки, Шарқ адабиётида ўтмишда шоирлар асарларига жавоб ёзиш «назира» системаси кенг қулланилган. Куплаб «Хамса» лар ҳам шу йўсинда яратилган. Навоий ўзининг «Сабъан сайёр» («Хамса» дostonларининг бири) дostonида Баҳром Гур ҳақидаги қадимий афсонани янгича талқин этди. Унда анъанавий воқеалар тизмаси кенгайтирилган ва бойитилган. Асар қаҳрамони — чанг чолғучиси Дилором деб аталган. Шоир унинг чолғусини мусиқа тимсоли сифатида тавдалантирган.

Заҳририддин Муҳаммад Бобурнинг (1483—1530) эътироф этишича, Алишер Навоий ўз даврида кўплаб уд чолғучилар, пайчилар, гижжакчилар, чангчиларнинг ўз истеъдодларини намоён этишига кўмаклашган «Бобурнома» да ўзбек халқ чолғулари ижрочиларининг номлари зикр этилган. Бобурнинг таъкидлашича, «Устод—қул Муҳаммад Шайбони ва Ҳусайн уддий каби моҳир чолғучилар Бек (Навоий) нинг бевосита ёрдами ва ҳомийлигида катта шуҳрат қозондилар, улкай муваффақиятларга эришдилар»<sup>2</sup>. Бобур шунингдек, Шоҳ Қуллий-Ғижжакий, Ҳусайн Уддий, Хўжа Абдуллоҳ Марварид Қонуний каби моҳир ижрочиларни ҳам тилга олади. Навоий даврида най, уд, гижжак, қонун, карнай, сурнай, ногора, доира, чанг ижрочилиги кенг тарқалган эди. Уларнинг ҳаммаси ансамбль ижросида ҳам, якка ижрода ҳам бирдек қўлланилган. Чанг якка чолғу сифатида алоҳида ажралиб турган.

Навоий чангни шоирона тил билан қуйидагича тасвирлайди:

Сарв қад олса эрди майдин ком  
 Настарани чу айлабон гулфом.  
 Чанг олиб торини тузор эрди,  
 Лек жон риштасин узор эрди.  
 Демагил чанг, солики ҳам қад,  
 Чанг қадлар била бўлуб ҳамқад  
 Бўлубон ул сулукдин мухбир,

<sup>1</sup> Ўзбек поэзияси антологияси. М., 1950, 51-б.

<sup>2</sup> Восточная миниатюра. Тошкент, 1980, 99-бет.

Бош қуйилиқда бўлмоғи зокир.  
 Ердин олмай қадам, юругали йўл,  
 Лек ўлуб сойирн мақомот ул.  
 Чун ибодатға қоматин хам этиб  
 Икки-уч ерда белин маҳкам этиб.  
 Дема солиқ, дегил хароботий,  
 Савтидин дайр эди мубоҳоти.  
 Қургузуб дайр сори йўл элга,  
 Неча зуннор боғлабон белга.  
 Ҳар қачон уи чекиб, тарона тузуб,  
 Базм аро нағмаи муғона тузуб  
 Ҳар қаён ул муғона нағма бориб,  
 Элни йўқ динки, ақлдин чиқориб  
 Йўқки, қақнус дурур намудори,  
 Косасидин ажуба минқори.  
 Суқба минқори ичра сар то сар,  
 Ки бўлуб анда торларға гузар.  
 Тор ила нағма беадад бўлубон,  
 Тор йўқ, нағмаларға мад бўлубон.<sup>1</sup>

Чанг энг кенг тарқалган чолғу сифатида кўплаб адабий манбаларда қайд этилади. Чанг чолғучиларини ўз асарларида Фирдавсий—Озоли, Навоий—Дилором, Низомий эса Фитна деб аташган.

XV—XVII аср ёзма ёдгорликлари маълумотларини қиёслаб шундай ҳудосага келиш мумкин, яъни бу даврга келиб Ўрта Осиёда халқ чолғуларида ижрочилик маданияти ўз камолотиغا етди. Ўзбек халқ чолғуларини ижрочилари айни чоғда ўзлари ҳам мусиқа асарлари яратганлар. Уша пайтдаёқ моҳир чанг, уд, гижжак, қонун, най, танбур, бўламон ижрочилари ва етуқ хонандалар бўлган, улар ўзига хос ансамбллар тузишган. Шунингдек, яққанавоз ижрочилик ҳам ривожланган.

Шаҳар ҳунармандларининг мусиқавий фаолияти сезиларли даражада кенгайди. Кўпчилик ижрочилар ҳунармандлар орасидан чиққан бўлиб, чолғучилик касби улар учун «юқори» табақа жамиятига йўл очган. Уларни тез-тез сарой тантана маросимларига жалб этишган. Восифий ўз «Эсдаликлар»ида уд, най, гижжак, танбур, қонун, қобиз чалинида юксак маҳоратга эришган ва шу орқали мажлисларнинг матлуб қатнашчиларига айланган ҳунармандларнинг номларини келтирган. Назм ва мусиқа мажлисларнинг кўрки бўлган. Бу ерда ҳозиржапонлик, қўшиқ, айтиш, бирор-бир мусиқа асбобини чалиш лаёқати юқори баҳоланган. Ёш ижрочилар учун бу ўзига хос кўрик-мусобақа бўлган. Шунинг учун улар бир ёки бир неча мусиқа чолғуларини чалишда бир-биридан ўзишга интилишган (2-расмга қаранг).

Восифий ўз «Эсдаликлар»ида трелдек ажойиб услуб ўйлаб топган қонун чолғучи Ҳожини Абдулло Марварид номини келтиради. У басталиган куй ва қўшиқлар халқ орасида кенг тарқалган. Восифий шунингдек Ҳасан най, Қул Муҳаммад уддий, Аҳмад гижжакий, Али Қучоқ танбурий каби чолғучиларнинг номини қайд этган. Шундай келиб, XIV—XVII аср тасвирий санъатида яна адабий меросидан

<sup>1</sup> Навои А. Семь планет. Собр. соч., 6-жилд, Тошкент, 1964, 58-бет.

узоқ ўтмишга бориб тақалувчи мусиқа чолғулари асосий типларининг барқарорлигини тасдиқловчи бой материал берилган. Ва ниҳоят, Те-мурийлар даври ва кейинги икки юз йиллик давр китоб миниатюраси халқ чолғулари ансамблининг қуйидаги икки тури бўлганлиги ҳақида шаҳодат беради:

1) дойра ва най жўрлигида чертма торли ансамбль (хонаки тип-даги);

2) дамли ва урма зарбли чолғулар (карнай, сурнай, бўламон, дойра, поғора) ансамбли.

Ансамблининг иккинчи типи кўп ҳолларда ҳарбий оркестр сифати-да фойдаланилган. Буни қуйидаги сатрлар тасдиқлайди: «Карнай ва дўмбралар чалинди, саф тортган сипоҳилар бир овозда уч карра ҳарбий хитобни такрорладилар»<sup>1</sup>.

Чолғу асарлари ичида содда халқ куйлари ва асарлари (нақшлар ва пешравлар) билан бир қаторда йирик профессионал ижод шаклла-ри ҳам кенг тарқалган эди. Бобур эсдаликларида ёзишича, Навоий дав-ридаги кўплаб ижрочилар шунга ўхшаш чолғу асарлари (мақомларнинг мушкулот қисми назарда тутилган) яратишган<sup>2</sup>.

Ўрта Осиё олимларининг мусиқа ҳақидаги рисолалари, бадий ада-биёт, рассомчилик бизнинг кунларгача етиб келган ўзбек халқ чол-ғулари тарихий тараққиётининг узун занжиридаги айрим узилган ҳалқаларини қайсидир даражада тиклаш имконини беради. Мусиқа чолғулари ясовчи халқ усталари бир парча ёғочга, қамишга, суякка «жон» ато этишган, бу уларга абадийлик бағишлаган. Неча юз йил-лар ўтди, мусиқа чолғулари эса якка, ансамбль ва оркестр ижрочили-гида ўз ўрнини эгаллаб, бугунги кунгача яшаб келмоқда.

XVII—XIX асрларда чолғулар батафсил таърифланган йирик асар-лар яратилмади. Бу кўпроқ, феодал тарқоқлигининг кучайиши билан боғлиқ. Улкан давлат айрим-айрим хонликларга бўлиниб кетади (Бу-хоро, Хива, Қўқон хонликлари). Бу эса мусиқа санъати тараққиётида акс этмай қолмади. Ўзбек мусиқа маданияти маҳаллий хусусиятлар касб эта бошлади. Ўзига хос мусиқа чолғулари шаклланди. Мусиқа турларидан мақомлар бундан буён ҳар бир хонликда ўзига хос йўна-лишда такомиллашди. Мақом ижрочилари зарурат юзасидан ўзгариш-лар киритишди. Шунга қарамай, мусиқанинг умумий хусусиятларини сақлаб қолишди. Ҳар бир ижрочи мақом ижросига ижодий ёндашиб, мусиқа ижросига ўзига хос такрорланмас жиҳатларини киритди. Оғзаки тарзда чолғуларни сақлаб қолиш анъанаси мақомнинг асосий хусуси-ятларидан бири бўлиб, бусиз унинг яшаб қолиш ва сўнгги тараққиё-тини тасаввур этиши қийин. Ҳар бир хонликда ўзига хос бир йўналиш-да халқ мусиқасининг янги турлари яратилди: Байрамона куйлар, халқ томоша санъати куйлари (дорбозлик, қўғирчоқбозлик), янги типдаги рақс куйлари. Бу куйлар ўзининг қувноқлиги, шўхлиги билан бир-би-ридан фарқ қилиб турган ва кенг халқ оммасини ўзига жалб этган.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида ўзбек мусиқа маданиятида халқ ва профессионал мусиқа санъатининг қуйидаги кўплаб янги тур-

<sup>1</sup> «Бобурнома», Тошкент, 1948, 100-бет.

<sup>2</sup> «Бобурнома», Тошкент, 102-бет.

лари такомиллаша бошлайди: катта ашула, катта ўйин, Шодидан, Наврўз, Мавригий, Шашмақом, Чормақом (унга Дугоҳ Хусайний, Чоргоҳ, Баёт, Гулери—Шаҳноз кирган). Жойларда мавжуд мусиқа чолғулари ва ижрочиларга боғлиқ ҳолда турлича чолғу ансамбллари тузилган. Кўп ҳолларда халқ чолғулари ансамбли таркибига гижжак, танбур, дугор, чанг, най, қўшнаёй, доира каби мусиқа чолғулари киритилган.

Мусиқачиликда олти туркум асарлардан иборат Шашмақом айниқса машҳур бўлган. У Урта Осиё халқлари сунта (туркум) шаклидаги профессионал мусиқасининг узоқ тараққиёти натижасида вужудга келган. И. Ражабов ёзади: «Шашмақом олти хил турли лад системаларидан иборат, уларнинг ҳар бири ўз навбатида мушкулот (чолғу) ва наер (ашула) бўлимларидан иборат бўлган қуйидаги мақомларга (қисмларга) бўлинади: «Рост», «Бузрук», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Ироқ», ... Ҳар бир мақом 20 тадан 40 тагача катта-кичик қисмларни ўз ичига олади. Ҳаммаси бўлиб туркумда 250 га яқин мушкулот ва наер қисмлари бор. Бир мақомнинг ижроси бир неча соат давом этади»<sup>1</sup>.

Мақомлар асосан сарой аъёнлари ҳузурда муайян вақтда ёки муайян шароитда ижро этилган. Хатто моҳир қўшиқчиларнинг ўзига хос мусобақаси (айниқса авжларни ижро этишда, шунингдек, янги қисмларни тўқишда) ташкил этилгани маълум.

XIX аср охири — XX аср бошида машҳур хонанда ва созандалар Домла Ҳалим Ибодов, Уста Шоди Азизов, Леви Бобохонов, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Содирхон Бобошарипов, Бобоқул Файзуллаев, Шоназар Соҳибов, Фазлиддин Шаҳобовлар Шашмақомга янги ҳаёт бахш этишди.

Ўзбек халқ чолғуларининг ижрочилик имкониятлари доимо кенгайди ва такомиллашди. Турли хил халқ чолғу ансамблларининг ташкил этилиши, яққанавоз чолғучиликнинг ривожланиши мусиқа усталаридан чолғуларни янада мукамаллаштиришни талаб этди. Бироз вақтдан сўнг халқ мусиқаси ансамблларида қашқар рубоби ва чанг сингари чолғуларнинг овози янгитдан янгради.

XIX асрда ижрочилик амалиётида най, қўшнаёй, сурнай, карнай, бўламон, чанг, қашқар рубоби бухоро (афгон) рубоби, танбур, дугор, дўмбра, гижжак, сато, доира, қайроқ, сафойил каби чолғулар мустаҳкам ўрин олди.

Чолғу ижрочилик санъати тарихида ҳам XIX аср бир қатор мусиқа усталарини етиштириб чиқарган давр бўлди. Булар: Тўйчи Ҳофиз, Шораҳим Шоумаров, Шобарот танбурчи, Абдусоат дугорчи, Уста Усмон Зуфаров (Тошкент), Рустамбек (Андижон), Ашурали Маҳрам, Абдуқодир найчи, Аҳмаджон қўшнаёйчи (Қўқон), Абдулла Тарак, Рўзиматхон чангчи (Наманган), Уста Масид доирачи ва чангчи Уста Олим Комилов, Юсуфжон Қизиқ (Марғилон) ва бошқалардир. Бу санъаткорлар ўзбек халқ мусиқаси хазинаси бойликларини сақлаб қолишда, ёш истеъдодларни тарбиялашда, қадимий чолғуларнинг турмушини такомиллаштириш ва янгиларини яратишда катта роль ўйнашди. Янги мусиқа чолғулари секин-аста турмушга кириб келиб, ўтган юз йиллик охирида ансамбллардан мустаҳкам ўрин олди. Мусиқа чолғучилар томонидан қўшиқ ва рақсларга жўр ҳолда ҳам кенг

<sup>1</sup> Ражабов И. «Мақомлар масаласига доир». Тошкент, 1963.

Фойдаланишдан, оҳангларнинг таъсирчанлигини метроритмик безак кочиримлар билан тўлдирилди.

### 1860—1917 йилларда ўзбек халқ чолғулирида ижрочилик санъати

XIX асрнинг 60—70-йилларида Тошкент, Москва, Петербург чолғу-чиларининг маҳаллий ижрочилар — мусиқа ихлосмандлари иштирокида концерт фаолияти фаоллашган йирик маданий марказга айланди.

1877 йилдан бошлаб Тошкентга, кейинроқ Самарқандга, Фарғонага ва бошқа шаҳарларга стук мусиқа жамоалари, гастролёрлар ва дра-матик гуруҳлар ташриф буюра бошлашди. Рус чолғучиларининг демо-кратик анъаналари Туркистонда байналмилал алоқаларнинг урнати-лишига кўмаклашди ва Октябрь инқилобининг галабасидан кейинроқ теъда Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳар-ларида касбий мусиқий ўқув юртларининг ташкил этилишида маълум даражада асос бўлиб хизмат қилди.

Ўтган асрнинг 70—80-йилларидаги Ўрта Осиё тубжой аҳолисининг ҳаёти (оилавий турмуш тарзи, урф-одатлари, мусиқачилик аҳволи, маросимлари) рус ва хорижий этнографик-фольклоршуносларининг диққатини ўзига жалб этган. Халқ маданиятининг таркибий қисмига кирган халқ чолғуларига бўлган қизиқишнинг боиси ҳам шунда. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиёга келган этнограф ва сайёҳлар Туркистон ўлкасининг халқ мусиқасини ёзиб олишда (нота-лаштиришда) муайян ишлар қилишди, бунда улар халқ чолғуларини ўрганишга алоҳида эътибор беришди. Улар ўз ижодий ишларида муси-қанинг ўта оммавийлигига, унинг халқ ҳаётида муҳим роль ўйнашига аҳамият беришди.

Мазкур манбалар туфайли биз мусиқа санъати мундарижаси, иж-рочилик турлари, мусиқа анъаналари, чолғуларининг таърифлари, ўз-бек халқ куйларининг нота ёзувлари ҳақида маълумотларга эга бўл-дик.

А. Вамбергнинг «Шарқ ҳаёти ва ахлоқи ҳақида очерк» (СПб, 1877), В. Наливкин ва М. Наливкиналарнинг «Фарғона ўтроқ тубжой аҳолиси хотин-қизларининг турмуши ҳақида очерк» (Қозон, 1886 йил), Н. С. Ликошинининг «Ярим умр Туркистонда» (СПб, 1917) китобларида ва бошқа асарларда халқнинг бой бадиий меросига, анъаналарига, ўз-бек халқ чолғуларининг аҳволига муайян ўрин ажратилган. А. Вамберг халқ чолғуларидан коллекция тўплади. Таркибига И. И. Зарубин, И. И. Рачинский, К. Н. Росъет, А. Н. Самойловичлар кирган этнограф-лар гуруҳи Ленинград музейи учун «Халқ мусиқа асбобларининг тўлиқ коллекцияси» ни тузишди.

Туркистон ўлкасининг таниқли тадқиқотчиси В. И. Массальский ёзади: «Мусиқа чолғулари (датор ва қобиз) ни деярли барча хопа-донда учратиш мумкин эди...»<sup>1</sup>. Бу шундан далолат берадики, халқ турмушида оилавий мусиқачилик кенг тарқалган бўлиб, чалишга эса эшитиш қобилиятига асосланиб ўргатилган.

<sup>1</sup> Туркистон ўлкаси. СПб, 1913, 395-бет.

Н. С. Ликошиннинг гувоҳлик беришича: «Тошкентда янги, нотанин тусан, цимбалга ўхшаш кўп торли мусиқа асбобида икки хивчин ёрдамида содда куйлар чалувчи тунганлик киши пайдо бўлди: Уни фаробий янгилик сифатида тўхтовсиз йиғинларга таклиф эта бошлашди. Кейин маҳаллий чолғучилардан бири тунгандан чангни сотиб олиб, шифақат унинг қўшиқларини, балки бошқа кўпгина, соф миллий куйларни ҳам чала бошлади. Бу тингловчиларда ўта ёқимли таассурот қолдирди. Шундан буён цимбалчи торли оркестр таркибида барча йиғинларга таклиф этила бошланди»<sup>1</sup>.

1917 йилга қадар тўпланган мусиқа чолғулари коллекцияларининг ичи бий Сирдарё вилояти мусиқа хорининг ҳарбий капелмейстери А. Ф. Эйхгорникидир<sup>2</sup> (ўша пайтда ҳарбий оркестрлар шундай аталган). У қарийб барча ўзбек халқ чолғуларини тўплаган, Эйхгорн уларни қуйидагича таърифлайди: Икки буралма торли, ярим нок шаклидаги дуторни у лютнялар гуруҳига, ғижжакни уч торли (форс камончасига ўхшаш) торли камончали чолғулари гуруҳига, рубобни эса (бухоро ёки афғон рубоблари пазарда тугилган) мандолиналар гуруҳига киритган. Муаллиф сурнайни қамиш пуфлагичли қадимий дамли чолғу, қўшнайни қўш қамишли флейта (Эйхгорннинг таъкидлашича, бундай флейта (қўшнай) ларда ўзбеклар қўшиққа моҳирона жўр бўлишган, қарнайни эса тантанали маросимларда, ҳарбий юришларда хабар берувчи воситачи, яъни тўғри шаклга эга бўлган, Ўрта Осиё аҳолисининг ҳарбий бурғуси деб таърифлайди. Чирманда (доира) ни мусиқашунос қадимий мисрликларнинг қўл литавраларини эслатувчи четларда халқалари бўлган ногопача (тамбурин) каби қўшиқ ва рақс оҳанглирига жўрликда қўлланилувчи мусиқа чолғуси деб таърифлайди. Ногорани Эйхгорн икки кичик сопол хурмача ва икки урма таёқчадан иборат, деб таърифлайди. Сафойилни у Қашқардан келтирилган халқалари кўринадиган шиқилдоқлар гуруҳига киритади. Мусиқашунос этнограф чангни қизларнинг севимли чолғуси деб атайди. Эйхгорннинг коллекциясида танбур уч торли нохушли мусиқа чолғуси, най, сарбоз най Миср ёлгорликларига учраган қадимий чолғулар сифатида келтирилган.

Айтиш мумкинки, А. Ф. Эйхгорн ҳар бир мусиқа чолғусига батафсил таъриф берган XIX асрнинг иккинчи ярмидаги илк фольклоршунослардан биридир. У мусиқа назарий илми ва фольклорига катта ҳисса қўшган.

Ўзбек куйларини машҳур ҳарбий капелмейстр В. В. Лейсек ҳам помага ёзиб олиб, улар асосида дамли чолғулар оркестри учун «Осиё попурусиси» пьесасини ёзди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ликошин Н. Полжизни в Туркестане СПб, 1917, 328-бет.

<sup>2</sup> Август Федорович Эйхгорн. 1844 йил Австриянинг Ласниц шаҳрида туғилган, скрипкачи, бастакор, у 1870—1883 йилларда Тошкентда яшаб, ишлаган.

<sup>3</sup> Лейсек В. В. Туркистонга 1878 йил келган. Чех бастакори ва дирижёри. Рус ва Европа куйларининг фаол тарғиботчиси. Тошкентдаги «Лири» хор жамиятининг асосчиси ва бевосита раҳбари. Рустам Ҳофиз, Ҳамроқул Қори, Қурбонбой Ҳожи, Ҳотам Қори, Эрка Қори ва бошқа чолғучилар, хонандалар билан яқиндан ижодий ҳамкорликда бўлиб, 400 га яқин ўзбек халқ куйлари ва қўшиқларини ёзиб олган. Улар орасида «Қаримқулбеги», «Истамбул марши», «Мустаҳзод», «Уфори», «Қашқарча» каби асарлар бор.

Ҳарбий капельмейстерларнинг маърифатчилик фаолияти маҳаллий зиёлиларга рус ва жаҳон мусиқаси намуналари билан танишиш имконини яратди. Шу билан бир вақтда театр ва мусиқа санъати бўйича ҳаваскор тўғараклар вужудга келди. Бу кишиларнинг кўпчилиги ҳаваскор тўғаракларни бошқариш, улар фаолиятини йўналтириш, оммада эстетик дидни тарбиялаш учун зарур бўлган касбий мусиқий билимга эга эдилар.

1884 йилда Тошкентда Эйхгорп ташаббуси билан «Мусиқа жамияти» ташкил қилиниб, Н. Шлетинский бу жамиятнинг биринчи раиси бўлди. Халқнинг мусиқавий маърифатини юксалишига ёрдам кўрсатган Л. А. Шадуренский ва Н. Л. Трусовлар жамиятнинг фаол аъзолари эдилар. В. В. Лейсек ҳам жамият ишларида жуда фаол қатнашди. Ҳарбий капельмейстерлар нафақат халқ куйларини ёзиб олиш, балки мусиқа чолғуларини тўплашга на айна пайтда халқ чолғуларида ижро этиш маҳоратига ҳам шубҳасиз ҳисса қўшишди. Маълумки, XIX асрнинг 80-йилларида Тошкентда «оркестр»<sup>1</sup> тузилган эди. У ўзбекларнинг халқ мусиқасини Нижний Новгороддаги Бутуироссия қишлоқ хўжалик кўрғазмасида (1896 й) намойиш этиш мақсадида тузилган эди.

Шундай қилиб, 1896 йилни ўзбек халқ чолғуларининг республика ташқарисидagi ташвиқотига асос солинган, яъни биринчи ўзбек халқ чолғулари миллий оркестрининг ташкил топган йили, деб ҳисоблаш мумкин.

«Оркестр» — (ансамбль) репертуарига «Қаримқулбеги», «Роқ», «Машира», «Ялла-ялла» ва бошқа халқ куйлари киритилган эди.

Ўзбек халқ чолғулари «Оркестр» нинг Нижний Новгороддаги чиқишларига берилган баҳоларнинг баъзилари сақланиб қолган. Улардан бирининг муаллифи М. Горький: Бу «ўзига хос ўта оригинал, қарийб нотанишдек»<sup>2</sup> деб қайд этган эди.

Кўрғазмада XIX аср охирида халқ орасида мавжуд бўлган чолғуларнинг барча турлари бир печа залларда намойиш этилган. Уша даврнинг машҳур мусиқа тарихчиси Н. Ф. Финдейзен: «Урта Осиё бўлими чолғуларга энг бой бўлим эди. Бу ерда торли ва урма зарбли чолғуларнинг яхши нусхаларини учратиш мумкин»<sup>3</sup>, деб ёзган эди. Таниқли мусиқашунос Т. Визго «Нижегород кўрғазмаси Марказий Россия аҳолисининг турли табақаларини Урта Осиё қудуди чолғулари билан таништиришни бошлаб берди»<sup>4</sup>, деб таъкидлаган эди.

Бу давр Туркистон ўлкаси мусиқий ҳаётида бошқа ижобий воқеалар ҳам юз берди. Урта Осиёга Онрўло чолғулари кириб кела бошлади (симфоник оркестр, дамли ва урма зарбли чолғулари оркестрининг мусиқа чолғулари, фортепьяно, дўмбира пазарда тутилган). Хоразмда Россиядан келтирилган гармоника пайдо бўлди. Фарғона водийси ва Тошкентда чолғучилар гижжакни скрипка билан алмаштира бошла-

<sup>1</sup> Бундай номланиш ўта шартли. Аслини олганда бу гижжак, танбур, афгон рубоби, дўтор, сурнай, бўламон, кўшнай, карнай, доира, ногора, чанг каби турли мусиқа чолғуларидан иборат чолғу ансамбли эди.

<sup>2</sup> Горький М. «Об искусстве». М. — Л., 1940, 63-бет.

<sup>3</sup> Финдейзен Н. Всероссийской выставки Нижнем Новгороде. Русская музыкальная газета, 1896, 26 сентябрь.

<sup>4</sup> Визго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии. М., 1980, 168-бет.

дилар. Ўзбек чолғулари ижрочилиги бошқа халқлар мусиқа маданияти ютуқлари билан ҳам бойиди. Дастлаб бу рус ҳаваскорлари жамиятлари уюштирган дамли ва урма чолғулар оркестрлари концерт репертуарларини ҳамда мусофир машшоқлар чиқишларини ўзлаштириш шаклларида намоён бўлди.

XIX асрнинг 80—90-йилларида барча ҳарбий қисмларда дамли чолғулар оркестрлари мавжуд бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида кўргазмалар, ярмаркалар, таптаналар каби турли хил жамоат тадбирларида хизмат қилишган. Уларнинг чиқиш дастурларида «Карапет», «Севаман, севаман, Мамажон», «Манжурия тепаликларида», «Ватанин қўмсаш», «Булғор қиз» каби қўшиқлар, русча, украинча, белорусча рақс куйлари бўлган. Улар ўзбек халқ чолғулари ижрочилари репертуарига ҳам кирган.

Айни пайтда бундай пьесалар ўзбек халқ мусиқа асбоблари имкониятларидан келиб чиқиб, русча оҳангга баъзи ўзгартиришлар киритилган янги вариантлари кенг қўлланилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди: янгидан-янги шакллар пайдо бўлди. Халқ ижрочилиги анъаналари асосида янги, писбатап мураккаб ва мукаммал, халқ ҳаётининг турли томонларини ёритувчи куй ва қўшиқлар яратила бошланди. Таниқли дуторчи, танбурчи, доирачи, найчи, сурнайчи, бўламончи, гижжакчи қашқар ва афғон рубобчилари пайдо бўлди. Халқ чолғулари мусиқа ихлосманчлари орасида кенг ёйилди. Улар «Наврўз» байрамларида ва шу сингари халқ сайллари ва томошаларида, ҳосил байрамларида фаол иштирок этдилар.

Мусиқа ижрочилиги саъятида мақом жанрини тиклаш ва ривожлантириш давом этди. Мақом ўзининг оҳанг ва ритм қонуниятларига кўра халқ қўшиқлари билан узвий боғлиқ бўлиб, фақат қамровининг кенглиги билан фарқланар эди. Одатда ҳар бир мақом икки катта қисмга бўлинган. Биринчиси — фақат чолғуларда ижро этилган қисми бўлиб, мушкулот деб аталган; иккинчиси — чолғулар жўрлигида айтиладиган ашула қисми бўлиб, у наср деб аталган. Наср ўз ичига рақс куйи — уфори ҳам олган.

Чолғучилар орасида мусиқа товушларини ёзиб кўрсатадиган махсус белгилар системаси (нотация) яратишга интилиш пайдо бўлади. Бунинг амалга ошириши шоир ва мусиқачи Паҳлавон Ниёз Мирзабоши (Комил Хоразмий 1825—1879) га насиб этди. Истеъдодли мусиқа ижрочиси, моҳир танбурчи ва гижжакчи Паҳлавон Ниёз Мирзабоши саёдат чоғида нота бўйича куй чалаётган чолғучиларни кўриб ҳайратга тушди. Мирзабоши — Комил Хоразмий Хоразмга қайтиши биланоқ илгаридан дилига тугиб юрган нияти — мақомларни ёзиб олишга илҳом билан киришди.

Чолғучи танбур чизигида жойлашган, ладлар миқдорига мувофиқ равишда ўзида 18 бўйлама чизиқни мужассам этган табулатура ёзиғи — «Хоразмча танбур нотацияси» ни кашф этди. Ладни босиш жойи нуқталар билан белгиланди. Чизиқ ўстидаги ва остидаги нуқталар билан танбур торларини усти ёки остидан чертиш сони ифодаланган. Бу Хоразм танбур нота ёзуви ўнгдан чапга ўқилган. Муаллиф Хоразм олтинчи мақомининг биринчи мақоми «Рост» ни чолғу ва айтим йулларини

ёзиб олади. Бу ишларда ўғли Мирзо Матрасулбой яқиндан ёрдам беради. Мадраҳимхон (Ферузанинг) ёрдамида машҳур хаттотлар томонидан нусхалар кўпайтирилади. Нусхалардан биттаси Абу Райҳон Беруний помидаги Шарқшунослик институтинда сақланиб келмоқда. Мукаммал бўлмаса-да, бу янги нота ёзув услуби ижрочилик тарихига мусиқа меросини ёзиб олиш ва сақлаб қолиш йўлидаги илк уриниши сифатида кирди. Нотация муаллифи катта мусиқа арбоби ва ўқитувчиси ҳам эди. Худойберган Мухркан, Худойберди Маҳсум, Бобожон бўламанчи, Муҳаммад Расул Мирзо, Матёқуб Харратов, Матниёз Юсуфов ва кўпгина бошқа таниқли созанда ва хонандалар ундан дутор, танбур, гижжак, бўламан, сурнай, доира ва бошқа чолғулар чалишни ўрганишган.

Ўзбек халқ чолғулари ижрочилик тараққиётига хоразмлик созандалардан дуторчи Қамбар бобо, бўламанчилар Абдурахмонбек, Абдулла бўламан, Ёқуб бўламан, сурнайчи Шариф меҳтар, танбурчи Муҳаммад Ёқуб Харратов, Уста Худойберди, Ниёзхўжалар катта ҳисса кўшишган. Хоразмда гармончилардан Сафо Муганий, Хўжа Отажонов, Жуманиёз Хайитбоев ва бошқалар халқ орасида жуда машҳур эдилар.

Таъкидлаш керакки, нотация кашф қилинганлигига қарамай ўзбек халқ мусиқа чолғучилиги асосан кўп сонли ижрочилик санъати усталари томонидан яратилган анъанавий оғзаки усулда ривожланди. Мусиқа асарларига ижодий ёндашув эса ҳар бир ижронинг такрорланмас ўзига хос бўлишини таъминлади.

**Паҳлавон Мирзабоши Комилнинг шогирди Муҳаммад Ёқуб Харратов (1867—1939)** машҳур танбурчи эди. У нафақат чолғучилик санъатини, балки хаттотлик санъатини ҳам мукаммал эгаллаган эди. Истеъдодли чолғучи Комил Хоразмий раҳбарлик қилган сарой халқ чолғулари ансамблининг созандаси бўлган. Муҳаммад Ёқуб Харратов (Матёқуб Харратов) танбур нотациясини тузишда ва хоразмча мақомларни ёзиб олишда қатнашган. Устозидан хоразмча мақом туркумларини қабул қилиб, уларнинг сақланиб қолишига катта ҳисса қўшган.<sup>1</sup>

М. Харратов Россияда мавжуд бўлган нота илминини эгаллашни орзу қилган. У қатор истеъдодли ижрочиларни тайёрлаган, уста танбурчи сифатида ижрочилик маҳорати сирларини Маматсафо, Юнус, Асқар, Матюсуф Харратов, Матвано ота Худойберганов ва бошқаларга ўргатган (3-расмга қараи).

**Уста Худойберди (1868—1916)** — ўзининг юксак ижрочилик санъати билан тингловчилар ҳурматини қозонган моҳир танбурчи ва дуторчи. Мусиқа чолғучиси сифатида у Матёқуб Харратов, Абдулла Гулобий, Абдурахмонбек, Абдужаббор Маҳсум, Бобожон бўламанчи ва бошқалар Хоразмда машҳур чолғувчилар орасида ўсди. Унинг фаолияти Қўқонда ҳам кечган.

**Муҳаммад Раҳимхон (1806—1825)** саройида ишлаган машҳур танбурчи ва қўшиқчи Ниёзхўжа Хожининг ижодий ва ижрочилик фаолияти Хивада кечди. У Хоразм мусиқа маданиятига катта эътибор берди.

<sup>1</sup> 1934 йилда М. Харратов ижросидаги Хоразм мақомлари: «Наво», «Дугоҳ», «Ирок», «Бузрук», «Рост», «Сегоҳ», «Павжгоҳ» ёзиб олинган. Улар Романовская изоҳи билан «Хоразм классик мусиқаси» номи билан алоҳида китоб ҳолида нашр этилган (Тошкент, 1939).

Матқуб Харратовнинг айтишича, Ниёзхўжа Бухорога «Шашмақом»ни ўрганиш учун борган. У Бухородан қайтгач, бухороча мақомлар Хива чолғучилари томонидан ўзлаштирилиб, Хоразмда кенг тарқала бошладилар. Хоразмнинг машҳур чолғучилари Муҳаммадраҳим Феруз, Комил Хоразмий, Мирзо Муҳаммадрасул ва бошқалар Ниёзхўжа билан ҳамкорликда мақомларга янги чолғу бўлимлари қўшиб, уларни бойитдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўқон машҳур чолғучилар тупланган марказга айланди. Бу ерда Уста Худойберди раҳбарлигида ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик мактабини ўрганиш бўйича ўзига хос мактаб яратилади. Фарғона чолғучилари бухороча Шашмақомни фаол ўзлаштира бошлади.

Мақомлар ижросида хонандалар билан бир қаторда таркиби турлича бўлган ўзбек халқ чолғулари ансамбллари ҳам иштирок этди. Чолғулар ансамблига Бухорода танбур ва доира, Хоразмда эса дутор, ғижжак, бўламан, доира ёки танбур, гармон, рубоб, доира (унинг ёни қўшиқчи ҳам) кирган.

Фарғона ва Тошкент вилоятларида ансамбль 8—10 ижрочидан (най, қўшнай, чапч, рубоб, дутор, танбур, доира, ғижжак) иборат бўлган. Бундан ташқари 3—4 кишидан ташкил топган кичик ансамбллар (най, ғижжак, рубоб, доира ёки танбур, ғижжак, най ва доира, баъзан иккитадан чолғулар: икки танбур, икки дутор ёки икки ғижжак, икки рубоб ва бошқа) лардан иборат бўлган. Утган юз йилликнинг 80—90-йиллар бўсағасида ансамблларнинг асосий турлари шаклланган, улар таркибига янги чолғулар киритилган, чолғуларни темир имкониятларини кенгайтиришга, репертуарни фольклор асосида яратилган куйлар ҳисобига бойитишга уринишлар бўлган. Ижрочиликни такомиллаштириш мақсадида Бухоро, Хоразм, Қўқон шаҳарларида устозларнинг мактаблари сақлаб қолинди. Улар ўтган асрнинг ўрталарида тузилган бўлиб, сайлаб қўйилувчи оқсоқоллар уларга раҳбарлик қилганлар. Ширкатларда устоз-шогирдлик анъанаси ҳукм сурарди. Ҳар бир устоз бирор-бир чолғунини чалишни ўргатиш учун иқтидорли ўқувчиларни шогирдликка олиш ҳуқуқига эга эди, вақт-вақти билан улар синовдан ўтказиб турилар эди. Ижобий баҳо олган шогирдлар (ўқувчилар) ширкатнинг теги ҳуқуқли аъзоларига айланиб, мустақил ижрочилик ҳуқуқини олганлар».<sup>1</sup>

Ўз ичига сурнай, карнай, доира ва ногораларни олган дамли ва урма чолғулар ансамбллари хон саройларида, беклар ҳузурида хизмат қилишган. Бундай ансамблларга сурнайчи (меҳтар) раҳбарлик қилган. Бу касбнинг даромади яхши бўлган. Аммо ансамблнинг фаолияти мавсумий бўлиб, чолғучилар турли таътаналар кам бўладиган қиш мавсумида тирикчилик ўтказиш учун темирчилик, қурувчилик, дурдгорлик ва шунга ўхшаш иккинчи касбни эгаллашга мажбур бўлишган.

Тўрт дамли ва урма чолғудан (карнай, сурнай, доира, ногора) тузилган ансамбллар Тошкент, Қўқон, Фарғона, Андижон, Бухоро, Хоразм ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида турмушга жуда кенг ёйилган. Улар халқнинг ижтимоий ҳаётида (умумхалқ анъанавий бай-

<sup>1</sup> Вызго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии, 159-бет.

рамларида) ва оилавий ҳаётда фаол қатнашган. Айни пайтда якка чолғу асбоби — сурнайнинг имкониятлари ҳисобга олиниб, махсус ижрочилик репертуарлари («Сурнай Ироғи», «Сурнай Дугоҳи», «Сурнай Қаландарий», «Сурнай навоси» кабилар) анчагина шаклланган эди.

Бу ансамбллардан ташқари най, қушнай, чапг, дутор, танбур, гижжак, доиралардан иборат бошқа типдаги ўзбек халқ чолғулари ансамбллари ҳам мавжуд бўлган. Одатда бундай ансамблларга қўшиқчи ва ўйинчи (бачча) кирган. Улар чойхоналарда, тўйларда, базмларда хизмат қилишган. Бундай муסיқачиларни халқда «отарчи» деб аташган. Бу ансамбллар «Қаримқул Беги», «Рок», «Қашқарча», «Латифа», «Мустаҳзод», «Сувора», «Ялла», «Дилхирож», «Баёт», «Муножот», «Жонон», «Тановар», «Тарона», «Уфор». «Уфори мушкулоти сеғоҳ» каби яшула ва рақс куйларидан иборат турли репертуарларни ижро этишган. Бундай ансамблларнинг чойхоналарда ўтказган концертларида кўп сонли томошабинлар тўплалиниган. Чойхоналар ўзига хос концерт ўчоғига айланиб, қобилиятли ёшларни ўзбек халқ чолғу асбобларини чалишга ўргатиш мактаби бўлиб хизмат қилган. Чолғучилар, чойхоналарда тўхташиб концертлар беришган, хонанда ва созанда ларнинг ижрочилик маҳоратларини намойиш этувчи мусобақалар ўтказишган. Бир вақтнинг узида ёшларнинг устозлари уларни синовдан ўтказишган. Синов натижаларига кўра, ижрочиларнинг энг яхшилари ширкат аъзолигига тавсия этилиб, ансамбль таркибига киритилган. Ўзбек халқ чолғуларини чалишга ўргатиш усуллари муסיқа асарларини оғзаки узатиш аъъаналарига асосланган. Устоз куйни оғзаки ёки чолғуда ижро этган, шогирд эса уни ёдда сақлаб қолиши керак бўлган.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида халқ муסיқачилари орасидаги устоз-шогирдлик аъъаналари ва ёшларга муסיқа илмини ўргатиш усуллари моҳир чолғучи-ижрочиларнинг етишиб чиқишига имкон яратган. Бухоро ва Самарқандда Ота Ғиёс Ғаниев, Ота Жалол Носиров, Леви Бобохонов, Ҳожи Абдурахмон каби танбурчилар, Қори Каромат, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Ҳожи Абдурахмон Умаров каби дуторчилар, Фарғона ва Тошкентда доирачи ва чапгчи Уста Олим Комилов, доирачи, ноғорачи Юсуф қизик Шакаржонов, қушнайчилар Аҳмаджон Умурзоқов, Хайрулла Убайдуллаев, танбурчи Қўзижон Мадраҳимов, дуторчи Абдусоат Ваҳобов, найчи Абдуқодир Исмоилов, Хоразмда эса гармончи Қурбон созчи Исмоилов, чапгчи Муҳаммад Юсуф Харратов, танбурчилар Матпано ота Худойберганов, Матёқуб Харратов, Қурбон Назар Абдуллаев (Бола-Бахши), Мадраҳим Ёқубов (Шерази) лар машҳур бўлишган.

Устозлар таъъсирида Тошкентда Шораҳим ва Шибарот Шоумаров каби танбурчилар, Абдусоат ва Солихон каби дуторчилар, Андижонда Усмоиҳўжа дуторчи, Қўқонда қушнайчи ва сурнайчи Ашурали Маҳрам, найчи Абдуқодир, қушнайчи ва сурнайчи Аҳмаджон, Наманганда чапгчи Рўзиматхон, Марғилонда чапгчи ва доирачилар Уста Масаид ва Уста Олим каби ажойиб ўзбек халқ санъати усталари етишиб чиқдилар. Уларнинг ҳар бири ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги санъатининг ўзига хос услубга эга усталари эди.

**Ота-Жалолiddин Носиров (1845—1928)** мақом ижрочиси, таниқли

Ўқитувчи, чолғучи, уста танбурчи эди. У дастлабки мусиқа илмини онасидан ўрганди, сўнгра мақомларнинг зукко билимдони ва моҳир ижрочиси бўлган отасидан таълим олди. Ота-Жалол Носиров узоқ йиллар мобайида Амир Олимхон (Бухоро), Амир Музаффархон (Шаҳрисабз), Амир Отажонлар (Кармана, ҳозирда Навоий) лар саройида ўзбек халқ чолғулари ансамблининг доимий раҳбари ва хонандаси бўлган.

**Ота Ғиёс Абдуғани (1858—1927)** ўзбек мусиқасининг билимдони; бухоролик танбурчи эди. У Шошмақомнинг мушкулот қисмини яхши билган ва ҳар бир мақомни унга хос усул ва хусусиятларни сақлаб қолган ҳолда ижро этган.

**Ҳожи Абдулазиз Расулов (1852—1936)** — ўзбек ва тожик мусиқасининг таниқли ижрочиларидан бири, моҳир танбурчи Ҳожи Раҳимқулнинг шогирди. 1888 йилда Бухорога борди. У ерда Ота-Жалолиддин Назиров раҳбарлиги остида бир йил ичида Шашмақомни мукамал ўрганди. А. Расулов Фарғона, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида ўзбек халқ мусиқаси ва мақомларини фаол тарғиб қилади. У ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги ривожига танбурчи, дуторчи ва хонанда сифатида салмоқли ҳисса қўшиб, халқ ва мусиқа жамоатчилигининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

**Юсуф-қизик Шакаржонов (1869—1939)** аскиячи, ноғора, дутор, доира каби турли чолғу асбобларининг моҳир ижрочиси бўлган. Кўпгина иқтидорли чолғучилар ўзбек халқ мусиқа илмининг катта билимдони Шакаржоновнинг маслаҳат ва кўрсатмаларидан баҳраманд бўлишган.

**Уста Олим Комилов (1875—1953)** — таниқли халқ созандаси, доирачи, ноғорачи ва чангчи, шуниингдек маърифатчи, мураббий, бир қатор ёш чолғучиларнинг устози бўлган. Олимжон Комиловнинг ижрочилик истеъдодини шаклланишида марғилонлик машҳур доирачи Масаид ота катта роль ўйнади. У ёш иқтидорга доира чалишнинг ўзига хос нозик йўллари ва сирларини ўргатди. Олимжон доирадан ташқари чанг, ноғора ва дутор чалишни ҳам мукамал ўрганди. Доира ижрочилигида унинг қобилияти ёрқинроқ намоён бўлди. У чалаётган доира алоҳида таъсирчанлик касб этарди. Унинг садолари ўзига хос ва таъсирли бўларди. Чолғучининг ижроси ўзининг ритмик аниқлиги, динамик ва тембр бўёқларининг ранг-баранглиги билан ажралиб турарди.

Чолғучининг ижодий фаолиятидаги энг ажойиб хусусият шунда эдики, у ҳаминша ўзбек халқ чолғуларида чолғучилик санъати даражасини юксалтиришга интиларди. Уста Олим Комилов доира учун яратилган рақс усулларига катта аҳамият берган. «Доира дарслиги» туркумида қатор усуллар рақс ҳаракатларининг хусусиятларига тўла мувофиқ равишда усталик билан тўпланган. Булар «Садр», «Сохта Уфорий», «Гул ўйин», «Пилла», «Шодлик», «Занг» ва бошқа ҳаракат усулларидир.

Баъзи техник сабабларга кўра ноталар китобнинг сўнгида берилди. Ноталар зарур бўлган ўринларда «... нотага қаралсин» кўрсатмаси ёзилди. 1-нотага қаралсин.

Чизиқ остидаги нота «бум» ни, чизиқ устидаги нота эса «бак» (баланд товуш) ни ифодалайди.

**Абдусоат Ваҳобов (1875—1934)** — машҳур уста дуторчи, мусиқа

билан ёвлангидан мустақил равишда, кейинроқ тошкентлик машҳур дуторчи Илҳомжон билан бирга шуғулланган. Абдусоат ижрочилик фаолиятини Илҳомжон дуторчи, Каримбекхўжа гижжакчи, Шобарот танбурчи, Каримбекхон танбурчи, Илёс Ҳожичангчилар билан ҳамкорликдаги ҳаваскорлик халқ чолғулари ансамблида бошлади. Шу ансамблнинг аъзоси сифатида, у 15 йил давомида жамоа сайллариди, илҳон клубларидаги, чойхоналардаги концерт чиқишларида фаол иштирок этди. Ансамбль репертуарини, асосан, рақс куйлари «Дугоҳи Хусайний», «Чоргоҳ», «Насрулло», «Наво», «Ажам», «Сарбозча», «Эниной», Курт ва Фарғона-Тошкент мақомларидан парчалар ташкил этган.

**Қўзихон Мадраҳимов (1888—1952)** моҳир дуторчи. Чолғучининг репертуарига унинг ижросида тақрорланмас жиллар касб этган рангбаранг хусусиятли «Гулёр», «Шаҳноз», «Чапандоз», «Оҳёр», «Қоразанг», «Муножот», «Совти Муножот», «Уфори муножот», «Таронаи Уфор», «Тановар», «Сайқал», «Дилхирож», «Яланг Даврон», «Курт» каби рақс куйлари ва туркум асарлар кирган. Унинг чиқишлари (ижроси) ўзининг меъёрига етганлиги ва ўта мусиқийлиги билан ажралиб турар эди. У граммафон пластинкасига «Қўштор», «Ажаб ёрларим», «Майда тор» каби чолғу асарларини ёздирган. Қўзихон Мадраҳимовнинг «Қўштор» асарини ижроси айниқса эътиборга лойиқ. Талиқли Ўзбекистон бастакори А. Ф. Козловский ўзбек чолғучисининг ижрочилик маҳоратига юқори баҳо берган эди: «Таъкидлаш керакки, марғилонлик дуторчи ўзининг зўр маҳорати, иқтидорининг жилоси ва санъаткорларга хос ўзини тута билиши билан ўзи ижро этаётган халқ мусиқий асарлари мазмунининг чуқурлигини тингловчига етказа олди. Ижрочи томонидан ифодаланган бу мусиқа моҳиятининг чуқурлиги, ҳақиқий маҳорат жилваси биздан К. Мадраҳимов сиймосида ўзбек халқ мусиқачилигида подир воқеликни кўришни ва унинг саъятини кенг оммалаштиришни тақозо қилади»<sup>1</sup>.

Юқорида номлари келтириб ўтилган мусиқачи-чолғучилар, ўз ижодий йулини бошлаб, ўз даврида ижодий камолотга етидилар. Улар ҳаммаси маърифатчилар, ёш мусиқачиларнинг устозлари эдилар. Уларнинг педагогик қарашлари, таълимотлари ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик бўйича янги педагогик ҳаётий манба бўлиб хизмат қилди.

<sup>1</sup> Алимбоева К., Ахмедов М. Народные музыканты Узбекистана. Ташкент, 1959. 102-бет.

## XX АСР БОШЛАРИДАН 1945 ЙИЛЛАРГАЧА ИЖРОЧИЛИК САЊЪАТИ

### 1917—1945 йилларда ижрочилик санъатининг тараққиёти

1917 йил тўнтарышидан кейин ўзбек мусиқа санъати жадал ва жўшқин тараққий қила бошлади. Биринчи ўн йилликдаёқ мусиқа таълим, фольклоршунослик, ижрочилик санъати соҳаларида муайян ютуқларга эришилди.

Мусиқа ўқув юртлари — Тошкентдаги Туркистон Халқ Консерваторияси (1918) ва унинг Самарқанддаги, Фарғонадаги (1919), Бухородаги (1920) филиалларида катта ишлар амалга оширилди. Уларда асосан ўзбек халқ чолғуларини ҳамда баъзи Оврупча мусиқа чолғулари (фортепьяно, скрипка ва дамли чолғулари) ни чалши ўргатилар эди. Бу мусиқа билим юртлари том маънодаги Консерватория бўлмаса-да, бироқ, ўтган давр мусиқа маданияти илмини ўрганиш имконига эга бўлмагандарга содда мусиқа назарий илми ҳамда ижро санъатида сабоқ берилар эди. Шу туфайли ёш республиканинг кўпгина шаҳарларида мусиқа ҳаваскорлиги кенг қулоч ёйди.

Ўзбек санъатининг асосчиси, драматург, бастакор, муаллим, жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мусиқа санъати ривожига катта ҳисса қўйди. Дастлабки мусиқа тўгаракларининг, мусиқий-драматик труппаларининг, Фарғонадаги ўлка мусулмон сийёсий гуруҳининг, Андижондаги уезд ўзбек мусиқий театр труппасининг ташкил топиши, «Яша Шўро!», «Ҳой ишчилар», «Ишчилар уйғон», «Биз ишчимиз», «Ишчи бобо» каби замонавий мавзудаги илк қўшиқларининг яратилиши унинг номи билан боғлиқ. Ҳамзанинг кўп қиррали ижодий ва педагогик фаолияти унинг ўзбек чолғулари ижрочилик мактабининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнида муҳим ўрин тутганлигини тасдиқлайди. У Фарғонадаги биринчи ўзбек дамли чолғулар (Духовой) оркестрининг ташкилотчиси бўлиб (1916), бу оркестрда мусиқа санъатига алоҳида эътибор берган ҳолда ўзбек ёшлари орасида мусиқа ҳаваскорларини чолғу ижрочилигига ўргатган шахсдир. 1918 йилда Ҳамза Фарғонада солистлар, хор ва илғари ташкил қилинган дамли чолғу оркестрдан иборат сайёр мусиқий драматик труппасини тузди. Репертуари Ҳамза яратган ва басталаган қўшиқ ва куйлардан иборат бўлган (буни капельмейстер И. Григорьев оркестр учун мослаштирган) дамли чолғу оркестр жамоаси труппада муҳим ўрин тутган. Ҳамза ранг-баранг, бадний юксак концерт репертуарларини янада кенгайтиришга интилан. У Ўзбекистондаги мусиқачилар орасида биринчилардан бўлиб, кўп овозли халқ оркестрини тузиш учун ўзбек халқ чолғуларини таъмирлаш (реконструкция қилиш) ва хроматизация қилиш лозимлигини айт-

ди. Ҳамза чалган танбур М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваторияси халқ чолғулари музейи қошидаги тажриба лабораториясида сақланмоқда. Дутор ва танбур чала олган, халқ кўшиқларини яхши билган Ҳамза ўзи ҳам кўпгина кўшиқлар яратди. Улар ҳозирда ҳам яқка ижрода ва ўзбек халқ чолғулари оркестри ижросида бирдек ижро этилиб ва куйланиб келмоқда. Ҳамза ижоди ўзининг байналмилал моҳияти билан ўзбек халқининг маданият хазинасини бойитди. Ҳамзанинг фаол фаолияти таниқли кўшиқчи, актёр, етук мусиқий театр арбоби Муҳиддин Қори Ёқубов (1896—1957), ажойиб раққоса, хонанда, балетмейстер, муаллим, кўзга кўринган мусиқа арбоби Тамарахоним (Тамара Артёмовна Петросянец) (1906—1991), моҳир доирачи ва ногорачи, ўзбек халқ мусиқаси ва чолғуларининг билимдони Юсуфжон қизик Шакаржонов (1869—1939) каби республиканинг кўзга кўринган ижрочи ва чолғучилари билан боғланган эди.

1917 йилгача бўлган даврдаги халқ мусиқачи ва ижрочилари яратган анъаналар чолғучиларнинг кейинги авлоди ижодида таркиб топди ва давом этди. Мусиқачи-ижрочилар қайта тузилган маданий-маърифий ташкилотларда ишга киришиб кетишди.

Таниқли танбурчи ва хонанда Шораҳим Шоумаров 1919 йилда Тошкентдаги «Намуна» мактаб-интернати қошида халқ чолғулари ансамблини тузди. Бу ансамбль кейинчалик Тошкент мусиқа техникумини ташкил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

20-йилларда ўқув юртлари, заводлар, фабрикалар қошида, қишлоқ жойларида «Кўк кўйлак», «Санъатчи қизлар», «Санойи нафиса» каби мусиқий жамоалар тузилди. Ташкил қилинган ижодий жамоалар таркибида найчи, чапчи, дуторчи, танбурчи, гижжакчи, доирачи, ногорачилар ва қашқар рубоб соҳнадалари бўлган халқ чолғулари ансамбллари ҳам бор эди.

Халқ чолғулари ансамбллари Фарғонада, Қўқонда, Андижонда, Самарқандда ҳам тузилади. Уларга машҳур чолғучилар Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов, Аҳмаджон Умурзоқов, Юсуфжон қизик Шакаржонов, Уста Рўзимат Исабоев, Матюсуф Харратов, Уста Тойир, Маъруфжон Тошпўлатов, Муҳиддин Мавлоновлар раҳбарлик қилинган. Уларнинг самарали ижоди туфайли ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатидан кўпчилик баҳраманд бўлди (4-расмга қаранг).

Тўхтасин Жалилов (1896—1966) Андижонда туғилган. Унинг отаси турли хил устахоналарда мансумий ишчи бўлиб ёлланиб, рўзгор тебратар эди. Тўхтасин болалигиданоқ мусиқани севар эди, аммо унга мактабда ўқиш насиб этмади. У Қўқонга борганида машҳур чолғучилар Эшон гижжакчи, Мадамин доирачи, Юсуфжон чапчи билан учрашди. Юсуфжон чапчи унга гижжак чалишни ўргатган биринчи муаллимдир. 1919 йилда Тўхтасин Андижондаги ўзбек халқ чолғулари ансамблларида бирида қатнашади. 1923 йилда Москвада Бутунроссия қишлоқ хўжалик кургазмасида берилган концертларда қатнашган 15 чолғучи орасида Т. Жалилов ва Мулла Тўйчи Тошмухамедовлар ҳам бор эди.

1926—1927 йилларда Т. Жалилов Қори Ёқубов ва Тамарахоним бошчилик қилган концерт-этнографик ансамблида гижжакчи бўлиб ишлайди. Бу ерда у ажойиб чолғучилар — Уста Олим Комилов

(доира), Абдуқодир Исмоилов (най), Давлат Охунов (датор) ва бошқаларнинг ижоди билан танишади. Шу ансамбль билан кўпдан-кўп шаҳарларда ижодий сафарда бўлади. 1929 йилда у Андижон театрининг мусиқа раҳбари этиб тайинланади. Я. М. Свердлов номидаги Тошкент мусиқий театрининг бош дирижёри ва мусиқа раҳбари бўлиб ишлади (1934—1936). Т. Жалилов 1936—37 йилларда Ўзбекистон Давлат филармонияси ашула ва рақс этнографик ансамблининг, 1940—49 йилларда эса Муқимий номидаги ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг бадий раҳбари хизмат вазифасида ишлади.

Тўхтасин Жалилов — бастакор. У «Нурхон», «Гунчалар», «Алломиш», «Муқимий», «Сурмахон», «Равшан ва Зулхумор», «Тоҳир ва Зухра» каби мусиқали драма спектакллариининг яратилишида ҳам муаллиф сифатида иштирок этди. Умрининг сўнгги йилларида Т. Жалилов кўшнқ жанри соҳасида ишлайди. Унинг кўп йиллик ижодий хизматлари, мусиқий ва жамоатчилик фаолияти юксак мукофотланди. 1937 йилда унга Ўзбекистон Халқ артисти фахрий унвони берилди. У Меҳнат Қизил Байроқ, «Хурмат белгиси» нишонлари ва қатор медаллар билан тақдирланган.

Янги шароитда чуқур ижтимоий аҳамиятга молик бўлган муаммоларни ҳамда ижрочилик санъатининг кейинги тараққиёт йўллариини белгилаш муаммоси ниҳоятда долзарб масала бўлиб қолди Тошкентда мусиқий-этнографик ҳайъат (комиссия) ташкил этилган эди (1919—1923). Унинг таркибига В. А. Успенский, Фулом Зафарий, Эмиль Менгайлис, Н. Н. Миронов каби ижодий зиёлилар ва фольклоршуносларнинг обрўли вакиллари кирган эдилар. Мусиқий-этнографик ҳайъат (комиссия) ўзбек анъанавий мусиқаси бўйича бой материал туплаб, нашр этди. Ушбу ҳайъат (комиссия) вакиллари томонидан ўтказилган жамлаш ишлари туфайли кўплаб мусиқа асарлари ёзиб олинди. Улар ичида 1924 йилда В. А. Успенский томонидан чоп этилган Шашмақомнинг бухороча туркуминиинг ёзиб олинishi катта тарихий аҳамиятга молик бўлди.

Ўзбек халқ чолғулари оркестри (1927) асосчиларидан бири **Николай Назарович Миронов** (1870—1952) Самара губерниясида туғилди. У мутахассислиги бўйича скрипкачи бўлиб, 1917 йилгача Урта Осиёнинг Марғилон, Андижон, Қўқон ва бошқа шаҳарларида ҳарбий дамли чолғулар оркестри раҳбари ва бош дирижёри бўлиб ишлади. 1897 йилда Тошкент мусиқа жамиятиининг директори бўлган. Н. Н. Миронов ўзбек халқ мусиқасиининг дастлабки тўпловчиларидан бирidir. У Туркистон халқ консерваториясида мусиқа назариясидан сабоқ берди. Н. Н. Миронов 1922 йилда Тошкентда мусиқий-этнографик ансамбль ташкил қилиб, у билан Урта Осиё ҳудудида ва унинг ташқарисидаги кўпгина шаҳарларда концерт-чиқишлар қилди. Ансамбль дастурига ўзбек халқи, бошқа халқлар, хорижий мамлакатлар мусиқаларни кирган. Н. Н. Миронов 1928—1932 йилларда Самарқанддаги мусиқа ва хореография илмий-тадқиқот институтининг ташкилотчиси ва директори бўлиб ишлади. Шу йилларда «Ўзбек мусиқаси», «Ўзбек ва бошқа Шарқ халқлари мусиқа маданиятиининг обзори», «Фарғона, Хива ва Бухоро мусиқаси» каби китобларни ёзди. Н. Н. Миронов биринчи бўлиб, ўзбек халқ чолғулари ансамблига кўп овозлиликини

киритиши синаб кўрди. Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғу-лари унисон (бир овозли) ансамблининг Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати декадасидаги муваффақиятли чиқишларидан сўнг, у Нота оркестрини тузади ва унга бошчилик қилади (1937).

Н. Н. Миронов қатор ажойиб мусиқачи ижрочиларни тарбиялаб етиштирди. Уларнинг орасида М. Ашрафий (дўтор), М. Бурхонов (табур), Т. Содиқов (най), М. Левиев (най, дўтор), Э. Бобокалонов (табур), А. Камолов (най) кабилар бор. Унинг мусиқа соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланди, 1937 йилда унга Ўзбекистон Халқ артисти унвони берилди.

Кўзга кўринган рус мусиқачилари таъсири остида Урта Осиёда маҳаллий аҳоли ўртасида ҳам мусиқа ҳаваскорларининг сони ортди. Мусиқачи чолғучилар ва янги ижодий жамоалар ташкилотчилари фаолияти кенг қулоқ ёйди. Муҳитдин Қори Ёқубов, Юнус Ражабийлар ўзбек халқ чолғулари ансамбллариининг илк раҳбарларидан бўлдилар.

Муҳитдин Қори Ёқубов (1896—1957) — Ўзбекистонда ташкил этилган концерт-этнографик ансамбль раҳбари. Унинг ижодий йўли жуда ширингиданоқ бошланди. У 1916 йилдаёқ Фарғонада иқтидорли ёшлардан нота асосида мусиқа тўғарагини тузди. Асосан миллий чолғулардан иборат бўлган тўғарак таркибида Оврулча мусиқа асбоблари (скрипка, мандалина, труба) ҳам мавжуд эди. 1918 йилда Муҳитдин Қори Ёқубов Ҳамза билан танишади. Улар биргаликда биринчи ўзбек театрини тузишади.

Бу театрда Қори Ёқубов ижросида Ҳамзанинг «Яша, Шўро» қўшиғи янгради. У Ҳамзанинг «Биз ишчимиз», «Ҳой, ҳой отамиз», «Ишчилар уйғон» каби қўшиқларини тарғиб қилиш ва ёйишида катта хизмат қилди. Бу қўшиқлар, шуингдек, фронтларда, Москва, Ленинград, Боку, Харьков, Қозон шаҳарларида ҳам ижро этилди.

Муҳитдин Қори Ёқубов 1922 йилда ўзбек артистларидан биринчи бўлиб Москва давлат Театр санъати техникумига ўқишга кириб, у ерда 1924 йилгача ўқийди. 1925 йилда у яна А. Н. Рубинштейн номидаги мусиқа техникумига ўқишга боради. Машҳур хонанданинг кўп қиррали концерт-ижрочилик фаолияти унга катта муваффақият келтирди. Бу халқ чолғулари, хонанда ва раққосаларни ўз ичига олган янги типдаги ансамбль ташкил этишни тақозо этди. Янги типдаги ансамбль тузиш гояси унда Москвада театр санъати техникумида ўқиб юрган чоғидаёқ (1923) туғилган эди, бу гоя хориж сафаридан қайтгач янада кучайди (Қори Ёқубов ва Тамарахоним санъат усталари таркибида Париждаги 1-жаҳон амалий санъат кўرғазмасига, сўнгра Берлинга концертда қатнашиш учун сафарбар қилинган эди). Оврулда Қори Ёқубов ва Тамарахоним мусиқий ҳаёт билан танишишади, театр ва концертларда бўлишади. Буларнинг ҳаммаси уларнинг бадиий тасаввурини янада бойитади.

1926 йилда ўзбек мусиқа маданияти тарихида илк бор 21 ижро-чидан иборат давлат сайёр концерт-этнографик труппаси ташкил қилинади. Мазкур ансамблга Фарғона водийсининг ўша даврда машҳур бўлган уста чолғучилари, хонандалари, раққос ва раққосалари ишга таклиф этилган эди. Чолғучилар таркиби ансамблининг энг пуфузли қисми бўлиб, ижодий жамоанинг ўзагини ташкил қилар эди.

Қори Ёқубов ижодий ташаббускорлиги, катта ташкилотчилик қобилияти туфайли ансамбли таниқли ижрочилардан тузишга муваффақ бўлди. Булар Юсуфжон қизиқ Шакаржонов (ноғора, раҳбар), Уста Олим Комилов (доира), Тўхтасин Жалилов (ғижжак), Аҳмаджон Умурзоқов (қўшнаё), Абдуқодир Исмоилов (най), Ота Хўжа Сайдазимов (датор), Ҳайит-охун (танбур), Муҳитдин Ҳожи (танбур), Мамат бобо (доира), Худойберди (сурнай), Мадамжон Исҳоқов (буламон) ва бошқалардан ташкил топган эди.

Чолғучилардан ташқари ансамбль қатнашчилари орасида таниқли раққоса ва хонанда Тамарахоним, хонанда Жўраҳон Султонов, Ҳайит Ҳожи Сиддиқ Исмоиловлар ҳам бор эди.

Муҳитдин Қори Ёқубов икки йил мобайнида 600 га яқин ўзбек халқ ашула ва рақс куйлари намуналарини ёзиб олиб, катта ўйин туркумидаги мусиқа рақс сюитасини қайта тиклади. Ансамбль қатнашчилари шу намуналар асосида концерт дастури тузиб, 1926 йил апрелида уни мусиқа жамоатчилигига намойиш этишди.

Тез орада ансамбль Урта Осиё шаҳарлари, шунингдек Москва, Ленинград, Боку, Қозон, Уфа шаҳарлари бўйлаб концерт сафарига жўнаб кетди.

Республикада илк мусиқий-этнографик ансамблининг тузилиши, унинг муваффақиятли концерт чиқишлари, ўзбек халқ мусиқасининг тўпланиши ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Ансамбль репертуарини халқ куйлари ва замонавий бастакорларнинг асарлари («Баёт», «Дугоҳ», «Ушиноқ», «Наврўзи Ажам», «Илғор», «Тановар» ва бошқалар) ташкил этарди. Қори Ёқубов ва Тамарахоним (Илила-ёр», «Омон-ёр») сингари халқ қўшиқларини дуэт тарзида куйлашган.

Мусиқий-этнографик труппанинг концерт чиқишларига вақтли матбуот ўз муносабатини билдирди. Жумладан, «Ленинградская правда» рўзномасининг 1927 йил 11 май сониде қуйидагилар ёзилган: «Ўзбек артистларининг чиқишларини буюк воқеа деб аташ мумкин. Бизнинг янги шакл ва мазмунни талаб этувчи санъатимизга ҳаёт бахш этувчи битмас-туганмас манбалар шу ерда».

«Маориф ва ўқитувчи» маҳаллий журналда (1926 йил 6-сон, 8-бет) чолғучилар ижросини батафсил тасвирлаган қуйидаги тақризни ўқиш мумкин: «Мана қаршингизда Юсуф қизиқ: унинг олдида иккита катта ноғора (улардан бири Худойрхон замонида, иккинчиси анча илгари ясалган) ҳар икки қўлида биттадан таёқча. Унинг ўнг ёнида Абдуқодир пайчи ўтириб олиб, найда ғамгин, лирик, самимий куйларни маҳорат билан чалаяпти. Уларнинг олдида пастда ҳозирча республикада ягона бўлган моҳир қўшнаёчи ўтирибди. Аҳмаджон Умурзоқовни таништириб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ, чунки уни «Қўқонлик қўшнаёчи» сифатида ҳамма биледи. Унинг ёнида ғижжакчи Тўхтасин Жалилов, чапчи Уста Олим, танбурчилар Муҳитдин Ҳожи ва Ҳайит-охун, хонандалар Орифжон ва Жўраҳон».

Ҳа, ҳақиқатан ҳам ансамбль чолғучиларнинг ифодали ва таъсирли ижроси ёрқин ўзига хос эди, улар тингловчиларни ўз ҳарорати, самимийлиги, қувноқлиги билан жалб қилишган.

Кўпгина шаҳарлар бўйлаб қилинган муваффақиятли гастрол сафарлари ансамбль обрўсини янада оширди. Жамоа, айниқса

ва хонандалар Матёкуб Харратов, Сафо Муғанни, тошкентлик Назира Аҳмедова каби санъаткорлар ишлаган. Айни пайтда ансамблининг иж- рочилик репертуари «Шашмақом»нинг мишқулот ва насл қисмлари «Низруллоий», «Наврўзи Сабо», «Талқини Ушшоқ», «Сарвиноз талқини», шукингдек бастакорларнинг «Уйғонинг», «Бизнинг қишлоқ», «Йиша- син», «Колхозим» каби асарлар ҳисобига кенгайди.

Ижрочилик репертуарини ранг-баранг қилишга интилиш, жаҳон маданияти асарларига мурожаат қилиш ансамблга кўзга кўринган санъат устасларининг ва истеъдодли ёшлар оқимини олиб келди. Шу мақсадда ансамблга Уста Усмон Зуфаров таъёрлаган ержжак бас- гиҳжжак аълт, дутор бас ва танбур каби чолғулар киритилди. Бу ор- кестрнинг умумий чолғу диапозонини кенгайтириш имконини берди.

Йиллар девомида ансамбль ўси, ривожланди, тақомиллашди. 1927 йилдан бошлаб ансамбль турли концерт дастурлари билан радио ор- кестри билан биргаликда турли концерт дастурлари тарғиб қила бошлади.

Ансамбль фаолияти кенг жамоатчилик эътиборини қозонди. Ўзбекистон- нинг машҳур яккахоҳлари ва якканавоз чолғучилари у билан якди- дан ижодий алоқа уриштирди. Ансамбль тез-тез фурсатда Ўзбекистоннинг энг яхши мусиқий жамоалари сафидан ўрин олди. У концерт-ижрочилик, ижодий (замоनावий кўшиқ ва куйлар яратиш) ва педагогик йуналиш- ларда ҳам фаол яратилди. Ансамбль кенг тингловчилар оммаси ора- сида катта, мусиқий маърифий ишлар олиб борди.

Юнус Ражабий ўзоқ ва мураккаб ижодий йулни босиб ўтди. Наб ва дутор чадди, кўшиқ айтиш санъатини такомиллаштириш жараёнида у ўзбек мусиқа фольклорини батафсил ўрганиб чиқди. Кўпгина ижодий эътиборлар қатори Ю. Ражабий ўзбек халқ чолғулари ижрочилари ораси- да муносиб ҳурмат қозонди. Унинг ижрочилик тараққиети бастакорлик, фольклоршунослик ва ташкилотчилик соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Халқ артисти (1953), Хамза номидаги рес- публика Давлат мукофоти соҳиби (1971), 1966 йилдан Ўзбекистон Фан- лар Академиясининг академиги эди. Ўзоқ ўтмишда дунёга келган ўзбек халқ чолғулари ва уларда ижрочилик санъати ривожланишида давом этди. Халқ орасида «уста» деб ном олган кекса чолғучилар халқнинг мусиқий-бадний анъаналарини ўзлари яшаган даврда асраб- авайладилар, ривожлантирдилар. Барча ижрочилар у ёки бу даража- да иқтидорли устоз ҳам эдилар. Халқнинг ўзига хос бадний анъана- ларини сақлаб қолган бу мусиқачиларнинг ижрочилик ва мураббийлик фаолияти катта аҳамиятга эга бўлиб, улар чуқур ва ҳар томонлама ўрганишиди тақозо этати. Чунки улар мусиқа маданияти тарихига ёрқин саҳифалар битишди.

Танбур ижрочилиги юксалиши Матёкуб Харратов, Леви Бобохонов, Матпано Худойбергенов, Матруфжон Тошпўлатов, Шораҳим Шоума- ров, Шайхон Соҳибов, Нажмидин Насриддинов, Маҳсулхужа Юсу- повлар номи билан боғлиқ. Етук доирачи ва чангчи Уста Олим Кожалов, ажойиб дуторчилар Хожик Абдуллаев, Насриддинов, Маҳсулхужа Юсу- пов, Шайхон Соҳибов, Куржон ота Авазатов, Муҳитдин Маълонов, Абдулоат Вайсов, Сурнай ва кўшнай ижрочилиги ва таълими соҳасида янги оқим шаклланди. Юнус Ражабий ижрочилиги ва таълими соҳасида янги оқим шаклланди. Юнус Ражабий ижрочилиги ва таълими соҳасида янги оқим шаклланди. Юнус Ражабий ижрочилиги ва таълими соҳасида янги оқим шаклланди.

Уз сафини ёш чолғучилар билан тўлдиргандан сўнг ижодий жўрадан муносабатлар оқибатда ўзбекистон хонандалари Гайдархонийи Пир- роқов, Бонини-хонимна Нуржон-Ишқонжон, Боброҳим Мирзаев, чангчи Пўлат Раҳимов, артистлар Зухур Қобулов, Нисом Хайдаровлар соҳибдорлик қилди. 1927-йил «Фолдинг» фаолият курсатди. Шу йилда «Ав- лодлар» кўшиқлари билан 1-Ўзбек Давлат муносабати бўлиди.

1936 йилда Москвада бўладиган Декада муносабати билан Қори Бекрўст Давлат филармониясини тузиш топирилди. У филармо- ниянинг биринчи директори этиб тайинланди. Қори Бекрўстнинг бу бош- қали мусиқачиларнинг қатъийлиги туфайли Тошкент Дав- лат Консерваториясини тузиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Ўзбек халқ мусиқаси анъаналарининг давомчили, тошкентлик мо- хир халқ чолғучиси Ш. Дуторчи, танбурчи, найчи Юнус Ражабийнинг (1897—1976) ижодий фаолиятига маърифатпарварлик, кенг мусиқий, ижтимоий ҳуқуқиятлар ҳод эди. Беш жыллик ўзбек халқ мусиқасини етук оқибатда таъёрлаганини Юнус Ражабийнинг кўп йиллик ижодий фаолиятининг ажибиб самараси бўлди.

Юнус Ражабий 1928 йили Тошкент мусиқа техникуминини «Ўзбек халқ чолғулар» шхтиселигини тугатди. Кейинроқ, у Самарқанд му- сиқий драматик театрининг мусиқа раҳбари бўлиб ишлади. Бу ерда Юнус Ражабий ўзининг катта мусиқий қобилиятини намойиш этди, иж- рочилик маданияти ва мусиқий назарий билимларини бой-нади ва чу- қурлаштирди. Унга бу ишда қатъий хонанда ва чолғучи Хожик Абду- ллаев яратилган йўлда дастлабки қадамларни қўяди.

1926 йил бошида Юнус Ражабий Тошкентга қайтади. «Учқун» ва «Намуна» номидаги умумий таълим мактаблари қошидаги ўзбек халқ чолғулари ансамблларига бевосита бошчилик қилди. Кисқа вақт иж- рочилик маданияти ва мусиқий назарий билимларини бой-нади ва чу- қурлаштирди. Унга бу ишда қатъий хонанда ва чолғучи Хожик Абду- ллаев яратилган йўлда дастлабки қадамларни қўяди.

1926 йил бошида Юнус Ражабий Тошкентга қайтади. «Учқун» ва «Намуна» номидаги умумий таълим мактаблари қошидаги ўзбек халқ чолғулари ансамблларига бевосита бошчилик қилди. Кисқа вақт иж- рочилик маданияти ва мусиқий назарий билимларини бой-нади ва чу- қурлаштирди. Унга бу ишда қатъий хонанда ва чолғучи Хожик Абду- ллаев яратилган йўлда дастлабки қадамларни қўяди.

найчи, балки най учун яратилган куйлар бастакори сифатида ҳам киришди. Наманганлик Уста Рўзимат Исабоев, хоразмлик Матюсуф Харратов, тошкентлик Фахриддин Содиқовлар машҳур чангчи ва бастакорлардир. Гижжакчилар — андижонлик Тўхтасин Жалилов, тошкентлик Имомжон Икромовлар бунинг устига ўзбек халқ мусиқасининг нозик билимдонни ҳам эдилар. Номлари тилга олинган барча мусиқачилар ижрочилик санъати усталари бўлибгина қолмай, шу билан бирга ёрқин ижрочиларни етиштирдилар, ўзбек халқ чолғуларида ижрочиликнинг янги — ўзбек мактабинини шакллантиришга ҳисса қўшдилар. Республика мусиқий-маърифий ишларини ҳамда санъат ўқув даргоҳларида мусиқа таълимини йўлга қўйишда уларнинг ҳиссаси чексиздир.

30- йиллар маданий қурилиш соҳасида янги вазифаларни кун тартибига қўйди. Мусиқа санъати рус ва жаҳон мусиқа анъаналарининг ижобий таъсири остида янги мусиқий шакл ва жанрларни ўзлаштириш даврини бошидан кечирди. 30- йилларда халқ чолғуларининг тараққиёти мусиқа чолғуларининг янада такомиллашувига олиб келди. Бу йилларда ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг ривожланишида, мусиқий таълимнинг такомиллашувида В. А. Успенский, Е. Е. Романовская, В. М. Беляев, Н. Н. Миронов, Ф. Козловский каби рус мусиқа маданияти вакиллариининг мусиқий-маърифий фаолияти катта аҳамиятга эга бўлди. Улар ўз олдига анъанавий ижрочиликни сақлаб қолган ҳолда, кўп овозли ижрочиликни ривожлантиришни ҳам мақсад қилиб қўйдилар.

1936 йилда республикада ўзбек давлат филармонияси ташкил топди. Унинг очилиши республика мусиқий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Биринчи кунданок ижодий жамоалар Москвадаги бўлажак ўзбек адабиёти ва санъати Декадасига катта тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар.

Унинг биринчи директори қилиб машҳур хонанда ва мусиқа арбоби, истеъдодли ташкилотчи Муҳитдин Қори Еқубов, бадий раҳбари қилиб эса Тўхтасин Жалилов тайинландилар. Ягона санъат маркази теварагида энг йирик ижрочилар тупланишди. Ўзбек халқ чолғуларидан иборат «Этнографик унисон ансамбль» (98 ижрочи, ташкилотчи ва раҳбар Т. Жалилов), дуторчи қизлар ансамбли (30 ижрочи, раҳбар Лутфихоним Саримсоқова) каби янги мусиқий жамоалар тузилди. Ушлаб чолғучилар, хонандалар ва раққосалар ўз ижодий ва концерт-ижрочилик фаолиятини Ўзбек давлат филармониясида давом эттирдилар. Булар Уста Олим Комилов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умўрзоков, Фахриддин Содиқов, Пўлатжон Раҳимов, Дони Зокиров, Аюбжон Қодиров, Муҳаммаджон Мирзаев ва бошқалардир. 1939 йилда найчи А. Исмоилов, қўшнайти А. Умўрзоқов ва чангчи Ф. Содиқов Москвада ўтказилган халқ чолғулари ижрочилари Бутуниттифоқ кўригида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар, у ерда конкурснинг 2-даражали дипломлари билан тақдирландилар (5—6- расмларга қаранг).

Ўзбек халқ чолғулари ансамбли (илгариги «Этнографик-ансамбль») ўзбек халқ куйларидан тузилган концерт дастури билан Ўзбекистон шаҳарларида сафарда бўлди, 1937 йилда оркестр Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати Декадасида қатнашди. У пойтахт мусиқа жамоатчилигини ўзбек куйлари ва машҳур қўшиқлари билан таништирди. Оркестр томонидан «Қаринаво», «Мирзадавлат», «Сувора» куйлари, «Наво», «Сегоҳ», «Шаҳнози-гулёр» мақомларидан парчалар ва «Энди сен-

дек», «Жонон», «Устозим», «Эй нозанин», «Тановар» каби ўзбек халқ кўшиқлари узига хос услубда ижро этилди. Халқ чолғучиларининг пойтахтдаги чиқиши москвалик талабчан тингловчиларни ҳам лол қолдирди.

Н. Н. Миронов биринчи бўлиб янги типдаги оркестр тузишга уринди. 1937 йилда Этнографик-ансамбль «оркестр» таркибидан 24 чолғучи таллаб олинди. Улар нота бўйича чаладигац, кейинроқ «нота оркестри» номини олган ўзбек халқ чолғулари оркестрининг ўзagini ташкил этди. Унинг таркибига най, қўшнай, чанг, қашқар рубоби, афғон рубоби, тапбур, доира, гижжак, катта гижжаклар кирган. Бас товушини кучайтириш учун Н. Н. Миронов ансамблга фортепьяно, труба ва тромбонларни киритган. Н. Н. Миронов оркестрда дастлаб И. Штрауснинг «Персидский марш»ини, «Ул париваш», «Сегоҳ» каби халқ кўйларининг қайта ишланган шакллари, «Реве та стогне Дипр широкий» номли украин кўшигини соддалаштирилган нота ёзувида чалишни ўрганди. Н. Н. Миронов раҳбарлик қилган оркестр мустақил концерт жамоаси сифатида расмийлаштирилмаган эди.

1938 йил ёзида «нота оркестри» катта этнографик-ансамбль таркибидан Белоруссия шаҳарлари бўйлаб концерт сафаридан бўлди. Оркестрга Сурен Никитич Габриэлян<sup>1</sup> (1909—1963) ва ёш гижжакчи Хайри Изомов (1922) ҳозирда Ўзбекистоннинг машҳур бастакори, дирижёр. Жамоанинг концерт чиқишлари Минск, Гомель, Витебск шаҳарларининг мусиқа жамоалари томонидан илиқ кутиб олинди. Т. Жалилов раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғу унисон ансамбли таркибидан «нота оркестри» Белоруссиядан қайтгач амалда ўз фаолиятини янада кенгайтди. 1938 йил ноябрда эса Ўзбек Давлат филармониясида баъзи бир ижодий жамоалар қайта тузилади. У энди ўзбек халқ чолғуларидан иборат, нота асосидаги мустақил оркестрдан иборат бўлиб қолди. Бу оркестрнинг раҳбари этиб таниқли мусиқачи, чолғушунос Ашот Иванович Петросянц тайинланди. Оркестрни тузиш чоғида Т. Жалиловнинг катта ансамбль-оркестридан халқ чолғуларини нота ёзуви асосида бемалол чала оладиган 24 мусиқачи ижрочи ҳал қилувчи ўриш эгаллади. 1938 йилда А. И. Петросянц раҳбарлигида тузилган халқ чолғу оркестри дастлаб юқорида қайд этилган чолғулар билан бирга фортепьяно, труба, валторн, тромбон каби чолғуларни ҳам ўзи ичига олган<sup>2</sup>.

1939 йил охирида ёғоч дамли, торли мизробли, торли урма зарбли (1-октава «до» дан учинчи октава «ре диез» гача бўлган диапазонли хроматик чанг) чолғулар гижжаклар туркуми ва урма зарбли чолғулар каби мустақил гуруҳларни ўз ичига олган янги оркестрнинг чолғулар таркиби аниқланди.

Шундай қилиб, ушбу «нота оркестри» деярли янгича кўринишда шаклланди. Мусиқашунос Т. Визго таъкидлаганидек: «А. И. Петросянцга мустақил концерт жамоаси сифатида нота оркестри тузиш топширилганда, у бошқа позицияда турди. Рус халқ чолғулари оркестри асосчиси

<sup>1</sup> Габриэлян С. Н. — ажойиб, моҳир гижжакчи, фольклоршунос, ўқитувчи ва оркестр дирижёри.

<sup>2</sup> Икки труба, икки валторн, тромбондан иборат мис пуфлама, чолғу асбоблари гуруҳи оркестр (айниқса паст регистрли) товушини кучайтириш мақсадида киритилган.

В. В. Андреев иждий таърибасига таянган ҳолда А. И. Петросяниц халқ чолғуларини таъмирлашни, бинобарин диатоник температураланмаган товуш қаторига хос чолғулардан хроматик 12 равои температурага асосланган тенг ярим пардали таъмирланган чолғуларга ўтишни асосий вазифа қилиб белгилади»<sup>1</sup>.

Оркестр таркибига таъмирланган гижжаклар туркуми (квинтет) киритилди. Худди ана шу нота оркестрининг кўп овозли жамоа йўсинидаги сифат жиҳати ижодда янги йуналишни белгилаб берди. Энди оркестр репертуарида унинг концертмейстри, гижжакчи С. Н. Габриэлян қайта ишлаган «Рок қашқарчаси», «Савти ажам», С. Алиев қайта ишлаган «Гүлёр» каби халқ куйлари ҳамда Г. Восканяи қайта ишлаган «Аспанджойман» (тожикча), «Ироти» (азарбайжонча), «Мирза давлат» каби куйлар пайдо бўлди. Оркестр репертуари аста-секин янги махсус яратилган мусиқа асарлари ва симфоник оркестри учун ёзилган асарларни мослашгирини ҳисобига кенгая борди. Булар тингловчилар орасида муваффақият қозонган. Б. Надеждининг оркестр учун сюитаси, Г. Восканяининг «Ўзбекча марш» асарлари, П. Чайковскийнинг «Оққуш кўли» балетининг муқаддимаси, Ж. Бизенинг «Кармен» операсининг увертюраси, Ф. Шубертнинг «Ҳарбий марш» каби асарларидир. Уш пайтда оркестр чолғучилари орасида кўшнайчи Х. Убайдуллаев, чангчи Ш. Шоакрамов, гижжакчилар С. Габриэлян, С. Алиев, Д. Зокиров, Х. Изомов, рубобчилар В. Марцинковский, В. Борисенко, танбурчи Ш. Соҳибов, дутор басчи Пак-Еи-Дин кабилар ўз ижрочилик маҳоратлари билан шуҳрат қозонгандилар. 1939 йил охирига келиб, оркестр асоси гижжакларнинг тўлиқ туркуми, торли-мизробли чолғу асбоблари гуруҳи, хроматик чанг, ёғоч-дамли ва урма зарбли чолғулари ҳисобига кенгайтирилди.

Оркестр дирижёри кўзга кўринган олим, мусиқа санъатининг машхур арбоби, ажойиб мураббий устоз, йирик мусиқа чолғушунеси Ашот Иванович Петросяницнинг (1910—1978) номини нафақат республикамизда, балки ундан ташқарида ҳам жуда яхши билишарди. Петросяниц 1910 йил 10 майда Туркменистоннинг Мари шаҳрида туғилди. Боланинг қобилияти жуда ёшлигида, умумий таълим мактабида мусиқий тўғарақларда қатнашиб юрганда намоён бўлган эди. Ота-онаси билан Тошкентга кўчиб келган (1928) ёш мусиқачи мусиқа техникумига скрипка ихтисоси бўйича педагог Д. И. Пикарскийнинг синфига ўқишга кирди. Уқини даврида у кичи ёшлар театрида мусиқий булим мудирини ва дирижёр вазифаларини ҳам бажарди.

Мусиқа техникуминини тугатгач, Петросяниц армия сафида хизмат қилади (1932—34). Ҳарбий хизматдан қайтгач, уни болаларини бадний тарбиялаш уйига (ДХВД) ишга таклиф қилишади. Бу ерда Ашот Иванович истеъдодли болалардан рус халқ чолғулари оркестрини тузади. Болаларнинг халқ чолғуларига муҳаббатини кўриб, мен ҳайратга тушган эдим, деб эслайди у ўз эсдаликларида. У — болалар бир йил давомида ўзбек, рус ва қардош халқлар куйларини («Қашқарча», «Дўлакча», «Чаманда гул», «Во саду ли в огороде», «Ой дивчина, дивчина»,

<sup>1</sup> Визго Т. «Музыкальная культура Узбекистана в 1933—41 годах», Т., 1952, 33-бет.

(Святий місяць ва бошқалар) уз ичига олган бутун билим, таълим дастурини зур қизиқиш билан тайёрлашди.

А. И. Петросянцнинг уз турли мусиқа чолғуларини (свиринга, ақшар, балалайка, гитара) чалган. Узбек халқ чолғулари ижрочилари билан куп мулоқотда булар, уларга қимматли маслаҳатлар берган. Матрижада Роза Дюксембург номидаги дикувчилик клубларида, жанр шофлар уйида халқ чолғулари хаваскорлик оркестрларини ташкил қилди. Бадний жамоаларда ишлаш мобайнида Петросянц катта оғирлик на ташкилотчилик тажрибасини орттирди. Узбек халқ чолғуларини ижрочилик маҳорати ривожини анча йил синчиклаб ўрганди. Айтишлайтда В. Марцинковский, Б. Гидеко, С. Собитов, С. Диденко, Ш. Шоакрамов, А. Ашрапов, А. Дорошеев каби кўнраб ижрочиларни дорбмилади ва камолга етказди.

1936 йилда Петросянц Хамза номидаги мусиқа билим юртида дарс берди. У бу ерда ҳам бошқа жонларда бўлгани каби, ўзини шегейбодли, дашаббускор, серғайрат, ижодий ташкилотчи шахс сифатида эркин ишмоси этди. В. Романченко, А. Қовхоянц, С. Диденко, У. Зупаров сингари бир гуруҳ усталар узбек халқ созларини такомиллаштиришдек мураккаб вазифага ҳал этишга киришадилар. Торли-чуртма соаларини товуш қаторларига 12 баскичли температурадашган хроматик тузимларни жорий этиш, чолғу асбобларининг турдош оилаларини яратиш, порляквинтет, хроматик чанг принцили бўйича илк тажриба утказдилар. Буларнинг ҳаммасини Петросянц узбек халқ мусиқа асбобларида чолғучилик таълимининг умуммақбул нота системасига мувофиқ йўлга қўйиш мақсадида амалга оширади.

Мусиқа билим юртида ижрочиларни тайёрлашга доир фиол иш бошланди. Уқитувчилик фаолияти ҳам Петросянц дунун ижодий жараёни бўлиб, у бу ишга бутун муҳаббати ва иштиёқини бағишлади. Унинг синфида ҳаминча кутаринки ижодий муҳит ҳукм сурар эди. Мусиқа билим юрти ўқувчилари мусиқашунос И. Хамзин раҳбарлигида нота саботини ва мусиқа назариясини ўрганишар эди. Маҳоратли ижрочиларнинг камол топиши, узбек чолғулари бўйича тавсиялар асосида қилинган ишлар янги типдаги узбек оркестрини яратишга кўмаклашди. 1940 йилда халқ чолғулари оркестрининг Ўзбекистон бўйлаб илк бор катта концерт гастроль сафари бўлиб ўтди. Оркестр Хўжаид, Қўқон, Марғилон, Фарғона, Наманган, Горнаков шаҳарларида концерт чиқишлари қилди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Петросянц раҳбарлигидаги оркестр вақтинчалик ўз фаолиятини тўхтатади. Бу даврда оркестрнинг бир гуруҳ чолғучилари билан танбурни ва хонанда Шоназар Соҳибов ишлаб қолади. Аммо 1943 йилнинг февралда оркестрнинг ўзаги яна иш бошлайди. Хамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юрти ўқувчилари жалб этилади. Армияга кетган кўнраб чолғучилар кейинроқ яна оркестрга қайтиб келадилар. Уларга оркестрнинг бош дирижери А. Петросянц, афгон рубобчилари Т. Жумаев, Н. Савинов, чангчи Ш. Шоакрамов, гижжак-контрабасчи С. Сайфиддинов, қўшнайчилар Н. Халилов ва Қ. Одилов, доирачи Э. Муҳиддинов каби аввалги аъзолари ҳам қўшилишади. Кейинроқ оркестр Узбек давлат филармонияси қошида 45 чолғучилдан иборат мустақил концерт жамоаси сифатида ижодий фаолият кўрсата бошлайди. Оркестрнинг тайёргарлик

машғулотлари Жаркўчадаги 75- уйда жойлашган мусиқа билим юрти биносида ўтказилар эди. Худди шу бинонинг ўзида ўзбек халқ чолғу асбобларини таъмирлаш устахонаси ҳам жойлашган эди. Оркестр тез орада концерт дастури тайёрлаб, ўша йилнинг июлида Тошсовет номидаги театри (ҳозирги Бешёғоч майдонида жойлашган Муқимий номидаги мусиқа театри) қурувчилари олдида чиқиш қилишди. 1944 йил февраль ойининг охири, март ойининг бошларида Тошкентда Ўрта Осиё республикаси ва Қозоғистон республикасининг иккинчи мусиқа декадаси бўлиб ўтди.<sup>1</sup>

Декадада мингдан ортиқ ижрочи: чолғучилар, хонандалар, рақс жамоалари ва якканавоз чолғучилар қатнашди. Ансамбль Декададан сўнг ўз фаолиятини тўхтатди. А. Петросяц раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғулари оркестри Декадада Манас Левиеннинг «Ялла», М. Бурхоннинг «Сўзсиз қўшиқ», Б. Гиенко қайта ишлаган «Гулбаҳор» ва «Танолар» каби Ўзбекистон бастакорларининг янги асарлари билан чиқди.

1948 йилда А. И. Петросяц Тошкент Консерваториясининг янги ташкил қилинган ўзбек халқ чолғулари кафедрасининг мудири этиб тайинланди. Шу вақтдан бошлаб машҳур мусиқачининг ижодий, илмий-методик фаолияти Тошкент Консерваторияси билан ҳамбарчас боғланди. Консерваторияда, ўзбек давлат филармониясида ишлаган йилларда Петросяц ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги тарихига салмоқли ҳисса қўшди. Маҳоратли чолғучиларни тайёрлаш, илмий ишлар ва ўқув-методик қўлланмаларини яратиш, кафедранинг профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш, махсус синфлар очиш, бастакорлар томонидан узоқ халқ чолғулари учун махсус янги асарларнинг яратилиши профессор, Давлат мукофоти соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Қорақалпоғистонда хизмат курсатган маданият ходими Аниот Иванович Петросяц номи билан узвий боғлиқ.

А. И. Петросяц бутун ҳаёти ва ижодий йўли давомида ижобий қарашдаги принципиал, ўзини ўзбек халқ чолғуларини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишлаган инсон бўлиб қолди. Аниот Иванович Петросяц сиймосида мусиқий жамоатчилик ўзбек халқ чолғулари ижрочилигининг энг яхши анъаналарига суянган улкан мусиқачини хотирлайди.

**И. П. Благовещенский (1909—1962).** Мусиқа чолғушунослиги соҳасидаги бу кўзга кўринган олимнинг, педагогнинг номи Ўзбекистон республикаси билан боғлиқ. У Тошкент мусиқа техникумида скрипка ихтисослигига ўқиган. 1929 йилдан бошлаб Ленинград Консерваториясининг талабаси (профессор И. А. Зелихман синфида), кейинроқ камонли чолғуларда ижрочилик тарихи ва назарияси кафедрасининг аспиранти (профессор Б. А. Струве синфида), 1940 йилдан санъатшунослик номзо-

<sup>1</sup> Мусиқа Декадасида қатнашиш учун Т. Жалилов раҳбарлигида каттагина ашула ва рақс ансамбли махсус ташкил қилинган эди. Унга энг яхши ижрочилар, жумладан, найчилар А. Мақсудов, С. Қалонов, ғижжакчилар Д. Зокиров, С. Алиев, С. Тўхтасинов, чангчилар Ф. Содиқов, Қажомчангчи, Ф. Харратов, Ш. Шоакрамов, қўшнайчилар А. Юсупов, К. Одилов каби ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри чолғучилари тўпланган эди. Ансамбль «Сайқал», «Сегоҳ», «Уфори сегоҳ», «Мирза давлат», «Эй дасстой», «Дучава», «Савти муножот», «Савти Чўли Ироқ», «Танолар» каби ўзбек халқ куйларидан тузилган концерт дастури билан чиқди.

ди. Ленинград Консерваториясининг талаба ва аспирантларига торли-камонли чолғуларда ижрочилик тарихи ва методикаси бўйича таҳсил берган. Унинг илмий раҳбарлигида аспирант Л. Н. Раабен (ҳозирда санъатшунослик доктори) номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Игорь Петровичнинг ўқитувчилик ва тадқиқотчилик фаолиятининг бир қисми Тошкент билан ҳам боғлиқ. 1948—1956 йиллар давомида Консерваториянинг халқ чолғулари кафедрасида ишлади, халқ чолғуларида ижрочилик тарихи ва методикаси бўйича ваъз ўқиди, ғижжак ва рубоб-прима ихтисоси бўйича синфларда дарс олиб борди. Айни чоғда Ҳамза номидаги санъатшунослик институтида илмий ишлар бўйича директор муовини вазифасида ҳам ишлаб, ёш олимларга ёрдам берди, халқ мусиқа чолғушунослиги тарихи ва назарияси бўйича ваъз ўқиди. Илгари ўзбек халқ чолғуларида ижро этилмаган рус ва Оврўпо бастакорларининг асарлари ҳисобига чолғучилар ижро репертуарини кенгайтириш йўлида жонбозлик қилди.

Ўзбек халқ чолғулари ижрочилик тараққиётида И. П. Благовешченский торли-камонли чолғуларида ижрочиликнинг янги мактабларини (ғижжак, ғижжак-альт) шакллантиришда ва ўзбек халқ чолғуларида ижрочиликнинг янги методикасини яратишда ҳомийлик қилди.

*Муסיқий таълим.* Ўрта Осиёда 1917 йилдан кейин санъат ва муסיқий таълим ишлари давлат аҳамиятига эга бўлди. 1918 йил июнда Тошкентдаги Туркистон халқ унiversитети қошида дастлабки муסיқий ўқув-юрти — Туркистон халқ консерваторияси ташкил қилинди (кейинчалик халқ консерваториялари Бўхорода, Самарқандда, Наманганда ташкил қилинди). Уларни юзага келтиришда В. А. Успенский, Н. Н. Мионов, Е. Е. Романовская, Г. И. Арский, В. Ф. Сакович, Е. А. Чернявский каби машҳур мусиқачилар фаол қатнашганлар. Ўқув юртининг асосий вазифаси меҳнаткашларга бошланғич муסיқий таълим бериш ва халқни жаҳон муסיқий маданияти ютуқларида баҳраманд қилишдан иборат бўлган эди.

1919 йилда Туркистон халқ консерваториясининг қуйидаги филиаллари ташкил қилинди:

Вокзалолди филиали — Тошкент темир йўли ишчи ва хизматчилари учун;

Эски шаҳар (Шайхонтоҳур ноҳиясида) филиали — маҳаллий аҳоли учун. Бу ерда ўқувчилар асосан ўзбек халқ муסיқаларини ўзлаштиришар, халқ чолғуларида ижрочиликни ўрганишар эди. Дарс беришга ҳонанда Шораҳим Шоумаров, дуторчи Абдусоат Ваҳобов, танбурчи Шобарат Қаюмов, ғижжакчи Қурбон Ҳакимов, найчи Илҳом Ҳакимов, танбурчи Маҳмуд Хўжаев, чангчи ИсмаиЛутфуллаев, дуторчи Давлатоҳун Қодиров каби ижрочилик санъатининг кекса усталари жалб қилинган эди. И. Кокурин, В. Пикинский, С. Моше, А. Сипяковлар рус халқ чолғуларидан сабоқ беришар эди.

Ўз устозларидан ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик маҳоратини мерос қилиб олган Рихси Ражабий (танбур), Юнус Ражабий (най, дутор), Имомжон Икромов (ғижжак), Пўлат Раҳимов, Фахриддин Содиқов (чанг), Карим Абдуллаев (танбур) кабилар эски шаҳар халқ консерваториясининг биринчи ўқувчилари бўлишди.

Туркистон халқ консерваторияси ўз фаолияти даврида улкан ишлар-

ин амалга оширилди, ушундан кейин ушунда давлат мусиқа асарларини асос қилиб, 1923 йилда Туркий тоғи қазақ консерваторияси Туркийнинг мусиқа техникумига суни Тошкент мусиқа техникуми, хозирда Жамша номидаги мусиқа билим юртига айлантирилди. Унинг қўлида иккитдорлиқ ўзбек ёшлари қатта иштироки билан таълим ола бошлади. Дастлабки ўқувчилар орасида ўқиниб тугатгач, турли ўзбек халқ қолғуларини асос қилиб, иж-рочилик фаолиятини муваффақиятли давом эттирган Сайиджон Қамбаров (Най), Маҳсулхўжа Юсупов (Тайбур), Фахриддин Солиқов (Чанг), Ориф Қўсийим (дугтор) Андумутай Абдуллаев (Тайбур), Нигматжон Дустамурамеёв (Чанг) лар бор эди.

Ушундан кейинги ижрочилик репертуарини асос қилиб ўзбек халқ қўли-дан иборат бўлган.

**Танбурчи Абдумутал Абдуллаев** ўзининг мусиқа техникумида ўқи-ган йиллари ҳақидаги хотиралари билан ўртқилишиб, мана буларни ко-ниқиб билан хотирлаган эди: Тошкент мусиқа техникумида (1923—1927) ўқиган чоғларимда устозларим раҳбарлигида танбурда «Чули Ироқ», «Кўшчиноқ», «Тановёр» (унда: «Ойиқ» «арайлар»), «Чоргоҳ», «Сегоҳ», «Каримавоз», «Житарпора» ва қўллаб бошқа ўзбек халқ куй-лари намуналарини ижро этишни ўргандим. Устозим Абдусоат Ваҳобов ажойиб ўқитувчи эди. У ўқувчиларини ҳизиктира «Блар» «Улар учун янги ижрочилик вазифаларини толар ва уларни бажариш» дегенларини кўрсат-тар эди. Майшуволларга берилиб кетиб уста кўпича «кўшиқ орқали куйларни айта турардилар. Кўшиқ» танбур билан ургангаётган асар-нинг қисмларини чалиб, ижрочиликдаги нозикликларини кўрсатар эди. Уста хамиша ўқувчилардан ифодали ва таъсирчан ижронга талаб қилар-ди. У ижрочиликнинг академик услубларини алоҳида эътибор берарди.

Таниқли дугторчи, ўзбекистон Халқ артисти Ориф Қосимов бир суҳ-батда куйидагиларни айтди: Машхур сазваткорлар дугторчи Абдусоат Ваҳобов ва хонанда Шораҳим Шоумарбешлар мусиқа техникумида (1926) менинг сеvimли устозларим бўлишган. Уларнинг таъсири остида мен ушун вақтдаёқ «Гиря», «Истамбул», «Насруллабий», «Мискин» — 5», «Наврўзи ажам», «Каримқулбеги», «Мушкулоти дутоҳ» каби ўзбек халқ мусиқаларини анчагина маҳорат билан ижро эта олар эдим. Уста Абду-соат аканинг иш услуби ўзига хос эди. У ўқувчилари ўрганилаётган куйини ёлдан эркин, равои ва енгил қила олаётган бўлган сунтина уларга мусиқанинг нафис орнаментига ва мелизматикасини ўргатар эди. Бунинг иҳоятда эҳтиёт бўлиб, чоғтуда ортқиқча тебрантишга йул қуй-май бажарар эди. Академик меъёрига «тказиб» ижро этишни биринчи ўринга қўяр эдилар, — дея ҳаққ қилиб берган эди.

20-йилларда рус тадқиқотчиларининг ўзбек мусиқа маданиятини ўр-танишга бўлган қизиқиши янада орта борди. Мусиқа техникуми айна бир вақтнинг ўзида ўзбек халқ мусиқасини ўрганиш ишларини ҳам амалга ошира борди.

Техникумда махсус этнография бўлими фаолият кўрсатиб, унда В. А. Успенский, Е. Е. Романовская, кейинчалик И. А. Акбаров фозл ишлаш-ди. 20—30-йилларда ўтказилган тўплаш ишлари ўз мавзларини берди — қўллаб мусиқа асарлари «Эзиб» олинди. Улар нашр этилди: Масъдан, В. А. Успенский томонидан 1924 йилда чоп этилган «Нашмақом», Е. Е. Романовская томонидан 1939 йилда нашр этирилган «Хоразм классик

мусиқаси» асарида ўзбек халқ қолғуларининг замонавий ижрочилик им-кониятлари ҳисобга олиниб, қисман қайта ишланди ва бошқача тарзда ифодаланди.

20-йилларнинг иккинчи ярми ва 30-йилларнинг биринчи ярмида ёш республика мусиқа ҳаётида қизиқарли воқеалар юз берди. Самарқанд ва Наманганда ўзбек халқ қолғуларини бўлимлари мавжуд бўлган муси-қа техникумлари ташкил қилинди. Кўпгина шахарларда болалар муси-қа мактаблари фаолият кўрсата бошлади.

Бухорода Шарқ мусиқа мактаби (1920—1921) ташкил этилиши му-ҳим воқеа бўлди. Бу мактабда ўзбек халқ қолғуларини ижрочилиги асо-сини эшитиш принципига асосланиб ўргатилар эди. Кейинчалик респу-блика мусиқа санъатининг машхур арбоблари бўлиб етишган Мухтор Ашрафий (дугтор), Аюб Қодиров (най), Шоназар Соҳибов, Олимжон Халимов, Ёқуб Давидов (танбур) ва бошқалар ўзбек халқ қолғуларини бошланғич таълим ва ижрочилик кўникмаларини илк бор ана шу ерда олишган эди. Етуқ устозлар Ота Жалол Носиров, Домла Халим Ибодов, Мирза Назруллаев, Ота Ғиёс Абдуғани, Маъруфжон Тошпулатов, Намиддин Насриддинов, Тоҳиржон Давлатзода мактабнинг биринчи ўқитувчилари бўлишган. Айналар Бухоро ижрочилик мактабининг асосий йўналишларини яратишган.

Бухородаги танбур ижрочилигининг асосчиларидан бири Домла Халим Ибодовдир (1878—1940). Унинг ижрочилик ва педагогик фао-лияти 1917 йилдан кейингида кенг қулоч бўлди.

1923 йилда хонанда ва танбурчи Москвадаги Бутун Россия қишлоқ хўжалик кўргазмасида ўз ижрочилик маҳоратини намойиш этди (Кўр-газмада, шунингдек, хонанда ва танбурчи М. Шерозий раҳбарлигидаги хоразмлик қолғучилар гуруҳи ҳам қатнашди). Ибодов ўқитувчилик фао-лиятини Бухородаги Шарқ мусиқа мактабида бошлади (1924). Ута кам-тарча меҳрибон инсон Домла Халим Ибодов ўзбек халқ қолғуларини иж-рочилик сирларини эгаллашда ўқувчиларга хамиша бажонидил ёрдам берар эди. Найчи Аюб Қодиров мана бундай: Устозимнинг номи қатта ва гўзал санъатнинг тямолли. Унинг халқ мусиқаси ҳақида чуқур билим билан сугорилган маслаҳатлари биз учун, айниқса қимматлидир, — деб эслайди.

Машхур бастакорлар (М. Ашрафий, М. Бурханов, Т. Солиқов) «Чол-ғучилар» (рубобчилар Н. Насриддинов, Э. Шукруллоев, Найчи А. Қоди-ров, танбурчилар М. Тошпулатов, Ш. Соҳибов, Ф. Шаҳбоб) Домла Халим Ибодовни ўзларининг устози, сеvimли муғлимлари, — деб қи-соблашган.

1932 йилда Шарқ мусиқа мактаби асосида ўзбек халқ қолғуларини бў-лим мавжуд бўлган Бухоро мусиқа бўлими юртин ташкил этилди. Аж-ойиб мусиқачиларини, ўзбек халқ қолғуларини ижрочиларини тарбиялаб етиштирган Найчи ддин Насриддинов унинг илк мураббийларидан бири бўлди. Мавробдин ва камолли танбурнинг ажойиб ижрочиси, мусиқа мак-табининг, кейинроқ мусиқа техникумининг ўқитувчиси, 1932 йилдан эса Бухоро давлат мусиқа билим юртининг етакчи устози Маъруфжон Тош-пулатов Бухоро ижрочилик мактабининг вакили ҳисобланади. Ўзбекис-тонда хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Тошпулатов, Ёқуб Давидов, Шо-назар Соҳибов каби танбурчиларни тарбиялаб етиштирди.

Нота системасига ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик, профессионал чолғучиларни тарбиялаб етиштириш масалалари кўплаб мусиқа санъати арбобларини ташвишлантирар эди. Шунинг учун 1928 йилда Самарқандда мусиқа ва хореография илмий-тадқиқот институти очилди. У ҳам илмий-тадқиқот муассаса, ҳам мусиқа ўқув юрти вазифасини бажарди. Таниқли мусиқа арбоби Николай Назарович Миронов унинг ташкилотчиси ва биринчи директори этиб тайинланди. У ерда республиканин турли вилоятларидан келган машхур мусиқачилар дарс беришар эди. Улар қаторида дуторчилар Ҳожи Абдурахмон Умаров, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Домла Ҳалим Ибодов, Муҳитдин Мавлонов, чапчи Матюсуф Харратов, пайчи Абдуқодир Исмоилов, қўшнайчи Аҳмаджон Умурзоқовлар бор эди. Н. Н. Миронов иктидорли ўзбек ёшларидан биринчи ўқувчиларни тавлашда қатнашди. У Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона ва республиканин бошқа вилоятларида бўлиб, бўлажак бастакорлар, ижрочилар, мусиқа арбобларидан иборат иктидорли чолғучилар гуруҳини тузди. Бу ерда Ҳамза, М. Ашрафий, М. Бурхонов, М. Левиев, Д. Зокиров, Ш. Рамазонов, Т. Содиқов, С. Калонов, М. Насинов, Ш. Соҳибов, Х. Ҳалимов, Н. Ҳасанов, П. Раҳимов сингарилар мусиқий-назарий bilimларини, турли халқ чолғуларида ижрочилик кўнакмаларини тақомиллаштирдилар. Улар ўзбек мусиқа маданияти тарихига ўзбек профессионал ижрочилик мактабига асос солган дастлабки мусиқачи — ижрочилар сифатида шаклландилар.

Самарқанд мусиқа ва хореография илмий-тадқиқот институтининг ташкил этилиши ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги тарихида муҳим босқич бўлди. 1932 йилда у Тошкентга мустақил Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти сифатида кўчирилди. Мусиқа секторининг биринчи илмий ходимлари орасида М. Ашрафий, И. Акбаров, Н. Миронов, Ш. Рамазонов, Е. Романовская, В. А. Успенскийлар бор эди.

Самарқанд мусиқа ва хореография институти профессионал мусиқий таълимга, хусусан ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик таълимга асос солди. Ўқув жараёнида республикада илк бор нота системасидан фойдаланилди. Айнаи шу ерда мусиқий чолғуларни реконструкция қилиш ғоиси туғилди, илк бор халқ мусиқасидан ўқув-маърифий жараёнида фойдаланиш учун уни ёзиб олиш ва маъносини айтиб бериш бошланди (7-расмга қараи).

**Мухтор Ашрафий (1912—1975)** Халқ артисти, таниқли ўзбек бастакори, дирижёр, мусиқа арбоби. У ҳар доим ўзбек халқ чолғуларида ижрочиликка, ўзбек халқ мусиқаси ижросига, ўзбек халқ чолғулари учун яратилган асарларга катта аҳамият берди. Ашрафий ёшлигиданоқ дутор чалишни севар эди. Дастлабки мусиқий таълимни у Бухоро техникуми ҳамда Самарқанд мусиқа ва хореография илмий-тадқиқот институтида олди. Бу ерда у Н. Н. Миронов раҳбарлигида композиция кўнакмаларини ўзлаштирди. Уч йил мобайнида М. Ашрафий таниқли ўзбек созандалари Абдурахмон Умаров, Домла Ҳалим Ибодов кўл остида дутор ихтисоси бўйича таҳсил олди. Мухтор Ашрафий нота ёзувидан фойдаланган биринчи профессионал дуторчидир. 30-йиллардан бошлаб, у Тошкент мусиқий драматик театрининг бадий раҳбари ва бош дирижёри бўлиб ишлайди. Тез-тез унинг «Сўзсиз кўшиқ», «Фарғонача ялла», «Ёшлик кўшиғи» каби пьесалари ўзбек халқ чолғулари ижросида янграйди.

Тошкент Консерваториясида ишлаган чоғида М. Ашрафий республикада музика таълими ривожига катта аҳамият берди. Унинг бевосита раҳбарлигида 1948 йилда (ўша пайтда М. Ашрафий консерваториянинг директориди) оркестр чолғучилиги факультети қошида ўзбек халқ чолғулари синифларига асос солинди. У ўзбек халқ чолғуларида ижрочиликни янада янгиликларга, юқори малакали ижрочиларни тарбиялаб етиштиришга катта ҳис қилди.

Машҳур найчи, дуторчи, танбурчи, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистоннинг таниқли бастакори, дирижёр, музика арбоби **Толибжон Содиқов (1907—1957)** ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тараққиётига катта ҳис қилди. 1928 йилда Содиқов Самарқанд музика ва хореография илмий-тадқиқот институтига ўқинишга кирди. Дуторчи Абдурахмон Умаров, танбурчи Ота Жалолиддин Носиров, найчи Абдукабир Исмоилов каби кўзга кўринган халқ ижрочилик санъати усталари билан устозлик қилдилар. Толибжон Содиқов талабалар оркестрида партиячилардан бўлиб нота ёзуви асосида най чалишни бошлади. 1950 йилларда Т. Содиқов Тошкент Консерваториясининг халқ чолғулари кафедрасида ҳам пай ихтисоси бўйича таълим берди.

**Шоназар Соҳибов (1910—1979)** машҳур танбурчи ва хонанда, Тошкент Халқ артистидир. Танбур чалишни Бухоро техникумида (1936) ўргана бошлади. 1928—1932 йилларда Самарқанд музика ва хореография илмий-тадқиқот институтида ўқиди. Уни тугатгач Тошкент Консерваториясида музика билим юртининг директори этиб тайинланди. Ўзбекистоннинг филармониясининг ўзбек халқ чолғулари оркестрига раҳбарлик қилди (1941). 1942 йилдан бошлаб Душанбеда санъат муассасаларида хонанда ва танбурчи бўлиб ишлади. Машҳур хонандалар Садиржон Бобонарифов, Бобоқул Файзуллаев, Фазлиддин Шаҳобов ҳамда чолғучилар билан ҳамкорликда у икки жилдди «Шашмақом» ни ёзиб олди. 1963 йилда Москва).

Шоназар Соҳибов — реконструкция қилинган ўзбек халқ чолғулари оркестри билан куйлаган дастлабки яккагон хонандалардан бири (1944—1947 йиллар). У ўзбек халқ чолғулари ижрочилигида янги йўналишнинг ота-бобо тарғиботчиси эди. Умрининг охиригача Душанбеда яшади ва ишлади.

**Шораҳим Шоумаров (1876—1958)** таниқли танбурчи ва хонанда, катта санъаткор эди. У ўзбек халқ чолғуларини реконструкция қилиш ишлари билан чиқди. Туркистон халқ консерваторияси (1919) халқ созандалари ўртасида биринчи бўлиб консерваторияда ўзбек халқ чолғулари бўйича мураббийлик қилди (1919—1920). Созанда консерваторияда ниҳоятда истеъдодли санъаткор эканлигини намойиш қилди. У мураббий сифатида шогирдларидаги мустақил ижодий йўлга интилишга қўл қўйди ва ҳар томонлама рағбатлантирди. Унинг шогирдлари орасида Ю. Ражабий (най), И. Икромов (ғижжак), П. Раҳимов, Ф. Содиқов (чанг), М. Абдуллаев (танбур), З. Содиқов (дутор), А. Мақсудов (най) лар бор эди.

Ш. Шоумаров узоқ вақт мобайнида машҳур халқ созандалари Р. Ражабий, И. Икромов билан Ўзбекистон радиоси қошидаги халқ чолғулари ансамблида ишлади. Ансамблда ишлаган даврда Ш. Шоумаров ғижжак, дутор, танбур каби чолғуларининг товуш ва тебраниш сифатлари-

ни яхшилашга доир қизғин изланишларни бошлаб берди. У шу йўналишда чолғуларни реконструкция қилиш ишида кўпгина ижодий таклиф ва ташаббуслар курсатди. Ш. Шоумаров Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбобидир.

Ўзбекистон Халқ артисти, таниқли бастакор ва гижжак ижрочиси **Дони Зокировнинг** ижрочилиги сақлаётганинг шаклланиши ва тараққиетидаги хизматлари салмоқлидир. Д. Зокиров 1928 йилда Самарқанд музика-ва хореография институтига гижжак ихтисоси бўйича ўқишга кирди. Унинг мусиқа бўйича устозлари **Ҳожи Абдулазиз Расулов**, **Домла Халим Ибодов**, **Матюсуф Харратов** бўлди. 1930—1936 йилларда Д. Зокиров гижжакчи, кейинроқ Самарқанд музика-драма театрининг халқ чолғулари оркестри раҳбари бўлиб ишлади. 1936 йилдан 1941 йилгача Ўзбекистон давлат филармонияси халқ чолғулари оркестри жўрनावози (концертмейстри), 1948 йилгача Муқимий номидagi мусиқали драма ва комедия театридаги оркестр дирижери, 1948 йилдан бошлаб Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрида аввал гижжакчи, кейинроқ бош дирижёр бўлиб ишлади. У дирижёрлик қилган даврда оркестр чолғучиларининг сонин 57 кишигача етган эди.

Д. Зокировнинг бастакорлик ижодида оркестр унун «**Сиядан**», «**Бола-лар сюитаси**», «**Ўзбек раисодияси**», «**Қарини чўли гуллари**», «**Жазонир**», «**Таювор**» каби асарлари алоҳида ўрни тутади. 50-йилларда Д. Зокиров консерваторияда гижжак мутахассислиги бўйича дарс берди. Ўзбекистон Телевидение ва радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрига 1988 йилда Д. Зокиров номин берилди.

Ўзбекистон Халқ артисти **Шариф Рамазоновнинг** (1910 йилда туғилган) ижодий фаолияти ҳам ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи билан узвий боғлиқ. Бастакорнинг кўпчилик асарлари халқ чолғуларига мослаштирилган ва доний равишда ижро этиб келинмоқда.

1934 йилда Тошкентда Мусиқа олий мактаби, 1936 йилда эса унинг асосида Урта Осиёда биринчи мусиқа олий ўқув юрти — **Тошкент Давлат консерваторияси** очилди.

1936/37 ўқув йили халқ чолғуларида ижрочилик соҳасида мусиқани таълим ривожини утун жуда муҳим давр бўлди. Андан шу даврда **Ҳамза** номидаги Тошкент мусиқа билим юртида **А. И. Петроскич** ташаббуси билан **Ю. Ражабий**, **А. Дорощев**, **А. Мансуров**, **Б. Г. Жакотин**, **Крестяшин**, **В. Марциковский**, **А. Максудов**, **О. Қосимов** каби ўқитувчилар умуммақбул нота системасин асосида ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик бўйича сабоқ бера бошладилар. **Ш. Шоакрамов**, **А. Рафуров**, **М. Юнусов** (чап), **С. Пуллошев**, **Г. Қодиров** (танбур), **А. Илсоров**, **М. Аъзамов** каби лар уларнинг биринчи ўқувчиларидан бўлишди.

#### ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУЛАРИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ

##### ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мусиқа чолғуларини реконструкция қилиш ва такомиллаштириш уларни янги технология асосида, муайян конструктив ўзгартришлар билан ўша вақтда **Т. Д. К. Бейсеген** даҳисада (бу жойла келинчилик **Бейсегов** номидаги республика баллий билим юрти жойлашди) жойлашган **Э. И. Бочкарев** унинг биринчи директори бўлди. Ҳозирги пайтда бу билода янаш тажрибахонас жойлашган **У. ШИШКОВ** ТЕХНОЛОГИЯ НИВА ҚИСМЕТ ҚИЛИШ

қиритиш бўлган ясашни аниқлаш. Ундай асосий мақсад товуш (оҳанг) хусусиятларини яхшилаш, чолғуларда янги техник имкониятлар яратиш, темир, товуш тусини, нозик иккиликларда эришни, ун икки, босқинли равиш сўрбатларга бўлиган хроматик тузилмаларни жорий этиш, товуш қаторларини кенгайтиришдир. Демак, реконструкцияга бўйсунган мусиқа чолғуларини такомиллаштириш чолғуларни мустақамлаштириш, чиндам-лигиини, айрим қисмларнинг сезгирлигини оширишни, товуш (оҳанг) ҳосил қилиш сифатини замонавий ижрочиликнинг юқсак теҳник ва баланд ий тадабларига жавоб бера оладиган даражада яхшилашни аниқлаш.

Мусиқа маданиятининг умумий тараққиети билан боғлиқ бўлган чолғуларни такомиллаштириш халқ ижрочилиги санъатини ривожини ун қатъий имкониятлар яратди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек халқ чолғуларида ижрочиликнинг ривожланиши билан бирга халқ чолғуларига ҳам қизиқиш кўпайди. Бу даврга келиб ҳамма регионларда халқ чолғуларни оркестрларни ва ансамблларининг турли хиллари шаклланди. Халқ чолғуларининг асосий типлари барқарорлик касб этди. Бу эса ўз набаатида уларни такомиллаштириш йўллариини илмий равишда излашга олиб келди.

Илк бор 1937 йилда **В. В. Андреев** (1861—1918) халқ чолғуларини такомиллаштириш ва халқ чолғулари оркестри тузиш соҳаси билан қизиқди. Иқтидорли мусиқа усталари **Ф. С. Пасербский** ва **В. В. Иванов** билан ҳамкорликда **В. В. Андреев** дастлабки хроматик баландлик, кейинроқ эса унинг никколлодан контрабасгача булган оркестрдаги турдош хилларини ясади. Халқ баландликкаси 12 босқичли суръатларга бўлинган товуш қаторли концерт чолғусига айланди.

20-йиллар ўрталаринда таниқли арман чолғучиси **В. Г. Буши** Ереванда реконструкция қилинган халқ чолғуларидан иборат ансамбль тузди. Унинг таркибига тутақ, дудук, зурна, соз, тор, кемонча тур умлари ва урма зарбали чолғулар кирган. 1934 йилда оркестр Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб сафарда бўлди. Оркестр раҳбари **В. Буши** Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида халқ чолғуларини реконструкция қилиш тажрибалари билан ўртоқлашди. Қозоқ бастакори, чолғушунос олим **А. К. Жубанов** ҳам қобизнинг турдош оиласи хроматик думбара, лаулаз, кичик барабан ва учбурчак туркумлардан тузилган реконструкция қилинган оркестр тузди (1934).

Бастакор **Узеир Хожибеков** радио кўмитаси қошида фаолият кўрсатган нота асосидаги биринчи **Озарбайжон халқ чолғулари оркестрини** тузди. Оркестр қоманча, тор, дудук (балабан), зурна, деф (дойра), нота гора каби чолғулардан иборат бўлиб, унинг бадий раҳбари ва дирижери **Узеир Хожибековнинг** ўзи эди.

Қардош халқлар мусиқаси тадқиқотчиси **В. М. Беляев** ўзининг «Ўзбекистоннинг чолғу асбоблари» китобида (Москва, 1939) бий Ўзбек халқ чолғуларини реконструкция қилиш ва такомиллаштириш зарурлиги муаммосини кутариб чиқди. У Ҳозирги пайтда Универсал нота ёзиш воқитаси сифатидаги **Оврүпо нота ёзуви** асосида ўзбек мусиқа чолғуларининг стандарт тузилишини аниқлашга таклиф этди.

Ўзбек халқ чолғулари хилма-хил бўлганлиги учун уни такомиллаштириш ниҳоятда қийин вазифа эди. Бу ниҳоят ўзоқ давом этган ва умумраққаб жараён бўлди. Шу сабабли ҳам халқ чолғуларини реконструкция

ни яхшилашда доир қизғин ишлари билан бошлаб берди. У шу йўналишда чолғуларни реконструкция қилиш ишида кўпгина ижодий таклиф ва ташаббуслар қурсатди. Ш. Шоумаров Ўзбекистонда хизмат қурсатган санъат арбобидир.

Ўзбекистон Халқ артисти, таниқли бастакор ва ғижжак ижрочиси Дони Зокировнинг ижрочилик санъатининг шаклланиши ва тараққишдаги хизматлари салмоқлидир. Д. Зокиров 1928 йилда Самарқанд музика ва хореография институтига ғижжак ихтисоси бўйича ўқишга кирди. Унинг музика бўйида устозлари Хожик Абдулазиз Расулов, Домла Халим Ибодов, Матюсуф Хайратов бўлишди. 1930—1936 йилларда Д. Зокиров ғижжакчи, кейинроқ Самарқанд музикали драма театрининг халқ чолғулари оркестри раҳбари бўлиб ишлади. 1937 йилдан 1941 йилгача Ўзбекистон давлат филармонияси халқ чолғулари оркестри журналисти (концертмейстри), 1948 йилгача Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театридаги оркестр дирижёри, 1948 йилдан бошлаб Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрида аввал ғижжакчи, кейинроқ бош дирижёр бўлиб ишлади. У дирижёрлик қилган даврда оркестр чолғучиларининг сони 57 кишигача етган эди.

Д. Зокировнинг бастакорлик ижодида оркестр узун ҳезилган «Болалар сюитаси», «Ўзбек рапсодияси», «Қарини чўли гуллари», «Жазонир», «Тановор» каби асарлари алоҳида урин тутади. 50-йилларда Д. Зокиров консерваторияда ғижжак мутахассислиги бўйича дарс берди. Ўзбекистон Телевидение ва радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрига 1988 йилда Д. Зокиров номи берилди.

Ўзбекистон Халқ артисти Шариф Рамазоновнинг (1910 йилда туғилган) ижодий фаолияти ҳам ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи билан узвий боғлиқ. Бастакорнинг кўпчилиги асарлари халқ чолғуларига мослаштирилган ва доимий равишда ижро этиб келинмоқда.

1934 йилда Тошкентда Музика олий мактаби, 1936 йилда esa унинг асосида Урта Осиёда<sup>1</sup> биринчи музика олий ўқув юрти — Тошкент Давлат консерваторияси очилди.

1936/37 ўқув йили халқ чолғуларида ижрочилик соҳасида музика таълим ривожини устуни жуда муҳим давр бўлди. Айнан шу даврда Ҳамза номидаги Тошкент музика билим юртида А. И. Петросяц ташаббуси билан Ю. Ражабий, А. Дорошев, А. Мансуров, Б. Глиенко, Н. Крестянин, В. Марцинковский, А. Мақсудов, О. Қосимов каби ўқитувчилар умуммақбул нота системаси асосида ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик бўйича сабоқ бера бошладилар. Ш. Шоакрамов, А. Ғафуров, М. Юнусов (чанг), С. Пўлдошев, Г. Қодиров (танбур), А. Илёсов, М. Аъзамов кабилар уларнинг биринчи ўқувчиларидан бўлишди.

### ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУЛАРИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Музика чолғуларини реконструкция қилиш ва такомиллаштириш уларни янги технология асосида, муайян конструктив ўзгартiriшлар

<sup>1</sup> Ушбу вақтда Т. Д. Қ. Бешағоч Даҳасида (бу жойда кейинчалик Беньков номидаги республика бажийи билим юрти жойлашди) жойлашган эди. А. И. Бочкарев унинг биринчи директори бўлди. Ҳозирги пайтда бу бинода тиниш тажрибахонаси жойлашган.

киритиш билан ясашни англатади. Ундаи асосий мақсад товуш (оҳанг), хусусиятларини яхшилаш, чолғуларда янги техник имкониятлар яратиш, тембр (товуш туси) позитивликларига эришиш, ушбу икки босқичли равиш суръатларга бўлинган хроматик тузилмаларни жорий этиш, товуш қаторларини кенгайтиришдир. Демак, реконструкцияга бўйсунган мусиқа чолғуларини такомиллаштириш чолғуларни мустахкамдигини, чидамлидигини, айрим қисмларнинг сезгирлигини оширишни, товуш (оҳанг) ҳосил қилиш сифатини замонавий ижрочиликнинг юксак техник ва бадий талабларига жавоб бера оладиган даражада яхшилашни англатади.

Мусиқа маданиятининг умумий тараққиети билан боғлиқ бўлган чолғуларни такомиллаштириш, халқ ижрочилик санъати ривожини учун катта имкониятлар яради.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек халқ чолғуларида ижрочиликнинг ривожланиши билан бирга халқ чолғуларига ҳам қизиқиш кучайди. Бу даврга келиб ҳамма регионларда халқ чолғулари оркестрлари ва ансамблларининг турли хиллари шаклланди. Халқ чолғуларининг асосий типлари барқарорлик касб этди. Бу эса ўз навбатида уларни такомиллаштириш йўллариини илмий равишда излашга олиб келди.

Илк бор 1937 йилда В. В. Андреев (1861—1918) халқ чолғуларини такомиллаштириш ва халқ чолғулари оркестри тузишга оид билан чиқди. Иқтидорли мусиқа усталари Ф. С. Пасербский ва В. В. Иванов билан ҳамкорликда В. В. Андреев дастлабки хроматик балалайка, кейинроқ эса унинг пикколодан контрабасгача бўлган оркестрдаги турдош хилларини ясади. Халқ балалайкаси 12 босқичли суръатларга бўлинган товуш қаторли концерт чолғусига айланди.

20-йиллар урталарида таниқли арман чолғучиси В. Т. Буни Ереванда реконструкция қилинган халқ чолғуларидан иборат ансамбль тузди. Унинг таркибига тутек, дудук, зурна, соз, тор, кемонча туркумлари ва урма зарблӣ чолғулар кирган. 1934 йилда оркестр Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб сафарда бўлди. Оркестр раҳбари В. Буни Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида халқ чолғуларини реконструкция қилиш тажрибалари билан ўртоқлашади. Қозоқ бастакори, чолғушунос олим А. К. Жубанов ҳам қобизнинг турдош оиласи хроматик думбра, даупаз, кичик барабан ва учбурчак туркумлардан тузилган реконструкция қилинган оркестр тузди (1934).

Бастакор Узеир Хожибеков радио қўмитаси қўшида фаолият кўрсатган нота асосидаги биринчи Озарбайжон халқ чолғулари оркестрини тузди. Оркестр команча, тор, дудук (балабан), зурна, деф (донра), нора каби чолғулардан иборат бўлиб, унинг бадий раҳбари ва дирижери Узеир Хожибековнинг ўзи эди.

Қардош халқлар мусикаси тадқиқотчиси В. М. Беляев узининг «Ўзбекистоннинг чолғу асбоблари» китобида (Москва, 1933) бой ўзбек халқ чолғуларини реконструкция қилиш ва такомиллаштириш зарурлиги муаммосини кутариб чиқди. У ҳозирги пайтда универсал нота ёзиш воситаси сифатидаги Оврпо нота ёзуви асосида ўзбек мусиқа чолғуларининг стандарт тузилишини аниқлашни таклиф этди.

Ўзбек халқ чолғулари хилма-хил бўлганлиги учун уни такомиллаштириш ниҳоятда қийин вазифа эди. Бу ниҳоят "узок" давом этган ва мураккаб жараён бўлди. Шу сабабли ҳам халқ чолғуларини реконструк-

ция қилиш ва такомиллаштириш, шунингдек, кўповозли ансамбль ва оркестрлар тузиш бир неча ўн йиллаб давом этди. Анъанавий чолғуларнинг эски намуналари ўрнига замонавий ижрочиликнинг юксак талабларига жавоб бера оладиган янги, замонавийроқ намуналари пайдо бўлди. Янги намуналари пайдо бўлгач, мавжуд musiқа чолғуларини янада такомиллаштиришга уринишлар бўлди. Чанг, гижжак каби чолғуларга қўшимча торлар қўшилгач (қўйилгач), бу уларнинг товуш (оҳанг) доирасини анчагина кенгайтирди. Кўпинча гижжак ўрнида унинг вертикал ҳолати сақланган ҳолда тўрт торли скрипка қўлланила бошланди. 20-ва 30-йилларнинг бошларида musiқа чолғулари устаси Уста Усмон Зуфаров (1899—1981) кўплаб дутор, танбур, гижжакларнинг турдош ояласини яратди. Матюсуф Харратов чангни такомиллаштириш устида сабот билан ишлади. Уша пайтда мавжуд чанг кичик диапазон ва диатоник товуш қаторга эга бўлиб, унда профессионал бастакорлар асарларини ижро этиш имкони анча мушкул эди. Изланишлар натижасида М. Харратов чангнинг юқори регистрини қўшимча торлар ва хоррақлар ҳисобига кенгайтирди. Бу ўзгаришни чангчилар маъқуллашди. Бошқа бир йirik халқ созандаси, Ўзбекистон радиоси қошидаги халқ чолғулари миллий ансамблининг раҳбари Юнус Ражабий Усто Усмон Зуфаров билан ҳамкорликда дутор-бас (катта дутор), гижжак-бас (катта гижжак), гижжак-альт намуналарини яратдилар. Бу чолғулар унисон ансамбль таркибига киритилди. Бу ҳол ансамбль товуш кенглигини оркестрникига яқинлаштириш имкониятини берди.

Бу билан ўзбек халқ чолғуларини реконструкция қилиш ва такомиллаштириш бўйича махсус устахоналар очиш бошланди. Намангандagi musiқа устахонасига таниқли халқ созандаси Уста Рўздат Исабоев (1885—1964) бошчилик қилди. У ижрочилар томонидан кенг қўлланган бир неча ярим хроматик чанг ясади. Бухорода дутор, танбур, афгон рубобини такомиллаштириш устида Уста Ҳожирота, Уста Тоҳиржон Давлатов, Уста Нажмиддин Насриддинов, Уста Маъруфжон Тошпўлатовлар ишлашди. Тошкентда қўшнаё ва сурнайни таниқли созандалар Хайрулла Убайдуллаев, Уста Қайом суриайчи такомиллаштиришга уринишди.

Тўхтасин Жалилов Ўзбекистон давлат филармонияси қошидаги ўзбек халқ чолғулари унисон ансамбли таркибига турли ўлчамдаги гижжак турдош оилаларини киритди.

Шунга қарамай, ўзбек musiқа асбобларини такомиллаштириш йўлидаги дастлабки уриниш ва ҳаракатлар муаммони асосан ҳал қилмаса ҳам ишчи муайян даражада илгари силжитди. 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ўзбек чолғуларини системали тарзда такомиллаштириш ишлари қизгин бошланди. А. И. Петросянц раҳбарлиги остида бир гуруҳ соз усталари Уста Усмон Зуфаров, В. А. Ромаиченко, А. А. Кеахоянц, С. Е. Диденко, В. В. Андреевнинг тажриба ва ижодий ютуқларига таяниб, дутор ва танбурни реконструкция қилишга киришдилар. Асос сифатида соф яримтон ҳосил қилувчи, яъни хроматик тенг ярим товуш қаторига эга бўлган ўн икки босқичли равои суръатларга бўлиган товуш қатор қабул қилинди. Кейинроқ гижжакларнинг кварта, квинта созли туркуми яратилди, рубоблар такомиллаштирилди, Прима (кичик) рубоби ихтиро қилинди.

Янги мусиқа чолғулари авваллига А. И. Петросянц ташаббуси билан Тошкент мусиқа билим юртида ташкил этилган ўқув чолғу оркестрида синалди. Ўзбекистон Давлат филармониясининг у раҳбарлик қилган ўзбек халқ чолғулари оркестри эса чолғуларни реконструкция қилишда ҳақиқий тажрибахона вазифасини ўтади. Янги типдаги оркестр тузилганидан бошлаб (1938, ноябрь) илмий тажриба ишлари ўзбек давлат филармониясига юклатилди.

Реконструкция қилинган дастлабки ўзбек халқ чолғулари оркестри куйидаги 24 чолғудан:

Тор I	Фортепьяно
Тор II	Трубалар
Қашқар рубоби	Трамбонлар
Афғон рубоби	Ғижжак I
Танбур	Ғижжак II
Най	Катта ғижжак
Чанг I	Ғижжак-тенор
Чанг II	Ғижжак-бас

дан иборат бўлган эди.

Оркестрининг ғижжакчи-концертмейстери С. Габриэлян, ғижжакчиси С. Алиев, бастакори Г. Восконян қайта ишлаган ўзбек халқ куйлари оркестр репертуаридан катта ўрин эгалладилар.

Шундай қилиб, такомиллаштирилган ўзбек халқ чолғулари Ўзбекистон Давлат филармониясининг янги оркестридан ўзига муносиб ўрин эгаллади. 1943 йилда Санъатшунослик институти қошида ўзбек мусиқа чолғуларини реконструкция қилиш ва такомиллаштириш бўйича тажриба илмий-тадқиқоти (тажрибахона) ташкил этилди, айти пайтда унинг қошида чолғулари музейи очиш ҳақида ҳам қарор қабул қилинди.

Тажрибахона раҳбари ва илмий ходимлари этиб В. А. Успенский ва В. М. Беляев тайинландилар. Янгича намуналар, чизмалар ишлаб чиқишга доир фаол иш бошлаб юборилди, шулар асосида ўзбек халқ чолғулари яшашга киришилди. 1944 йилдан бошлаб тажрибахонага А. И. Петросянц бевосита раҳбарлик қила бошлади. Мусиқа устахонасига халқ усталари У. Зуфаров, З. Содиқов, И. Маҳмудовлар таклиф қилинди. Анъанавий халқ чолғулари асосида прима, секунда, альт, намунавий дутор, дутор-бас, дутор-контрабас, дутор-альт (камерли ва мизробли) 800 мм ли дутор кабиларни ўз ичига олган дуторлар туркуми яратилди.

Ғижжаклар ҳам сопрано, альт, бас, контрабас каби янги турдош оила билан бойиди. Кейинроқ пикколо, прима, тенор, бас каби турларни қамраб олган чанглар туркуми, прима рубоби, қашқар рубоби, афғон рубоби каби турлардан иборат рубоблар туркуми яратилди. Айти бир вақтда болалар мусиқа мактаблари ва ҳаваскор чолғу оркестрларига мўлжалланган мусиқа асбоблари: кичик дутор ва кичик ғижжак ҳам реконструкция қилинди.

Ўзбек халқ чолғуларини такомиллаштириш йўлидаги тинимсиз изланишларни белгилаб берган куйидаги асосий мақсад ва вазифалар Т. Визго ва А. Петросянцнинг «Ўзбекский оркестр народных инструментов» (Тошкент, 1962, 22—23-бетлар) деб номланган китобда акс эттирилган:

1. Торли-нохунли ва торли-мизробли чолғуларга раво суръатларга бўлинган товушқатор ўрнатиш;

2. Ўзбек халқ чолғулари турдош оилаларини яратиб;
3. Чолғуларни товуш туси сифатини яхшилаш, товуш кучини ошириш, ҳар бир мусиқа асбобининг диапазонини кенгайтириш;
4. Ўзбек халқ чолғуларининг ўзига ҳос товуш тусини ва оҳангдорлигини сақлаган ҳолда ҳар бир чолғунинг барча яширин бадий-ифодавий имкониятларидан фойдаланиш мақсадида чалиш техникасини осонлаштириш;
5. Мустаҳкам ва юқори сифатли чолғуларни оммавий равишда ишлаб чиқариш мақсадида чолғуларни ясашнинг бутунлай янги технологиясини ишлаб чиқариш.

Чолғу усталари ижрочилар билан яқин ҳамкорликда ишлашди. Чолғучилар, одатда дастлабки намунавий нусхаларини синаб куришар эди. Муаллифлик ҳайъати энг яхши намуналарини танлаб олар ва оммавий равишда ишлаб чиқаришга тавсия қилар эди. Ҳайъат таркибида чапчилар Ф. Содиқов, Ф. Харратов; вижжакчилар С. Габриэлян, С. Алиев, **М. Асилов**; дуторчилар Ғ. Қўчқоров, А. Илёсов, Х. Аъзамов; рубобчилар М. Мирзаев, А. Баҳромов, В. Борисенко, Ф. Васильев, Г. Григорьян; танбурчилар С. Тахалов, Х. Ражабов каби моҳир ижрочилар иштирок этганлар.

Мусиқа санъатининг обрўли вакиллари орасида торли-мизробли ва торли-нохули чолғуларини раво суръатларга бўлишга ва хроматизация қилишга қарши чиққанлар ҳам бўлди. Улар ўз маърузаларида миллий чолғулар реконструкциядан кейин гўёки ўзига хослиги ва миллий хусусиятларини йўқотиб қўйишдан хавотирда эканликларини баён этишди. Аммо ҳаёт уларнинг бу нуқтани назарини рад этди.

Ўзбек мусиқа маданияти тарихида нодир ҳодиса юз берди. Чолғулар том маънода халқчиллик касб этди. Бугунга келиб такомиллаштирилган ва реконструкция қилинган ўзбек халқ чолғуларидан ҳамма ерда — концерт эстрадасида, турли кўрик-конкурсларда, бадий хаваскорлик жамоаларида кенг фойдаланилмоқда. Оғзаки анъаналарга асосланган профессионал ижрочилар ҳам шу чолғулардан фойдаланилмоқда. Ўзбек санъатидаги бу янги ҳодисани таърифлаб Т. Қори-Ниязий шундай ёзганди: «Ўзбек халқ чолғу асбобларини реконструкция қилиш, уларнинг акустик хусусиятларини яхшилаш имконини берди ҳамда уларни нота ёзуви бўйича чалишни осонлаштирди. Реконструкция қилинган чолғуларда ўзбек ижрочилигининг ўзига хос услубини бузмасдан, нота ёзуви бўйича ҳар қандай асарни ижро этиш мумкин. Бу муҳим принципиал аҳамиятга эга<sup>1</sup>.

1943 йилга келиб халқ чолғуларини реконструкция қилиш ва такомиллаштириш бўйича ўзига хос тажрибахона сифатида Ўзбекистон филармониясининг чолғу оркестри 45 ижрочини ўз ичига олди. Эндиликда реконструкция қилинган чолғуларнинг 5 мустақил гуруҳидан ташкил топган чолғулар шаклланди:

— Ёғоч дамли чолғулар: най пикколо (кичик), най I, II, кўшнай I, II, сурнай;

— торли-урма чолғулар: чапг I, II, танбурлар;

<sup>1</sup> Қори-Ниязи. Очерки истории культуры советского Узбекистана. Т., 55, 428-бет.

— торли-нохунли (мизробли) чолгулар, рубоб-прималар I, II, қашқар рубоблари I, II, афғон рубоблари I, II, дуторлар, бас ва контрабас дуторлар;

— урма зарбли чолгулар; ноғора, доира, сафайил. Ўзбек миллий чолгуларидан ташқари бу гуруҳга симфоник оркестрнинг учбурчак, (треугольник) тарелка, бубен, литавра каби чолгулари кирган;

— торли-камонли чолгулар: гижжаклар I, II, альт, бас, контрабас гижжаклар.

50-йилларда синов тажрибахонасида Қирғизистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ мусиқа чолгуларини ҳам реконструкция қилинди ва такомиллаштирилди. Қирғизистон учун кўбизлар: прима, секунда, альт (пардали ва пардасиз) бас ва контрабас; мизробли кўбизлар: прима, альт, тенор; торли-камонли чолгулар — киякларни турдош оиласи ҳам тайёрланди. Туркман мусиқа чолгуларини реконструкция қилиш анъанавий ва мизробли туркман дуторлари туркумининг яратилишига олиб келди. Қорақалпоғистонда — қорақалпоқ дуторлар туркуми, шунингдек, янги, мизробли қорақалпоқ дутори пайдо бўлди. Шу реконструкция қилинган чолгулар асосида қорақалпоқ халқ чолгулар оркестри ҳам тuzилди. (Бу чолгуларнинг конструкцияларини А. И. Петросянец ва С. Е. Диденколар ишлаб чиққан.) Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари мусиқа чолгуларининг эволюциясини чуқур ўрганиш мақсадида синов тажрибахонаси қошида музей ташкил қилинди. Чолгулар музейи ҳамон фаолият кўрсатмоқда. А. И. Петросянецнинг ташаббуси билан ва белониста раҳбарлиги остида музейда халқ чолгуларининг 800 дан ортиқ тури тўпланди. Ўзбек чолгуларидан ташқари бу ерда қардош халқлар шунингдек, Афғонистон, Жазоир, Вьетнам, Хиндистон, Сурия каби хорижий Шарқ халқ чолгулари тараққиёти тарихини ўрганиш ва текшириш учун материал сифтида ҳам, такомиллаштириш объекти сифатида ҳам илмий аҳамият касб этмоқда. Тошкент халқ чолгулари музейи ташкил этилганидан буён уни 10.000 дан зиёд киши томоша қилди. Музейнинг таклиф ва мулоҳазалар дафтарига кўплаб таниқли мусиқачи олимлар ўз фикр-мулоҳаза ва таассуротларини ёзиб қолдиришган. Куйида улардан баъзи бирларини келтирамиз:

«Ўзбекистон халқ мусиқа чолгулари тажрибахонаси ва музейида кўрганларимиз бизни ҳайратга солди. Қардош республикаларнинг кўплаб санъат арбоблари бу соҳада ўзбек дустларимиздан ибрат олса арзийди (И. Жинович). Белоруссия халқ артисти, Белоруссия консерваториясининг профессори, 1955 йил, март.

«... Биздан узоқламаётган мусиқа маданиятини сақлаб қолиш катта ижтимоий-сиёсий ва илмий аҳамиятга молик ишдир. Бу ерда биз илдизлари узоқ ўтмишга тақалувчи, қадимий халқ мусиқа анъаналари қандай асраб-авайлаб ва диққат билан ўрганилаётганини ҳамда тадқиқ этилаётганини, шу асосда замонавий чолгуларни яратилаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик». А. Н. Дмитриев. Санъатшунослик доктори, Ленинград консерваториясининг профессори, 1961 йил, июнь.

## УРУШДАН КЕЯИНГИ 1945—60 ЙИЛЛАРДА УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА ИЖРОЧИЛИК

### Муסיқий таълим ва устозлар

Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик маданиятининг ўсиши, жаҳон классик бастакорлари асарларининг ўзлаштирилиши, Ўзбекистон бастакорларининг халқ чолғулари учун махсус асарлар яратишдаги фаол ижодий фаолияти ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатини янада юксалиши учун муҳим замин бўлди. Шу билан бирга юқори малакали илмий педагогик ва ижрочи кадрларни пухта ва мукамал қилиб тайёрлаш масаласини ҳам кун тартибига қўйди.

Ўзбек халқ чолғуларида ижрочиликнинг кейинги даврлардаги юксалиши Тошкент консерваториясининг фаолияти билан чамбарчас боғланган.

1948 йилдан бошлаб мамлакатимиздаги муסיқа олий ўқув юртларида, шу жумладан М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида ҳам халқ чолғулари ижрочилиги бўйича таълим бериш бошланди.

Ўзбек халқ чолғулари бўлимига (оркестр факультети таркибида) раҳбарлик қилиш, ўқувчиларни саралаб йиғиш, ўқув режаларини тузиш А. И. Петросянц томонидан амалга оширилди. Тошкент Давлат консерваториясида ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги бўйича профессионал таълимни йулга қўйишда В. А. Успенский, М. А. Ашрафий, А. И. Петросянц, И. П. Благовешченский, Б. Ф. Гиенко, Г. Г. Сабитовлар катта роль ўйнашди (8-расмга қаранг).

1948—49 йиллардаги биринчи ўқув йилида консерваторияга Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрининг 13 чолғучиси ўқишга қабул қилинди. Шулардан 10 киши: Назир Нигматов (кўшнай), Аббос Бахромов, Александр Евдокимов (прима-рубоб), Муҳаммаджон Мирзаев, Бурибой Мирзааҳмедов (қашқар рубоби), Лаъли Султонова (дутор), Николай Савинов (афгон рубоби), Маҳаматжон Асиров, Обид Ҳолмуҳамедов (ғижжак), Анвар Ливиев (доира) 1-курсга қабул қилинди. Ҳамза номидаги Тошкент муסיқа билим юртининг битирувчилари Аҳмаджон Одиялов (чанг), Валентина Борисенко (прима-рубоби), Феоктист Васильевлар (қашқар рубоби) эса 2-курсга қабул қилинди (1-расмга қаранг).

Факультет фаолият кўрсатган дастлабки йилларда махсус муסיқий олий маълумотга эга бўлган ўқитувчилар етарлича бўлмаганлиги сабабли уларни торли чолғулар, композиция, опера-симфоник дирижёрлиги кафедраларидан, шунингдек бадний жамоалардан таклиф қилинган эди. Жумладан, таниқли бастакор, фольклоршунос В. А. Успенский ўзбек халқ муסיқаси асосларидан сабоқ берган эди. А. И. Петросянцнинг ўзи

эса чанг, дутор, прима-рубоб, қашқар рубоби, доира, қушнай ихтисосликлари бўйича машғулотлар олиб борган ва ўзбек халқ чолғуларидан ташкил топган талабалар оркестрига бевосита раҳбарлик қилган эди.<sup>1</sup>

Г. Н. Иванов (виолончелист) гижжак-бас ва дутор-бас ихтисослиги бўйича раҳбарлик қилди. Дирижёрлик ихтисослиги бўйича таниқли дирижёрлар В. И. Ошкинази, А. П. Шпитальный, Г. А. Даниях, А. Н. Долгушин, Я. С. Эляшкевич ва Н. А. Гольдманлар дарс беришди. Ўзбекистон бастакорлари Б. Ф. Гиенко, С. Б. Бабаев, Г. Г. Сабитов, Пак Ен Дин чолғулаштириш, оркестр партитураларини ўқиш, композиция ихтисосликлари бўйича таълим беришди. Консерваториянинг юқори курс талабалари бўлган А. Одилов, Ф. Н. Васильев, В. Я. Борисенко, А. П. Евдокимов, М. А. Асилов каби тажрибали ижрочилар ҳам шароит тақозосига кўра ўқитувчиликка таклиф қилинди. Иккинчи ўқув йилида талабалар сони 39 кишига етди, ўқитувчилар сони ҳам кўпайди. Ўзбек халқ чолғулари кафедраси ташкил қилинди. А. И. Петросянец кафедра мудирлигида ишлашни давом эттирди. Факультет декани қилиб эса доцент Л. А. Мальмберг тайинланди (ўша вақтда ижрочилик ва мусиқий-назарий мутахассисликлар бўйича деканат мавжуд эди).

Мустақил факультет ва кафедра ташкил қилиниши халқ чолғулари бўйича берилаётган таълимни тубдан қайта қуришга ёрдам берди. Факультет ва кафедраларга қуйидаги вазифалар юклатилди:

— кенг дунёқарашга ҳамда миллий ва жаҳон мусиқа маданиятидан старлича илмга эга бўлган ижрочиларни, оркестр дирижёрларини, юқори малакали ўқитувчиларни тайёрлаш ва тарбиялаш, маданият ва санъат муассасаларини, мусиқа ўқув юртларини улар билан таъминлаш;

— дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, махсус синфлар учун дастурлар ишлаб чиқиш, мусиқа ўқув юртлари учун ва ўқув бадий репертуарлар яратиш;

— мусиқа билим юртларида ўқитиш учун ўзбек халқ чолғуларининг асосий турларини аниқлаш;

— халқ мусиқа чолғуларини реконструкция қилувчи ва такомиллаштирувчи синёв тажрибахоналарининг ижодий ва амалий фаолиятини фаоллаштириш, мусиқа ўқув юртлари ва оркестрларини сифати яхшиланган чолғулар билан таъминлаш. Мусиқа ўқув юртларида шу билан бирга республика бадий ҳаваскорлик жамоаларида ўзбек халқ чолғулари оркестрларини тузиш.

Шундай қилиб, 50-йилларда Тошкент Давлат консерваторияси Урта Осиё ва Қозоғистонда «халқ чолғулари» мутахассислиги бўйича юқори малакали мусиқа олий ўқув юрти бўлди (10-расмга қаранг).

1952 йилда факультетни илк бор А. Одилов (чанг), В. Я. Борисенко (прима-рубоби), Ф. Н. Васильев (қашқар рубоби) тамомлашди. Илк битирувчиларнинг Давлат имтиҳон ҳайъатида Н. А. Римский-Корсаков номидаги Ленинград консерваториясининг профессори Б. А. Арапов (раис), халқ артисти М. Ашрафий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор А. И. Петросянец, доцент И. П. Благовеш-

<sup>1</sup> Дастлабки йилларда барча талабалар Ўзбекистон давлат филармонияси оркестрида иштирок этишар, машғулотлар эса консерватория биносида ўтказилар эди.

челеский каби атоқли мусиқачилар қатнашишди. Махсус туркум бўйича Давлат имтиҳони уч қисмдан иборат эди: якка дастур ижроси, оркестрга дирижёрлик қилиш ва ижодий ишни кўрсатиш (битирувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида мусиқа асарини оркестр ижросига қолгулаштириши).

1-битирувчиларнинг Давлат имтиҳонлари дастури

Битирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми	Имтиҳон	Дастур	Ўқитувчиси, концертмейстери
1	2	3	4
Одилов Аҳмад	Махсус чолғу бўйича (чанг)  Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрига дирижёрлик қилиш	В. Моцарт-Рондо II сонатадан А. Дроржак. Славянча ракс (ми мажор) П. Чайковский Романс №5 И. Адмоня — Чанг ва фортепиано учун концерт пьесаси «Гулбахор ва Тано-вар» (Б. Гяенко қайта ишлаган) С. Б. Бобоев — Чанг ва халқ чолғулари оркестри учун концерт-типо С. Бобоев — Байрам увертюраси Э. Григ — «Пьер-Гюнт» сюитасидан Анитра ракси  М. Глянка — «Руслан ва Людмила» операсидан Нанна қасридаги ракслар. Оркестр учун А. Одилов чолғулаштирган (Б. Ф. Гиенко синфи)	А. И. Петросянец  О. К. Соيفер (концертмейстер)  А. И. Петросянец
Бориссенко Валентина Яковлевна	Махсус чолғу бўйича (прима-рубоб)  Ўзбекистон давлат филармонияси халқ	А. Будашкин — Домбра билан оркестр учун концерт. (Прима рубоби учун А. Е. Евдокимов мослаштирган.) К. Сен-Санс — Интродукция, Рондо-Каприччиозо, Б. Гиенко — «Помир оҳанглари», «Жазоир» (ўзбек халқ куйи, Д. Зокиров қайта ишлаган) С. Бобоев — Байрам увертюраси	И. П. Благовешченский  О. К. Соيفер  А. И. Петросянец

1	2	3	4
Васяльев Феоктист Никифорович	чолғулари оркестри- га дирижёрлик  Махсус чолғу бўйи- ча (кашкар рубоби)  Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестри- га дирижёрлик қилиш	А. Бородин — «Князь Игорь» операсядан қипчоқ рақслари (Половецкие пляски) Ф. Мендельсон — скрип- ка ва оркестр учун концерт. В. Борисе- нко оркестр учун чол- ғулаштирган (Б. Ф. Гиенко синфи) Уйғурча қўшиқ ва рақс (Ф. Васильев, Э. Шукруллаев кай- та ишлаган) Ф. Лист — Венгерча иккинчи рапсодия Г. Гендель — Пасса- калья П. Чайковс- кий — «Йил фасл- лари» туркумидан Баркаралла Ф. Назаров — «Ешлар қўятаси» Ф. Шуберт — Тугал- ланмаган симфония «Дутор баёт» ўзбек халқ кўйи Ф. Василь- ев ишлагани ва ор- кестр учун мослаган (Б. Ф. Гиенко синфи)	А. И. Петросяни  О. К. Соيفер  А. И. Петросяни

1953 йил, июнда факультетни яна 10 киши битириб чиқди. Битирувчилар Давлат имтиҳонларида махсус чолғу ихтисослиги ва оркестр дирижёрлиги бўйича Ўзбекистон бастакорларининг оригинал асарларини, қайта ишлаган ўзбек халқ куйларини; Қардош халқ куйларини, рус ва хорижий бастакорларнинг мослаштирилган асарларини ижро этдилар. Шунингдек, турли хил халқ чолғуларини қамраб олган Ўзбекистон бастакорларининг оригинал асарларини ҳам (найда: М. Насимов — Элегия; С. Жалил — Най ғазали; чангда: С. Бобоев — Концертино; Н. Зокиров — концерт импровизацияси; И. Адмони — мусиқали дақиқа Пьесаси; прима рубобида: В. Князев — Концерт; С. Верелас — Концерт; Б. Зейдман — концерт фантазияси; Ф. Назаров — Скерцо; кашкар рубобида: А. Козловский — Сонатина; С. Хаитбоев — Баллада; дуторда: Ф. Назаров — Дутор тароналари; О. Қосимов — Черт дуторим; ғижжакда: Б. Зейдман — Концертино; Ф. Янов-Яновский — Элегия) ижро этдилар.

1953/54 ўқув йилига келиб, кафедра ва факультет олий маълумотга эга бўлган қуйидаги 20 ўқитувчидан иборат эди:

- А. И. Петросяни — кафедра мудири, дирижёрлик ва оркестр синфи;  
А. О. Одилов — чап, қўшна, оркестр синфи;

К. А. Азимов	— қушнай
С. Х. Алиев	— дирижёрлик
М. А. Асиллов	— ғижжак;
С. Б. Бобоев	— Оркестрга чолғулаштириш ва оркестр партитураларини ўқиш;
И. Н. Благовещченский	— ғижжак ва халқ чолғуларида ижрочилик методикаси;
В. Я. Борисенко	— прима рубоби;
Ф. Н. Васильев	— қашқар рубоби ва дутор;
Б. Ф. Гиенко	— баян, оркестрга чолғулаштириш-оркестр партитураларини ўқиш;
А. И. Давидов	— дирижёрлик;
А. П. Евдокимов	— прима-рубоби;
Г. Н. Иванов	— дутор-бас ва ғижжак-бас
А. Х. Ливиев	— доира ва дирижёрлик;
В. А. Мелкомини	— сурнай;
М. М. Мирзаев	— ансамбль;
Г. Г. Собитов	— оркестрга чолғулаштириш ва оркестр партитураларини ўқиш;
В. И. Сердюков	— ғижжак-контрабас
О. М. Холмухамедов	— ғижжак;
Р. Л. Фелициант	— ғижжак ва дирижёрлик.

50-йилларда халқ чолғуларининг асосий турларини туркумлаш аниқ белгиланди. Шундан буён Республиканинг барча мусиқа билим юртлири уларда чалишни ўргата бошлади. Бу чолғулар қуйидагилардир: дамли чолғулар — пай, най-пикколо, қушнай, сурнай, бўламан, торли-урма зарбли чолғулар — чанг, тапбур; торли-мизробли ва торли-нохунли чолғулар — прима-рубоби, қашқар рубоби, афгон рубоби, уд, дутор, дутор-бас, урма зарбли чолғулар — дойра, ногора ва симфоник оркестрда қўлланиладиган урма чолғулар; камонча торли-ғижжак, ғижжак-альт, ғижжак-бас, ғижжак-контрабас, баян.

Юқорида тилга олинган чолғу турлари оркестрнинг барча чолғуларини қамраб олганлиги туфайли махсус янги синфлар ташкил этиш масаласи пайдо бўлди. 1953/54 ўқув йилининг охирига келиб, 16 та ана шундай махсус синфлар тузилди (факультет очилишидагига қараганда икки баробар кўп). Бу эса таркибида оврупча чолғуларини қўлланмай талабаларнинг мустақил ўзбек халқ чолғулари оркестрини ташкил этиш имкони берди. 1955 йилда ўқув жараёнини малакалик роқ бошқарини мақсадида махсус чолғулар, дирижёрлик, оркестрга чолғулаштириш ва партитура ўқиш бўлинмалари вужудга келди. Уларга А. Одилов (чанг, баян, дамли ва урма-зарбли чолғулар), Ф. Н. Васильев (торли-мизробли ва нохунли чолғулар), О. М. Холмухамедов (камонча-торли чолғулар), И. Н. Третьякова (халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги), Б. Ф. Гиенколар (оркестр учун чолғулаштириш ва партитура ўқиш) раҳбарлик қилди.

Талабалар сонининг ошиши сабабли (1953/54 ўқув йилларида факультетда 54 киши шуғулланарди) янги ўқитувчилар таклиф этилди. Дирижёрлик синфини Ўзбекистон бастакорлари ва дирижёрлари

Ф. В. Назаров, М. Н. Насимов ҳамда А. И. Петросянцнинг шогирди А. Х. Ливиев, гижжак синфини — таниқли скрипкачи, Ўзбекистон филармонияси симфоник оркестрининг концертмейстери В. А. Беленький, чанг синфини — иқтидорли якканавоз созанда Ф. М. Харратовлар олиб бордилар.

Муסיқий таълимнинг ривожланиши билан бирга уни илмий асосда олиб бориш муаммоси ҳам туғилди. 50—60-йилларда кафедра ўқитувчилари консерваториянинг, муסיқа билим юрти ва болалар муסיқа мактабларининг махсус синфлари учун 50 дан ортиқ ўқув дастурлари, кўллаб илмий-методик ва ўқув қўлланмалари, ўзбек халқ чолғуларида дастлабки ижрочилик мактабларини яратдилар. Шу хилдаги ишларнинг йиллар давомида тобора чуқурроқ ва пухтароқ олиб борилиши, ўзбек халқ чолғулари кафедрасини Ўрта Осиёдаги илмий-методик марказга айланишига имкон яратди.

Кафедра жамоаси махсус чолғулар учун шу билан бирга турли хил ансамбль ва оркестрларнинг ижрочилик репертуарларини шакллантиришга катта ҳисса қўшди. Оригинал асарлар яратилди. Оркестр ижроси учун мослаштирилган қайта ишланган талайгина ўзбек халқ муסיқалари ёзиб олинди. Педагоглар ўзбек халқ муסיқаларини қайд этишнинг (ноталаштиришнинг) аниқроқ усулларини ишлаб чиқдилар. Бу ишларни амалга оширишда С. Бобоев, Ғ. Қодиров, Ф. Назаров, М. Насимов, Г. Сабитов, Б. Гненко, С. Варелас, А. Давидов, С. Алиев, А. Холмуҳамедов, С. М. Тахалов, М. Тоиров, Ф. Харратов, Р. Нигматов, М. Тошмуҳамедов, Б. Раҳимжонов, М. Тожиев, С. Жалиловларнинг хизматлари катта бўлди. Кафедра 45 йиллик фаолияти давомида кўпгина ишларни амалга оширди. Жумладан, ҳар бир чолғу учун замонавий ижро мактабини яратди, янгича кўл ҳаракатини ишлаб чиқди, халқ чолғулари ва созлаш принципларини аниқ белгилаб берди, муסיқа ўқув юртлари, маданият ва санъат муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлади. 40 битирув давомида факультет 700дан ортиқ турли ихтисосдаги созанда-ижрочиларни тарбиялаб етказди<sup>1</sup>.

Факультетни тугатган битирувчилар республиканинг ижодий жамоаларида, муסיқа санъат билим юртларида ва олий ўқув юртларида ижрочилик ҳамда педагогик фаолият олиб бормоқдалар. (1-илова.) Республикамиздан ташқарида ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар. Факультет Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари учун ҳам ўилаб ижрочи ва ўқитувчилар тайёрлаб етказди. Тожикистонда — доцентлар Д. Обидов (қашқар рубоби), Н. Абдуллаев (ғижжак), Тожикистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Я. Сабзанов (ғижжак), ҳозирда С. Айний номидаги Тожикистон опера ва балет театрининг бош дирижёри А. Ниязмамадов (қашқар рубоби); Қирғизистонда — Т. Мураталиев (прима рубоби), А. Барпиев (дутор-бас); Туркменистонда — О. Гандимов (дутор), М. Сафаров (ғижжак); Қозоғистонда — Ф. Машурова (чанг); Қорақалпоғистонда — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Султонов (ғижжак), Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Т. Мамедияров (чанг), Нукус санъат билим юртининг директори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият

<sup>1</sup> 1953 йилдан факультет ҳар йили ўртача 12—16 ва ундан ортиқ мутахассис етказиб чиқарди.

ходими М. Камоловлар (прима рубоби) меҳнат қилмоқда. 60-йиллар охирига келиб, ўзбек халқ чолғулари ижрочилик тарихида консерватория битирувчилари алоҳида роль уйнай бошлашди. Улардан энг машхурларини қуйида таърифлаб ўтамиз.

**Аббос Баҳромович Баҳромов** (1928—1992) консерваториянинг прима-рубоби синфини А. Петросянц раҳбарлигида тамомлаган (1953). 1943 йилдан Ўзбекистон филармонияси халқ чолғулари оркестрида якканавоз созанда бўлиб ишлаган, Бухарестдаги Ёшлар ва талабаларнинг Жаҳон фестивалида конкурс соҳиби бўлган (1952). Чолғучининг концерт — ижрочилик репертуарида А. Евдокимов томонидан мослаштирилган Н. Будашкиннинг доира билан оркестр учун концерт, Э. Григнинг «Норвежский танец», П. Чайковскийнинг «Русча рақс» асарлари, қардош халқларнинг куйлари, ўзбек халқ мусиқалари (алоҳида жозйба билан янгради. А. Баҳромов аynи бир чоғда қашқар рубоби бўйича моҳир созанда ҳамдир. 1978 йилдан у Тошкент маданий-маърифий техникумида, сўнгра Тошкентдаги болалар мусиқа мактабида дарс беради. Аббос Баҳромов бутун ҳаётини, ижодий фаолиятини, ўз билимини, тажрибаси ва истеъдодини ўзбек санъатига, ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги соҳасига бағишлаш истаги билан яшади.

**Муҳаммаджон Мирзаев** (1913 йилда туғилган) — республикадаги рубобчиларнинг энг машхури, куйчи-бастакори. Консерваторияни қашқар рубоби синфида А. И. Петросянц раҳбарлигида тамомлаган. 1951 йилдан филармония оркестрида ишлаш билан бир қаторда ўзбек халқ мусиқа меросини ўрганиш бўйича ёш ижрочиларга мураббийлик қилиб келган. Халқ артистлари Х. Мавлонова, М. Турғунбоевалар билан ижодий ҳамкорликда «Баҳор вальси», «Янги тановар», «Гулноз», «Дилбар», «Гулхумор», «Дилдор» каби лирик кўшиқли рақс куйларини яратган. У яратган кўшиқлар орасида «Ширмоной», «Олтин сандиқ», «Уч дугоналар» айниқса машхурдир. М. Мирзаев Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон бастакорлар Уюшмаси аъзоси ва бир қанча мукофотлар соҳиби. Рубоб ижрочилигида (кейинроқ ёш ижрочилар томонидан ривожлантирилган) ҳиссий ва ёрқин услуб асосини яратган дастлабки рубобчилардан ҳисобланади.

**Феоктист Никифорович Васильев** (1919—1987) дастлабки профессионал қашқар рубоби ижрочиларидан биридир. У 1937 йилда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига ўқишга киради. 1938 йилдан Ўзбекистон филармонияси халқ чолғулари оркестрининг чолғучиси эди. Улуғ Ватан уруши йилларида Туркистон ҳарбий округининг ашула ва рақс ансамблида ишлаган. Консерваторияни қашқар рубоби синфи бўйича А. И. Петросянц раҳбарлигида тамомлаган (1952). 1949 йилдан консерваторияда қашқар рубоби, дутор, танбур ихтисослиги бўйича дарс берган. С. Тахалов, А. Бобохонов, Г. Эргашев, Т. Ражабов, Қ. Усмонов каби машхур рубобчилар унинг қўл остида тарбияланганлар. Феоктист Никифорович ўзининг илмий-методик ишларида («Рубоб мактаби» дарслиги) «Қашқар рубоби учун этюд ва машқлар» рубоб чалишни ўрганиш бўйича системали ўқитиш методини ишлаб чиқди. 1983 йилдан Ф. Васильев профессор вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган эди.

Феоктист Никифоровичнинг номи ўзбек мусиқа маданияти ҳамда

40 йилга яқин мураббий бўлиб хизмат қилган Тошкент консерваторияси билан чамбарчас боғлиқ.

**Валентина Яковлевна Борисенко** (1919—1990) ўзининг ижодий бўлини Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрида чолғувчи бўлиб бошлади (1939). Прима рубоби ихтисослигида ижрочи ва ўқитувчи сифатида танилди. Ҳамза номидаги мусиқа билим юртини тугатгач (1948), Борисенко оркестрнинг торли-нохунли чолғулар гуруҳида концертмейстер бўлиб ишлади. Консерваторияни прима рубоби ихтисослиги бўйича И. Г. Благовещченский раҳбарлигида тамомлади (1952). Сўнгра оркестрда ишлашни давом эттирди. Айни чоғда, у 1950 йилдан Тошкент консерваториясида ўқитувчи, 1962 йилдан эса халқ чолғулари кафедрасининг доценти бўлиб ишлади. Борисенконинг машҳур шогирдлари орасида А. Маликов, Г. Салаева (Обидова), Б. Йўлдошев, М. Раҳимов, Б. Азимов, Ш. Жанайдаров, А. Дадамўхамедов каби ижрочилар бор.

**Сулаймон Маниевич Тахалов** (1953 йилда туғилган) ажойиб ижро техникасига ва алоҳида товуш жозибасига эга бўлган, анъанавий ва академик ижро усулини бирдек мукамал эгаллаган рубобчилардан дир. Консерваторияда ўқишни тугатгач, Ф. Н. Васильев синфида (1958), қашқар ва афғон рубоблари ҳамда танбур ихтисосликлари бўйича сабоқ берди. С. Тахалов Москвада бўлиб ўтган Ёшлар ва талабаларнинг VI Жаҳон фестивалида иштирок этган (1957). У халқ чолғулари ижрочилари Бутуниттифоқ конкурсининг ўзбек халқ мусиқаси нота ёзуви ва тавсифини такомиллаштириш соҳасида катта илмий-тадқиқот ишларининг соҳиби. У «Афғон рубобини чалишни ўргатиш методикаси асослари» номли ўқув қўлланма муаллифидир. С. Тахалов 1985 йилдан доцент, 1988 йилдан эса санъатшунослик фанлари доктори, профессор.

**Абдусалом Маликович Маликов** (1939—1979). Доцент вазифасини бажарувчи бўлиб хизмат қилган. А. Маликовнинг рубоб-прима ихтисослиги бўйича 60—65-йилларда консерваторияда В. Я. Борисенко раҳбарлигида олиб борган ижодий фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ. У 1967 йилдан халқ чолғулари ижрочилиқ кафедрасида ишлаган. I Республика конкурс-кўригининг соҳиби (1971).

**Ғуломқодир Эргашевич Эргашев** (1946 йилда туғилган). Тошкент консерваториясининг собиқ талабаси (1969). Ф. Н. Васильевнинг шогирди, афғон рубоби ижрочиси, турли хил дастурлар билан тез-тез концертларда қатнашиб туради. 1967 йилдан ТДК сида ўқитувчи, 1988 йилдан кафедра доценти.

**Аюб Қодиров** (1918—1986) кўзга кўринган най ижрочиларидан бири эди. Дастлабки мусиқий маълумотни Бухоро мусиқа мактабида, сўнгра техникумда олган. Маъруфжон Тошпўлатов, Уста Тоҳир Давлатов, Аҳмаджон Ихтиёровлар унинг устозлари бўлишган. 1936 йилдан Аюбжон Тўхтасин Жалилов раҳбарлигидаги Тошкент халқ чолғулари катта ансамбли (оркестри) да ишлаб бошлади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тамарахоним ансамбли билан бирга фронтлардаги концертларда қатнашди. 1950 йилда Тошкент Давлат консерваториясига най ихтисослиги бўйича ўқишга киради (ўқитувчилари Р. Юсупов, сўнгра А. Петросянец, А. Малкеев). Консерваторияни тугатгач, Ўзбекистон филармонияси ашула ва рақс ансамблида мусиқа раҳбари бўлиб

ишлади. Айни чоғда концерт ижрочилиги фаолиятини ҳам давом эттиради. 50-йилларда най ижрочилик санъати алоҳида юксалди. Бу даврда Дадаали Соатқулов, Аюб Қодиров, Робимм Ҳамдамов, Мирза Тоиров, Маҳмуд Муҳаммедов, Ҳамидулла Жалолов, Абдували Ҳошимов, Абдурахим Маликов каби истеъдодли найчилар етишиб чиқди. Аюб Қодиров най чалиш техникасини мукаммал эгаллаган, такрорланмас, ёқимли оҳанглар тарата олган чолғучи эди. Республиканинг, таниқли найчилари М. Тоиров, Н. Шокиров, Х. Жўраев, И. Қозоқовлар Аюб Қодировни ўзларининг устозлари деб ҳисоблашади. 1958 йилда А. Қодировга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1970 йилда эса Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвонлари берилди. А. Қодиров умрининг сўнгги йилларида Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида хизмат қилган эди.

**Мирза Ҳакимович Тоиров** (1930 йилда туғилган). Консерваторияни най ихтисослиги бўйича тамомлаган дастлабки битирувчилардан бири (1956). У ўз устози А. И. Петросяни билан ҳамкорликда «Най мактаби» ўқув қўлланмасини яратган. Ушбу қўлланма Ўзбекистондаги барча мусиқа билим юртларида, шу билан бирга қўшни республикаларда ҳам най синфларини очилишига имкон яратди. М. Тоиров 1957 йилдан ижрочилик кафедрасида аввал ўқитувчи, сўнгра доцент бўлиб ишлаган. Айни бир пайтда Т. Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрида ҳам иштирок этган. М. Тоиров мусиқа ижрочилари Бутуниттифоқ конкурсининг (1957) ҳамда Ёшлар на талабаларининг VI жаҳон фестивалининг соҳибни (1957), Москва, Эстония, Қозогистон, Озарбайжон, Туркменистон, Тожикистонда бўлиб ўтган ўзбек санъати декадаларида қатнашган. М. Тоиров бир неча истеъдодли найчиларни тарбиялаб камол топтирган. Унинг И. Қосимов, О. Азизов, Ш. Аҳмаджонов, Р. Холмирзаев, К. Юсупов, А. Абдурашидов каби шоғирдлари республика кўрикларининг соҳибни бўлишган. М. Тоиров Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1969). У 1987 йилдан консерваториянинг профессоридир.

\* \* \*

Замонавий чанг чолғуси ижрочилигининг шаклланиши Фахриддин Содиқов, Пўлатжон Раҳимов, Раҳим Нурмуҳамедов, Ортиқ Ғофуров, Шоакбар Шоакромов, Аҳмад Одилов, Фозил Харратов, Рустам Нигматов, Фазилат Шукурова, Тоҳир Собиров, Бахтиёр Алиев, Тилаш Ҳўжамбердиев, Темур Маҳмудов каби таниқли чангчилар номи билан боғлиқ.

**Фахриддин Содиқов** (1908—1979) таниқли чангчи, куйчи—бастакор, ажойиб ашула ва чолғу куйларининг муаллифи. У истеъдодли ниҳоятда ўзига хос ва кўп қиррали ижодкор эди. У 20-йилларда аввал Тошкент халқ консерваториясида, сўнгра Тошкент мусиқа техникумида ўқиган. 1939 йилда Абдуқодир Исмоилов (най) ва Аҳмаджон Умрзоқов (қўшна) билан бирга халқ чолғулари ижрочиларининг Бутуниттифоқ танловида қатнашган. У конкурсда чанг учун ёзилган «Гулнор» номли пьесани (ўзи яратган) ва «Тановор», «Қари наво» каби

Ўзбек халқ куйларини ижро этиб, иккинчи ўринни эгаллаган ва конкурс дипломи билан тақдирланган. Ф. Содиқов 1942 йилда филармония томонидан ташкил қилинган Биринчи фронт бригадасининг раҳбари ва қатнашчиси бўлган. 1946—48-йилларда у консерваториянинг бастакорлик факультетининг тайёрлов бўлимида шуғулланган. 1948 йилдан Ўзбекистон радиосининг халқ чолғулари миллий ансамблида чангчи бўлиб ишлаган, 1979 йилгача мақомчилар ансамблига бевосита раҳбарлик қилган. Ф. Содиқовнинг чангчи сифатидаги репертуари ранг-баранг бўлган. Унинг ижодида «Гул жамол», «Гардуни сегоҳ», «Ўйин дугоҳи» каби халқ куйлари, Т. Жалиловнинг «Ўйнаса» асари ва Ф. Содиқовнинг ўзи чанг учун яратган «Ватан марши», «Раққоса» асарлари муҳим ўрин эгаллаган. Ф. Содиқовга 1972 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони берилган. 1971—78-йилларда Ф. Содиқов консерваторияда чанг синфи бўйича бир йил ўқиган, консерваториянинг шарқ мусиқаси кафедрасида махсус туркум бўйича сабоқ берган.

**Фозил Матюсупович Харратов** (1926—1971) таниқли чангчилардан бири эди. Мусиқа билими ва ижрочилик бўйича илк сабоқни ўз отаси, машҳур чангчи, Матюсуф Харратовдан олди. (М. Харратов фарзандининг истагига кўра унга ярим хроматик товуш қаторига мансуб янги чанг ясаб беради). 1942 йилда Ф. Харратовларнинг оиласи Тошкентга кўчиб келади. Фозил бу ерда аввал Тошкент давлат циркининг аралаш мусиқа ансамблида, сўнгра Ўздавлат филармониясининг ашула ва рақс ансамблида ишлайди. У 1950—55-йилларда Тошкент Давлат консерваториясида А. Одиловнинг чанг чолғуси синфида ўқийди. Кейин бир оз вақт консерваторияда дарс беради. Унинг шогирдлари орасида Р. Неъматов, Ф. Шукурова, Т. Хўжамбердиев каби таниқли ижрочилар бор. Ф. Харратов Москвада бўлиб ўтган Ёшлар ва талабаларнинг VI Жаҳон фестивалининг соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1964). У «Хурмат Белгиси» ордени билан мукофотланган.

**Рустам Ёқубович Неъматов** (1940 йилда туғилган) консерваторияни чанг чолғуси (1962) ва опера-симфоник дирижёрлиги (1969) ихтисосликлари бўйича тамомлаган. 1962 йилдан консерваторияда ўқитувчи, 1979 йилдан эса чанг чолғуси синфи бўйича доцент вазифасида хизмат қилмоқда. Рустам Неъматовнинг чанг ижрочилиги ўзининг самимийлиги ва мусиқийлиги билан алоҳида ажралиб туради. У ўзбек чолғулари ижрочилиги бўйича ўтказилган I Республика кўригининг соҳиби (1971). Қатор методик қўллашмалар муаллифи.

**Комил Одилов** (1926 йилда туғилган) таниқли қўшнайчилар орасида янада яққол кўзга ташланиб туради. У ўзининг ёрқин ижрочилик санъати билан Ўзбекистон давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрининг ижодий фаолиятига сезиларли ҳисса қўшди. Қўшнайчи майин ва ҳароратли овозга эга.

К. Одилов 1949—54-йилларда Тошкент консерваториясида кларнетчи К. Азимов синфида ўқиди. Сўнгра Ўздавлат филармониясининг ўзбек халқ чолғулари оркестрида концертмейстер бўлиб ишлади (1943—76). Ҳозирда кексалик гаштини сурмоқда.

Ўзбекистонда ғижжак чолғуси фақат якка чолғу сифатидагина кенг тарқалмай, балки ғижжакчилар квартети ва ансамллари ҳам

вужудга келтирилди. Тошкент консерваториясида ғижжак синфи етакчи синфлардан бири ҳисобланади.

**Обид Муҳамедович Ҳолмуҳамедов** (1928—1990) ғижжак ижрочилиги санъатига ва бу соҳадаги таълимнинг такомиллашишига катта ҳисса қўшди. У консерваторияни ғижжак синфи бўйича тамомлаган дастлабки битирувчилардан. И. П. Благовещченскийнинг шогирди бўлган. О. Ҳолмуҳамедов ғижжакда илк бор мураккаб скрипка асарларини ижро этган созанда чолғучилардан. А. Ҳолмуҳамедов 20 йилдан ошироқ вақт давомида Ўзбекистон давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрида концертмейстер ва яққанавоз созанда бўлиб хизмат қилган (1946—1967). У 1951 йилдан бери консерваторияда ғижжак ва ғижжак-альт ижрочилиги бўйича аввал ўқитувчи, сўнгра доцент сифатида ишлаган. Унинг шогирдлари орасида Шухрат Йўлдошев, Ботир Расулев каби таниқли ғижжакчилар бор.

**Мурод Ибрагимович Тошмуҳамедов** (1939 йилда туғилган) машҳур ғижжакчилар орасида алоҳида ажралиб туради. У Тошкент Консерваториясини тугатган. Устози О. М. Ҳолмуҳамедов. Ўзбек халқ чолғу ижрочиларининг I Республика кўригининг соҳиби. 1961 йилдан консерваторияда ғижжак ва ғижжак-альт ижрочилиги бўйича дарс беради. У камонча — торли чолғулар бўлинимасининг мудири (1974), доцент. Унинг шогирдлари орасида халқ чолғулари ижрочилиги бўйича ўтказилган Ўзеир Хожибеков номидаги I Республикаларaro конкурснинг соҳиби Қаҳрамон Назиров, Республика конкурснинг соҳиби Жўрабой Саидовлар бор. М. Тошмуҳамедов «Ғижжак наволари» тўпламининг тузувчиси ғижжак ижрочилиги бўйича бир қатор мақола-лар муаллифидир.

**Муҳаммадjon Асирович Асиров** (1928—1961) Тошкент консерваториясининг халқ чолғулари факультетини битирган, доцент (И. П. Благовещченский синфи толибларидан). М. Асиров узок вақтлар давомида Ўзбекистон давлат филармонияси оркестрида чолғучи бўлиб ишлаган. 1951—61-йилларда ТДК халқ чолғулари кафедрасида ғижжак ва дутор ижрочилиги бўйича дарс берган. У Ўзбек халқ мусиқасининг билимдони, тажрибали педагог ва ижрочи эди.

**Абдувакил Жалилович Умаров** (1942 йилда туғилган). О. М. Ҳолмуҳамедов синфида таълим олган ғижжакчи. У Тошкент консерваториясини тугатгач, халқ чолғулари ижрочилиги кафедрасида ғижжак синфи бўйича ўқитувчи бўлган. Унинг шогирдлари орасида Олимбой Ҳолматов, Носир Алиммаксимовлар бор. Улар А. Умаров ўтказган машгулотларни миннатдорчилик билан эслашади.

**Шухрат Йўлдошев** (1948 йилда туғилган) ғижжак чолғусида завқли, мулойим ва нафис куйчанлиги билан ажралиб турадиган гуруҳга мансуб ижрочилардан биридир. Унинг ғижжак ижрочилиги учун ёрқин, жўшқин, шижоатли услуб хоедир. М. Ашрафий бир вақтлар: «Мен ажойиб ғижжакчи Шухрат Йўлдошев ғижжак чалганда беҳад ҳузурланаман. У санъат осмонининг ёрқин юлдузларидандир» деган эди. Ш. Йўлдошев Тошкент консерваториясини (1970) битирган. У халқ чолғу ижрочиларининг Бутуниттифоқ (Воронеж 1973) ва Республика танловларининг ғолиби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

**Ботир Расулев** (1948 йилда туғилган). Тошкент Давлат Консерваториясини ғижжак (1971) ва опера-симфоник дирижёрлиги (1979) ихтисослари бўйича тамомлаган. М. Ашрафий, О. М. Холмухамедов, Қувонч Усмоновлар унга раҳбарлик қилишган. Истеъдод эгаси Б. Расулев скрипка учун яратилган классик нодир асарларнинг моҳир ижрочисидир. У I Республика танловининг соҳиби (1971), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1987). Тошкент оперетта театри оркестрининг (1979) бош дирижёри сифатида у ўзбек мусиқачилигида янги жанр тарғиботига катта ҳисса қўшмоқда.

**Абдуҳошим Исмоилов** Тошкент консерваториясини битириб чиққан созанда-ижрочилар орасида ғижжакчи. Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон телевидение ва радиосининг мақомчилар ансамблининг бадий раҳбари, халқ мероси мақом ижрочилигининг йирик намояндalarидандир. А. Исмоилов ҳозирда етук созанда ва бастакор сифатида республикада купчиликка танилган.

Урма зарбли чолғулар орасида энг келг тарқалгани доирадир. 50—60-йилларда Ўзбекистон ва Тожикистонда мазкур чолғуга бўлган қизиқиш янада ошди.

А. Ливиев, А. Камолхўжаев, О. Бароев, Б. Йўлдошев, Т. Ашрабхўжаев, И. Икромовлар факультетни тамомлаган доирачилар орасида энг машҳурлари ҳисобланишади. Улар ижросида бу қадимий мусиқа чолғусининг бутун эмоционал ва техник имкониятлари ёрқин ва ҳар томонлама намойиш этилмоқда.

**Анвар Ҳакимович Ливиев** (1925 йилда туғилган) консерваторияни тугатиб, ўзининг илмий-педагогик фаолиятини халқ чолғулари факультетида бошлади (1953). У бир қатор таниқли доирачи ва оркестр дирижёрларини тарбиялаб етказган. Унинг шоғирдлари орасида О. Камолхўжаев, Ж. Расултоев ва шу сингари кўплаб истеъдодли чолғучилар бор. 1976—87-йилларда А. Ливиев халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги кафедрасига бошчилик қилди. Ҳозирда дирижёрлик кафедрасида ишламоқда, профессор.

**Одил Камолхўжаев** консерваторияда таҳсил олган доирачилардан бири — А. Ливиевнинг шоғирди (1935 йилда туғилган). Консерваторияни 1967 йилда тугатган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1980). М. Қори-Ёқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармонияси концерт бирлашмаси ва Ўзбекконцертда доирачи созанда бўлиб хизмат қилади.

Халқ чолғу ижрочилиги факультетида бир қатор таниқли танбур (Ҳ. Ражабов, М. Абдукаримов каби) ва дутор (Б. Раҳимжонов, А. Назаров, А. Хамидов, Р. Ҳожиева) ижрочилари ҳам етишиб чиқди.

**Боқижон Ҳошимович Раҳимжонов** (1945 йилда туғилган) таниқли дуторчи. Ўзбек халқ чолғулари кафедрасининг доенти. У консерваторияни (1968) тугатди. Шундан бери дутор ихтисослиги бўйича дарс беради. I Республика кўригининг соҳиби (1971). Унинг методик кўланмалари ичида таниқли дуторчи Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимов репертуаридан ёзиб олинган тўплам алоҳида диққатга сазовор.

Тошкент Консерваториясида 1950 йилда баян синфининг очилиши ижрочилик санъати ривожланиш йўлидаги муҳим босқич бўлди. Бун-

да А. И. Петросяни, Б. Ф. Гненко, В. М. Климов (баян синфининг биринчи битирувчиси ҳам ўқитувчиси) ларнинг хизматлари катта бўлди.

Факультет ўнлаб таниқли баянчиларни тарбиялаб етказди. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Родион Макаренко, Республика мусиқа ва санъат билим юрталарининг етакчи ўқитувчилари: Эркин Қурбонов, Василий Тропинин, Эргаш Мирҳидоят, Петр Николаев, Виктор Тихненколар бор.

Шундай қилиб, Тошкент Давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультети ўзбек халқ чолғулари ранг-баранглигини сақлаб, уни кенг тарғиб қилиб, юқори малакали ёш ижрочиларни тарбиялаб, ўзбек халқ чолғулари профессионал мактабларини ташкил этиб, ижрочилик санъатининг кейинги истиқболи учун мустақкам замин яратди.

Республикада халқ чолғулари ижрочилигининг ўргатиш системасини такомиллаштириш Тошкент консерваториясида Ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги бўйича махсус синфлар тузиш билан чамбарчас боғлиқ.

**Най.** Най синфи 1949 йилда очилган. А. Қодиров ва М. Тоиров мазкур синфда таълим олган илк талабалардандир. А. И. Петросяни ва Р. Юсупов най синфини ташкил қилиш ташаббускорлари бўлди. Улар найдан товуш чиқариш йўллари ва аппликатура усуллари ҳам системалаштиришди. 1956 йилдан буён най синфини олий маълумотли мутахассис МирзаҲакимович Тоиров олиб бормоқда.

**Қўшнаё.** Қўшнаёнинг оркестр таркибига киритилиши билан хроматик товуш қатордан фойдаланиш ва муайян диапозонни аниқлаш имконини берадиган аппликатура ишлаб чиқилиши билан консерваторияда қўшнаё ихтисослиги бўйича таълим бериш зарурати туғилди.

1948 йилда очилган қўшнаё синфининг илк битирувчилари Н. Нигматов ва К. Одиловлар эди. Уларнинг илк раҳбари кларнетчи К. Азимов бўлган. 1970 йилдан қўшнаё синфини аввал А. Одилов (чангчи) бошқарди, эндиликда эса М. Тоиров (найчи) бошқармоқда.

**Сурнай.** Сурнай синфи 1951 йилда очилган. Биринчи ўқитувчи го-бойчи В. Л. Мелькомини бўлган.

Сурнайни такомиллаштириш йилидаги тажрибалар ҳали бирор бир ижобий натижа бермади. Шунга қарамай сурнай синфини такомиллаштириш йўлидаги уришишлар ҳали давом этмоқда.

**Чанг.** Махсус синфлар қатори дастлаб 1948 йилда очилган.

Ушбу синфла дастлаб ўз фаолиятини олий маълумотга эга бўлган биринчи чангчи А. Одилов бошлаган эди. Ўқитувчиликни 1957 йилдан 1971 йилгача А. Одиловнинг шогирди Ф. Ю. Харратов давом эттирди. 1961 йилдан Ф. Харратовнинг шогирди Р. Неъматов, 80-йилларнинг бошларига келиб эса чанг синфида машғулотларни А. Лутфуллаев олиб бормоқда.

**Прима-рубоби.** Прима-рубоби синфи 1948 йилда очилган. И. П. Благовещенский ушбу синфда таълим берган илк ўқитувчидир. 1950 йилдан унинг раҳбарлигида В. Я. Борисенко сабоқ олган. 1965 йилдан кейинги прима-рубоби ижрочилигининг шаклланиши жараёнини А. Маликов, А. Дадамухамедов номлари билан боғлаб гапирини мумкин.

**Қашқар рубоби.** Қашқар рубоби синфи 1948 йилда очилган. А. И. Петросяни унинг асосчиси бўлган. Ф. Н. Васильев мазкур синфини ту-

гатган илк ижрочи бўлиб, 1950 йилдан ўзгача ҳам шу ихтисос бўйича таълим берган. 1957 йилдан эса мазкур синфда дарс ўтишни Ф. Н. Васильевнинг шогирди С. М. Тахалов (профессор) олиб борди, сўнгги вақтда Х. С. Набиев, Б. Зиямухамедовлар даном эттирмақдалар.

**Афгон рубоби.** Афгон рубоби синфи мустақил синф сифатида 1963 йилда очилган. Дастлаб махсус синфи ташкил этиш билан Ф. Н. Васильев ва С. М. Тахалов шуғулланишган. Бу синфни илк бор Г. И. Эргашев тугатиб чиққан (1969). Шу йилдан бошлаб ушбу синфда Г. И. Эргашев ўқитувчилик қилган. Эндиликда ўқитувчиликка И. Деҳқонов таклиф қилинган.

**Танбур.** Танбур синфи ташкил қилиш ҳам Ф. Н. Васильев ва С. М. Тахалов номлари билан боғлиқ. Ҳозирда танбур чолғусининг имкониятлари борган сари кенгайтирилиб, такомиллаштирилмоқда. Танбур чолғусини такомиллаштириш соҳасидаги муваффақиятлар, бир қатор ёш ижрочиларни танбур бўйича профессионал таълим олишини таъминлади. Сўнгги йилларда Х. Ражабов, Э. Воҳидов сингари профессионал танбурчилар етишиб чиқди.

**Дутор.** Дутор синфи махсус равишда 1948 йилда очилди. А. Н. Петросянц бу тадбирнинг ташкилотчиси бўлган, эди. Л. Султонова, А. Илёсов мазкур синфнинг илк битирувчилари ҳисобланадилар. 1967 йилдан дутор синфидаги машғулотларни Б. Х. Раҳимжонов олиб борди. Дутор синфи факультетда етакчи синфлардан биридир. 1975 йилдан 1983 йилгача ушбу синфда дарсни машхур дуторчи, Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимов олиб борди. 1987 йилдан бошлаб эса Р. М. Хожиева ўқитувчилик қилмоқда.

**Дутор бас.** Дутор бас махсус синфи 1948 йилда очилган. Унга виоленист Г. Н. Иванов раҳбарлик қилган. Дутор бас синфини битирган илк чолғучи Н. Савинов, Б. Вальберг, А. Назаровлар бўлган. Ҳозирда Н. Савинов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Узтелерадиоси халқ чолғулари оркестрининг созандаси. 1960 йилдан ҳозиргача мазкур синфга доцент А. К. Назаров раҳбарлик қилмоқда.

Дутор бас ихтисослиги бўйича ижрочиларни тайёрлаш ва тарбиялашда А. К. Назаровнинг хизматлари каттадир.

**Доира.** Доира синфи 1948 йилда очилган. А. И. Петросянц энг бошиданоқ бу синфга раҳбарлик қилган. А. Х. Ливиев мазкур синфни тугатган илк доирачидир. Доирачиларни кенг йўналишдаги мутахассислик сифатида тарбиялаш мақсадида ушбу синфда машғулотлар икки йўналишда олиб борилди.

Биринчи йўналишда доиранинг товуш, тембр, ритмик ва бадний имкониятлари «Доира дарслиги» қўлланмасига мувофиқ равишда, тўрт чизиқли нота ёзуви асосида ўргатилади. Айни бир чоғда анъанавий доира мусиқаси ҳам ўргатилади.

Иккинчи йўналишда доира чолғуси Ю. В. Качурин, В. М. Коротков каби ўқитувчилар раҳбарлигида симфоник оркестрда қўлланиладиган ксилофон, вибрафон, литаврлар, кичик барабан, тарелкалар, учбурчак ва бошқа урма зарбли чолғулар билан параллел равишда ўргатилади.

Консерваторияда анъанавий доира мусиқаси бўйича сабоқ беришга Уста Олим Комиловнинг шогирдлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гофур Азимов ва Тўйчи Иноғомовлар таклиф қилинган.

1983 йилдан доира ва урма зарбли чолғулари синфини ёш мутахассис Илҳом Иноғомович Икромов (Т. Иноғомов, Ю. В. Качурин, А. Одиловларнинг шогирди) бошқармоқда. У доира ва урма зарбли чолғулар бўйича профессионал билимга эгадир.

**Ғижжак.** Махсус ғижжак синфи 1948 йилда очилган. Ғижжак чолғуси ижроси бўйича И. П. Благовешченский бу синфнинг дастлабки раҳбари бўлган. Шу синфнинг илк битирувчилари М. А. Асиллов ва А. М. Ҳолмуҳамедов (1953 йилда битиришган) ўз устозининг изидан бормоқдалар. А. М. Ҳолмуҳамедов 1951 йилдан ғижжак синфининг раҳбари бўлиб келди. 1961 йилдан эса бу синфда А. М. Ҳолмуҳамедовнинг шогирдлари М. И. Тошмуҳамедов, А. Ж. Умаровлар таълим бермоқдалар.

**Ғижжак-альт.** Бу синф 1949 йилда ташкил қилинган. А. Ҳолмуҳамедов ва Р. Л. Фелициант<sup>1</sup> нинг шогирди. Г. Қўчқоров мазкур синфнинг илк битирувчиси бўлган (1954). 1961 йилдан бу синфга М. И. Тошмуҳамедов раҳбарлик қилади. Ғижжак-альт ихтисослиги бўйича ижрочиларнинг билимини мустаҳкам бўлишида, уларни режали тарбиялаб етказишида М. И. Тошмуҳамедовнинг хизматлари катта.

**Ғижжак-бас (қобиз-бас).** Ушбу синф 1949 йилда ташкил қилинган. Г. Н. Ивановнинг шогирди Х. Турсунов мазкур синфнинг илк битирувчиси бўлган. Тажрибали ўқитувчи 1966 йилдан виолончелист И. И. Шельпукнинг ғижжак-бас синфига раҳбарлик қилиши билан бу соҳада мутахассислар тайёрлаш иши анча фаоллашди. И. И. Шельпукнинг шогирдлари орасида III Республика конкурсининг I-мукофот соҳиби (1980) Шоҳид Қорабобоев, Ҳамза номидаги ТДМБЮнинг ўқитувчиси Йўлдош Тўлагановлар алоҳида диққатга сазовор бўлдилар.

**Ғижжак-контрабас (қобиз-контрабас).** Ушбу синф 1949 йилдан фаолият кўрсата бошлади. 1953 йилдан 1962 йилгача мазкур консерваторияни битириб чиққан С. Сайфитдинов синфда фаол иш олиб борди. 1962 йилдан 1974 йилгача эса бу синфда В. И. Сердюковнинг шогирди Б. Х. Абдурахмонов сабоқ бера бошлади. 1974 йилдан эса синфга раҳбарликни ТДКси оркестр факультетини тугатган И. У. Сулойманов давом эттирди.

**Баян синфи.** 1950 йилда очилган. Б. Ф. Гиенковнинг шогирди В. М. Климов бу синфнинг илк битирувчиларидан ҳисобланди. 1961 йилдан мазкур синфда В. М. Климов ва унинг шогирди М. В. Маевский сабоқ берган. 1983 йилдан эса ушбу синфга Германиянинг Клингентал шаҳридаги халқаро баянчилар кўригининг соҳиби, Гнесинлар номидаги Москва Давлат мусиқа — педагогик институтини тамомлаган (кейинроқ шу институтда ассистентура-стажировкасини ўтаган) Э. Н. Сеит-Абдулов ўқитувчиликка таклиф этилди.

**Дирижёрлик.** Халқ чолғу оркестрлари учун профессионал дирижёрлар тайёрлаш мақсадида дирижёрлик курси беш йиллик ўқиш даврида барча талабалар учун зарурий қилиб белгиланди. Дирижёрлик синфи факультет ташкил топган биринчи йилдаёқ тузилди. Дастлаб дирижёрлик курсини ўтиш учун ўша пайтларда Тошкентда ишлаган В. И.

<sup>1</sup> Р. Л. Фелициант (1914—1986) таниқли скрипкачи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, доцент. ТДК халқ чолғулари кафедрасига (1957—58) мудирлик қилган.

Ашкипази, Н. А. Гольдман, А. Н. Долгушин, Я. С. Эляшкеевич, П. Д. Шпитальный каби таниқли мутахассислар таклиф қилинди. Факультетда дирижёрлик синфини тузиш билан А. И. Петросянец, Р. Л. Фелициант, А. И. Давидов, Ф. В. Назаров, С. Х. Алиев ва бошқа ўқитувчи-дирижёрлар шуғулланишди.

Дирижёр кадрлар тайёрлашда М. Н. Насимов, А. Х. Ливнев, Р. Н. Ибрагимов, Ф. Т. Содиқов, А. Б. Юргаев, Ф. Р. Абдурахимова, А. Н. Давидов, Р. Х. Хўжаев каби кафедранинг етук ўқитувчи-дирижёрлари бу вазифани бажаришда узоқ йиллар фаол иштирок этишди. 70-йиллардан талабалар сонининг ўсиши билан дирижёрлик синфида мутахассислар тайёрлаш иши янада яхши йўлга қўйилди. 1987 йилга келиб ушбу кафедрага доцент Р. Х. Хўжаев, сўнг доцент Ф. Р. Абдурахимова раҳбар этиб тайинланди.

Факультет ва кафедра ташкил топиши билан бир қаторда чолғулаштириш, партитура ўқиш ва бастакорлик курсларига ҳам катта аҳамият берилди бошлади. Натижада ана шундай курслар ташкил этилди. Бу ишда Ўзбекистоннинг таниқли бастакорлари Б. Ф. Гиенко, Г. Г. Сабитов, С. Б. Бобоев, Г. К. Қодиров, С. Жалил, А. А. Варелас ва бошқалар жонбозлик кўрсатдилар.

Чолғулаштириш синфи фаолиятидаги муваффақиятлар битирувчиларнинг диплом ишлари ҳисобига талабаларнинг ўзбек халқ чолғу оркестри репертуарини тўлдиришга ёрдам берди. 1972 йилдан чолғулаштириш, партитура ўқиш, бастакорлик синфлари композиция ва чолғулаштириш кафедраси ихтиёрига ўтказилди. (Уша пайтда А. Ф. Козловский кафедра муdiri бўлган.) Талабаларнинг ўзбек халқ чолғулари оркестри 1955 йилдан мустақил ижодий жамоа сифатида ишлай бошлади. Оркестр синфининг ilk раҳбари А. И. Петросянец бўлган. Кейинроқ бориб оркестрга раҳбарликни унинг шогирдлари А. Одилов, А. Х. Ливнев, Ф. Р. Абдурахимова, Р. Х. Хўжаевлар бажардилар.

«Халқ чолғулари» ихтисослиги бўйича ўқитиш жараёни замонавий ўқитиш методикасини мустаҳкам эгаллаш билан чамбарчас боғлиқ. Халқ чолғулари ижрочилигига ўқитиш методикаси синфини 1948—55-йилларда И. П. Благовещенский, 1956 йилдан эса факультетнинг энг тажрибали ўқитувчиларидан бири Ф. Н. Васильев<sup>1</sup> олиб боришган. 1987 йилдан бу синфга А. Назаров раҳбарлик қилмоқда.

Оркестр дирижёрлигига ўқитиш методикаси синфи ўзбек халқ чолғулари оркестрида олиб борган кўп йиллик тажрибаларни ҳисобга олиб ташкил этилган. Мазкур синфга таълим бериш 1961 йилдан бошланган. Унда малакали ўқитувчилар А. Х. Ливнев (1961 йилдан), Н. Н. Третьякова (1969 йилдан) сабоқ беришган.

1980 йилдан ҳозирги вақтгача бу синфда Ф. Р. Абдурахимова таълим бермоқда.

1974 йилда факультет қошида ассистентура-стажировка бўлими очилди. Ҳозирга қадар ушбу бўлимни 20 мутахассис битириб чиқди. Улар қуйидагилардир: Р. Х. Хўжаев (1976, дирижёр), Б. Х. Раҳимжонов (1977, дутор), Ф. Р. Абдурахимова (1977, дирижёр), Г. Э. Эр-

<sup>1</sup> Халқ чолғулари ижрочилиги кафедрасидаги методик ва педагогик ишлар тажрибаси. «Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик ва ўқитиш методикаси» тўпламидаги мақолаларда ўз аксини топган. (Ўзувчи Ф. Н. Васильев, Тошкент, 1987).

гашев (1978, афгон рубоби), Т. С. Собиров (1978, чанг), Н. Ш. Шарипов (1979, прима-рубоби), Н. И. Ибрагимова (1980, дирижёр), И. Х. Холбеков (1980, чанг), А. А. Омонов (1982, дирижёр прима-рубоби), М. М. Мустафина (1983, дирижёр, чанг), А. К. Лутфуллаев (1984, дирижёр, чанг), Ш. А. Аҳмаджонов (1984, дирижёр, най), М. А. Акмалжонова (1985, дирижёр), А. М. Дадамұхамедов (1986, прима-рубоби), Р. М. Хожиева (1986, дутор), И. И. Икромов (1977, дойра ва урма зарбли чолғулар), Н. Жўраев (1992, қашқар рубоби). Уларнинг ҳаммаси республикамиздаги таниқли мусиқа арбобларига айланишди.

Халқ чолғулари ижрочилигининг ривожланиши Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистондаги маданият ҳамда санъат олий ўқув юртларида халқ чолғулари факультетлари очилишини таъминлади.

Ўрта Осиё республикаларидаги мусиқа ва санъат билим юртларида, болалар мусиқа мактабларида халқ чолғулари синфларининг ташкил этилиши мусиқа таълими системасида муҳим ўзгариш бўлди. Ўзбекистонда халқ чолғулари ижрочилиги таълимини М. Ашрафий номидаги Т. Д. К. тугатган мутахассислар олиб боришмоқда.

### Эндиги сўз, мусиқа ва санъат билим юртлари ҳақида

Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юрти. Билим юрти ташкил этилгандан буён (1924) ўзбек халқ чолғулари синфини халқ мусиқачилари олиб боришган бўлиб, у ерда таълим бериш 1936 йилдан нота системасидаги янги методика асосига ўтказилди. Уша вақтда дамли чолғулар (най, қўшнаё) синфини таниқли ўқитувчилар — Х. Убайдуллаев, А. Мақсудов, торли-мизробли чолғулар синфини — А. Дорошев, В. Марцинковский, камонча-торли чолғулар синфини — С. Габриэлян, Д. Зокиров, чанг, дутор синфини — А. Петросянц, А. Илёсовлар олиб боришган.

1943 йилда Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрининг қайта тикланиши билан ўқувчилар сони оркестрнинг истеъдодли чолғувчилар ҳисобига кўпайди. 50-йилларнинг ўзидаёқ ўқитувчилар таркиби ТДКси битирувчиларидан тузилган эди. Най синфига — М. Х. Тоиров, чанг синфига — А. Одилов, қўшнаё синфига — Н. Н. Нигматов, прима-рубоби синфига — В. А. Евдокимов, қашқар рубоби синфига — Ф. Н. Васильев, ғижжак синфига — М. А. Асилов, оркестр синфига — А. И. Петросянц, кейинроқ А. О. Одилов ва С. К. Каримовлар раҳбарлик қилишди.

Уша йилларда Тошкент мусиқа билим юрти ўрта махсус мусиқа таълими марказига айланиб, халқ чолғулари ижрочилигининг ривожланиши ва такомиллаштиришига катта ҳисса кўшди. Билим юртининг битирувчилари кейинчалик таниқли ўқитувчи ва мусиқа санъати арбоблари бўлиб етилишди. Ҳозир билим юртида найчи А. М. Маликов, чангчилар Т. Т. Икрамуддинов, Х. А. Одилов, чангчи ва дуторчи С. К. Каримов, ғижжакчи, Ўзбекистон халқ артисти У. Я. Мурадов (Розимбек бахши), ғижжак-басчи Ю. А. Тўлаганов, қўшнаёчи М. Мирбаратовлар самарали педагогик фаолият кўрсатмоқдалар. Туркум ҳайъатни ғижжакчи Б. Отаев бошқаради. Билим юртини битирганлар орасида Ўзбекистон халқ артисти, профессор, бастакор С. Жалил (ғиж-

жак), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. Тожиёв (чанг), Ўзбекистон халқ артистлари Б. Алиев (чанг), Қ. Дадаев (дойра), Ёшлар ва талабалар жаҳон фестивалларининг соҳиблари А. Баҳромов (рубоб), О. Камолхўжаев (дойра) ва бошқаларнинг номлари машҳур.

**Р. Глиер номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаби-интернати.** Бу ўқув юртининг тарихи муайян даражада ўзбек халқ чолғулари ижрочиларини тарбиялаш муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ. 1948 йилда бир гуруҳ ташаббускор ўқитувчилар ҳаракати билан билим юртида халқ чолғуларини ўргатиш янги методика асосида олиб бориладиган бўлди. Ҳозирда най синфига Э. Нузуров, чанг ва оркестр синфига Ф. Мирусмонов, дутор ва қашқар рубоби синфига Ф. Тошхўжаев, ғижжак синфига Б. Яминов ва дутор-бас синфига У. Орипон, ғижжак-бас синфига Д. Ибрагимов, ғижжак-контрабас синфига А. Қодировлар раҳбарлик қилишмоқда. Бўлим ишларини йўлга қўйишда айниқса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ф. Мирусмонов ва Б. Мирзааҳмедовларнинг меҳнати салмоқлидир.

Мактаб-интернат тарбиялаб етказган таниқли ижрочилар орасида Муқимий номидаги мусиқа театри дирижёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эргаш Тошматовни (чанг), А. Навоий номидаги Ўзбекистон ДАКТ дирижёри Ҳамид Шамсутдиновни (қашқар рубоби), кўзга кўринган бастакор Тулқин Тошматовларни (ғижжак) алоҳида кўрсатиш мумкин. ТДКсининг доцентлари Б. Раҳимжонов (дутор), Р. Неъматов (чанг) ва Ғ. Эргашевлар (афғон рубоби) ҳам шу мактаб-интернатда тарбияланишган. Р. Глиер номидаги мактаб-интернат ТДКсининг тайёрлов базаси ҳисобланиб, унинг кўпгина битирувчилари консерватория талабалари бўлишади.

**Мухтор Ашрафий номидаги Бухоро санъат билим юрти.** Унинг дунёга келиши халқ чолғулари синфларининг тузилиши ва ташкил толиши билан боғлиқ (1934). М. Тошпўлатов, А. Ихтиёров каби устоз ижрочилар авлоди ўқувчилар хотирасида сақланиб қолган. Билим юртининг дастлабки ўқувчилари орасида А. Қодиров (най), Э. Шукруллаев (рубоб), С. Алиев (ғижжак), Т. Жумаевлар (афғон рубоби) катта шуҳрат топдилар.

Билим юртини тамомлаб, юртга танилган таниқли ижрочилар орасида профессор С. М. Тахалов, Москвадаги VI Жаҳон фестивали соҳиб А. Б. Бобохонов (1957), Ўзбекистон Давлат халқ чолғулари оркестрининг чолғучиси А. М. Мухитова, Бухоро билим юртининг ўқитувчилари Х. Ж. Ражабов, С. В. Воҳидовлар бор. 60-йилларда билим юртига консерваторияни битирган ўқитувчиларнинг янги авлоди келиб қўшилди. Х. Х. Раҳматов (ғижжак, най), А. Х. Абдуллаев (афғон рубоби), А. Н. Насриддинов (ғижжак), Ҳ. Ж. Ражабов (қашқар рубоби) шулар жумласидандир.

**Наманган санъат билим юрти.** Ушбу билим юрти 1934 йилда ташкил этилган. У ўзбек халқ чолғу ижрочилиги мактабининг бир қатор таниқли намояндаларини тарбиялаб етказган. Халқ чолғулари синфини тузиш 1948 йилдан бошланган. Биринчи тарбиячилардан бўлган Уста Рузимат Исобоев, Бурхон Юсупов, Гали Хусаиновлар (тубачи) дастлабки пайтларда чанг, най, рубоб, ғижжак, дутор, танбур каби турли хил чолғулар бўйича сабоқ беришди. Ўзтелерадиосининг мусиқа-

ли эшиттиришлар бўлимининг бош муҳаррири С. Рўзиматов шу билим юртини тамомлаган илк ижрочилардандир. 1960 йилда Тошкент Давлат консерваториясини битирган ёш мутахассис Д. Х. Ҳасановнинг (чанг) билим юртига бошчилик қилиши билан чолғучиларни тайёрлаш ва тарбиялаш ишлари анча фаоллашди. Тез орада таркибида 38 ўқувчи бўлган ўзбек халқ чолғулари оркестри тузилди.

Уша йиллари чанг ва оркестр синфига Д. Х. Ҳасанов, қашқар рубоби синфига И. Г. Ғаффоров, най синфига Э. Р. Раҳимов, прима-рубоби синфига Р. А. Абдуллаев, дутор синфига Н. Ю. Юсуповалар раҳбарлик қилишган. Наманган билим юрти ўзи тарбиялаб камол топтирган ўқувчилари билан фахрланса арзийди. Билим юрти тарбиялаган ижрочилар орасида К. Юсупов (найчи), Д. Саидов (ғижжакчи), Х. Насриддинов (рубобчи) ва бошқалар республика кўрикларининг соҳиблари бўлишган.

**Абдулазиз Расулов** номидаги санъат билим юрти. Бу билим юрти 1945 йилда ташкил этилган. Унинг ташкил этилишида А. Н. Ли (най, рубоб), П. В. Ан (рубоб, ғижжак), П. С. Сотниченко (баян) каби таниқли ижрочилар фаол қатнашишган. Билим юртида ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги бўйича машғулотларни махсус олий маълумотга эга бўлган 20 дан ортиқ ўқитувчи олиб бормоқда. Махсус синфларга **Н. Жавдадов** (най), **И. А. Жобиров** (чанг), **А. А. Омонов** (прима-рубоби), **И. А. Нигматов**, **О. Р. Раҳмонов** (қашқар рубоби), **А. Х. Раҳимов** (афғон рубоби), **Х. А. Жўраев** (ғижжак), **О. У. Бараев** (дойра), **П. С. Сотниченко** (баян) каби иқтидорли мусиқачилар раҳбарлик қилишмоқда.

Билим юртининг кўпгина битирувчилари таниқли мусиқачилар бўлиб етишишди. **Ўзбекистон халқ артисти З. В. Ҳақназаров** (най-пиколло ижрочиси). **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, М. Турғунбоева** номидаги «Баҳор» Давлат ансамблининг созандаси **Т. С. Сайфитдинов** шулар жумласидандир.

**Фарғона Давлат санъат билим юрти.** Билим юртида ўзбек халқ чолғулари бўлими у ташкил топган вақтлардаёқ тузилди (1957). Махсус синфларни тузишда **В. М. Антипов** (прима-рубоби), **Г. И. Непорядкин** (рубоб), **М. Мадалиев** (чанг), **Р. М. Кипчаков** (рубоб), **Х. И. Ёқубов** (қашқар рубоби) каби ўқитувчилар алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Уш битта ёш ижрочи билим юртининг илк битирувчилари бўлишди (1961). Улар орасида **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Т. Қодиров** (қашқар рубоби), таниқли дуторчи билим юртининг ўқитувчиси **К. А. Аҳмедовалар** бор. 80-йилларга келиб билим юртининг халқ чолғулари бўйича махсус синфлари махсус олий маълумотга эга бўлган ўқитувчилар билан тўлдирилди. Ҳозирда най синфини **И. Т. Қосимов**, чанг синфини **У. К. Қосимов**, прима-рубоби синфини **Я. М. Юнаев**, қашқар рубоби синфини **Т. Р. Кипчаков**, афғон рубоби синфини **Р. Т. Тожибоев**, дутор синфини **К. Р. Аҳмедова**, ғижжак синфини **А. Т. Турсунов**, дойра ва урма зарбли чолғулар синфини **А. Р. Рўзиевлар** олиб боришмоқда. **Фарғона билим юртининг ўқитувчилари** замонавий ўзбек халқ чолғу ижрочилиги ютуқларининг фаол тарғиботчилари ҳисобланадилар. Билим юртида **И. Қосимов** (най), **Х. Ёқубов**, **К. Салиев** (қашқар рубоби), **А. Абдураҳимов** (дутор) каби Республика кўрикларининг соҳиблари, профессионал ижрочилар тарбияланишган. Ижрочилик санъ-

ити мактабининг профессионал музика ўқув юртлари тармоқларини янада ривожлантириш ҳақида 1960 йил 3 июнда махсус қарор қабул қилиндики, бу мазкур соҳада илгари қараб яна бир катта қадам бўлди.

«Ўзбекистонда музика таълими ва санъатини янада яхшилаш чоралари ҳақида»ги ҳукумат қарори катта аҳамиятга эга бўлди. Бу нақтга келиб Нукус, Урганч, Термиз шаҳарларида ҳам музика билим юртлари ташкил этилди.

**Ж. Шомуротов** номидаги Нукус давлат санъат билим юрти 1961 йилда ташкил этилди. Билим юрти шундан бошлаб ўз фаолиятини Қорақалпоғистонда музика санъати ютуқларини тарғиб қилишга қаратди. Билим юрти ташкил этилгач, халқ чолғулари бўлими ҳам тузилди. Бу бўлимга Қ. А. Асқаров (ғижжакчи, Т. Д. консерваториясини тугатган) раҳбарлик қилди. А. С. Султонов (ғижжакчи, дирижёр ва бастакор), С. Қ. Махаметдинова (дудорчи, Ҳамза номидаги Тошкент Давлат музика билим юртини тугатган), М. И. Камолов ва Р. Горевалар (рубобчилар, Тошкент консерваториясини битиришган) билим юртининг дастлабки ўқитувчилари булишди.

70—80-йилларда билим юртига ТДКсини тамомлаган ўқитувчилар ҳисобидан қўшимча равишда малакали музикачилар юборилди. Турли хил халқ чолғулари ижрочилиги бўйича таълим беришни кенгайтириш учун қулай имконият туғилди. Б. Н. Нагметов ва А. Қўшимбетов най синфига, Т. М. Мамедяров чанг синфига, А. С. Сабурова дудор синфига, Қ. А. Алимов ғижжак-бас ва ғижжак-контрабас синфига раҳбарлик қилишди.

Нукус билим юртининг энг катта хизматлари мухтор республикада музика маданиятини оёққа туриши ва ривожланишида ҳамда замонавий профессионал халқ чолғулари ижрочилиги санъатини тарғиб этувчи Қорақалпоғистон халқ чолғулари оркестрини яратишдаги фаол иштирокида намоён бўлди.

**М. Харратов** номидаги Урганч музика билим юрти 1962 йилда ташкил этилган. Билим юртида ўзбек халқ чолғулари синфларини тузиш учун Тошкент консерваториясини битириб чиққан ижодкор ёш талаптардан А. Р. Матёқубов (қашқар рубоби), Э. Қ. Казаков (най), Р. О. Оллаберганов, П. Н. Пак (прима-рубоби)лар юборилди.

70-йилларда А. И. Ибрагимов (қашқар рубоби), У. Қ. Қуранбоев (ғижжак), Б. С. Сафаев (чанг), Г. М. Муҳамедова (дудор), О. Д. Матёқубовлар (қўшнаё, бўламон) билим юрти ўқитувчилари сафига келиб қўшилдилар. Бир неча йил давомида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор, чангчи Абдушариф Отажонов (1924—1987) билим юртида директор бўлиб ишлади. Хоразмда замонавий ўзбек халқ чолғулари ижрочилигини ташкил этишда А. Отажоновнинг хизматлари катта бўлди. У моҳир чангчи бўлиб, бир неча истеъдодли шогирдларни тарбиялаб ўстирди. Унинг шогирдлари кейинчалик Ўзбекистондаги таниқли санъат арбоблари бўлиб етишилди. Булар орасида билим юртини битирган республиканинг таниқли бастакорлари: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг соҳиби У. Мусаев, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг соҳиби Р. Абдуллаевлар бор. А. Отажонов, шунингдек, чанг ва симфоник оркестр учун яратган концерт муаллифидир. Бу

асар ижрочилар томонидан катта ҳаяжон билан кутиб олиниб, чапг ижрочилари репертуарининг олтин фондидан жой олди.

**Термиз мусиқа билим юрти.** Ўзбек халқ чолғулари синфлари билим юрти ташкил топган кунидеъ вужудга келди. Махсус синфларининг таникilotчилари А. Қ. Каримов (ғижжак), С. А. Пиров (чапг), Қ. И. Чориев, Қ. А. Мардаева (рубоб), Х. Х. Хўжамбердиев (най), Н. Бақаев (қашқар рубоби) халқ чолғулари ижрочилигининг фаол тарғиботчилари булишди. Билим юртида ўзбек халқ чолғулари оркестри (раҳбари А. Қ. Каримов) ва чапгчилар ансамбли (раҳбари С. Б. Бозорова) фаолият кўрсатмоқда. 80-йилларда билим юртининг ўқитувчилари ТДҚсини битирган Б. Қ. Қурбонов (дойра ва урма зарбли чолғулари), И. Гаврилин (баян), М. Шукурова (чапг) каби ёш мутахассислар ҳисобига тўлдирилди.

Билим юрти ташкил этилгандан буён 450 дан ортиқ ўрта малакали мутахассислар тайёрлаб етказди. Аммо «Халқ чолғулари» мутахассислиги бўйича тайёрланаётган ижрочилар сони бошқа билим юртларида анча орқада қолмоқда. Бу билим юртига бошланғич мусиқа маълумотига эга бўлмаган ўқувчиларни қабул қилиш билан ўқитувчилар таркибини махсус маълумотли мутахассислар ҳисобига тўлиқ тўлдирилмаганлиги билан ҳам изоҳланади.

**Т. Жалилов номидаги Андижон давлат санъат билим юрти** 1968 йилда очилди. У Фарғона водийсида вужудга келган учинчи билим юртидир. Билим юрти очилган дастлабки йиллардан бу ердаги тарбияланувчиларга юқори талаблар билан ёндошилди. Г. Куртумеров (ғижжак), Р. С. Самиев (най), Б. Ю. Йўлдошевлар (прима-рубоби) билим юртида ўқитувчилик қила бошладилар. 70-йилларнинг ўрталарида бўлим, Тошкент консерваториясини битирган малакали мутахассислар ҳисобига тўлдирилди. Най синфига Р. С. Самиев ва А. Мамадалиев, чапг синфига М. М. Маҳкамбоев, Х. А. Акромова, қашқар рубоби синфига Х. Н. Мақсумов, афғон рубоби синфига М. Р. Расулов ва М. Жабборова, дутор синфига А. Қ. Самиева, дутор-бас синфига Қ. Н. Низомиддинов, ғижжак синфига Т. Қ. Каримов, ғижжак-альт синфига С. Х. Хуралиев раҳбарлик қилишмоқда. Дирижёрлик, чолғулаштириш, оркестр партитурасини ўқиш Қ. Низомуддинов, Б. Йўлдошев, А. Мамадалиев, М. Жабборова каби ўқитувчиларга юклатилди. 1970 йилда билим юртида ўзбек халқ чолғулари оркестри (раҳбари Р. С. Самиев), дуторчилар ансамбли (раҳбари А. Қ. Самиева), чапгчилар ансамбли (раҳбари Х. Акромова) каби талабаларнинг ижодий жамоалари тузилди (11-расмга қарапг).

Андижон билим юрти кейинги йилларда кўпгина истеъдодли кадрларни етказиб чиқарди. Натижада унинг кўпчилик битирувчилари республика санъат ва маданият олий юртларининг талабалари бўлишмоқда. Билим юрти ташкил топгандан бери уни 400 дан ортиқ мутахассис битириб чиқди. 1975 йилдан 1988 йилгача билим юртига истеъдодли мусиқачи, дирижёр, моҳир ташкилотчи Х. Н. Мақсумов раҳбарлик қилган. Билим юртида тарбияланган Д. Саидов, Қ. Юсуповлар Республика кўрикларининг соҳиби бўлишди.

Андижон вилоятида 70-йилларнинг иккинчи ярмида Т. Содиқов номидаги яна бир ўрта махсус мусиқа мактаб-интернати (Бутақори қишлоғида) ташкил топди. Бу билим юрти ҳам малакали ижрочи-

ларни тарбиялай бошлади. Мазкур билим юртида М. Муродуллаева (чанг), Ш. Субхонов (рубоб), А. Мажидов (ғижжак), А. Исмоилов (қашқар рубоби), А. Ботиров (ғижжак) каби ўқитувчилар самарали меҳнат қилмоқдалар. Ҳар йили мактабни тугатган ўқувчилар турли чолғулар бўйича Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга кирмоқдалар.

**Бекобод шаҳридаги Тошкент вилоят Давлат мусиқа билим юрти.** Мазкур билим юртининг очилиши (1970 й.) қишлоқ жойларида мусиқий-маърифий ишларни тубдан яхшилади, чунончи, бу болалар мусиқа мактаблари, маданий-маърифий ташкилотлар, ҳаваскорлик мусиқа жамоалари очилишини таъмилади. Т. Д. консерваторияси билим юртларида халқ чолғулари синфларини очиш мақсади билан Х. А. Раҳматов (най), А. К. Шашиев (датор-бас), В. Г. Тихненко (баян) каби истеъдодли талабаларни юборди. Дастлаб улар турли хил халқ чолғуларини бўйича таълим беришди. 70-йилларнинг иккинчи ярмида бўлим А. Алиева (рубоб), М. Мамараҳимов (ғижжак), А. Қурбонов (контрабас), Х. Турдибеков (най) каби педагогик фаолиятда ажойиб муваффақиятларга эришган ёш мутахассислар билан тўлдирилди. Билим юрти ташкил этилгандан буён халқ чолғулари ихтисослиги бўйича уш 100 дан ортиқ ёш мусиқачилар битириб чиқдилар. Билим юртини тугатган ўнлаб ижрочилар маданият васанъат олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришди. Улар орасида Т. Д. консерваториясини битириб чиққан М. Юсупова (датор-бас), Э. Мирхидоятлов (баян) лар билим юртига қайтиб, у ерда ўқитувчилик қилишмоқда.

М. Юсупова айни бир пайтда халқ чолғулари оркестрига раҳбарлик қилмоқда. Узок йиллар билим юртидаги энг яхши анъаналарининг ташкилотчиси сифатида унинг собиқ директори Азиз Каримович Шашиев самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. 1986 йилдан билим юртига Т. Д. К. сини тугатган Э. М. Мирхидоятлов раҳбарлик қилмоқда.

**Қарши давлат санъат билим юрти.** У 1972 йилда ташкил этилган. Ўзбек халқ чолғулари бўйича махсус синфларда А. Р. Ражабов (най), И. Р. Ражабов (чанг), Н. Т. Турсунов (прима-рубоби), Ю. М. Ягудаев (қашқар рубоби), Р. Д. Зиётов (афгон рубоби), Д. Д. Зиётов (ғижжак) каби ўқитувчилар таълим беришди. 80-йилга келиб бўлим бутунлай малакали ўқитувчилар билан тўлдирилди. Ҳозирги вақтда чангчи — А. Қодирова, ғижжакчи — С. Р. Салахутдинов, датор-басчи — Б. Т. Толипов, баянчи — И. Ильченко каби ўқитувчилар самарали меҳнат қилишмоқда.

**Гулистон давлат санъат билим юрти.** У ташкил топган кунидан бошлаб (1973), унда ўзбек халқ чолғулари синфлари очилган эди. Т. Д. Консерваториясини битирган Ю. Н. Норбўтаев халқ чолғулари бўлими ташкилотчиси бўлди. Дастлабки пайтларда турли хил халқ чолғулари мутахассислиги бўйича сабоқ ҳам берди. Кейинчалик ўқитувчилар сафи Т. Д. консерваториясини битириб чиққан ёш кадрлар: А. Б. Бабашев (най синфи), А. М. Мирзараҳимов (чанг синфи), А. М. Маматқулов (рубоб ва датор синфи), А. Х. Ҳайдаров (дойра ва урма зарбли чолғулар синфи), Ш. С. Сирожевлар (ғижжак синфи) ҳисобига кенгайди. 1984 йилда билим юртида ўзбек халқ чолғулари оркестри тузилди. Унга А. Б. Бабашев раҳбарлик қилди (у айни бир чоғда

дирижёрлик, чолғулаштириш ва партитура ўқиш бўйича ҳам stacked уқитувчи сифатида фаолият кўрсатмоқда).

**Кўкон Давлат санъат билим юрти** (1977). Фарғона водийсидаги мусиқа таълими системасида ўрта бўғиндаги ўқув даргоҳидир. Билим юртининг биринчи директори Р. Ш. Шодмонов (трубачи) эди. У билим юртида илк бор ўзбек халқ чолғулари бўлими очилишининг ташаббускори бўлиб чиқди. Дастлаб чанг, прима-рубоби, қашқар рубоби, ғижжак синфлари фаолият кўрсатди. Уларда И. М. Қодиров сабоқ берди. Ғижжак ва чанг синфига ғижжакчи С. К. Қўзиев, най синфига флейтачи Б. Л. Латиповлар раҳбарлик қилишди.

80-йиллар бошларида билим юртининг уқитувчилар таркиби Т. Д. Консерваториясини битирган ёш мутахассис ҳисобига янада кенгайди. Бу эса махсус синфлар ташкил этишга имкон яратди. Прима-рубоби синфи — И. Ш. Шерматовга, қашқар рубоби синфи — М. У. Усаровга, афғон рубоби синфи — Х. М. Собировага (у айни бир пайтда халқ чолғулари бўйича туркум ҳайъатига мудир қилиб тайинланди) топширилди. Дутор синфида — И. Х. Ҳасанова, дутор-бас синфида — А. А. Аҳмедов, баян синфида — Р. А. Аҳмедов, Р. А. Абдумажидов таълим бера бошладилар. 1982 йилда билим юртида ўзбек халқ чолғулари оркестри (раҳбари М. Усаров) ва баянчилар оркестри (раҳбари Р. А. Абдумажидов) ташкил этилди.

**Дирижёрлик, чолғулаштириш ва партитура ўқиш синфларида бўлимнинг ҳамма уқитувчилари таълим беришмоқда.**

**Жиззах Давлат санъат билим юрти.** 1977 йилда ташкил этилган. У ҳозирча оёққа туриш давридадир. Билим юртида халқ чолғулари синфларини ташкил этишда рубобчи — И. Рисқимуҳамедов, чангчи — Р. Иброҳимов, баянчи — С. Арутюнов, ғижжакчи — Н. Тоштемировларнинг қўшган ҳиссалари катта бўлди. Кейинги йилларда Жиззах билим юрти методик ва амалий ишлар тажрибасини алмашиш марказига айланди. Бу ерда Республика билим юртларининг уқитувчилари тез-тез йиғилишиб, мусиқачи кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш, ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги билан боғлиқ муаммоларни масалаларни муҳокама этадилар. Т. Д. Консерваториясининг халқ чолғулари кафедраси мазкур ёш билим юртининг халқ чолғулари бўлимини оталиққа олиб, ҳар йили ўқув-методик ёрдам кўрсатмоқда.

**Тошкент давлат маданият институти.** Гап шу ҳақда борадиган бўлса, киши кўз олдида институт тайёрлаб берган ўнлаб юқори малакали маданий-оқартув мутахассислари, ҳаваскор жамоа раҳбарлари, хор жамоалари, дамли чолғулар, халқ чолғулари, ҳаваскор халқ чолғуларни оркестрлари дирижёрлари намоён бўлади. Институтда халқ чолғуларини ўқитишга алоҳида эътибор берилади. Талабалар ўқиш давомида мусиқа чолғулари ижрочилиги ва оркестр дирижёрлиги бўйича етарли даражада билим ва кўникмага эга бўладилар. Муҳими муайян бир педагогик жамоа юқори малакали мутахассислар билан янада тўла боради. Халқ чолғулари бўйича Ш. А. Аҳмаджонов (най), Р. Я. Неъматов (чанг), А. М. Маликов (прима-рубоби), К. Т. Азимов (қашқар рубоб ва дирижёрлик), Т. Ю. Йўлдошев (афғон рубоби), Ж. Р. Расултоев (дутор), Б. Р. Расулов, Ф. А. Алимов (ғижжак), Х. К. Комилов (ғижжак-бас), Р. Ш. Шерматовлар (ғижжак-контрабас) да дастлабки машғулотларни олиб боришди.

Кейинроқ О. Силомский, Н. С. Шарипов (прима-рубоби), Т. Ю. Ражабов, Х. Т. Турсунов (қашқар рубоби), Т.Н. Нигматов (чанг), Ш. Х.Хўжаев (ғижжак) каби ёш мутахассислар ўқитувчиликка қабул қилинди. Институтда оркестр дирижёрлиги кафедраси ташкил этилган. Ушбу кафедра (мудири доцент Ш. Х. Юсупов) ҳар бир ихтисос бўйича алоҳида методика ишлаб чиқмоқда.

Маданият институти ташкил этилгандан буён бадий ҳаваскорликнинг ривожланиши, ўзбек халқ чолғулари оркестрларини ташкил этиш масалалари ҳамisha бу олий ўқув юртининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Факультетни битириб чиққан йигит-қизлар Ўзбекистоннинг турли вилоятларида меҳнат қилиш билан бир вақтда, юртга танилиб бормоқдалар. Факультетда таълим олган Ўзбекистон халқ артистлари, рубобчилар Х. Лутфуллаев, О. Отажонов. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дойрачи Т. Сайфитдиновлар шулар жумласидандир.

Ўзбек мусиқачилари ҳамisha минтақадаги маданият ва санъат олий ўқув юртлари билан ижодий алоқалар ўрнатиб, халқ чолғуларини такомиллаштиришда ўзаро амалий ёрдам кўрсатмоқдалар, кўп овозли оркестрлар тузишда, ўқитишни нота ёзуви системасига ўтказишда ўз тажрибаларини ўргатиб, ижрочилик санъатининг ривожланишига ижодий таъсир кўрсатмоқдалар.

Қурмонғози номидаги Олма-Ота Давлат консерваторияси. Ушбу даргоҳга таниқли бастакор, дирижёр, чолғушунос Аҳмад Жубанов раҳбарлик қилган. Консерватория 1948 йилдан фаолият кўрсатиб келмоқда. Унда дўмбира ва унинг турдош оилалари (прима, тенор, бас), қобиз (прима, альт, бас, контрабас), қил қобиз ва баян чолғулари бўйича махсус синфлар очилган. 60-йилларда талабалар сонининг кўпайиши туфайли уч кафедрага эга бўлган халқ чолғулари факультети ташкил этилди. Қозоғистон бастакорлари доимо излаишда бўлиб, халқ чолғулари учун янгидан-янги оригинал асарлар яратишмоқда. М. Авбакировнинг «Қобиз ва фортепьяно учун концерт», К. Кўмисбековнинг «Қобиз учун поэма» асарлари шулар жумласидандир. Бу асарна фақат Қозоғистон, балки Ўзбекистонда ҳам машҳурдир.

Олма-Ота ва Тошкент консерваториялари ўртасида яқин ижодий алоқалар ўрнатилган. Кафедра профессорлари А. И. Петросяц, А. Одиллов, Ф. Д. Балагаева, Ш. С. Кажғалиев, К. А. Мухитов, А. Х. Ливиевлар кўпинча ижодий сафарда бўлиб турадилар ва ижодий баҳслар ҳамда назарий суҳбатлар ўтказиб турадилар. Икки республика орасида Давлат халқ чолғулари оркестрлари томонидан уюштириб турилган доимий концертлар улкан ижодий аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, 1986 йил баҳорида ҳар икки оркестрнинг Қозоғистон ва Ўзбекистондаги чиқишлари тингловчилар томонидан қизғин кутиб олиниб, ўзаро алоқаларини кенгайтириш борасида муҳим аҳамият касб этди. Шунинг билан бирга бу чиқишлар халқ чолғулари ижрочилик санъатини ўзаро бойитиш ва таъсир кўрсатиш соҳасида ҳам алоҳида қимматга эга бўлди.

Мирзо Турсунзода номидаги Тожикистон Давлат санъат институти халқ чолғулар кафедраси Т. Д. Консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари кафедраси билан мустаҳкам ижодий алоқа ўрнатган.

Тошкент Давлат консерваториясини битирган, ҳозирда доцент Н. А.

Абдуллаев ва катта ўқитувчи И. А. Азизов кафедранинг ташкилотчиси бўлдилар. Н. А. Абдуллаев кўп йиллардан бери кафедра ва факультетга раҳбарлик қилмоқдалар. Ўзбек мусиқачилари тўплаган ижодий тажрибалардан фойдаланиб институт кафедралари ижрочилик мактабини тарғиб этишга бутун кучларини сарфлашмоқда. Кейинги ўн йил ичида институт анча мустаҳкамланди.

Ўқитувчилар ижрочилик репертуарларини кенгайтиришга ва ўқув-методик қўлланмаларни яратишга хамиша жиддий эътибор беришмоқда. Н. Абдуллаев ва А. Одиловнинг «Рубоб — прима мактаби» (Душанба, 1982, 1988) ва Д. Обидовнинг «Рубоб мактаби» (Душанба, 1982) каби асарлари ўзбек мусиқачиларига қимматли саналади.

Кафедраларнинг муҳим бадий вазифаларини ҳал этишда талабаларнинг кучи билан ўтказиладиган концертлар, шунингдек ўқитувчиларнинг концерт чиқишлари ва кўриклари муҳим ўрин тутмоқда. 1983 йилда институтнинг бир гуруҳ талабалари катта ўқитувчи Э. Азизов бошчилигида Тошкент Давлат консерваториясида ижодий ҳисобот чиқишларини уюштирди.

Бейшеналиева номидаги Қирғизистон Давлат санъат институтининг халқ чолғулари кафедраси (1967) замонавий ижрочилик санъати ривожига сезиларли ҳисса қўшмоқда. Институтда ўқитувчилар жамоасини ташкил этиш ва ўқиш жараёнини йўлга қўйишда Т. Д. консерваториясининг прима-рубоби синфини битирган (В. Я. Борисенко шогирди), Республика кўригининг соҳиби (1971), кафедра мудири Т. Мураталиевнинг хизматлари катта бўлди.

1973 йилда ташкил этилган Туркменистон Давлат санъат педагогика институтининг (ҳозирда у консерваторияга айлантирилган) халқ чолғулари кафедраси республикада санъат ривожини учун сезиларли ҳисса қўшмоқда. Кафедрани ташкил этишда ва халқ чолғулари бўйича синфлар фаолиятини йўлга қўйишда Тошкент Давлат консерваториясини битирган дуторчи О. Г. Гандимов фаоллик кўрсатмоқда. Тошкент Консерваториясини тугатган рубобчи Ч. Бобоев ва ғижжакчи М. Сафаровлар кафедранинг дастлабки ўқитувчиларидан бўлган. Катта ўқитувчи Ч. Бобоевнинг фаолияти диққатга сазовордир. У олий ўқув юртлари учун «Мизробли дутор мактаби» ўқув қўлланмасини яратган (Ашхабод, 1986).

Шундай қилиб, Ўрта Осиёдаги олий ва ўрта махсус мусиқа ўқув юртларида (айрим чолғулар бўйича) халқ чолғулари кафедраларининг очилиши ёш мутахассисларни кенг кўламда тайёрлаш ва ижрочилик мактабларининг яратилишини, шу билан бирга миллатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни, миллий қадрият ва маданиятларининг ўзаро бойлигини, педагогик тажрибаларни кенг алмашишни таъминлади.

### **Ўзбек халқ чолғулари учун Республика бастакорларининг асарлари.**

#### **Концерт-ижрочилик ва педагогик репертуарнинг шаклланиши**

Халқ чолғуларида ижрочилик санъатини репертуарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Унинг ривожланиш жараёни айни пайтда бастакорлик ижодиётининг ривожланиши ҳамдир. Бу соҳалар бир-бири билан

чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар доимо ўзаро таъсирда бўлади. Афсуски, ишимиз кўлами Ўзбекистон бастакорларининг ўзбек халқ чолғуларини учун яратган асарларининг бутун ранг-баранглигини таҳлил этиш ва соҳани тўлиқ ёритиш имконини бермайди. Шундан келиб чиқиб, муаллиф ўз олдига халқ чолғуларини учун яратилган барча асарларининг илмий-назарий ижрочилик томонларини чуқур ва батафсил таҳлил этишни мақсад қилиб қўймайди.

Келгусида халқ чолғуларини учун республика бастакорлари томонидан яратилган асарларининг чуқур ва атрофлича таҳлиliga бағишланган махсус ўқув қўлланмасини тайёрлаш фойдадан холи бўлмас, деган умидимиз бор. Бизнинг вазифамиз эса Ўзбекистон бастакорлари ижодига халқ чолғу ижрочиларининг эркин ёндашуви ҳақида фикр-мулоҳаза юритишдан иборат. Концерт ижрочилигини ва ўқув дастурларини учун асар танлаш мақсадида мазкур ишимизнинг ушбу бўлимида бадний нуқтаи назардан мазмундор ва техник нуқтаи назардан амалий, фойдали репертуар учун тавсия қилинадиган Ўзбекистон бастакорлари асарларига қисқача тушунтиришлар, лўнда изоҳлар берилган (2-илова).

Муסיқа маданияти тарихи ва халқ чолғуларини санъат тараққиётига 40—50-йиллар Ўзбекистон бастакорлари томонидан турли хил халқ чолғуларини ва оркестр учун оригинал асарлар яратилган давр бўлиб кирди. Бу давр В. Успенский, Б. Надежин, Г. Мушель, С. Бобоев, Ф. Назаров, В. Князев, И. Адмони, Г. Қодиров, А. Муҳамедов, Б. Гненко каби бастакорларининг ижоди гуллаб-яшиади.

Ўзбек халқ чолғуларининг бадний ва техник имкониятларининг бойлигини уларнинг бастакорлик фаолияти билан узвий боғлиқ. Ижрочилик маҳорати ўсган сайин сюита, увертюра, поэма, концерт каби йирик шаклдаги жанрлар ривожланди.

Б. Надежиннинг «Оркестр учун сюита» (1940), М. Бурхоновнинг «Сўзсиз қўшиқ», Г. Мушелнинг «Ўзбек мавзуларида сюита», М. Бурхонов ва М. Ливневларининг «Ялла» (1940), С. Юдаковнинг «Ҳамза мавзусидаги сюита» (1949), М. Ливневнинг «Комсомол сюитаси», С. Бобоевнинг «Байрам увертюраси», А. Муҳамедовнинг «Рақс» (1950), Ф. Назаровнинг «Ёшлар сюитаси», Г. Қодировнинг «3 қисмли сюита» (1953), Б. Гненконинг «Украин сюитаси» (1956) каби асарлар уша даврда машҳур бўлган эди. С. Бобоевнинг «Чанг ва оркестр учун концертино», И. Адмонининг «Чанг ва фортепьяно учун муסיқа дақиқаси» (Скерцо, 1944), В. Князевнинг «Прима рубоби ва оркестр учун концерт», (1953), Г. Зубатовнинг «Фортепьяно поэма рапсодия» (1956) каби дастлабки яқка ва оркестр билан ижро этиладиган оригинал асарлар ўзига хос қизиқиш уйғотди.

40-йилларнинг охирига келиб оркестр таркибига ўша даврда мавжуд бўлган халқ чолғуларини ўзларининг реконструкцияланган турдош оилаларини билан бирга киритилди. Бу унинг товуш бойлигини симфоник оркестр овозига яқинлаштирди, ижрочилик репертуаринини Ўзбекистон бастакорларининг янги асарлари ҳисобига сезиларли бойитиш имконини берди.

Партитурага: най, пиколло, най I, II: қўшнай, сурнай, прима-рубоби, қашқар рубоби, афгон рубоби, танбур, дутор-бас ва контрабас дутор, доира, ногора ва бошқа урма-зарбли чолғулар киритилди.

Ўзбекистон халқ чолғулари оркестри учун яратилган асарлар орасида М. Бурхоновнинг «Сўзсиза қушиқ» асари (1944) ўзига хос бўлиб, унда оркестр тембр турлари образ яратишда етакчи роль ўйнайди. «Бу асар, — деб таъкидлайдилар Т. Вызго ва А. Петросянец — чуқур, самимий лириканинг ёрқин рангларига бўялган мусиқий образнинг ифодалилиги билан кишини ўзига тортади»<sup>1</sup>.

Дастлаб чанг («қўнғироқ») аккомпаненти фонда кўшнайла ўрта, регистрда кенг хиргойи куй чалинади. Бунда чолғунинг тембр хусусиятлари ажойиб акс этади. Чолғулаштириш ҳам ўта ранг-баранг. Кўшнай мавзуси басли гуруҳга, кейинроқ эса оркестрнинг бошқа гуруҳларига ўтади, кульминация чоғида ўзининг драматик юксалишига эришади. Мавзу материалининг динамик ўсишдаги тараққиёти оркестр туттисига олиб келади, кейинроқ таранглик аста-секин бўшашилади. 1-нота.

С.Бобоевнинг илк ижодида «Байрам увертюраси» (1950) асари энг яхши саҳифалардан ҳисобланади. Бир қисмли асар соната аллегроси шаклида ёзилган бўлиб, асосий ва ёндош мавзуларни, шунингдек улар ичидаги қисмларни ўзаро қарама-қарши қўйиш принципи асосида тузилган. Ёрқин образ биринчи мавзуда — рубоб, ва гижжаклардан таралган куйсимон-ўйноқи мавзудан яратади. 2-нотага қаралсин.

Ритмик таъкидланган мавзу аста-секин ўз кульминациясига етиб, қувноқ байрам ва халқ сайли кайфиятини яратади. 3-нотага қаралсин.

С. Бобоевнинг «Байрам увертюраси» профессионал ва талабалар халқ чолғу оркестрлари репертуаридан жой олган ўзига хос мусиқий асардир.

Оркестр учун яратилган асарлар орасида ўзбек халқ мусиқаларидан кенг фойдаланилган. Г. Мушелнинг уч қисмли «Ўзбек мавзуларида сюита» асари (1947) эътиборга лойиқдир.

А. Петросянцнинг «Уфор» ритмида ёзилган «Бухороча рақси» (1954) асарини ҳам тез-тез ижро этиладиган асарлар жумласига киритиш мумкин. Рақс асосида ҳазилнамо халқ куйи ётади. Рақс дутор ва гижжакларнинг (*Piccato*) икки тактли жўрлигида бошлашади. Асосий мавзу қашқар ва афгон рубобларида бўлиб, у аста-секин рубоб-примага ўтади.

Муаллиф оркестрлаштиришда мусиқа чолғуларининг тембр хусусиятларидан усталик билан фойдаланиб, уларнинг ранг-баранглигини намоён этади. 4-нотага қаралсин.

Ўзбекистон бастакорларининг йирик жанрларда яратган оригинал асарларини шубҳасиз ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги ривожига қўшилган ҳисса деб, ҳисоблаш мумкин. А. Отажоновнинг «Чанг ва симфоник оркестр учун концерт» (1964), И. Ҳамроевнинг «Чанг ва ўзбек халқ чолғулари оркестри ва қашқар рубоби учун концертлари» (1965—70) шулар жумласидандир. И. Ҳамроев кейинроқ (1970—79-йилларда) «Чанг ва оркестр учун яна иккита концерт ёзди. Рўйхатни С. Жалилнинг «Оркестр билан бирга гижжак учун концерти» тўлдирди.

Чанг яқка чолғу сифатида Ўзбекистон бастакорлари ижодида му-

<sup>1</sup> Вызго Т., Петросянец А. «Узбекский оркестр народных инструментов. Ташкент, 1962, 77-бет.

ним ўрин тутади. 1970—80-йилларда чанг репертуарини Т. Ҳасанов, С. Варелае, Б. Бровдинларнинг туркум концертлари тўлдиради. «Украин сюитаси» (1954), «Помир увертюраси» (1958), Б. Гиепко ижодининг зарҳал саҳифаларини ташкил қилади<sup>1</sup>.

«Украин сюитаси»нинг ҳар учала қисмида ҳам украин халқ мусиқаларидан кенг фойдаланилган. Сюитанинг ўзига хос қимматли хусусияти сифатида унинг муваффақиятли оркестрлаштирилганлигини кўрсатиш керак.

Бастакор шундай ўзига хос бўёқлар топадики, улар сюитанинг мусиқий образларини намоён этишини таъминлайди ҳамда оркестр ўзида турли тембр бирикмаларининг ҳали фойдаланилмаган куплаб имкониятларини сақлаб келаётганлигини кўрсатади<sup>2</sup>.

Фольклор материалларига асосланган «Помир увертюраси»да «Гар намедони, бидон («Агар билмасанг, бил») «Пасту баланд» ва «Ба дўхтари Шуғнан» («Шуғнан қизига») каби халқ кўшиқларида ўзбек халқ чолгуларининг тембр имкониятларини намоён этишга катта эътибор берилган.

У колоритнинг ёрқинлиги, жўшқинлиги, поэтиклиги билан ўзига жалб этади. «Помир сюитаси» ҳақли равишда оркестр ижрочилигининг «олтин» фондини ташкил этади.

Б. Гиепконинг қорақалпоқ бастакори А. Султонов билан ҳамкорликда яратган қорақалпоқ мавзусидаги сюитаси ҳам диққатга моликдир. У ҳаётга муҳаббат билан суғорилган, ёшлик шижоати, қалб ҳароратига тўла. Сюита оркестр политрасини ранг-баранг, бўёқдор, инфодали воситалар билан бойитишнинг кенг имкониятларини очади.

М. Ливиевнинг муваффақиятли асарларидан бири тетиклик, ёшлик шижоати руҳи билан суғорилган «Комсомол сюитаси» дир.

Халқ чолгулари оркестри репертуаридан, шунингдек Ф. Назаровнинг «Ёшлар сюитаси», «Қорақалпоқ рапсодияси» каби асарлари ҳам мустаҳкам ўрин олган. Бу асарларнинг мусиқий олами ранг-баранг, уларнинг мусиқаси халқ мусиқаси билан боғлиқ, кўтаринки руҳли, мусиқий; чолгулаштириш ўта бўёқдор.

Бу соҳада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор Гофур Қодиров (1917—1985) кўзга кўрнарли иш қилди. У иккита сюита ёзди.

Ўзбек халқ куйларига асосланган иккинчи сюита уч қисмдан иборат:

— Байрам марши оҳангида;

— Алла руҳидаги лирик анданте;

— Рондо шаклидаги шиддатли ва ёрқин рақс оҳангида тузилган финал.

Ғ. Қодировнинг бу уч қисмли, чанг ва фортепьяно учун мосланган сюитаси чангчи-ижрочилар репертуаридан мустаҳкам ўрин олган.

Ўзбекистонда халқ чолгулари учун 60-йиллар ёрқин чолгу кон-

<sup>1</sup> Бу ҳақда тўлароқ маълумот олиш учун Т. Вызгонинг «Халқ чолғу оркестри учун Б. Гиепко яратган асарлар» мақоласига қаранг. Бу мақола «Вопросы музыкальной культуры Узбекистана», вып. II. Ташкент, 1969.

<sup>2</sup> Вызго, Т., Петросянц А. И. «Узбекский оркестр народных инструментов», Ташкент, 1962, 81-бет.

чертлари яратилган давр бўлди. Уларнинг яратилиши С. Бобоев, А. Князев, И. Ҳамроев, А. Отажонов, С. Жалил, Ф. Янов-Яновскийлар номи билан боғлиқ. Улар орасида С. Бобоевнинг чангчи А. Одилов билан ҳамкорликда халқ чолғулари оркестри билан бирга чанг учун ёзилган концертиносидир. Концертинонинг тўхтовсиз давом этадиган уч қисми халқ рақс мавзулари асосида қурилган. Биринчи бўлимнинг асосий мавзуси мусиқа безакларининг гўзаллигини таъкидловчи ҳаракат ритмидаги ўзбек миллий рақслари руҳида бўлганлигидир. 5-нотага қаралсин.

Иккинчи қисм поэма-ҳикоя йўсинида ёзилган. Унинг оркестр фактурасида муаллифлар полифоник усулларни ўзига хос ижодий тадбиқ этишган. 6-нотага қаралсин.

Туркум «Уфор» рақси оҳангида ёзилган ўйноқи ва ҳаётбахш куй билан хотималанади. Мазкур асар ўзбекистонлик ва тожикистонлик кўплаб чангчилар репертуаридан мустаҳкам ўрин олган.

Концерт жанрлари ичида В. Князевнинг «Прима-рубоби ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун концерт» асарини ҳам таъкидлаб ўтиш мумкин. Концерт, авваламбор, мавзу материали билан эътиборга лойиқ. Бастакор прима-рубоби учун хос бўлган ифода хусусиятларини таъкидлайди. Яқка чолғунинг бўёқдор оҳанг имкониятларини В. Князев усталик билан оркестр тембрига қарама-қарши қўяди. (7—8—9-ноталарга қаралсин).

Чанг ва фортепьяно учун яратилган биринчи оригинал асар — «Муסיқали дақиқа» («Скерцо») нинг муаллифи, бастакор Иоганн Адмони (1920 йилда туғилган) бўлди. Халқ болалар қўшиқлари мотивларига асосланган бу пьеса миллий колорит билан суғорилган. (10—11-нотага қаралсин).

60—80-йиллар чолғу ижрочилигида Иброҳим Ҳамроев (1916 йилда туғилган) ижоди ҳам катта ўрин тутди. Бастакор ўзбек халқ чолғуларининг ўзига хос хусусиятларини мукамал билади. Ўзбекистонда «Чанг учун уч концерт», «Қашқар рубоби учун концерт», «Най ва ўзбек халқ чолғулари учун концерт» ларнинг яратилиши унинг номи билан боғлиқ. Улардан энг машҳури «Чанг учун биринчи концерт» бўлиб, у уч қисмдан иборат. Бу асар мусиқасида ўзбек мусиқа фольклори билан чуқур тарихий боғлиқлик кўзга ташланади. Қувноқ ва бўёқдор бўлган биринчи қисм (Аллегро, фа мажор) соната аллегроси шаклида ёзилган. Концерт мавзуси ёрқин, аниқ образли. Ҳаракатчан, ўйноқи, асосий мавзу ва лирик қўшиқли ёрдамчи мавзу серфайз ўлка табиати ва халқ турмушининг поэтик қайта яратилиши билан ўзаро узвий боғланган. 12—13-ноталарга қаралсин.

Виртуоз шаклидаги конденцияда чўпчертмак, бармоқ чертмак, сурдинали стаккато, чўв сирғантириш каби чангнинг турли хил ижро услублари синтезлаштирилади. 14-нотага қаралсин.

Концертнинг куйсимон романс йўсинида яратилган иккинчи қисмида (Анданте, ре минор) Ўзбекистон табиатининг гўзаллиги тасвирланади.

Учинчи қисм (Аллегро, фа мажор) тўй-ўйноқи рақс мусиқаси йўсинида яратилган. Қисқагина оркестр чиқишидан («Уфор» ритмида) кейинги хиргойи оҳанги билан чанг қўшилади. Вальсга ўхшаш иккинчи

минзу ёрқин ва шиддатли бўлиб, оҳангнинг замонавийлиги туфайли ижодиятда нафис таралади.

«Қашқар рубоби ва фортельянога мослаштирилган концерт»ни бастакор, таниқли рубобчи Сулаймон Тахаловга бағишлаган. Уч қисмли туркумнинг биринчи қисми ўзбек ижрочилари репертуарларидан мустақкам ўрин олган. 15-нотага қаралсин.

Биринчи бўлиб чанг ва симфоник оркестр учун концерт яратган Абдурашид Отажонов (1920—1987) айни чоғда уста чангчи ҳам бўлган. У ўз ижодида ижрочилик санъатининг чинакам халқчил асосларини ривожлантиришга интилган. 16-, 17-, 18- ноталарга қаралсин. Бастакор концертда Хоразм халқ оҳанглариининг ўзига хос жиҳатларини ифода этган (19-расмга қаранг).

С. Жалил (1932 йилда туғилган) нинг концерт-чолғучилик фаолияти ҳам катта эътиборга лойиқ. Унинг дутор, най, танбур, ғижжак учун яратган асарлари созанда ижрочилар орасида кенг тарқалган. Улар орасида «Ғижжак ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун концерт» асари (1980) алоҳида ўрин тутди. 19-, 20-, 21- ноталарга қаралсин.

Халқ чолғулари симфоник оркестр таркибида ҳам қўлланила бошланди. Жумладан, уларни биринчилардан бўлиб М. Штейнберг, В. Успенский, А. Козловскийлар қўллашди. М. Штейнбергининг «Симфония-рапсодия» асари (1945) ўзбек мавзуларида яратилган. У най, чанг, танбур, дутор, рубоб, доира каби ўзбек халқ чолғулари буюқлари билан бойинганки, у халқ мусиқасининг колоритли янграши билан ўзига ром этади. Халқ чолғулари мавзуларини биринчи бўлиб найчилар А. Мақсудов, Р. Губайдулин, танбурчи А. Баҳромов, чангчи А. Одилов, доирачи Г. Иноғомовлар оркестр билан биргаликда ижро этишган.

В. Успенский ўзининг ўзбек халқ чолғуларини ўрганиш соҳасидаги бой ижодий тажрибасини улуг ўзбек шоири Мир Алишер Навоий хотирасига бағишлади ва «Лирик поэма» (1947) сида татбиқ этди. Бастакор симфоник оркестр таркибига чанг (2), най, доира (2), қўшнавай, погора, сафойил (2) каби бир гуруҳ халқ чолғуларини киритди.

Ушбу асарни ўзбек халқ чолғу оркестри мусиқачилари ҳам илк ижрочилари ҳисобланадилар. Халқ чолғуларининг тембр хусусиятлари А. Козловскийнинг симфоник ижодида ҳам ўз аксини топди.

Ўзбек халқ чолғулари тембр хусусиятларини симфоник мусиқаси тимсолида акс эттирган энг ёрқин асар сифатида «Тановар» (1937) поэмасини мисол қилиб келтириш мумкин. Поэманинг яқка хонанда йўлининг дастлабки ижрочиси бўлган таниқли кўшиқчи Х. Носировадан — А. Ф. Козловский ёзиб олган, машҳур кўшиқ унинг асосини ташкил этади.

Чолғулаштиришнинг ўзига хослиги симфоник оркестрнинг асосий таркибини тўлдирувчи ўзбек халқ чолғуларининг тембрини таъкидлаб кўрсатади.

Яккахон созандалар учун концерт-ижрочилик ва ўқув-педагогик репертуар, оригинал оркестр учун асарлар ва турли асарларни мослаштиришлар ҳисобига доимо кенгайиб турди. Булар Т. Қурбоновнинг «Қўшчинор» ва «А. И. Петросянец хотираси», Х. Раҳимовнинг «Ғалаба тонги», Ф. Алимовнинг «Табрикнома», Т. Ҳасановнинг «Ғолиблар» увертюралари, Т. Азимовнинг «Ватан» балладаси, Г. Мушелнинг «Фортельяно ва халқ чолғулари оркестри учун концерт», Т. Қур-

боновнинг «Б. Надеждин хотираси» поэмаси, М. Бафоевнинг қашқар рубоби учун «Поэма», М. Тожиевнинг чанг учун «Шарқ рақслари» каби асарларидир.

Шунингдек, жаҳон мумтоз бастакорлари: Бах, Гендел, Моцарт, Бетховен, Шопен, Сен-Санс, Сарасате, Дворжак, Бизе, Григ, Глинка, Чайковский, Шостакович, Хачатурян, Свиридовларнинг асарлари ҳам кенг тарқалди. Бунда турли усуллардаги бастакорлик ижодига хос мусиқий асарларини ижро этиш анъаналари моҳир чолғучи-ижрочиларнинг бой талқин тажрибасига асослангандир.

### *Камер-ансамбль ижрочилиги*

XIX аср охири, XX аср бошлари адабий манбалари ва сурат материаллари ансамбль ижрочилигининг кенг тарқалганлигидан гувоҳлик беради. Бу вақтда ва аср ўртасида Ўзбекистонда (Тожикистонда бўлгани каби) чолғу ансамблларининг дамли ва зарбли чолғулар (карнай, сурнай, доира, ногора, катта барабан) ва аралаш (торли чолғулар, доира ва най, қўшнай, бўламан каби баъзи дамли чолғулар) каби икки тури бўлган.

Дамли ва зарбли чолғулар ансамбли маиший турмушда ва ижтимоий ҳаётда доимо фаол иштирок этиб келди. Унинг ҳарбий мусиқа, халқ рақс куйлари, халқ томошаларига жўр бўладиган чолғу пьесаларидан иборат репертуари шаклланди. У кўпинча «Сарбозча», «Суворора», «Дучава», «Дорбоз», «Чарх», «Аскарый», «Норим-норим» каби марш йўсинидаги асарларни ўзига қамраб олади.

Аралаш (хонаки) ансамблларнинг чиқишлари одатда концерт йўсинида бўлар эди. Улар чойхоналарда, хонадонларда чиқишлар қилишган, тўйларда ва бошқа оилавий тантаналарда хизмат қилишган. Бундай гуруҳлар таркибига одатда қўшиқчи, баъзан бир неча ўйинчи ҳам кирган. Чолғучилар репертуарлари «Азим дарё», «Гулбаҳор», «Дилихирож», «Дутор баёти», «Жонон», «Илғор», «Роқ қашқарчаси», «Самойи дугоҳ», «Тановар», «Чаман ялла», «Чўли ироқ», «Ўзганча», «Қалабанди уфори», «Хануз», «Мушкилоти дугоҳ», «Мўғилчаси» каби ашула ва рақс куйлари ҳамда ривожланган чолғу пьесаларидан иборат бўлган.

Шу турдаги унисон ансамбллар турғунлаша борди ва ҳозирда ҳам мавжуд. Дутор, танбур ва чангларда унисон куйларни ижро этишда жуфт торларни чертганда кўповозлилик унсурлари ҳосил бўлади. Буида кварта, квинта, октава интерваллари ҳосил бўлади.

Янги давр янги ғояларни пайдо қилди. Чолғуларни реконструкция қилиш ва такомиллаштириш, ансамбль ижрочилиги тараққиётига ҳам таъсир кўрсатди. Уларнинг янги турлари пайдо бўлди. Шундай қилиб, 30-йилларда барча турдаги чолғуларни ўз ичига олган анъанавий катта унисон ансамбллар (оркестрлар) тузилди. Улар ёрдамида чолғуларнинг бадний-ифодавий имкониятларини янада бойитиш ва улар кўламини кенгайтириш, товуш кучини ошириш каби мураккаб ижодий вазифалар ҳал қилинди.

Шундай ансамбллардан бири Т. Жалилов раҳбарлигидаги, таркибида 98 ижрочиси бўлган «Этнографик унисон ансамбль» эди. Ансамбл-

ди илк бор Уста Усмон Зуфаров томонидан реконструкция қилинган катта гижжак, катта дутор каби паст регистрли чолғулар қўлланилди. Кейинроқ ушбу ансамбль негизидан Н. Н. Миронов 24 чолғучидан иборат «Нота оркестри» тузади. Ансамбль («Оркестр») ўзбек куйларидан ташқари «Светит месяц» (русча), «Рече та стогне Днипр широкий» (украинча), «Сулико» (грузинча), «Аспандижойиман» (тожикча), «Проти», «Сабойшаме» (азарбайжонча) каби қардош халқлар куйи кўшиқларини ҳам ижро этди.

Ўздавфилармония қошида Тамарахоним ташаббуси билан кўшиқчилар, ўйинчилар, чолғучи-ижрочилардан (пианиночини ҳам ўз ичига олган) иборат яна бир ансамбль тузилди. Чолғучилар орасида Э. Шукруллаев (рубоб), Ғ. Солихов (дойра), П. Раҳимов (чанг), Р. Ҳамдамов (най), С. Қарақаш (фортепьяно) кабилар бор эдилар. Уларнинг палифаси асосан хонанда ва созандаларга жўр бўлишдан иборат эди. Бу ансамбль репертуаридан ўзбек халқ лапарлари ва яллалари, қардош халқларнинг кўшиқлари, жаҳон халқларининг замонавий ҳазилнамо кўшиқлари ўрин олган эди.

40-йилларнинг бошига келиб ансамбль таркибига кўра камер хусусиятини касб этди: унда чолғучилар ҳамда ягона кўшиқчи ва раққоса Тамарахоним қолди. Ансамбль аъзолари ансамблни янада оммалаштириш мақсадида халқ кўшиқлари ва рақсларининг энг яхши намуналарини тўпладилар ва қайта тикладилар.

Фронт концерт бригадалари таркибига кирган ўзбек халқ чолғу ансамбллари Ўзбекистон мусиқа санъати соломасига шонли саҳифалар ёзиб қолдиришди. Булар 1941 йил уруши фронтларида 400 дан зиёд концерт берган, концерт-театр муассасаларининг артистлари ва мусиқачилари, ўзбек давлат филармониясининг ижодий жамоалари, Тошкент ва Ленинград консерваторияларининг ўқитувчи ва талабалари эдилар.

Шимоли-Ғарбий фронт ва Москва мудофааси зонасидаги ҳарбий қисмларга Гавҳар Раҳимова бригадаси фаол хизмат кўрсатди. Бу бригада таркибида М. Қосимов (най), С. Йўлдошев (ғижжак), Ғ. Азимов (дойра), Г. Григорьян (тор), М. Ниёзов (ғижжак), С. Гобрязельян (ғижжак) каби ўша даврда машҳур мусиқа ижрочилари бор эди. Мусиқачилар айни пайтда «фронт» кўшиқлари ҳам тўқир эдилар.

Ўздавфилармониянинг машҳур режиссёри Музаффар Муҳамедов раҳбарлик қилган собиқ комсомол ёшлар бригадаси фронтнинг олдинги чизмада ҳам бўлишди. Халқ чолғулари ансамбли таркибига ҳозирда республиканинг таниқли мусиқачилари бўлиб етишган истеъдодли ижрочилар саралаб олинган эди. Булар гижжакчи С. Алиев (раҳбар), найчи Д. Соатқулов, рубобчилар М. Мирзаев ва Э. Шукруллаев, доирачи Ш. Ҳамдамовлардир. Репертуар асосини ўзбек халқ куйлари, ҳазил кўшиқлар, чолғу куйлари ва рақслар ташкил қилган. Концерт бригадаларидан бирида ўзбек халқ чолғулари ансамблига чангчи Фахриддин Содиқов ҳам раҳбарлик қилган эди.

Ансамбль ижрочилиги урушдан кейинги даврда янада тараққий қилди. Ўзбек радиоси қошида янги типдаги ансамбль: домра-прима, домра-альт, домра-бас, домра-контрабас, рубоб-прима ва қашқар рубобидан иборат домра секстети (олтилиги) тузилди. Ансамбль таркиби

В. Марцинковский (раҳбар), В. Евдокимон, Ф. Васильев, Н. Коган, В. Сердюков, Б. Вальберглардан иборат эди. Яккаҳонлар сифатида машҳур хонандалар Ҳ. Носирова, С. Хўжаева, Б. Давидова, Д. Муллақандовлар чиқишлар қилишган. Ансамблнинг асосий вазифаси радио орқали халқ мусиқасини ва Ўзбекистон бастакорларининг нодир асарларини оммалаштириш бўлган. Ансамбль репертуари аста-секин Г. Мушсл, М. Бурхонов, М. Левиев, С. Юдаков, Б. Гисико, Х. Раҳимов, С. Бобоевларнинг оригинал асарлари билан бойиб борди. Қисқа даврида (домра секстети икки йилга яқин фаолият кўрсатди). 100 дан ортиқ чолғу ва вокал мусиқа асарлари ижро этилди.

Бир турдаги ансамблнинг тузилиши бир оилага мансуб чолғулардан турли хил чолғу жамоаларининг пайдо бўлишига имкон берди. 50—60-йилларда Тошкент давлат консерваториясида дутор ансамбли (прима, ады, анъанавий, бас-контрабас дуторлардан иборат) тузилди. Мизробли торли чолғулар (рубоблар ва дуторлар) ансамбллари, чангчилар ансамбллари, ғижжаклар оиласига мансуб торли квинтетлар, ғижжакчилар квартети тузилди. Унисон ғижжакчилар, ғижжак (қобиз) басчилари, афгон рубобчилари, удчилар ва доирачилар ансамбллари ҳам шаклланди.

Республиканинг концерт ташкилотлари қошида «Лазги», «Шодлик» «Гўзал» ашула ва рақс ансамбллари, Ўзбекистон «Баҳор» халқ рақс ансамбли, Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиштириш давлат комитетининг дуторчи қизлар ансамбли, мақомчилар ансамбллари тузилди ва улар ҳозирда ҳам фаолият кўрсатмоқдалар.

**Ўздавфилармония қошидаги ашула ва рақс ансамбли.** Шу ансамбль қошида най, чанг, прима-рубоб, қашқар рубоби, афгон рубоби, бас ва контрабас дуторлар, ғижжак ва доира чалувчи 15 ижрочидан иборат кўп овозли чолғу ансамбли тузилган эди.

Ансамбль чолғу қисмининг асосий негизини А. Мақсудов (най), С. Йўлдошев (ғижжак), Б. Шарипов (доира), У. Ҳамидов (афгон рубоби) каби тажрибали чолғучилар ташкил этган. Ансамблнинг репертуари ниҳоятда ранг-баранг бўлган. Ансамблнинг мусиқа раҳбари, бастакор Х. Раҳимов қардош халқлар мусиқаларини чолғулаштирди. Ансамбль Москвада (1951) бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида муваффақиятли қатнашди. Узоқ йиллар давомида М. Турғунбоева, Г. Измайлова, Қ. Миркаримова, Э. Йўлдошев, Й. Эргашев, К. Исмоилова каби ажойиб ижрочилар ансамбль билан ҳамкорлик қилишди. Ансамблнинг концерт чиқишлари республиканинг кўпгина шаҳар ва вилоятларида муваффақиятли ўтди. 1957 йилда ашула ва рақс ансамбли тарқатиб юборилганлигига қарамай, сўнгги йилларда у асос бўлиб, бир неча янги: «Баҳор», «Шодлик», «Лазги», «Гўзал», «Уйгур ансамбли» сингари ижодий жамоалар тузилди.

**«Баҳор» халқ рақс ансамбли (1957)** Машҳур раққоса, балетмейстр, халқ артисти М. Турғунбоева (1913—1978) узоқ йиллар мобайнида ансамблнинг ташкилотчиси ва бадий раҳбари бўлиб келди. Жамоанинг чолғучилари орасида чангчи Б. Алиев (у мусиқа раҳбари ҳам), найчи Р. Ҳамдамов, доирачилар Қ. Дадаев, Т. Сайфиддинов, рубобчи Ҳ. Лутфуллаев, қўшнайчи С. Собиров каби ажойиб мусиқачи ижрочилар ишлаган.

Ансамблининг чолғучилар таркиби турли хил куйларнинг, жумладан унинг раҳбари Б. Алиевнинг асарларини моҳирона ижро этиши билан ажралиб турарди. Ансамбль репертуаридан, шунингдек, бастакор-куйчилар М. Мирзаев ва Ю. Ражабийларнинг «Пахта», «Ўзбек вальси», «Уч дугона» каби асарлари, «Наманган олмаси», «Беш қарсак», «Тановор», «Наёт» каби ўзбек халқ рақслари жой олган. 1973 йилда ансамбль жамоаси Давлат мукофоти соҳиби бўлди. Ансамблининг чолғучилари Б. Алиев ва Қ. Дадаевлар ҳам шу мукофот билан тақдирландилар.

**Ўзбекистон давлат филармониясининг «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли (1958).** Унинг таркиби 12 чолғучидан иборат бўлиб, унга узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, гижжакчи Санфиддин Йўлдошев раҳбарлик қилди (у «Ором», «Най ғазали» каби чолғу куйларининг муаллифи ҳамдир).

**Ўзбекистон давлат филармониясининг «Лазги» ашула ва рақс ансамбли (1958).** 20 йил мобайнида Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова ансамблининг ташкилотчиси ва бадий раҳбари бўлиб келди. Унинг таркибида халқ чолғулари (най, чанг, рубоб, дутор, гижжак, доира ва аккордион) бор эди. Жамоанинг вазифаси ўзбек халқ мусиқасини, қардош халқлар ашула ва рақсларини тарғиб қилишдан иборат эди. Дастлаб жамоага Н. Жуманиёзов, кейинроқ Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, рубобчи О. Отажонов ҳамда Р. Шарипова раҳбарлик қилишди.

**Ўзбек Давлат филармонияси «Гўзал» вокал хореографик ансамбли (1973).** Таниқли бастакор М. Тожиёв унинг биринчи раҳбари бўлди. Бу жамоа ёш истеъдодлар ва республика ижрочилик санъатлари ютуқларини тарғиб қилиш ниятида тузилган эди. Ансамблининг чолғучилари таркибига Т. Собиров (чанг), Ш. Йўлдошев (гижжак), Д. Кимёгаров (най), М. Мадумаров (қашқар рубоби), Т. Фаттоҳов (дутор-бас) ва Р. Акбарбеков (доира) каби истеъдодли созанда ижрочилар кирди.

50-йилларда республика концерт ҳаётида янги ижрочилик жамоалари пайдо бўлди — Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттирини давлат қўмитаси қошида мақомчилар ва дуторчи қизлар ансамллари тузилди.

20 йил мобайнида Ўзбекистон халқ артисти, академик Ю. Ражабий мақомчилар ансамблининг (1959) ташкилотчиси ва раҳбари, машҳур бастакор, мусиқачи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ф. Содиков эса ансамблининг бадий раҳбари бўлиб келишди. Ижодий жамоа анъанавий ижрочилик санъатига асосланиб Бухоро Шашмақоми, унинг Фарғонача — Тошкентча варианты ва ўзбек халқ мусиқасининг энг машҳур парчаларини ижро этади. Ҳозирда мақомчилар ансамбли чолғуси таркибига най, чанг, қонун рубоблар, танбур, сато<sup>1</sup>, дуторлар, гижжаклар ва доира киритилган.

1984 йилдан эса Ўзбекистон халқ артисти А. Исмонлов ансамблининг бадий раҳбари этиб тайинланди.

Машҳур мусиқачи бастакор лирик қўшиқлар ва чолғу куйлари муаллифи, Ўзбекистон халқ артисти, ажойиб гижжакчи Ғ. Тошматов дуторчи қизлар ансамблининг (1979) ташкилотчиси ва раҳбари бўлди. Унинг

<sup>1</sup> Сато — узун грифли торли-камончали чолғу. Тембранинг жаранглаши инсон овозига, алит жаранглашга яқин.

ловчиларни ансамбль ижрочилик репертуарининг ўзига хослиги ва ранг-баранглиги ром этади. Ансамблнинг ўзига хос хусусияти шундаки, дуторчи қизлар халқ анъанасини сақлаб келмоқдалар: улар дутор чалиш билан бирга қўшиқ ҳам айтишади. Айрим ҳолларда уларнинг ижроси яккагон рақосаларга жўр бўлиш вазифасини бажаради («Хоразм лазгиси», «Доира дўм-дўм»). Жамоода 22 чолғучи (дуторчи, чангчи, қолунчи, доирачи) бор.

Тошкент давлат консерваторияси чангчилар ансамбли таркибиде чанг оиласига мансуб пикколо, анъанавий, тенор, бас ва контрабас чанглар киреди. Ансамбль репертуаридан турли муаллифларнинг 100 дан ортиқ асарлари ўрин олган. Чангчилар ансамбли 1970 йили Москвада ўтказилган болалар ва ўсмирларни музикаий-эстетик тарбияси бўйича халқаро анжуманда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Анжуман сўнггида ансамбль диплом билан тақдирланди.

1972 йилда яна бир ансамбль — ғижжакчилар квартети тингловчилар ҳукмига ҳавола этилди. Унинг таркиби Б. Расулов (ғижжак), Б. Яминов (ғижжак), Х. Комилов (қўбиз-бас) ва М. Тошмуҳамедов (ғижжак-альт) дан иборат. М. Тошмуҳамедов ансамблини тузиш ташаббускори бўлди. Ғижжакчилар квартети музиканинг янги шакли сифатида муваффақиятли концерт ижрочилик фаолияти олиб бормоқда, меҳнат жамоалари, ўқувчи ёшлар, радио ва телекурсадувларда чиқишлар қилмоқда.

Тошкент давлат консерваториясининг ғижжакчилар камер ансамбли (1984) ҳам М. Тошмуҳамедов ташаббуси билан тузилди. Унинг таркибиде 18 чолғучи бўлиб, улардан 12 таси ғижжакчи, 3 таси ғижжак-альтчи, 2 таси қўбиз-басчи, 1 таси қўбиз-контрабасчи.

Сўнги пайтда концерт ташкилотларида, музика билим юртларида, музика ҳаваскорлари тўғарақларида турли типдаги кўповозли ансамбллар тузилиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда. Ансамбль ижрочилиги тажрибаси ансамблларнинг оқилона типларини вужудга келтиришни тақозо этмоқда. Чунончи, улар қуйидагилардир: а) дамли чолғулар ансамбли (иккита қўшна, иккита най); б) чанг оиласига мансуб чанг квартети ёки квинтети (битта пикколо, иккита чанг; тенор ёки бас чанг) в) мизробли чолғулар секстети: 2 та примарубоби, қашқар рубоби, афғон рубоби, дутор бас ва дутор контрабас; г) дутор оиласидан иборат ансамбль: 2 та прима, 4 та альт, 2 та бас ва 1 та контрабасчи; д) ғижжаклар квартети ёки квинтети: 2 та ғижжак, ғижжак-альт, ғижжак бас ва ғижжак (қўбиз) контрабас; е) аралаш ансамбллар: 1 та най, 1 та қўшна, 1 та чанг, 2 қашқар рубоби, 2 та афғон рубоби ва 1 та доира. Бу ансамбль типини ҳам кўповозли, ҳам анъанавий ўзбек халқ музикасини ижро эта олади.

Ансамблларнинг асосий камчилиги репертуар муаммоси бўлиб қолмоқда. Бу билан Ўзбекистон бастакорлари, етакчи мутахассислар, республиканинг музика олий ва ўрта махсус билим юртлари ўқитувчилари оригинал асарлар яратиш, шунингдек ўзбек халқ музикаларини мослаштириш ва қайта ишлаш орқали яқиндан шуғулланишлари керак.

*Музикачи созанда ижрочиларнинг ва Т. Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат халқ чолғулари оркестрининг концерт фаолияти.*

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист доцент, чангчи Ф. Харратов, Тошкент Консерваториясининг етук ўқитувчилари Р. Неъматов (чанг),

С. Тахалов (қашқар рубоби), М. Тоиров (най), Б. Раҳимжонов (датор), М. Тошмухамедов (ғижжак), жаҳон фестиваллари ғолиблари А. Баҳромов, А. Бобохонов (қашқар рубоби); М. Муҳамедов, А. Қодиров, Р. Ҳамдамов, Ш. Аҳмаджонов (най) каби ижрочиларнинг номи кўпга яхши таниш. Улар орасида ёш муסיқачилардан ғижжакчилар Ш. Йўлдошев, Б. Расулов, афғон рубоби ижрочиси Ғ. Эргашев, чангчи Ф. Шукуровларни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш керак. Чунки, уларнинг кўп қиррали концерт ижрочилик фаолияти кенг тингловчилар назарига тушди.

80 созанда — ижрочилар Республикалараро шаҳарларда ва хорижий мамлакатларда концерт сафарларида бўлиб созанда, ансамбль ва оркестр чолғучиси, оркестр дирижёри сифатида иштирок этдилар.

Москвада, Ленинградда, Ўзбекистон, Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи, Кавказ орти, Ўрта Осиё шаҳарларида, шунингдек Оврупо, Осиё, Африка, Амриқонинг қирқ мамлакатида, уларнинг концертлари мунаққият билан ўтди.

Чолғулар реконструкция қилиниб такомиллаштирилиши, ажойиб ижрочилар гуруҳи етишиб чиқиши, замонавий репертуарнинг шаклланиши — буларнинг барчаси ўзбек халқ чолғуларини дунёнинг турли бурчакларида кенг тарғиб қилишга имкон берди. А. Одилов, Ф. Харратов, Р. Насматов, Б. Алиев, Ф. Шукурова, Т. Хўжамбердиев, Т. Собировларнинг чанг чолғуси билан А. Баҳромов, Э. Шукруллаев, Т. Ражабов, Қ. Усмоновларнинг рубобда ижроларини, А. Қодиров, М. Муҳамедов, М. Тоиров, А. Абдурасулов, Р. Ҳамдамовларнинг най наволарини, Қ. Дадаев, О. Камолхўжаев, Э. Бараев, Т. Сайфуддинов, И. Икромовларнинг доира мақоми садоларини, А. Ҳамидовларнинг датор оҳангларини Болгария, Бельгия, Мўғулистон, Бирма, Хиндистон, Хитой, Сурия, Ливан, Финляндия, Германия, Польша, Чехословакия, Руминия, Вьетнам, Лаос, Япония каби хорижий мамлакатларда тинглашди.

Ижрочилик санъати тараққиётига, шунингдек яққанавоз созанда-ларнинг Будапешт (1949), Берлин (1951), Бухарест (1953), Варшава (1955), Вена (1959), Хельсинки (1962), Гавана (1978), Пхеньян (1989), Москва (1957, 1984) каби шаҳарларда бўлиб ўтган турли Фестиваллардаги чиқишлари катта ҳисса бўлиб қўшилди. Улардан кўпчилиги ёшларнинг жаҳон фестивали соҳиби дегаи юксак унвонга сазовор бўлишган. Булар — Ари Бобохонов (қашқар рубоби), Аббос Баҳромов (рубоб прима), Эргаш Шукруллаев (рубоб), Фозил Харратов (чанг), Мирза Тойиров (най), Одил Камолхўжаев, Қаҳрамон Дадаев, ака-ука Дилмурод, Холмурод, Элмурод Исломовлар, Илҳом Икромов (доира) ва бошқалардир.

Номлари юқорида тилга олинган ижрочиларнинг кўпчилиги нафақат Тошкент консерваторияси тарихида, балки Ўзбекистон муסיқа санъати тарихидан ҳам муносиб ўрни оладилар. Айнан улар янги йўналишдаги замонавий ижрочилик мактабларини яратдилар. Улар ҳар бирининг ижодий фаолиятини батафсил ўрганиш ва улар ҳақида қалам тебратниш, шак-шубҳасиз диққатга сазовордир.

*Т. Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат Академик халқ чолғулари, Д. Зокиров номидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрларининг концерт-ижрочилик фаолияти кенг жамоатчилик эътиборини қозонди. 1948 йилда Тошкент Давлат Консерваториясида халқ чолғулари факультетининг*

очилиши, Ўзбекистон бастакорларининг оригинал асарлар яратини борасида фаол ижодий фаолияти, кўплаб жаҳон классик асарлари ва халқ куйларининг мослаштирилиши ва қайта ишланиши Давлат оркестрига жаҳон сахнасига чиқиш имконини берди.

Оркестрнинг биринчи масъул чиқиши 1948 йил ноябрининг охирида Москвадаги П. И. Чайковский номидаги концерт залида бўлиб ўтди. Концертлар шунигдек олимлар уйида, маданият саройлари ва бошқа залларда ҳам бўлди. Уларда М. Бурхонов, М. Левнев асарлари билан бир қаторда Н. Будашкиннинг «Домра ва оркестр учун концерт» (А. Баҳромов яккахон), Э. Григнинг «Танец Анитри», М. Глинканинг «Марш чернамора» ва бошқалар ҳам ижро этилди. Айни пайтда матбуотда оркестра ижрочилигини янада такомиллаштириш йўлида республикамиз вакилларига тилаклар билдирилди.

Оркестрнинг ижрочилик даражасини янада такомиллаштириш муаммоси мусиқачиларнинг диққат марказида бўлди. Москвадан қайтгач, оркестр ўз репертуарини қайта куриб чиқиб, уни Ўзбекистон бастакорларининг оригинал асарлари ҳисобига бойитди. 1950 йил ноябрида оркестр Ўзбекистон санъат усталари таркибида Хитой Халқ Республикасига сафарга чиқди. Концерт сафарига оркестр билан бирга С. Эшонтураева, М. Турғунбоева, Ҳ. Носирова, Н. Аҳмедова, К. Отаниёзов, Ғ. Абдурахмонов, Н. Ҳошимов, Н. Ҳошимона, М. Мирзаев, А. Қодиров, Э. Шукруллаев, М. Абдуллаева, Ҳ. Комилова ва бошқалардан иборат санъат усталари гуруҳи ҳам иштирок этди. Оркестр ранг-баранг дастур билан Шинжон ўлкасида Урумчи, Қашқар, Хўтан, Кучар шаҳарларида ва бошқа аҳоли манзилгоҳларида чиқишлар қилди. Концерт дастурига Н. Глинканинг «Марш чернамора» Э. Григнинг «Снитра ракси», Ж. Россиянинг «Севильялик сартарош» операсидан Фигаро арияси, Ўзбекистон бастакорларининг асарлари ва халқ куйлари кирган эди. Халқ чолғулари оркестрининг Хитойга сафари катта аҳамият касб этди.

Ўзбек Халқ чолғулари оркестри 1951 йил ноябрида санъат усталари таркибида Ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнашини учун Москвага келди. Декада Колонна залида очилди. Концерт чиқишлари, шунигдек пойтахтнинг бошқа заллари ва клубларида ҳам бўлиб ўтди. Москвалик томошабинлар А. И. Петросянц раҳбарлигидаги оркестрнинг Ф. Харратов, А. Баҳромов каби якканавоз чолғучиларнинг ҳамда М. Мирзаев, В. Борисенко, Б. Мирзааҳмедов, З. Рўзановалардан иборат рубобчилар унисон ансамблининг чиқишларини илқ кутиб олишди.

Жамоа олдида янгила ижрочилик вазифалари турарди. Оркестр қардош Украина ва бошқа шаҳарларга навбатдаги концерт сафарига тайёрланди.

Ўзбек оркестри 1952 йилда Украина ва Россиянинг кўпгина шаҳарлари бўйлаб катта концерт сафарига бўлди. Концерт дастурларидан ўзбек халқ куйлари ва қардош халқларнинг куйлари жой олган эди.

Пирик шаклдаги оркестр асарларидан Н. Будашкиннинг концерти, С. Бобоевнинг «Байрам увертюраси», Ғ. Қодировнинг уч қисмли «Сюита» си, Ф. Назаровнинг «Ёшлар сюитаси» киритилган эди. Украина бўйлаб сафар чоғида оркестр 17 шаҳарда ва катта-катта қурилиш обь-

ектларида чиқишлар қилди. Оркестр Украина сафаридан кейин Москва ва Ленинградда ҳам бир неча концерт чиқишлари ўтказди.

Оркестрнинг мамлакатнинг марказий шаҳарларидаги муваффақиятли концерт чиқишлари, жамоани янги зафарларга илҳомлантирди. 1957 йилда Москвада бўлиб ўтган Ёшлар ва талабаларнинг жаҳон фестивалида оркестр ёш ижрочилари I ўринни эгаллади ва I даражали диплом ҳамда Олтин медаль билан мукофотланди. (Оркестрга Н. Олимов дирижёрлик қилган.)

1959 йилда оркестр Москвада бўлиб ўтган навбатдаги ўзбек адабиёти ва санъати декадасида ҳам муваффақиятли иштирок этди. У бутун мамлакатимизни концерт сафарлари билан айланиб чикди, Ленинградда, Болтиқбўйи, Украина, Белоруссия, Кавказorti, Россия шаҳарларида булди. Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа қардош Республикаларда бўлиб ўтган санъат декадаларида қатнашди. Йиллар давомида оркестр ривожланди, такомиллашди. 1980 йилда Тўхтасин Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрига Давлат оркестри унвони берилди. 1991 йилда давлат академик оркестри унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ф. Содиқов ҳозирда оркестрнинг раҳбари ва бош дирижёридир.

Д. Зокиров номидаги ўзбек халқ чолғулари оркестри 50-йилларда ташкил топган. Унинг энг муҳим вазифаларидан бири ўзбек халқ мусиқасини тарғиб қилиш ҳамда кенг тингловчилар оммасини бошқа халқлар мусиқасидан баҳраманд этиш, шунингдек, Ўзбекистон бастакорларининг янги оригинал асарлари билан таништиришдан иборат. Оркестрнинг негизини Тошкент Давлат Консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари факультетини битириб чиққанлар ташкил этади. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Қобил Усмонов, Тоҳир Ражабов (рубоб), Ҳалим Жўраев (най), Қаҳрамон Комилов (ғижжак), республика кўригининг соҳиблари Рустам Каримов (рубоб), Комил Шерматов (чанг) ва бошқалар бор. Оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри таниқли бастакор, ғижжакчи Мустафо Бафоев, ёрдамчи дирижёри Фазлиддин Юнусовлар ҳозирда ҳам фаол ижодий фаолият кўрсатмоқдалар.

## 1960—1990 йилларда ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик

*Ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги санъатининг ривожланишида конкурс-танловларини рағбатлантиришнинг аҳамияти.*

60-йилларда республика мусиқа маданиятининг юксалиши натижасида халқ чолғучиларининг концерт-ижрочилик фаолияти фаоллашди. Ижрочилик кўрикларини ўтказиш анъанаси жуда кенг ёйилди ва у тартибли хусусият касб эта бошлади. 70-йилларда ўзбек халқ чолғулари ижрочилигининг обрў-эътибори анча юксалди. Жумладан, 1973 йилда ёш гижжакчи Шухрат Йўлдошев Воронежда бўлиб ўтган мусиқачи-ижрочиларнинг Бутуниттифоқ кўригида қатнашди. У гижжак оҳангининг ширадорлигини, юксак парвозини, ранг-баранг тембр нафисликларини, чолғунинг янги техник имкониятларини намойиш этди. Ш. Йўлдошевга кўриқнинг биринчи мукофоти билан бирга соҳиблик юксак унвони берилди (1-раسمга қаранг).

Бу Ўзбекистон гижжакчиларининг муваффақиятидан далолат берар эди. Ижрочилиқнинг сезиларли юксалиши бир қатор мукофотлар билан ишонланди. Бир гуруҳ ёш мусиқачилар юксак маҳорати ва фаол концерт ижрочилик фаолияти учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофоти билан тақдирланганлар. Булар орасида доирачилар Т. Сайфиiddинов, Дилмурод ва Холмурод Исломовлар, О. Камолхўжаев, И. Икромов, чапчи Ф. Шукурова, гижжакчи Ш. Йўлдошев, аффон рубобчи Ғ. Эргашев, рубобчи Х. Лутфуллаев, «Қирқ қиз» Нукус дуторчи қизлар ҳаваскор ансамбли, «Шодиёна» Шаҳрисабз халқ ансамбли, Хоразм колхозининг «Қалдирғоч» ашула ва рақс ансамбли, «Шодлик» вокал-хореографик ансамбли, Ўзтелерадио қошидаги дуторчи қизлар ансамбли ва бошқа ижодий жамоалар бор.

1977 йил июнида Венгриянинг Сегеда шаҳрида бўлиб ўтган фольклор рақсларининг халқаро кўригида Ўзбекистон касаба уюшмалари халқ этнографик рақс ансамбли (бадий раҳбари М. Оқилова) биринчи даражали диплом ва Олтин туфли юксак мукофоти билан тақдирланди. Бу мусобақа таркибида Р. Ҳамдамов (най), Э. Бараев ва З. Муҳиддинов (доира), С. Тўхтасинов (гижжак), А. Одилов (чап) каби чолғучилар бўлган халқ ансамбли ҳам муваффақият билан қатнашди.

1971 йилда бошланган ўзбек халқ чолғулари ва баян ижрочиларининг республика кўригини ўтказиш анъана бўлиб қолди.

Биринчи кўрик Ўзбекистон пойтахтида 1971 йил февралда Тошкент Давлат Консерваторияси асосида А. И. Петросяниц раислигида ўтди (3-

илова). Унда 15 турдаги чолғу асбоблари бўйича 101 мусиқачи ижрочи иштирок этди. Кўрик мусобақалари икки босқичда ўтди. I босқичда мажбурий дастурни Ўзбекистон бастакорларининг, шунингдек қардон халқлар ҳамда чет эл бастакорларининг асарлари (жумладан йирик шаклдаги бир асар) ташкил этди. II босқичда мусобақа қатнашчилари ҳар хил турдаги ва мураккабликдаги тўрт асарни ижро этишлари лозим эди. Мазкур мусобақа 20 дан ортиқ ёш истеъдодларни аниқлади.

Ш. Йўлдошев, В. Расулев (ғижжак), Ф. Шукурова, Р. Нигматов (чанг), А. Маликов (рубоб прима), П. Бақоев (қашқар рубоби), Х. Комилов (ғижжак-бас), Б. Раҳимжонов (датор), Б. Йўлдошев (доира) каби чолғучилар соҳиблар қаторидан ўрин олди.

Кўриқнинг ўзига хос хусусияти халқ мусиқаси ҳамда И. Бах, Л. Бетховен, Ф. Лист, Ф. Шопен, К. Сен-Санс, М. Глинка, П. Чайковский, С. Прокофьев, А. Хачатурян ва бошқа жаҳон классик бастакорлари асарларининг юксак ихтисослашган таҳлилида намоён бўлди.

1974 йил февралда иккинчи Республика кўриги бўлиб ўтди (ҳайъат раиси А. И. Петросянц). Унда республиканинг деярли барча вилоятларидан келган 76 мусиқачи иштирок этди. Кўрик ёрқин истеъдодли яққанивоз концертантлар авлодини олдинги сафга олиб чиқди. Улардан 20 таси ғолиб деб топилди. Фарғоналик И. Т. Қосимов (най), тошкентлик Т. Ражабов (қашқар рубоби), Т. Собиров (чанг), Ш. Аҳмаджонов, О. Азизов (най) ва бошқалар кўрик соҳиби бўлдилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор Собир Бобоев раислик қилган III кўрик (1980) 99 ижрочидан 18 ғолибни аниқлади. Биринчи даражали диплом ва ғолиблик унвони билан Ш. Қоробоев (қобиз бас), иккинчи даражали диплом билан эса А. Тошпўлатов (чанг), К. Юсупов (най), З. Иргашевалар (қашқар рубоб) тақдирланди.

Ўзбек халқ мусиқаси бойлигини ўзлаштириш, мусиқа меросини тартиб қилиш масалалари ҳамisha мусиқий жамоатчиликнинг дшқат марказида турди. Тошкент Давлат Консерваторияси шарқ мусиқаси кафедрасининг (1971 йилда ташкил топган) таклифи билан 1983 йилда Ўзбекистон маданият вазирлиги томонидан жумҳурият мақом ижрочилари кўригини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Биринчи мусобақа шу йилнинг февралда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Халқ мусиқаси ижрочиларининг кўригида 39 мусиқачи (хонанда ва созанда) тўпланиб, улар мусобақа низомига кўра икки босқичда куч синашишди.

Чолғучилар баҳсида ғижжакчилар А. Исмоилов ва У. Расулов (биринчи мукофот), даторчи А. Ҳамидов, қўшнайтичи Ю. Тожиев, рубобчи Р. Қосимовлар (иккинчи мукофот) ғолиб чиқишди.

Мақомчиларнинг иккинчи кўриги 1987 йил 1 февралдан 11 февралгача Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваториясининг катта залида бўлиб ўтди. Ҳар уч кўрик ҳайъатига ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Ф. М. Кароматов раислик қилди.

Кўриқда олтмишга яқин мусиқачи — ўзбек халқ чолғулари ижрочилари ва қўшиқчилар қатнашишди. Кўрик ҳақиқий мусиқа байрамиги

айланди ва шубҳасиз, истеъдодли мақом ижрочиларининг янги номларини аниқлашга кўмаклашди.

Ижрочилар орасида биринчи мукофотга Ўзбекистон телекурساتува радиоэшиттириш Давлат кўмитаси қошидаги мақомчилар ансамбли чолғучилари Абдурахмон Холтожиев (чанг, қонун), Аҳмаджон Дадасв (ғижжак) ҳамда М. Харратов номидаги Урганч санъат билим юртининг ўқитувчиси Матрасул Матёкубов (қўшинай, сурнай, бўламан) лар эришдилар.

Профессионал оғзаки анъанавий мусиқа меросини амалий ўзлаштириш мақсадида, Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан 1991 йил 1—12 апрель кунлари М. Ашрафий номидаги Тошкент Консерваторияси биносида Мақом ижрочиларининг Биринчи Минтақавий танлови ўтказилди. Танлов шартларига кўра мусобақа уч босқичда ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайъатига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фаилари доктори, профессор Файзулла Музаффарович Кароматов раислик қилди.

Танловда 34 ёш созанда ва 19 хонанда ижрочилар 12 кун давомида ижодий беллашувида фаол қатнашиб ғалаба сарни иштирдилар. Ҳайъат ҳаками, голиб чиққан 9 ижрочига танлов нишондори унвонларини топширди. Халқ чолғулари бўйича *Биринчи мукофотга* тўртта ижрочи: Қаҳҳоров Тоҳир (най), Мараҳимов Маҳамат (ғижжак), Матанов Икром (қўшинай) ва Раazzoқов Шухрат (датор).

*Иккинчи мукофотга* ҳам тўртта ижрочи: Улмас Оллаберганов ва Тожикистонлик Абдували Абдурашидов (қашқар рубоби), Эркин Акбаров (чанг, қонун), Асқар Асламов (танбур).

*Учинчи мукофотга:* танбур ижрочиси Тоҳир Қўзиёев сазовор бўлди. Хонанда-ижрочилардан Хуршидахон Умидова ва Азамат Отажоновга Биринчи мукофот ва танлов нишондори унвонлари топширилди (4-раамга қаранг).

Навбатдаги минтақавий танловини 1995 йилда ўтказиш режалаштирилди.

Қарор топган анъаната музофик ўзбек халқ чолғулари созанда-ижрочилари ҳамда баянчиларининг навбатдаги тўртинчи республика кўриги 1984 йил февраль ойида бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Сайфи Жалил ҳайъат раиси бўлди. Илгариги кўриклардан фарқли ўлароқ ушбу кўрик Бутуниттифоқ кўриклар даражасида уч босқичда бўлиб ўтди. Учинчи босқичда кўрик голиблари «Баҳор» концерт залида Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон халқ чолғулари оркестри жўрлигида конкурс дастурини ижро этдилар.

Кўрикда 79 нафар най, қўшинай, чанг, рубоб, датор, доира ва урма зарбли, шунингдек қомонча торли чолғулар ва баян ижрочилари иштирок этишди. Энг яхши ижрочилар қаторида I мукофот эгалари К. Назаров (ғижжак), М. Отахўжаев (рубоб-прима), Р. Хўжаевалар (датор), У. Юсулова (чанг). II мукофот эгалари Р. Каримов (қашқар рубоби), кўрсатилди. Кўрикнинг мажбурий дастурига республика бастакорларининг кўрик учун махсус ёзилган оригинал асарлари киритилди. Булар М. Насимовнинг най учун ёзилган элегияси, Н. Ҳамроевнинг чанг учун концерти, Б. Зейдманининг рубоб, прима-рубоби учун концерт пьесаси,

М. Бафоевнинг қашқар рубоби учун поэмаси, Ф. Назаровнинг дутор тароналари, Ф. Янов-Яновскийнинг гижжак учун (сола)-си ва бошқа асарлардир.

Шундай қилиб республика кўрикларининг таркиб топган системаси ижрочилик маданияти даражасининг юксалишига, истеъдодли ёшларнинг етишиб чиқишигагина таъсир кўрсатиб қолмай, балки Ўзбекистон бастакорларининг яқка чолғулар, ансамбллар, оркестрлар учун яратган асарлари ҳисобига ҳам анча бойиди. Бунда ўзбек санъатининг байналмилал хусусияти ёрқин намоён бўлади. Қардош маданиятларнинг ўзаро таъсири ҳозирги шароитда уларнинг янада ривожланиши гаровидир.

Ўзбек халқ чолғулари созанда ижрочилари кўриги якунлари айни бир пайтда ижрочиларни тарбиялаш ва тайёрлаш борасида айниқса торли-камончали чолғулар ижрочилигида қатор камчиликлар борлигини кўрсатди. Биринчи мукофот гижжакчи К. Назаровга берилишига қарамай кўрикда бу ихтисос бўйича бор-йўғи 10 ижрочи қатнашди.

Навбатдаги ўзбек халқ чолғулари ва баянда ёш ижрочиларнинг анъанавий бешинчи республика кўриги 1938 йил февраль ойида бўлиб ўтди. Бу гал ҳайъат раиси сифатида Халқ артисти, Қурманғози номидаги Қозоқ халқ чолғулари Давлат оркестрининг бош дирижёри ва бадий раҳбари профессор Ш. С. Кажғалиев таклиф этилди. Кўрикда 57 ёш мусиқачи ижрочи иштирок этди. Вилоят билим юртиларидан фақат Урганчдан 4 киши, Самарқанддан 2 киши ва Андижондан бир ижрочи қатнашди.

Кўрикда С. Жалил, И. Ҳамроев, Б. Гиенко, С. Қаримхожи, М. Маҳмудов, Ф. Янов-Яновский, А. Мансуров каби Ўзбекистон бастакорларининг оригинал асарлари ҳамда ўзбек халқ куйлари янгради. Кўрик шартларига биноан учинчи босқичда Т. Жалилов номидаги Ўзбекистон халқ чолғулари Давлат оркестри (бадий раҳбар Ф. Содиқов) ҳам иштирок этди.

Кўрик республиканинг турли ижрочилик мактабларида етишиб чиққан узига хос янги истеъдодларни намоён қилди. Шу билан бирга ўтган кўриклар билан қиёсланганда бу кўрикда яққол кўзга ташланган ижрочилар иштирок этмади. Шунинг учун I мукофотга сазовор ижрочилар бўлмади.

Ҳайъат қарори билан иккинчи мукофот олти ижрочига — рубобчилар Ойбек Самадов, Содиқ Абдураззоқов, Хусан Машариповга, чапчи Комил Шерматовга, найчилар Саида Саидова ва Ҳакимжон Лазизовга берилди. Учинчи мукофот олти ижрочига берилди.

Ўзбек халқ чолғулари ва баян ёш созанда-ижрочиларининг Республика танловлари сўнгги йилларда ажойиб маҳорат мактабига айланиб қолди.

Танловлар нафақат ижрочилик кучларнинг синовини, нафақат ёш созанда-ижрочиларнинг маҳоратини аниқлаш, балки машаққатли мураббийлик ишининг якуни ҳам бўлмоқда. Қарор топган анъанага мувофиқ ўзбек халқ чолғулари ва баян созанда-ижрочиларининг навбатдаги VI Республика танлови, 1992 йил март ойида бўлиб ўтди. Танлов халқаро миқёсда ўтказиладиган танловлар сингари уч босқичда бўлиб ўтди. Анъ-

<sup>1</sup> Қурманғози Сағирбоев (1806—1879). Таниқли қозоқ чолғучиси, дўмбрани, халқ бастакори, қўллаб куйлар муаллифи.

анага кўра учинчи босқичда танлов ғолиблари Т. Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат Академик халқ чолғулари оркестри (ф. Содиқов раҳбарлигида) ҳамда Ўзбекистон Телерадио компанияси қошидаги композитор М. Бафоев раҳбарлигидаги, Д. Зокиров номидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрлари жўрлигида беллашдилар.

Танловда 45 та ёш созанда ижрочилар 10 кун давомида бир-бирлари билан ижодий учрашувлар ўтказдилар, беллашувда фаол қатнашиб, ўз кучларини синаб кўрдилар.

Танлов ҳакамлар ҳайъатига Ўзбекистон халқ артисти, профессор Сайфи Жалил раҳбарлик қилди. Бу галги мусиқий байрам улўғ бобомиз Мир Алишер Навоийнинг таваллудига бағишланди.

Танловга аталиб Ўзбекистон композиторлари ҳам махсус янги мусиқий асарлар яратдилар. Мустафо Бафоевни дутор ва оркестр учун «Жиллар» деб номланган концерти, Ҳабибулло Раҳимовни қашқар рубоби ва оркестр учун концерти, Борис Гиенкони баян ва оркестр учун концерт услубидаги асари, Мирсодиқ Тожиевни қўшнаё ва оркестр учун бир қисмли концерти шулар жумласидандир. Танлов нишондорлиги ва I мукофотга: Дилшод Муталов (чанг), Юсуф Воҳидов (най), Назира Турсуновалар (прима-рубоби) сазовор бўлишди.

Танлов нишондори ва иккинчи мукофот бешта ижрочига, учинчи мукофот эса олти ижрочига берилди. Танлов Дипломи билан бешта ижрочилар тақдирландилар.

Айрим танлов ғолибларига ижодий уюшмаларнинг махсус совринлари топширилди.

Қатор жўрнавоз-пиониночилар танлов фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. VI Республика танлов якунлари маҳаллий газеталарда, радио ва ойнаи жаҳон орқали ёритилди, қатор чиқишлар уюштирилди.

Ўзбек халқ чолғулари бўйича ўқитишнинг ўрта звеносида 1986 йил апрелда қайта тикланган ўрта махсус мусиқа ўқув юртлари ўқувчиларининг Республика кўриги рағбатлантирувчи роль ўйнади. Биринчи (IX) Республика кўригида 69 ёш мусиқачи қатнашди (Кўрик Ҳамза номидаги ТДМБЮ да бўлиб ўтди). Кўрикда 14 турдаги чолғуда асарлар ижро этилди. I, II, III даражали дипломлар ҳамда соҳиблик унвони билан тақдирланган Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юрти ва Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактабининг вакиллари энг яхши тайёргарлик кўрганликларини намойиш этдилар. II, III даражали дипломлар билан тақдирланган Наманган Давлат Санъат билим юртининг ўқувчилари ҳам фаол қатнашишди. Самарқанд ва Фарғона санъат билим юртлари вакиллариининг ижроси III даражали диплом билан тақдирланди. Шундай қилиб номи юқорида тилга олинган ўқув юртлар ўрта маълумотли мусиқачиларни тайёрлашда энг яхшиларни деб тан олинди.

Ўрта махсус мусиқа ўқув юртларининг иккинчи (X) Республика кўригида (1988) Ўзбекистоннинг 16 ўрта махсус ўқув юртларидан 84 ижрочи қатнашди. Кўрик шартига мувофиқ ижрочилар уч босқичда баҳаланишди. Улардан 15 таси кўрик соҳиблари бўлишди. Биринчи мукофот уч ижрочига — рубобчи З. Болтаевга (М. Харратов номдаги Урганч мусиқа билим юрти), созандалар М. Аҳмедовага (ғижжак) А. Убайдуллаевга (ғижжак-бас) (Глиэр номидаги республика ўрта махсус мусиқа

мактаб-интернат) берилди. Кўрик ижрочилик даражасини юксалтириш, мусиқачи кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш сифатини янада яхшилаш (айниқса Бухоро, Нукус, Қарши, Термез, Жиззах ва Бекобод билим юртларида) зарурлигини кўрсатди. 1990 йил март ойида навбатдаги учинчи XI кўрик — Конкурс кўҳна Бухоро шаҳрида утказилди. Кўрик соҳиби ва биринчи мукофотга С. Мирходиев, А. Оллоберганов (рубоб), Б. Маматқулов (афгон рубоби), Е. Черкасов (баян)лар сазовор бўлдилар.

1986 йилнинг сентябрида Озарбайжон пойтахти яна бир ижодий мусобақа марказига айланди. Бу ерда Ҳазрат Ҳожибеков номидаги (бастакор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан) биринчи республикалараро халқ чолғулари ижрочилари кўриги бўлиб ўтди. Бу кўрикда Кавказ орти, Урта Осиё ва Қозоғистон республикаларидан мусиқачилар қатнашди. Кўп йиллардан сўнг биринчи мартаба халқ чолғулари ижрочилари ўз маҳоратларини кўрсатиш, ижрочилик маданиятини янада такомиллаштириш ҳақида фикрлашиб олиш учун тўпланишди. Кўрикда Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Арманистон, Туркменистон республикаларида тинглаб танлаб олинган 70 га яқин ижрочи қатнашди.

Кўрик дастури бой ва ранг-баранг эди. Кўрик шартларига кўра I босқичда 4 асар: Ҳазрат Ҳожибековнинг №1 ёки №2 Фантазияси, рус ҳамда чет эл мумтоз композиторларининг асарлари ижро этилди. Кўриқнинг иккинчи босқичида халқ чолғулари учун концерт ва халқ мусиқаси ижро этилди. Камонча-торли бўлинмага Т. Д. К. си профессори, А. Одилов бошчилик қилди. Биринчи мукофот соҳиблик унвони билан Ўзбекистонлик Қ. Назиров (ғижжак), Ҳ. Эргашев (чанг) тақдирландилар. Ҳазрат Ҳожибеков асарларининг энг яхши ижролари учун дипломлар билан Озарбайжонлик, Қозоғистонлик, Арманистонлик ва Ўзбекистонлик ижрочилар мукофотландилар. Торли-мизробли бўлинмадаги ҳайъат раиси Озарбайжон халқ артисти, профессор С. Алексеров (тўрт кучли ижрочи орасида Ўзбекистонлик М. Отахўжаев (прима-рубоби) ҳам бор эди.

Кўрик ғолиблари юксак ижрочилик маданиятини, ижодий етуқликини ҳамда халқ чолғуларининг такрорланмас бой имкониятларидан фойдаланиш қобилиятини намойиш этдилар. Ўзбекистонлик Х. Машарипов ва Х. Насриддинов (рубоб) иккинчи мукофот билан, А. Сахиев (ғижжак), М. Юсулова (чанг) ва Б. Сапаев (рубоб) III мукофот билан тақдирландилар. Кўрикда ўзининг маҳоратли ижроси билан ажралиб турганлар орасида республикамиз вилоятларининг вакиллари ҳам анчагина эди (15-расмга қаранг).

Биринчи республикалараро кўрик фақат ёш истеъдодлар мусобақаси бўлиб қолмади. У мусиқачи ва ўқитувчиларга мусиқа ижрочилиги маданиятини янада ривожлантириш йўлларини кўрсатди, мусиқачиларнинг профессионал кўникмаларини такомиллаштириш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ечишда мушоҳада учун озиқ берди. Булар биринчи галда анъанавий ва академик ижрочилиқнинг ўзаро таъсир кўрсатиши ва бир-

<sup>1</sup> Ҳазрат Ҳожибеков (1885—1948). Атоқли Озарбайжон бастакори. Озарбайжон консерваторияси, халқ чолғулари биринчи нота оркестрининг яратилиши унинг номи билан боғлиқ.

бирини бойитиши, замонавий ижрочилик маданияти талабларига жавоб бериш учун мусиқа чолғуларини янада такомиллаштириш, кенг маълумотли созанда ижрочиларни тайёрлаш каби масалаларни уз ичига олади. Ўзбек мусиқачилари тўплаган тажриба замонавий ижрочилик маданияти нуқтан назаридан чолғуларнинг қандай бўлиши кераклигини аниқлаш имконини берди.

*Етакчи ўқитувчилар, уларнинг ижодий ва илмий методик фаолияти*

Республика ўқитувчилар авлодининг ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги санъатининг шаклланиши ва ривожига қўшган ҳиссаси бебаҳодир. Ўқитувчиларнинг кўп йиллик тажрибалари деярли ҳар бир ўқувчига унинг истеъдодидан қатъи назар алоҳида ёндашиш мумкинлигини исботлайди. Ижрочилар билан ишларда, ўқитувчидан даставвал талабаларда мусиқачилик касбига муҳаббат уйғота олиш талаб қилинади.

60—90-йилларда халқ чолғулари ижрочилиги соҳасида бутун умрини ўқувчиларга бағишлаган М. Тоировнинг най мактаби алоҳида ўрин тутади. Айниқса Ф. Васильев, С. Тахалов, В. Борисенко, А. Маликов, Г. Эргашев (рубоб), А. Назаров, Б. Раҳимжонов, А. Хамидов (дугорлар), В. Беленький, А. Холмуҳамедов, Т. Тошмуҳамедов, А. Умаров, И. Шельпук (ғижжаклар), Ф. Содиқов, Ф. Харратов, Р. Неъматов (чангчилар), Т. Алиматов (танбур, сато) кабиларнинг ўқитувчилик ва ижодий йўлини юксак баҳолаш керак. Улар А. Исмоилов, Ш. Аҳмаджонов, Ш. Йўлдошев, А. Бобохонов, К. Усмонов, К. Комилов, К. Назиров, Т. Маҳмудов, У. Эргашев, Т. Собиров, М. Отахўжаев, шунингдек, бошқа кўплаб ўзбек мусиқа санъатининг таниқли намояндаларини тарбиялаб етиштирди.

Мусиқачиларнинг янги авлоди ўзбек ижрочилик мактаби асосчиларининг энг яхши ижрочилик санъати анъналарини ривожлантира бориб, уларни янги ютуқлар, замонавий бадний ва техник вазифаларни ҳал этиш жараёнида аниқланган янги ижрочилик имкониятлари билан бойитишди. Бу борада Тошкент консерваторияси, республикадаги ўрта махсус ўқув юртлари катта обрў орттирдилар, уларга келажаги порлоқ ёш мураббийлар оқими келиб қўшила бошлади. Бу ерда халқ чолғуларида ижрочилик кафедрасининг ўқитувчилари Р. Хўжаева (дугор), Ш. Зиёев, Б. Зиёмуҳамедов, Х. Набиев (рубоб), А. Лутфуллаев (чанг), И. Икромов (доира); халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги кафедрасининг ўқитувчилари Ф. Абдураҳимова, А. Юргаев; шарқ мусиқаси кафедрасининг ўқитувчилари Т. Алиматов (Ўзбекистон халқ артисти), Ф. Мамадалиев (Ўзбекистон халқ ҳофиз), Р. Қосимов, У. Расулов; Самарқанд билим юрти ўқитувчилари И. Жабилов (чанг), О. Амонов (рубоб); Фарғона билим юрти ўқитувчиси Р. Қипчоқов (рубоб); Наманган билим юрти ўқитувчиси Д. Ҳасанов (оркестр раҳбари); Андижон билим юрти ўқитувчиси А. Самиева (дугор); Нукус билим юрти ўқитувчиси М. Камолов (рубоб) исмларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Саксонинчи йилларга келиб санъат ва маданиятга оид олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари бир нечта ўқув, илмий-методик ва ижодий ишлар яратишди. Улар орасида «Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик ва ўқитиш методикаси» (тузувчи Ф. Васильев), А. Дадаму-

ҳамедов ва В. Бориссенкониинг «Прима рубоби дарслиги», чанг ва оркестр учун биринчи концерт (фортепиано билан бирга чанг учун А. Одилов мослаштирган); «Ҳозирги босқичда Ўзбекистон мусиқа чолғулари» (тузувчи А. Назаров) ва бошқа асарлар бор.

Най, ғижжак, чанг, афғон рубоби, дутор, доира, баян ва халқ чолғулари ансамбли учун кўплаб пьесалар тўпланиб нашр этилди. К. Лзимои, Ж. Раёултасв, Р. Ҳоджаев, А. Юргаев, Б. Раҳимжонов, А. Лугфуллоевларнинг ўқув-методик қўлланмалари айниқса қизиқиш уйғотди.

Махсус синфлар, ансамбллар, оркестрлар учун янги дастурлар ишлаб чиқилди ва тузилди. Халқ чолғулари ижрочилигини такомиллаштиришда энг муҳим масалалардан бири бўлган ўзбек халқ мусиқасини ўрганиш, ноталаштириш ва таҳрир этиш борасида ҳам доимий ишлар олиб борилди.

Ижрочиларни тайёрлашда концерт, кўриклардан ташқари олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ўқитувчиларининг конференцияларини ўтказиш катта аҳамиятга эга бўлди, шу боис бундай конференцияларни ўтказиш ҳам анъанага айланди.

### *Ўзбекистонда халқ мусиқий чолғуларини ишлаб чиқариш*

Халқ чолғуларининг яратилиш тарихи мусиқа асбоблари шаклини, ўлчамларини, материалнинг сифатини, уни системалаштиришни, ташқин кўринишини беэаши ва бошқа ишларни аниқлаган илк усталарига эга.

Халқ чолғуларини, мусиқа анъаналарини таққослаш ва ўрганиш замонавий мусиқачилар учун бир неча юз йилликлар, ҳатто минг йилликлар давомида мусиқа чолғуларининг қандай қилиб пайдо бўлгани ва ривожланганини тасаввур этишга кўмаклашувчи бой материаллар берди. Чолғучилар орттирган тажриба уларга замонавий ижрочилик маданияти нуқтаи назаридан чолғулар қандай бўлиши кераклигини аниқлашга имкон берди. Усталар Ш. Шоумаров, У. Зуфаров, М. Харратов ясаган ўзбек халқ мусиқа чолғулари ворислилик, ўзига хос ижодий ёндашиш ва юксак профессионалик хусусиятларини мужассам этган. Тошкент, Бухоро, Наманган, Урганч ва бошқа шаҳарлардаги халқ усталари халқ чолғуларини такомиллаштириш заруриятини ва долзарблигини ҳис этдилар. Т. Вызго ва А. Петросяни таъкидлаганларидек: «Халқ чолғуларини такомиллаштириш бўйича ижодий тажрибалар тобора системалилик ва аниқ мақсадга интилиш касб эта борди».<sup>1</sup>

Чолғуларга бўлган юксак эҳтиёж ва уларда ижрочиликнинг оммавий хусусият касб этиши Тошкентда миллий мусиқа асбоблари тажриба фабрикасининг яратилишига олиб келди. 1965 йилда асос солинган бу фабрика най, сурнай, карнай, чанг, рубоб, доира, дутор, ногора, ғижжак, қобиз, тор каби халқ чолғулари, шунингдек Ўрта Осиё халқларининг қатор чолғуларини оммавий равишда ишлаб чиқарувчи Ўрта Осиёдаги ягона корхонадир. Шунинг таъкидлаш керакки, корхона дастлаб иш бошлаган йиллар анча яхши сифатли чолғулар ишлаб чиқарар эди, чуқки

<sup>1</sup> Т. Вызго, А. Петросяни. «Узбекский оркестр народных инструментов», Ташкент, 1962, 19-бет.

корхона ҳалқ чолғулари реконструкция қилиш ва такомиллаштириш устaxonаси билан ижодий ҳамкорликда иш олиб борар эди. Сўнги йилларда эса чолғулар тайёрлаш сифати сезиларли даражада пасайиб кетди.

1950—60-йиллардаги йирик ва подир усталарнинг сафига тошкентлик уста Усмон Зуфаров, Шораҳим Шоумаров, уларнинг ядошлари Х. Муҳиддинов, А. Абдуғофуров, С. Е. Диденко, Н. Рюхин, В. Полянский-ни, уста Қайом сурнайчи, уста Хўжа Ота, наманганлик уста Рўзимат Исабоев, хоразмлик Матюсуф Харратов, Бухоролик уста Тоир-Соз ва уларнинг Тошкентдаги ўзбек мусиқий асбоблари фабрикасида ишловчи кўнлаб шогирдларини киритиш мумкин. Тошкентлик уста Усмон Зуфаров ёшлик йилларидан то умрининг охиригача дутор ва чангни энг юксак мукаммаллик даражасига кўтаришга интилди (10-расмга қаранг).

Бу уста томонидан ясалган ўнлаб чолғулар сақланиб қолган. Улар бугунги кунда ҳам нодир оҳанг хусусиятлари билан, қадама нақшларининг гузаллиги билан кишини ўзига тортади.

Уста Усмон Зуфаровнинг шогирдлари орасида Хирожиддин Муҳиддинов ва Абдунаби Абдуғофуровлар иш услубининг ўзига хослиги ва нафислиги билан ажралиб туради.

*Хирожиддин Муҳиддинов* (1930 йилда туғилган). Нодир мусиқий созлар устаси. Кўҳна халқ чолғуларига янгитдан ҳаёт бахш этган машҳур устоз санъаткор — Уста Усмон Зуфаровнинг шогирди. Кўп йиллар мобайнида ўз устози билан ижодий ҳамнафас бўлган, замонавий ижрочилик санъатининг юқори талабларига мос хилма-хил чолғулар яратган чолғушунос. Уста Хирожиддин Муҳиддинов устозидан чанг, рубоб, гижжак каби созлар ясашни, айниқса анъанавий дутор чолғусини нақшинкор қилиб безаш ва жараиғдор, тиниқ товуш чиқариш сирларини ўзлаштирди. Натижада элга моҳир уста сифатида танилди.

Созчи уста Ўрта Осиё республикалари халқ чолғуларини такомиллаштиришда ва таъмирлашда, уларнинг янгидан-янги нусхаларини тайёрлашда салмоқли ҳисса қўшди.

Жаҳон миқёсида ўтказилган кўرғазмаларда уста ясаган чолғулар ҳануз намойиш этиб келинмоқда. Уста Хирожиддин Муҳиддинов 1950 йилдан ҳозирга қадар Тошкент Давлат консерваториясининг илмий-тадқиқот тажрибахонасида чолғуларни таъмирлаш ва такомиллаштиришда фаол қатнашиб келмоқда.

Халқ хўжалиги ютуқлари кўрғазмаларининг фахрий ёрлиқлари ва қатор медалларига сазовор бўлган нодир соз устасидир.

*Абдунаби Абдуғофуров* (1931 йилда туғилган). Ўзбекистонда машҳур санъат арбоби — уста Усмон Зуфаровнинг шогирди. Юқори сифатли ўзбек халқ чолғуларини: пай, кўшнайн, чанг, рубоблар, дуторлар, танбур, гижжак, доира каби ўнлаб янгича нусхадаги дурдона чолғуларни яратган уста.

Уста ясаган созлар нафақат республика миқёсидаги кўрғазмаларда, балки унинг ташқарисида, чунончи, Москва, Санкт-Петербург ва қатор хорижий мамлакатлар музей-кўрғазмаларида бир неча мартаба намойиш этилган.

Моҳир уста Абдунаби Абдуғофуров ижодий фаолияти эвазига рес-

публика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаларининг махсус медаллари ва дипломлари билан тақдирланган.

Абдунаби Абдугофуров ҳамон ижодий изланишда, қадимий чолғуларга ҳаёт бахш этиш йўлида тинмай меҳнат қилмоқда.

### *Қардош халқлари мусиқачиларни тайёрлаш ва замонавий халқ чолғулари ижрочилиги*

Ҳозирги маданиятимизнинг муҳим омилларидан бири мусиқа меросини ўзлаштириш, бастакорларнинг халқ чолғулари учун яратган замонавий асарларини ва уларнинг ривожланиш истиқболини чуқур тушунишдан иборатдир. Эндиликда оркестр ёки ансамбль ижрочиси учун ўзи чалаётган мусиқа чолғусининг техник имкониятларини яхши эгаллаш, ўрганилаётган асарни тўғри ўзлаштира олишнинг ўзигина етарли бўлмай қолди. Замонавий ижрочидан мусиқани юзик тушуниш, ижро этилаётган асарнинг мазмуни ва ранг-баранглигини аниқ ҳамда юқори бадий савияга етказиш, бастакор ниятига чуқур кириб бориш сирга риладар талаб этилаётир. Буларнинг барчаси муайян даражада ижрочилик усуллариининг ўзига хослигини ўзлаштириш ва ижрочилик маҳоратининг техник жиҳатдан доимо такомиллаштириб бориш билан боғлиқ. **Замонавий ижрочи ижрочилик** маданиятини янги даражага кутаришни, халқ мусиқаси ва қардош халқлар мусиқаси ҳисобига ўз репертуарини доимо кенгайтириб бориши ва жаҳон мусиқа маданиятининг водир намуналарини ўзлаштириши керак.

Халқ чолғулари ижрочилиги тарихи кейинги йилларда мусиқашуносликнинг янги соҳаси сифатида қарор топди. Халқ чолғулари жаҳон мусиқа маданияти ривожининг умумий жараёнига чуқур кириб борди, мамлакатимизнинг барча қардош республикаларида улар бўйича таълим бериш йўлга қўйилди. Табиийки, ҳар бир республикада халқ чолғуларининг асосий турлари аниқлаб бўлинди. Ҳар бир минтақада тарихан ўз чолғу гуруҳлари таркиб топди. Жумладан, рус халқ чолғулари асосий турлари қаторидан балалайка, домра, гусли ва баян, украин халқ чолғулари асосий турлари қаторидан эса кобза ёки бандура, пимбаллар ўрин олди. Белорус халқ оркестри таркибининг цимбаллар ва унинг қардош оиласи ҳамда гармонь ташкил этди. Қозоғистон халқ чолғуларининг дўмбира (чертма чолғулар), қобиз (торли-камончали чолғулар) ёки қилқобиз (қадимий миллий чолғу, овраўпача скрипкага ўхшаш) лар ташкил этади. Ўзбекистон ва Тожикистон мусиқа чолғулари асосан ўхшаш. Болтиқбўйи ва Карелия халқларининг торли-чертма чолғулари (кантеле, каннель, кокле ёки канклес, бирбине)<sup>1</sup> ҳам деярли бир хил. Кавказ ва Қавказорти халқларининг мусиқа чолғуларини соз, тор, зурна, кемайча, сантур, қонун, ганун (кўпторли чолғу) каби чолғулар ташкил этади. Масалан, Арманистондаги қонун, Гуржистондаги чанг (бурчаксимон арфа), чоңгуриларга ўхшаш. Туркманистон халқ чолғулари дутор, гижжак, доира, қобиз, гошо-дилли — тўйдюк ёки қўшнаёй каби узбек чолғуларига ўхшаш. Агар санаб чиқадиган бўлсак, рўйхатни яна анча давом эттириш мумкин.

<sup>1</sup> Литвада бирбененинг тилчали ва кларнет типдаги қўйма якказ дамли икки турли мавжуд.

Олий ва ўрта махсус musiқа билим юртларида, болалар musiқа мактабларида халқ чолғулари ижрочилиги зўр бериб ва режали равишда ўргатилмоқда. Кўп асрлик анъаналарни ўрганиш ва сақлаб қолиш давлат ишига айланди. Эндиликда musiқа мактабидан то консерваториягача (санъат институти) халқ чолғулари бўйича ижрочи кадрларни тайёрлаш системали равишда йўлга қўйилган. Ижрочилик тарихида айниқса 1948 йил эсда қоларли бўлди. Шу йилга келиб musiқа маданияти тарихида илк бор «Халқ чолғулари» мутахассислиги бўйича олий малакали musiқачиларни тайёрлаш ва тарбиялаш бошланди.

Гнесинлар номидаги Москва Давлат musiқа педагогика институти халқ чолғулари ижрочиларини тайёрлашни бошлаган дастлабки олий ўқув юртларидан биридир (кафедра асосчиси А. С. Илюхин эди). Институт рус халқ чолғуларида моҳир ижрочилик мактабини шакллантириш бўйича методик марказга айланди. Бу ерда профессионал асосда замонавий балалайка ижрочилиги гуллаб яшнади. Бу соҳанинг Давлат мукофоти соҳиби, Россия Халқ артисти, профессор П. И. Нечипоренко ва унинг шогирдлари — катта-катта кўриклар соҳиблари В. Зажигин, В. Болдирев ва Россияда хизмат кўрсатган артист А. Данилов каби вакилларини эслаш kifоя. Кафедрадаги илмий изланишлар таъсирида домбра ижрочилиги санъати анчагина муваффақиятларга эришди. Институт доценти, ажойиб домбрачи Вячеслав Круглов доимо меҳнат жамоалари, талаба ёшлар олдида чиқишлар қилиб турди. Чолғучининг домбрасини ГФР ва Швецарияда тинглашган. В. Круглов катта илмий-педагогик ишни концерт фаолияти билан муваффақиятли тарзда қушиб олиб боради. У I Бутуироссия халқ чолғулари ижрочилари кўригининг ва халқаро фольклор фестивалининг соҳиби. Домбрачи кўпинча якка концертларда ёш истеъдодли пианиночи С. Козловский билан бирга чиқишлар қилиб туради.

Таркибида ажойиб домбрачи. Халқаро кўриклар соҳиби А. Циганков бўлган подир триони алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бу трио таркибида ташиқли балалайкачи В. Авксентев, Россияда хизмат кўрсатган артист. Халқаро кўрик соҳиби, баянчи А. Беляев ҳам бор. Гнесинлар номидаги Москва давлат musiқа-педагогика институти профессори, Россияда хизмат кўрсатган санъат арбоби С. М. Колобков ажойиб ижрочи, дирижёр, ўқитувчи, оркестр ва баянчилар ансамблининг раҳбаридир. Россия радио тўлқинлари орқали С. Коняевнинг концерт пьесасини, Ф. Рубловнинг баян ва оркестр учун концертини, П. Куликовнинг концерт миннаторасини тез-тез эшитиш мумкин. Унинг шогирдлари орасида Ю. Вастрелов, Ф. Липс, Н. Соболевский каби мамлакатнинг машҳур баянчилари бор. Гнесинлар номидаги институтда кўп йиллар мобайнида баян ижрочилиги муаммолари бўйича кўплаб ўқув-методик ишлар муаллифи, ажойиб ижрочи ва ўқитувчи, халқаро кўриклар соҳиби Ф. Липс ижодий ва концерт фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Унинг ишлари «Баян ва баянчилар» (тузувчилар С. М. Колобков ва В. М. Егоров) тўпламида чоп этилиб келмоқда.

1987 йилда «Халқ чолғулари ижрочилиги таълимини такомиллаштириш масалалари» (тузувчилар В. С. Чунин, М. И. Имханицкий) ва «Рус халқ оркестри ва дирижёр тарбиялаш вазифалари» (тузувчи В. М. Зиновьев) методик тўпламлари нашр этилди.

Киев консерваториясида балалайка, домбра, баян, бандура, гитара

ва симбаль синфлари мавжуд. Халқ чолғулари кафедрасига<sup>1</sup> санъатшунослик номзоди, профессор Н. А. Давидов (баянчи) раҳбарлик қилади. Кафедрада Киев консерваториясининг баян синфи асосчиси, Киев баянчилар квартетининг бевосита катнашчиси, таниқли баян ижрочиларидан бири, профессор Н. И. Ризоль ишлайди.

Киев баянчилар квартети репертуаридан Украин, рус халқ мавзуларида концерт вариациялари, қайта ишланган халқ мусиқалари, Мясковнинг ўзбек рақси, Монтийнинг «Чардан» венгерча рақси ўрин олган. Н. Ризолнинг шогирдлари орасида Украинада хизмат кўрсатган артист, уч халқаро кўрик соҳиби В. В. Безфамильнов, В. А. Булавко ва бошқалар бор.

*Узеир Хожибеков номидаги Озарбайжон Давлат консерваторияси.* Мишбу консерваторияда ярим асрдан ортиқ вақтдан буён тор, кеманча, қонун синфлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги вақтда халқ чолғулари кафедрасига таниқли бастакор дирижёр, Озарбайжон Давлат мукофоти соҳиби, республика халқ артисти, профессор С. Э. Алескеров (тор ва дирижёр) бошчилик қилмоқда.

Кафедрада профессорлар Х. Хонмамадов ва Р. Кулиев (тор), Р. Миришлиларнинг (кеманча), методик ва илмий-тадқиқот ишлари катта қизиқиш уйғотди. Озарбайжон бастакорлари тор<sup>2</sup> ва кеманча чолғулари учун бир қатор оригинал асарлар яратишган. Булар С. Рустамов, С. Алескеров, Х. Хонмамадов, Р. Миришли, Т. Боқихоновларнинг қатор концертларидир. Таниқли Озарбайжон мусиқачилари қаторида В. Моцарт, П. Чайковский, А. Хачатурян, С. Рустамов, С. Алексеров, Х. Хонмамадовларнинг концертларини маҳорат билан ижро этаётган истеъдодли торчи К. Примов, камончи Л. Қорахонов, торчи Б. Меликов каби кўплаб келажак порлоқ ёш мусиқачи-чолғучилар номларини тилга олиш мумкин.

*Қурмонғози номидаги Олма-ота Давлат консерваторияси* Халқ чолғулари факультетининг фаолияти алоҳида эътиборга молик. Консерваторияда қобиз ва баян (кафедра мудири Қозоғистон халқ артисти, профессор Ф. Д. Болгаева), домбра (кафедра мудири, Олий мактабнинг хизмат кўрсатган ходими, профессор Ф. А. Муҳитов) оркестр дирижёрлиги (кафедра мудири халқ артисти, профессор Ш. С. Қажғалиев) каби мустақил кафедралар ташкил этилди. Факультетда дўмбира, қобиз ва баян синфлари бўйича таълим берилмоқда. Қобизчилар: И. Колинбоева, Г. Изтлеутова, Г. Баязитов, Г. Молдокаримова; домбирачи: К. Аҳмедъяров республикадаги таниқли созанда ижрочилардан саналади.

Консерваториянинг ижрочилик кафедралари ўқитувчилари фаол концерт ижрочилик ва илмий-педагогик ишларини олиб бормоқдалар.

*Комитас номидаги Ереван Давлат консерваториясининг халқ чолғулари кафедраси 1978 йилда ташкил қилинган.* Кафедрага Арманистон

<sup>1</sup> Кафедра 40-йиллар бошларида ташкил этилган. Украина Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор М. М. Гелист (пианиночи ва гитарачи) унинг асосчиси бўлди. 70-йилдан бошлаб кафедрага Н. Т. Лисенко бошчилик қилляпти.

<sup>2</sup> Узеир Хожибеков номидаги халқ чолғулари оркестри билан бирга тор учун яратилган яқинта фантазия халқ чолғулари учун яратилган дастлабки мусиқий асарлардир.

халқ артисти Х. М. Аветисян (қонунчи) бошчилик қилмоқда. Кафедрада илмий-методик ва ўқув-методик ишлар (дарсликлар, пьесалар тўпламлари, хрестоматиялар) яратишда анча салмоқли ишларни амалга оширди. Консерваториядан етишиб чиққан чолғучилар орасида қонунчилар М. Асатрян ва М. Хачатрянлар Арманистонда анчагина машҳур бўлиб кетдилар.

Тошкент Давлат консерваториясининг халқ чолғулари кафедраси Озарбайжон Давлат консерваториясининг халқ чолғулари кафедраси билан анчадан буён ижодий алоқада бўлиб келмоқда.

Тошкент консерваториясида уюштирилган ижодий учрашувлардан бирида (1983) таниқли торчи Рамиз Қулиев М. Глинканинг «Вальс», Монтенинг «Чардац» ҳамда «Рост», «Шаҳноз», «Шероз», «Сегоҳ», «Шюштэр», «Чоргоҳ» ва бошқа озарбайжон мақом (мугам) ларидан парчаларни зўр маҳорат билан ижро этди.

М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг Ханой консерваторияси, Қўрмонғози номидаги Олма-ота консерваторияси, Комитас номидаги Ереван консерваторияси, Турсувзода номидаги Тожикистон санъат институти ҳамда Литва консерваториялари билан ҳам тажриба алмашиш, концерт ва методик ишлар бўйича ижодий алоқалари бор.

Бир неча бор Ўзбекистон меҳнаткашлари жамоалари олдида Қўрмонғози номидаги Қозоғистон халқ чолғулари оркестри, Тожикистон халқ чолғу оркестрининг ижодий ҳисоботлари ўтказилди. Улар бастакорларнинг янги асарларини, жаҳон мумтоз композиторларининг мослаштирилган асарларини ижро этишди. Оркестрларнинг барча концерт чиқишлари муваффақиятли ўтди. Жамоалар билан уюштирилган ижодий учрашувлар (1983, 1984, 1986, 1989) мустаҳкам дўстликнинг, musiқа маданиятлари бир-бирини бойитишининг намунаси бўлиб, халқ чолғулари ижрочилиги йули уларга битмас-туганмас қувонч келтирди. Ўз навбатида Т. Жалилов номидаги Ўзбекистон халқ чолғулари Давлат оркестри, Тошкент консерваториясининг чангчилар ансамбли ва М. Тоиров (най), Т. Собиров, Ф. Шукурова (чанг), Ш. Зияев (рубоб прима), Ш. Йўлдошев (ғижжак), И. Икромов (доира) каби Республиканинг етакчи яққанавоз чолғучилари Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа республикаларда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунларида иштирок этишган эди. Ўзбек musiқачиларининг қардош шаҳарлар бўйлаб қилган концерт сафарлари Республика musiқа ижрочилиги санъати ютуқларини тарғиб қилди, бу билан халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ҳозирги вақтда musiқа ижрочилиги ва халқ чолғулари таълимини тубдан ислоҳ қилиш керак. Бу бастакорлар томонидан оригинал асарлар яратиш, musiқа меросини ўрганish, Тошкент musiқа асбоблари фабрикаси ва тажрибахонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга тааллуқли. Шунинг учун Республикада минтақавий ва хорижий мамлакатлар билан илмий-методик конференцияларни, халқ чолғулари musiқачи-ижрочилари ансамбллари ва оркестрларининг кўрикларини мунтазам ўтказиб туришни йўлга қўйиш керак. Замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-методик қўлланмаларни, айрим чолғулар учун хусусий услубларни яратишга алоҳида эътибор бериш керак. Ҳолиявий жиҳатдан чиниққан, халқ ишига содиқ,

кенг ихтисосли мусиқачи-ижрочиларни тайёрлаш ва тарбиялаш сифатини яхшилаш, мусиқа ижрочилиги педагогикаси ва методикасини янада такомиллаштиришда ҳали ҳал қилинмаган муаммолар бор. Мамлакатимиз мусиқа ўқув юртлари ўртасида педагогика, ижодий, методик ижрочилик фаолияти тажрибаларини алмашиш ишнини тубдан яхшилаш ва янада такомиллаштириш керак.

Халқ чолғуларида ижрочилик санъати кейинги йилларда анчагина мукаммаллашди. Бироқ, эришилган ютуқлар халқ чолғулари соҳасидаги ўқитувчилар, ижрочи ва тадқиқотчилар фаолиятида кескин бурилишнинг дебочаси халос.

Ҳозирги пайтда мустақил республикаларнинг барча мусиқа олий ўқув юртлари халқ чолғу факультетларига эга бўлиб, унда у ёки бу республиканинг деярли барча чолғулари ижрочилиги маҳоратини эгаллаш мумкин. Кўплаб ўзбек халқ чолғулари нафақат республикамизда, балки ундаи ташқарида ҳам кенг тарқалган. Чунинчи, най, қўшнай, бўламан, сурнай, карнай, чанг, қонун, рубоб, дутор, танбур, сато, уд, гижжак; доира, ноғора ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларни ҳозирги Ўзбекистоннинг мусиқий ҳаётини кўз олдига келтириш мушкул.

*Иловоалар*

**Мухтор Ашрафий** номидаги Тошкент Давлат консерваторияси халқ чолғулари факультетини битирган машҳур созанда-ижрочилар ҳақида маълумот

**Набижон Абдуллаев** (1940—1994 йил). Гижжакчи, дирижёр, методист-ўқитувчи, доцент. Консерваториянинг гижжак ихтисослигини А. М. Холмухамедов, дирижёрлигини эса Н. Н. Третьякова раҳбарлигида тамомлаган (1964 йил).

Мирзо Турсунзода номидаги Тожикистон санъат институтининг доценти, республикада хизмат кўрсатган артист.

**Феруза Абдурахимова** (1950 йилда туғилган). Рубобчи, дирижёр, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг прима-рубоб ихтисоси бўйича В. Я. Борисенко (1974 йил), дирижёрлик стажировкасини (1976 йил) А. И. Петросянц раҳбарлигида тамомлаган. М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси халқ чолғулари оркестри дирижёрлик кафедрасининг доценти. Ўзбек чолғуларини таъмирлаш ва такомиллаштириш масалаларига бағишланган қатор илмий-методик мақолалар муалляфи.

**Бахтиёр Абдурахмонов** (1961 йилда туғилган). Чангчи, ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ихтисослиги бўйича А. Одиялов раҳбарлигида тамомлаган (1984 йил). Ўзбек халқ чолғулари ва баянда мусиқачи-ижрочиларнинг IV Республика конкурсининг совриндори (учинчи мукофот), республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатининг ўқитувчиси. Ижрочилик санъати фидокори, Ўзбекистон бастакорлари асарларининг фаол тарғиботчиси.

**Аҳмад Абдурахимов** (1958 йилда туғилган). Дуторчи, ўқитувчи. Консерваториянинг дутор ихтисослиги бўйича А. П. Ҳамидов раҳбарлигида тамомлаган. Мақом ижрочиларининг II Республика конкурсининг совриндори (биринчи мукофот). Фарғона санъат билим юртининг ўқитувчиси.

**Содиқ Абдураззоқов** (1964 йилда туғилган). Рубобчи, ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослиги бўйича Х. Набиев раҳбарлигида тамомлаган (1990

йил). У Республика конкурснинг совриндори (иккинчи мукофот). Қашқадарё вилоят, Шаҳрисабз шаҳар болалар мусиқа мактабининг ўқитувчиси. Халқ ва жаҳон мумтоз мусиқасининг фаол тарғиботчиси.

**Анвар Одиллов** (1948 йилда туғилган). Рубобчи-ўқитувчи. Консерваториянинг афгон рубоби ихтисослигини С. М. Тахалов, дирижёрликни Ф. В. Назаров раҳбарлигида тамомлаган (1971 й.) I Республика конкурснинг совриндори (иккинчи мукофот). Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси (1983 й.) Тошкент шаҳридаги 28-сон болалар мусиқа мактабининг директори. Таниқли мусиқа арбоби.

**Аҳмаджон Одиллов** (1928 йилда туғилган). Чангчи, дирижёр, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ихтисослигини А. И. Петросянц раҳбарлигида тамомлаган (1952 й.) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби доцент, профессор. Қатор илмий-методик қўлланмаларнинг муаллифи: «Школа игры на чанге» (А. И. Петросянц билан ҳамкорликда (1979 й.)), «Гаммы, упражнения и этюды» (1969 й.) 1976 йилдан ҳозирги пайтгача М. Ашрафий номидаги Т. Д. Қсининг халқ чолғуларида ижрочилик кафедрасининг мудири.

**Карим Азимов** (1944 йилда туғилган). Қашқар рубобчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев, дирижёрликни И. А. Петросянц раҳбарлигида тамомлаган (1971 й.). I Республика конкурснинг совриндори (учинчи мукофот). Қатор методик қўлланмалар: «Халқ чолғулари ансамбли учун пьесалар» (Т., 1986 й.), «Ўзбек халқ чолғуларидан тузилган ҳаваскор оркестрлар билан ишлаш методикаси» (Т., 1988 й.) ва бошқаларнинг муаллифи.

**Бахтиёр Азимов** (1944 йилда туғилган). Рубобчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваторияни прима-рубоби ихтисослигини В. Я. Борисенко, дирижёрликни А. И. Петросянц раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси. Ҳозирда Ю. Ражабий номидаги билим юртида фаолият кўрсатмоқда.

**Омонжон Азизов** (1950 йилда туғилган). Найчи, ўқитувчи-методист. Консерваториянинг най ихтисослигини М. Х. Тоиров раҳбарлигида тамомлаган (1973 й.) II Республика конкурснинг совриндори (иккинчи мукофот). Тошкент маданий-маърифат техникумининг ўқитувчиси.

**Саидмахмудхўжа Акбархўжаев** (1951 йилда туғилган). Консерваториянинг гижжак (қобиз) — контрабас ихтисослиги бўйича В. И. Сердюков раҳбарлигида тамомлаган. Республика конкурснинг совриндори (иккинчи мукофот). Тошкент шаҳридаги 9-сон болалар мусиқа мактабининг ўқитувчиси.

**Клим Аймбетов** (1937 йилда туғилган). Рубобчи, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг прима рубоби ихтисослиги бўйича В. Я. Борисенко раҳбарлигида тамомлаган. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ҳолими. Д. Шамуратов номидаги Нукус санъат билим юртида халқ чолғулари бўйича ўқитувчи. Қорақалпоғистоннинг таниқли мусиқа арбоби.

**Раҳмон Оллаберганов** (1930—1974). Рубобчи, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг прима рубоби мутахассислигини В. Я. Борисенко раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. Узоқ йиллар Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги I-сон болалар мусиқа мактабига директорлик қилган.

**Фарҳод Алимов** (1947 йилда туғилган). Гижжакчи, бастакор, ўқитувчи. Консерваториянинг гижжак ихтисослигини А. Ҳолмухамедов, композицияни Б. Гненко раҳбарлигида тамомлаган. Тошкент Маданият институтининг доценти. Халқ чолғулари оркестрига ёзилган қатор асарлар муаллифи. «Шодиёна», «Табриқнома», «Тўёна», Ўзбек халқ чолғулари оркестри учун концерт каби асарлари машҳур.

**Бахтиёр Отаев** (1954 йилда туғилган). Гижжак (қобиз) — контрабасчи, дирижёр, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг гижжак (қобиз) — контрабас ихтисослигини В. И. Сердюков, Б. Х. Абдурахмонов ва дирижёрликни А. Х. Ливнев раҳбарлигида

тамомлаган. Созанда ижрочиларнинг II Республика конкурснинг совриндори (иккинчи мукофот). Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юртининг етакчи ўқитувчиси.

**Муҳиддин Отахўжаев** (1962 йилда туғилган). Рубобчи. Консерваториянинг прима-рубоби ихтисослигини Ш. Қ. Зияев раҳбарлигида битирган. IV Республика конкурснинг (биринчи мукофот) ва республикалараро Узеир Хожибеков номидаги конкурснинг (биринчи мукофот) совриндори. Т. Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат академик халқ чолғулари оркестрининг якканавоз созандаси. Прима рубобида халқ мусиқаси, чет эл бастакорлари асарлари ижрасининг фаол тарғиботчиси.

**Шукрулло Аҳмаджонов** (1940 йилда туғилган). Найчи, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг най ихтисослигини М. Х. Тоиров раҳбарлигида тамомлаган. I Республика конкурснинг дипломанти. Т. Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат академик халқ чолғулари оркестрининг якканавоз созандаси.

**Баҳром Аҳмадалиев** (1963 йилда туғилган). Чангчи. Консерваториянинг чанг ихтисослигини А. К. Лутфуллаев раҳбарлигида тамомлаган. V Республика конкурснинг совриндори (учинчи мукофот). Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта Театри чолғу ансамблининг созандаси.

**Ошер Бариев** (1945 йилда туғилган). Доирачи, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг доира ва урма зарбля чолғулар ихтисослиги бўйича А. Одилов раҳбарлигида тамомлаган. I, II Республика конкурсларининг совриндори (учинчи мукофот). А. Расулов номидаги Самарқанд санъат билим юртининг етакчи ўқитувчиси.

**Ари Бабахоннов** (1934 йилда туғилган). Рубобчи, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев раҳбарлигида тамомлаган. Москвадаги Ёшлар ва талабаларнинг VI Жаҳон фестивали соҳиби. М. Ашрафий номидаги Бухоро санъат билим юртининг етакчи ўқитувчиси.

**Пишас Бакаев** (1947 йилда туғилган). Рубобчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев раҳбарлигида тамомлаган. I Республика конкурснинг совриндори (биринчи мукофот).

**Мустафо Бафоев** (1946 йилда туғилган). Гижжакчи, бастакор, дирижёр. Консерваториянинг гижжак ихтисослигини А. А. Беленький, композицияли профессор Б. Ф. Гиенко раҳбарлигида тугатган. Ўзтелерадио ўзбек халқ чолғулари оркестрининг бадий раҳбари ва бош дирижёри. Ўзбек халқ чолғулари учун яратилган қатор асарларнинг ҳамда қашқар рубоби учун «Поэма» ва шу каби асарларнинг муаллифи.

**Овезмурад Гандимов** (1947 йилда туғилган). Дуторчи, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг дутор ихтисослигини Б. Х. Раҳимжонов раҳбарлигида тамомлаган.

Болалар мусиқа мактабининг I—V синфлари учун дуторга оид хрестоматиянинг муаллифи. (Ашгабад, 1971 й.). Туркменистонда таниқли ўқитувчи, мусиқа соҳасида кўзага кўринган арбоб.

**Асқар Дадамўхамедов** (1961 йилда туғилган). Рубобчи, ўқитувчи. Консерваториянинг прима-рубоби ихтисослигини В. Я. Борисенко ассистентура стажировкасини Ф. Н. Васильев раҳбарлигида тамомлаган. IV Республика конкурснинг дипломанти. М. Ашрафий номидаги Т. Д. Қсининг ўқитувчиси.

**Аҳмаджон Дадаев**. Гижжакчи, концерт берувчи созанда. Консерваторияни Шарқ мусиқаси кафедрасининг гижжак ихтисослиги бўйича С. М. Тахалов раҳбарлигида тамомлаган. Мақом ижрочилари II Республика конкурснинг совриндори (учинчи мукофот). Ўзтелерадиоси мақомчилар ансамблининг созандаси.

**Ҳалим Жўраев** (1936 йилда туғилган). Найчи, бастакор. Консерваториянинг най ихтисослигини М. Х. Тоиров, хор дирижёрлигини Д. Ш. Азимов раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзтелерадио Д. Зокиров номидаги

Ўзбек халқ чолғулари оркестрининг чолғучиси, хонанда. Қатор лирик ашулалар муаллифи.

**Файзи Жўраев** (1940—1993 йил). Қашқар рубоб чолғучиси. Дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев, дирижёрликни А. И. Давидов раҳбарлигида тамомлаган. Педагогика фанлари номзоди, Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтини мусиқа факультетининг доценти. Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси.

**Сабихулло Зокиров** (1936 йилда туғилган). Қашқар рубобчи, шанивоччи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев, дирижёрликни Р. Л. Фельциант раҳбарлигида тамомлаган. Махсус фортепиано курси ва аспирантуралик чоғида унга Н. М. Яблоновский мураббийлик қилган М. Ашрафий номидаги Т.Д.К. си умумий фортепиано курси кафедрасининг мудари.

**Бахтиер Зияев** (1950 йилда туғилган). Дуторбасчи, ўқитувчи. Консерваториянинг дуторбас ихтисослигини А. К. Назаров, дирижёрликни Х. Шамсуддинов раҳбарлигида тамомлаган. Республика III танловининг совриндори (иккинчи мукофот). Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юртининг етакчи ўқитувчиси.

**Шуҳратилла Зияев** (1950 йилда туғилган). Прима-рубоби ўқитувчиси. Консерваториянинг прима-рубоби ихтисослигини В. Я. Борисенко раҳбарлигида тамомлаган. II Республика конкурсининг совриндори (иккинчи мукофот). Т. Жалидов номидаги Ўзбекистон Давлат академик халқ чолғулари оркестрининг яққановоз سازандиси. Анемблъ ижрочилигининг фаол тарғиботчиси.

**Рашид Зилтои** (1948 йилда туғилган). Рубобчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини С. М. Тахалов, дирижёрликни А. Х. Ливиев, раҳбарлигида тамомлаган. Республика конкурсининг совриндори (учинчи мукофот). Карши Давлат санъат билим юртининг ўқитувчиси. Қашқадарё вилоятида таниқли мусиқачи.

**Нигора Ибрагимова** (1947 йилда туғилган). Ғижжакчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг ғижжак ихтисослигини А. М. Холмухамедов, дирижёрликни ҳамда ассистентура-стажировкасини А. Х. Ливиев раҳбарлигида тамомлаган. А. Қолирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг ўқитувчиси.

**Файзулла Ибрагимов** (1941 йилда туғилган). Ғижжакчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг ғижжак ихтисослигини В. А. Беленкий, дирижёрликни А. Х. Ливиев раҳбарлигида тамомлаган. М. Ашрафий номидаги Т.Д.К. халқ чолғулари оркестри дирижёрлик кафедрасининг катта ўқитувчиси.

**Илҳом Икромов** (1960 йилда туғилган). Доирачи, урма зарбли чолғулар ижрочиси. Консерваториянинг доира ихтисослигини Ф. И. Инағомов, урма зарбли чолғуларини Ю. В. Качуринда, ассистентура-стажировкасини А. Одилов раҳбарлигида тамомлаган. Пхеньянда бўлиб ўтган Ешлар ва талабалар XIII Жаҳон фестивалининг дипломанти. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофотининг соҳиби. М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг доценти.

**Абдусамат Илёсов** (1919—1986). Консерваториянинг дутор ихтисослигини А. И. Петросяни раҳбарлигида тамомлаган ва шу ерда ўқитувчилик қилган. Узоқ йиллар Тошкент маданий-оқартув техникумида ишлаб, бир қатор моҳир дуторчиларни тарбиялаган. «Дутор чалишни ўрганиш дарслиги» китобининг муаллифи.

**Исҳоқова (Юсулова) Нуртожи** (1956 йилда туғилган). Консерваториянинг дутор ихтисослигини Б. Х. Раҳимжонов раҳбарлигида тамомлаган. III Республика конкурсининг совриндори (иккинчи мукофот). Наманган санъат билим юртининг ўқитувчиси.

**Абдуҳалим Исмоилов** (1952 йилда туғилган). Ғижжакчи, бастакор. Консерваториянинг ғижжак ихтисослигини А. П. Ҳамидов раҳбарлигида тамомлаган. I Республика

публика мақом ижрочилари конкурснинг совриндори (биринчи мукофот). Ўзбекистон Халқ артисти. Ўзбекистон телерадиоси Ювус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг раҳбари. Гижжакда анъанавий ижрочиликнинг фаол тарғиботчиси. Қатор лирик қўшиқ ва куйлар муаллифи.

**Иосиф Исмоилов** (1961 йилда туғилган). Дутор-басчи, ўқитувчи. Консерваториянинг дутор-бас ихтисослигини А. Қ. Назаров раҳбарлигида тамомлаган. IV Республика конкурснинг совриндори (учинчи мукофот). М. Ашрафий номидаги Бухоро санъат билим юртининг ўқитувчиси.

**Роза Исматова** (1959 йилда туғилган). Баянчи. Консерваториянинг баян ихтисослигини Э. Н. Сейт-Абдулов раҳбарлигида тамомлаган. III Республика конкурснинг совриндори (учинчи мукофот). Тошкент вилоятидаги 6-сон болалар мусиқа мактабининг ўқитувчиси.

**Ҳасан Қомилов** (1948—1980). Ўқитувчи, гижжак-басчи. Консерваториянинг гижжак-бас ихтисослигини И. И. Шельпук раҳбарлигида тамомлаган. I Республика конкурснинг совриндори (биринчи мукофот). Узоқ йиллар Тошкент Давлат Маданият институтида ишлаган.

**Одил Камолхўжаев** (1932 йилда туғилган). Доирачи, ўқитувчи. Консерваториянинг доира ва урма зарбли чолғулари ихтисослигини А. Ж. Ливаев раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, доцент. Фаол концерт ижрочилик фаолиятини ўқитувчилик билан қўшиб олиб боради. Софияда бўлиб ўтган Ешлар ва талабаларнинг IX Жаҳон фестивалининг соҳиби.

**Шоҳид Қорабоев** (1957 йилда туғилган). Гижжак-басчи, дирижёр, методист ўқитувчи. Консерваториянинг гижжак-бас ихтисослигини И. И. Шельпук, дирижёрликни Ф. Т. Содиқов раҳбарлигида тамомлаган. III Республика конкурснинг совриндори (биринчи мукофот). Тошкент Маданият институти оркестр дирижёрлиги кафедрасининг ўқитувчиси.

**Маҳсетулла Камолов** (1945 йилда туғилган). Рубобчи, ўқитувчи. Консерваториянинг дутор-бас ихтисослигини Н. Б. Юргаев раҳбарлигида тамомлаган. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист. Ж. Шамуратов номидаги Нукус Давлат санъат билим юртининг директори.

**Амин Қаримов** (1936 йилда туғилган). Гижжакчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг гижжак ихтисослигини Б. А. Титель раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. Термез Давлат мусиқа билим юртининг директори. Сурхондарё вилоятининг кўзга кўринган мусиқачиси.

**Сотполди Қаримов** (1939 йилда туғилган). Чанги, танбурчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ихтисослигини А. О. Одиллов, дирижёрликни Р. И. Иброҳимов раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистон маъорифи аълочиси. Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юртининг етакчи ўқитувчиси ва халқ чолғулари оркестрининг дирижёри.

**Рустам Қаримов** (1961 йилда туғилган). Рубобчи, концерт ижрочиси. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини С. М. Тахалов раҳбарлигида тамомлаган. IV Республика конкурснинг совриндори (иккинчи мукофот). Ўзтелерадиоси Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг созанда-чолғучиси.

**Икромжон Қосимов** (1946 йилда туғилган). Найчи, ўқитувчи. Консерваториянинг най ихтисослигини М. Х. Тоиров раҳбарлигида тамомлаган. II Республика конкурснинг совриндори (биринчи мукофот). Фарғона санъат билим юртининг ўқитувчиси. Фарғона водийсида ёш найчиларни тарбиялаб етиштиришда фаол меҳнат қилмоқда.

**Рифатилла Қосимов** (1958 йилда туғилган). Қашқар рубобчи, ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини С. М. Тахалов раҳбарлигида тамомла-

ган, I Республика мақом ижрочилари конкурснинг совриндори (иккинчи мукофот), М. Ашрафий номидаги Т. Д. К. си анъанавий ижрочилик кафедрасининг ўқитувчиси.

**Курбон Қурбонов** (1952 йилда туғилган). Дуторчи, ўқитувчи. Консерваториянинг дутор ихтисослигини Б. Х. Раҳимжонов, дирижёрликни А. Х. Ливнев раҳбарлигида тамомлаган. Тожикистон республикаси конкурснинг совриндори (биринчи мукофот). Дутор учун ёзилган бир қатор пьесаларнинг муаллифи. М. Турсунзода номидаги Тожикистон Давлат санъат институтининг ўқитувчиси.

**Гулом Қўчқоров** (1919 йилда туғилган). Гнжжакчи (альт), дуторчи, ўқитувчи, концерт ижрочиси. Консерваториянинг гнжжак (альт) ихтисослигини И. П. Благовещенский ва дирижёрликни С. Х. Алиевлар раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Тошкент шаҳридаги I-сон болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси бўлган.

Мусиқа мактаби ўқувчиларига бағишлаб, дутор ва фортепиано учун тузилган бир қатор тўпламларнинг муаллифи.

**Анвар Лутфуллаев** (1957 йилда туғилган). Чангчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ихтисослигини А. О. Одилов, дирижёрликни М. Н. Насимов раҳбарлигида тамомлаган. М. Ашрафий номидаги Т. Д. К. сннинг доценти.

**Ҳайрулла Лутфуллаев** (1945 йилда туғилган). Қашқар рубобчи, куйчи-хонанда. М. Ашрафий номидаги Т. Д. К. си маданий оқартув ишлари факультетини қашқар рубоби ихтисослигини С. М. Тахалов раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистон халқ артисти. М. Турсунбоева номидаги Ўзбекистон Давлат рақс ансамблининг етук соҳанда ва хонандаси.

**Радион Макаренко** (1931 йилда туғилган). Баянчи ўқитувчи. Консерваториянинг баян ихтисослигини В. Климов раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Ростов-Дон мусиқа педагогика институти доценти. Баян чалиш методикаси бўйича қатор мақолалар муаллифи.

**Абдусалом Маликов** (1932—1983). Рубобчи, ўқитувчи. Консерваториянинг рубоб-прима ихтисослигини В. Я. Борисенко раҳбарлигида тамомлаган. I Республика конкурснинг совриндори (биринчи мукофот). Узоқ йиллар М. Ашрафий номидаги Т. Д. К. сида ишлаган.

**Матрасул Матёқубов** (1958 йилда туғилган). Консерваториянинг қўшна, сурнай ихтисослигини А. П. Ҳамидов, ассистентура-стажировкасини С. М. Тахалов раҳбарлигида тамомлаган. II Республика мақом ижрочилари конкурснинг совриндори (биринчи мукофот). М. Харратов номидаги Урганч мусиқа билим юртининг ўқитувчиси.

**Абдураҳим Маликов** (1934 йилда туғилган). Найчи, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг най ихтисослигини М. Х. Тоиров раҳбарлигида тамомлаган. Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юртининг ўқитувчиси. Таникли мусиқачи.

**Тозабой Мамадёроев** (1953 йилда туғилган). Чангчи, ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ихтисослигини А. О. Одилов ва Т. Собиров, дирижёрликни Р. И. Иброҳимов раҳбарлигида тамомлаган. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Д. Шомуродов номидаги Нукус санъат билим юртининг ўқитувчиси.

**Клара Мардаева** (1952 йилда туғилган). Афғон рубобчиси, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг афғон рубоби ихтисослигини Г. Э. Эргашев, дирижёрликни Н. П. Третьяков раҳбарлигида тамомлаган. Термез мусиқа билим юртининг ўқитувчиси.

**Фароғат Матёқубова** (1965 йилда туғилган). Дуторчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг дутор ихтисослигини С. М. Тахалов, дирижёрликни Ф. Р. Абдураҳимова раҳбарлигида аълога тамомлаган.

IV Республика конкурснинг совриндори (учинчи мукофот). М. Харратов номидаги

Урганч мусиқа билм юртининг ўқитувчиси.

**Фаррух Мирусмонов** (1930 йилда туғилган). Чангчи, дирижёр, бастакор, ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ихтисослигини А. Одилов, дирижёрликни Ф. В. Назаров раҳбарлигида тамомлаган. Композицияни Г. А. Мушел раҳбарлигида битирган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи. Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернати халқ чолғулари бўлимининг бошлиғи. Маориф аълочиси.

У яратган асарлари орасида симфоник оркестр учун ёзилган «Юбилей увертюра»си машҳурдир.

**Эргаш Мирҳидоят** (1952 йилда туғилган). Баянчи, ўқитувчи, мусиқа арбоби. Консерваториянинг баян ихтисослигини В. Қудинов раҳбарлигида тамомлаган. Тошкент вилояти Бекобод шаҳар мусиқа билм юртининг раҳбари.

**Урозимбек Муродов** (Мурод бахши ўғли) (1928 йилда туғилган). Гижжакчи, дирижёр, бахши. Консерваториянинг гижжак ихтисослигини И. П. Благовешченский ва М. А. Асидов, дирижёрликни Ф. В. Назаров раҳбарлигида тамомлаган. Республикадаги таниқли бахши, Ўзбекистон халқ артисти, Хамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билм юртининг ўқитувчиси, «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Гўрўгли ва Бозиргон» кабия халқ дostonларининг ижрочиси.

**Абдурахим Муҳамедов** (1960 йилда туғилган). Рубобчи, концерт ижрочиси. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Р. Қосимов раҳбарлигида тамомлаган. III Республика конкурсининг совриндори (учинчи мукофот). Ўзтелерадиоси мақомчилар ансамблининг мусиқа чолғучиси.

**Булатбой Нағметов** (1962 йил туғилган). Най ихтисослигидан ўқитувчи. Консерваториянинг най мутахассислигини М. Х. Тоиров раҳбарлигида тамомлаган. Узеир Ҳожибеков номидаги I Республикалараро конкурс дипломанта.

**Ашот Назаров** (1923 йилда туғилган). Дутор-басчи, ўқитувчи, мусиқа арбоби. Консерваториянинг дутор-бас ва дирижёрлик ихтисослигини А. И. Петросянц раҳбарлигида тамомлаган. М. Ашрафий номидаги Т.Д.Қ. си халқ чолғуларида ижрочилик кафедрасининг доценти. «Дутор-бас дарслиги» қўлланмасининг муаллифи. А. Назаров Республика конкурсларининг совриндорлари бўлган Б. Зияев, И. Исмоилов, У. Сайдалиев ва бошқаларнинг устози саналади.

**Миркомил Назармуҳамедов** (1952 йилда туғилган). Рубобчи, дирижёр, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев, дирижёрликни Р. И. Ибрагимов раҳбарлигида тамомлаган. Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб интернати ўқитувчиси.

**Қаҳрамон Назиров** (1963 йилда туғилган). Гижжакчи, ўқитувчи. Консерваториянинг гижжак ихтисослигини М. И. Тошмуҳамедов раҳбарлигида тамомлаган. IV Республика ва Узеир Ҳожибеков номидаги I Республикалараро конкурсларининг совриндори (биринчи мукофот). Т. Жалолов номидаги Ўзбекистон Давлат халқ чолғулари оркестрининг созандаси. Консерватория ўқитувчиси.

**Хусан Набиев** (1946 йилда туғилган). Қашқар рубобчи, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев раҳбарлигида тамомлаган. А. Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри чолғу ансамблининг мусиқа раҳбари. У сершоғирд устоздир. С. Абдураззоқов, Ф. Тўлаинова, Э. Абаевалар унинг шоғирдлари жумласидандир.

**Хусниддин Насриддинов** (1962 йилда туғилган). Рубобчи, ўқитувчи. Консерваториянинг рубоб ихтисослигини Ф. Н. Васильев раҳбарлигида тамомлаган. IV Республика ва Узеир Ҳожибеков номидаги Республикалараро конкурсларининг совриндори (иккинчи мукофот). Наманган вилоятидаги 8-сон болалар мусиқа мактабининг раҳбари.

**Иўлдош Норбўтаев** (1951 йилда туғилган). Ғижжакчи, ўқитувчи, дирижёр Консерваториянинг ғижжак ихтисослигини М. И. Тошмухамедов, дирижёрликни А. Х. Ливнев раҳбарлигида тамомлаган. Тавниқли ўқитувчи ва раҳбар.

**Мурод Норқўзиев** (1962 йилда туғилган). Ғижжак ўқитувчиси, Консерваториянинг ғижжак ихтисослигини С. М. Тахалов раҳбарлигида тамомлаган. II Республика мақом ижрочилари конкурсининг совриндори (иккинчи мукофот). Андижон вилоятидаги Бўтақора қишлоқ, Т. Содиқов номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаби интернатининг ўқитувчиси.

**Владимир Никулин** (1957 йилда туғилган) Баянчи, Консерваториянинг баян ихтисослигини В. Кудинов раҳбарлигида тамомлаган. III Республика конкурсининг совриндори (учинчи мукофот). Тошкент шаҳридаги Х. Олимжон номидаги Маданият уйининг раҳбари.

**Азизмамад Ниязмамедов** (1939 йилда туғилган). Қашқар рубобчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини С. М. Тахалов раҳбарлигида тамомлаган. Симфоник — опера дирижёрлигидан Киев консерваториясида таълим олган (1976 й.). Тожикистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. С. Айинӣ номидаги Тожикистон Давлат опера ва балет театрининг бош дирижёри.

**Жўраҳон Обидов** (1940 йилда туғилган). Рубобчи, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини С. М. Тахалов раҳбарлигида тамомлаган. М. Турсунзода номидаги Тожикистон Санъат институтининг доценти «Рубоб мактаби» дарслигининг муаллифи (Душанбе, 1975).

**Ҳасан Ражабов** (1942 йилда туғилган). Танбурчи, қўшиқчи, ўқитувчи. Танбур ихтисослигини С. М. Тахалов таълими остида эгаллаган. Профессional танбурчиларнинг дастлабки вакилларидаан бири. Ўзтеле радиосининг мақомчилар ансамбли чолғучиси. Ўзбекистон халқ ҳофизи.

**Тоҳир Ражабов** (1946 йилда туғилган). Қашқар рубобчи, дирижёр, қўшиқчи, ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев, дирижёрликни М. Н. Насимов, раҳбарлигида тамомлаган. II Республика конкурсининг совриндори (иккинчи мукофот). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1990). Ўзтеле радиоси халқ чолғу оркестрининг созанда-чолғучиси.

**Хикмат Ражабов** (1950 йилда туғилган). Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев, дирижёрликни Ф. В. Назаров раҳбарлигида битирган. М. Ашрафий номидаги Бухоро санъат билим юртининг раҳбари.

**Ўлмас Расулов** (1961 йилда туғилган). Ғижжакчи, ўқитувчи, анъанавий мусиқа билимдони. Консерваториянинг ғижжак ихтисослигини М. Муҳамедов ва Ф. Содиқов раҳбарлигида тамомлаган. I Республика мақом ижрочилари конкурсининг совриндори (биринчи мукофот). М. Ашрафий номидаги Т.Д.К. сининг анъанавий ижрочилик кафедраси ўқитувчиси.

**Илёс Раҳимов** (1960 йилда туғилган). Афғон рубобчи, ўқитувчи. Консерваториянинг афғон рубоби ихтисослигини С. М. Тахалов, дирижёрликни А. Х. Ливнев раҳбарлигида тамомлаган. III Республика конкурсининг совриндори (иккинчи мукофот). М. Ашрафий номидаги Т.Д.К. си халқ чолғулари оркестри дирижёрлик кафедрасининг ўқитувчиси.

**Абдумажид Раҳимов** (1956 йилда туғилган). Афғон рубобчи, дирижёр. Консерваториянинг афғон рубоби ихтисослигини А. Н. Ҳолмухамедов, дирижёрликни Ф. Т. Содиқов раҳбарлигида тамомлаган (1981). III Республика конкурсининг совриндори (учинчи мукофот).

**Ҳасан Раҳимов** (1940 йилда туғилган). Қашқар рубобчи, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев раҳбарлигида та-

момлаган. Тошкент шаҳридаги 25-сон болалар musiқа мактабининг раҳбари. Тошкент шаҳрида таъқиқли мусиқачи ҳисобланади.

**Олимбой Раҳмонов** (1937 йилда туғилган). Рубобчи, дирижёр, уқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев, дирижёрлиқни Н. Ҳ. Халлилов раҳбарлигида тамомлаган. (1962). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Истеъдодли чолғучи, ижрочиларни тарбиялашда фаол меҳнат қилмоқда.

**Баҳодир Раҳмонов** (1947 йилда туғилган). Рубобчи, ўқитувчи. Консерваториянинг прима-рубоби ихтисослигини А. М. Маликов раҳбарлигида тамомлаган. I Республика конкурсининг совриндори (иккинчи мукофот).

**Жасур Раёултоев** (1946 йилда туғилган). Дуторчи, уқитувчи. Консерваториянинг дутор ихтисослигини Ф. М. Васильев, дирижёрлиқни А. Х. Ливнев раҳбарлигида тамомлаган. Санъатшунослик фанлари номзоди. Тошкент Давлат Маданият институтининг доценти.

**Санъатжон Рўзиматов** (1931 йилда туғилган). Чангчи, дирижёр, Консерваториянинг чанг ихтисослигини А. О. Одилов, дирижёрлиқни Ф. В. Назаров раҳбарлигида тамомлаган. Утелерадиоси musiқа бўлимининг муҳаррири.

**Яхияль Сабзанов** (1929 йилда туғилган). Ёлжжакчи, бастакор, уқитувчи. Консерваториянинг ёлжжак ихтисослигини Н. П. Блаженщченский, композиция синифини Г. А. Мушель раҳбарлигида тамомлаган. Тожикистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. М. Турсуновада номидаги Тожикистон Давлат санъат институтининг профессори. Ёлжжак ва фортелиано учун ёзилган қатор пьесалар муаллифи.

**Тоҳиржон Собиров** (1948 йилда туғилган). Чангчи, ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ихтисослигини А. О. Одилов раҳбарлигида тамомлаган. I, II Республика конкурсларининг совриндори (иккинчи мукофот). Т. Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат академик халқ чолғулари оркестрининг яққанавоз чолғучи-созандаси.

**Баҳром Собиров** (1945 йилда туғилган). Қўшнайчи. Консерваториянинг қўшнай, сурнай ихтисослигини А. О. Одилов раҳбарлигида тамомлаган. М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» рақс ансамблининг созандаси.

**Николай Саяинов** (1922 йилда туғилган). Дутор-басчи, рубобчи. Консерваториянинг дутор бас ихтисослигини Г. Н. Иванов раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Унинг (С. Калоянов ҳамкорлигида) афғон рубоби ва фортелиано учун ёзилган «Ашула ва рақс» асари машҳурдир.

**Фаррух Солиқов** (1947 йилда туғилган). Қашқар рубобчи, дирижёр, уқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев, опера-симфоник дирижёрлигини М. Ашрафий раҳбарлигида тамомлаган. III Республика конкурсининг совриндори (учинчи мукофот).

**Ойбек Самадов** (1964 йилда туғилган). Рубобчи. Консерваториянинг прима-рубоби ихтисослигини Ш. З. Зияяев раҳбарлигида тамомлаган (1988). V Республика конкурсининг совриндори (иккинчи мукофот). Т. Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат академик халқ чолғулари оркестрининг чолғучиси.

**Раҳматилла Самадов** (1953 йилда туғилган). Консерваториянинг доира, ноғора ихтисослигини (шарқ мусиқаси кафедраси) Т. Иноғомов раҳбарлигида тамомлаган. II Республика мақом ижрочилари конкурсининг совриндори (учинчи мукофот). Утелерадиоси мақомчилар ансамблининг чолғучиси. «Мелодия» грампластика фирмасининг «Олтин диск» мукофоти билан тақдирланган.

**Кудратилла Самадов** (1960 йилда туғилган). Доирачи, урма тарбл чолғулар ижрочиси. Консерваториянинг доира, ноғора ихтисослигини Т. Иноғомов раҳбарлигида тамомлаган. II Республика мақом ижрочилари конкурсининг соҳиб (иккинчи мукофот). Утелерадиоси мақомчилар ансамблининг созандаси.

**Бобожон Салаев** (1958 йилда туғилган). Қашқар рубобчи, ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини С. М. Тахалов раҳбарлигида тамомлаган. Узеир Хожибеков номидаги республикаларaro конкурс соҳиби (учинчи мукофот).

**Абдураим Султонов** (1930 йилда туғилган). Гижжакчи, бастакор, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг гижжак ихтисослигини А. М. Ҳолмуҳамедов ва Н. П. Благовещенский, композицияни Б. Ф. Гиенко раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. Машиҳур бастакор. Унинг Б. Ф. Гиенко билан ҳамкорликда яратган «Қорақалпоқча сюита» асари узбек халқ чолғулари оркестрлари репертуарларидан мустаҳкам жой олган. Д. Шомуродов номидаги Нукус санъат билим юртининг ўқитувчиси.

**Талъат Сайфуддинов** (1946 йилда туғилган). Доирачи, дирижёр. Консерваториянинг доира ва урма зарбли чолғулар ихтисослигини (маданий-оқартув бўлими). А. Одилов ва В. Окорокон дирижёрликни Ф. Ш. Шамсуддинов раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» халқ рақс ансамблининг яққановоз созандаси.

**Хаим Тамаев** (1948 йилда туғилган). Рубобчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини С. М. Тахалов раҳбарлигида тамомлаган. I Республика конкурснинг соҳиби (учинчи мукофот). М. Ашрафий номидаги Бухоро санъат билим юртининг ўқитувчиси.

**Йўлдош Тожиев** (1960 йилда туғилган). Қўшнайти. Ўқитувчи. Консерваториянинг қўшнайти, сурнай, бўламан (шарқ мусиқаси кафедраси) ихтисослигини Ф. Содиқов ва А. Мажидов раҳбарлигида тамомлаган. I Республика мақом ижрочилари конкурснинг совриндори (иккинчи мукофот). М. Харратов номидаги Урганч мусиқа билим юртининг ўқитувчиси.

**Эргаш Тошматов** (1930 йилда туғилган). Чангчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ихтисослигини А. Одилов опера-симфоник дирижёрлигини М. Ашрафий раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Муқимий номидаги республика мусиқа театри оркестрининг дирижёри, доцент.

**Тўлқин Тошматов** (1934 йилда туғилган). Гижжакчи, бастакор, ўқитувчи. Консерваториянинг гижжак ихтисослигини А. М. Ҳолмуҳамедов, композицияни Б. И. Зейдман раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, доцент. Халқ чолғулари учун ёзилган қатор пьесалар муаллифи (гижжак ва фортепиано учун рақс, чанг ва фортепиано учун концерт Рондаси ва бошқалар).

**Абдувосит Топпулатов** (1950 йилда туғилган). Чангчи, ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ихтисослигини А. Одилов раҳбарлигида тамомлаган. III Республика конкурснинг совриндори (иккинчи мукофот). Қори Еқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармониясининг созандаси.

**Анатолий Тихонов** (1948 йилда туғилган). Баянчи, ўқитувчи. Консерваториянинг баян ихтисослигини В. Климов раҳбарлигида тамомлаган. II Республика конкурснинг совриндори (учинчи мукофот). Тошкент шаҳридаги 6-сон болалар мусиқа мактабининг ўқитувчиси.

**Ғани Тўлаганов** (1935 йилда туғилган). Қашқар рубобчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев, опера-симфоник дирижёрлигини М. А. Ашрафий раҳбарлигида тамомлаган. Москвада бўлиб ўтган Ёшлар ва талабаларнинг VI Жаҳон фестивали соҳиби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг дирижёри, доцент.

**Яшин Ҳаққулов** (1937 йилда туғилган). Найчи, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг най ихтисослигини М. Х. Тоиров раҳбарлигида тамомлаган, доцент. «Доира

учун пьесалар» (Т., 1978), «Этюды и пьесы для рубоба» (Т., 1986) каби тупламларнинг муаллифи ва тузувчиси.

**Раҳимбек Холмирзаев** (1956 йилда туғилган). Найчи, ўқитувчи. Консерваториянинг най ихтисослигини М. Х. Тоиров раҳбарлигида тамомлаган. III Республика конкурсининг соҳибдори (учинчи мукофот). Андижон вилояти Асака шаҳридаги болалар мусиқа мактабининг ўқитувчиси.

**Абдурахмон Холтожиев** (1958 йилда туғилган). Чангчи, қонунчи, ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ва қонун ихтисослигини С. М. Тахалов раҳбарлигида тамомлаган. II Республика мақом ижрочилар конкурсининг соҳибби (биринчи мукофот). Ўзбекистон телерадиоси мақомчилар ансамблининг яккановоз созандаси.

**Абдурахим Ҳамидов** (1948 йилда туғилган). Дуторчи, ўқитувчи. Консерваториянинг дутор ихтисослигини Ф. Содиқов раҳбарлигида тамомлаган. I Республика мақом ижрочилари конкурсининг соҳибдори (иккинчи мукофот). Дутор ва танбур учун ўзбек анъанавий мусиқа ёзувлари тўпламининг тузувчиси.

**Том Хомяков** (1931 йилда туғилган). Рубобчи, домбрачи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг прима-рубоб ихтисослигини В. Я. Борисенко, дирижёрликни А. И. Петросяц раҳбарлигида тамомлаган. Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юрти рус халқ чолғулари оркестрининг раҳбари.

**Абдували Ҳошимов** (1919 йилда туғилган). Найчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг най ихтисослигини М. Х. Тоиров раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

**Рустам Хўжаев** (1946 йилда туғилган). Чангчи, дирижёр, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ихтисослигини А. Одилов, дирижёрликни ва ассистентура стажировкасини А. И. Петросяц раҳбарлигида тамомлаган, доцент. Қатор методик қўлланмалар муаллифи.

**Розини Хожиева** (1959 йилда туғилган). Дуторчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг дутор ихтисослигини Ф. Н. Васильев, дирижёрликни Ф. Р. Абдурахимова раҳбарлигида тамомлаган. Ассистентура-стажировкасини Ф. Н. Васильев раҳбарлигида ўтаган. IV Республика конкурсининг соҳибдори (биринчи мукофот). М. Ашрафий номидаги Т.Д.К. си ўзбек халқ чолғулари кафедрасининг ўқитувчиси.

**Тилаш Хўжамбердиев** (1938 йилда туғилган). Чангчи, дирижёр, Республикадаги таниқли мусиқа чолғучиси. Консерваториянинг чанг ихтисослигини Ф. М. Харратов, дирижёрликни А. И. Петросяц раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзтелерадиоси халқ чолғулари ансамблининг раҳбари.

**Умар Хурсанов** (1931 йилда туғилган). Гижжакчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг гижжак ихтисослигини И. П. Благовещенский, дирижёрликни Р. Л. Фелицян раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. А. Абдурашулов номидаги Самарқанд санъат билим юртининг ўқитувчиси.

**Ҳамидулла Шамсуддинов** (1940 йилда туғилган). Рубобчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев, опера-симфоник дирижёрлигини М. А. Ашрафий раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Ўзбекистон халқ артисти. А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрининг дирижёри. Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактабининг ўқитувчиси.

**Нўрмошжон Шарипов** (1951 йилда туғилган). Рубобчи, дирижёр, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг прима-рубоб ихтисослигини А. М. Маликов, ассистентура-стажировкасини Ф. Н. Васильев раҳбарлигида тамомлаган, доцент, прима-рубоби учун мўлжалланган методик қўлланмалар муаллифи.

**Комилжон Шерматов** (1964 йилда туғилган). Чангчи, қонунчи. Консерваториянинг чанг — қонун ихтисослигини А. Одилов раҳбарлигида тамомлаган. V Республика кўригининг совриндори (яккинчи мукофот). Узтелерадиоси Д. Зокиров номидаги Ўзбек халқ чолғу оркестрининг созандаси.

**Фазилат Шукурова** (1946 йилда туғилган). Чангчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ихтисослигини Ф. М. Харратов ва А. О. Одилов, дирижёрликни Ф. В. Назаров раҳбарлигида тамомлаган.

I Республика кўригининг совриндори (биринчи мукофот). Ф. М. Харратов репертуари асосида чанг учун тузилган «Янгра созим» тўпламининг (Р. Нетьматов билан ҳамкорликда) тузувчиси.

**Эргаш Шукруллаев** (1922 йилда туғилган). Рубобчи, бастакор, хонанда. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Ю. Васильев, композицияни Г. А. Мущель раҳбарлигида тамомлаган. Берлиндаги Ешлар ва талабаларнинг Жаҳон фестивали соҳиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

**Маннон Эргашев** (1929 йилда туғилган). Чангчи, ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ихтисослигини А. Одилов, дирижёрликни Ф. В. Назаров раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ўқитувчи.

**Зухра Эргашева** (1958 йилда туғилган). Рубобчи, ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев раҳбарлигида тамомлаган. III Республика конкурснинг совриндори (иккинчи мукофот), ўқитувчи.

**Баҳром Эргашев** (1960 йилда туғилган). Рубобчи, Консерваториянинг қашқар рубоби ихтисослигини С. М. Тахалов раҳбарлигида тамомлаган. III Республика конкурснинг совриндори (иккинчи мукофот). «Ҳилола» ансамбли созандаси, ишчи ёшлар орасида бадиий ҳаваскорлик санъатининг фаол тарғиботчиси.

**Гуломқодир Эргашев** (1936 йилда туғилган). Рубобчи, ўқитувчи. Консерваториянинг афғон рубоби ихтисослигини ҳамда ассистентура стажировкасини Ф. Н. Васильев раҳбарлигида тамомлаган. II Республика кўригининг совриндори (иккинчи мукофот) доцент. Афғон рубоби учун, «Гуллар рақси» (Тошкент, 1983) деб номланган пьесалар тўлламининг, «Афғон рубобчилар ҳаваскорлик ансамблини тузиш» деб номланган методик тавсияномаларининг тузувчиси (Т., 1985).

**Ўктам Эргашев** (1964 йилда туғилган). Чангчи, ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ихтисослигини А. Одилов раҳбарлигида тамомлаган. III Республика кўригининг совриндори (учинчи мукофот). Узеир Хажибеков номидаги республикалараро кўригининг совриндори (биринчи мукофот). Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳридаги болалар мусика мактабининг ўқитувчиси.

**Бахтиер Йўлдошев** (1950 йилда туғилган). Доирачи, ўқитувчи. Консерваториянинг доира ва урма зарбли чолғулар ихтисослигини А. Одилов раҳбарлигида тамомлаган. I Республика кўригининг совриндори (биринчи мукофот). Тошкент вилояти, Паркент шаҳридаги болалар мусика мактабининг ўқитувчиси.

**Абдуҳошим Юнусов** (1952 йилда туғилган). Ғижжакчи, ўқитувчи. Консерваториянинг ғижжак ихтисослигини М. И. Тошмуҳамедов раҳбарлигида тамомлаган. Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусика билим юрти ўқитувчиси.

**Абрам Юргасев** (1942 йилда туғилган). Қашқар рубобчиси, дутор-басчи, дирижёр, методист-ўқитувчи. Консерваториянинг қашқар рубоб ихтисослигини С. М. Тахалов, дирижёрликни М. Н. Насимов раҳбарлигида тамомлаган. I Республика кўригининг совриндори (иккинчи мукофот). Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, доцент.

**Умрбону Юсулова** (1963 йилда туғилган). Чангчи, ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ихтисослигини А. К. Лутфуллаев раҳбарлигида тамомлаган. IV Республика

кўригининг соҳиби (иккинчи мукофот) ва Узсир Хажибеков номидаги республикаларaro кўрик совриндори (учинчи мукофот). Андижон вилояти санъат билим юртининг ўқитувчиси.

**Қосим Юсупов** (1952 йилда туғилган). Найчи, ўқитувчи. Консерваториянинг най ихтисослигини А. П. Ҳамидов раҳбарлигида тамомлаган. III Республика кўригининг совриндори (иккинчи мукофот). Наманган санъат билим юртининг ўқитувчиси.

**Риза Юсупов** (1939 йилда туғилган). Ғижжак (қобиз) — басчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг ғижжак (қобиз) — бас ихтисослигини Мансирев, дирижёрликни Н. И. Третьякова раҳбарлигида тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Андижон мусиқа драма театрининг бош дирижёри.

**Шухрат Юсупов** (1946 йилда туғилган). Чангчи, кўшнайчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг чанг ва кўшнай ихтисослигини А. О. Одилов, дирижёрликни Ҳолиқов П. Х. раҳбарлигида тамомлаган. Кафедра мудири: Тошкент Давлат Маданият институти доценти.

**Хошимжон Ёқубов** (1940 йилда туғилган). Рубобчи, дирижёр, ўқитувчи. Консерваториянинг қанқар рубоби ихтисослигини Ф. Н. Васильев раҳбарлигида тамомлаган. II Республика кўригининг совриндори (учинчи мукофот).

**Бахтиёр Яминов** (1944 йилда туғилган). Ғижжакчи, ўқитувчи. Консерваториянинг ғижжак ихтисослигини А. М. Холмухамедов, дирижёрликни Н. Третьякова раҳбарлигида тамомлаган. Глвар номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактабининг ётакчи ўқитувчиси.

## Халқ чолгулари учун яратилган илк асарлар

Асарнинг номи	Муаллифи	Яратилган йили	Жанри
1	2	3	4
<b>НАЯ</b>			
Чули ироқ	Д. Соаткулов	1947	мослаштирилган ўзбек халқ куйи
Чаман ялла	С. Алиев	1951	—>—
Субҳидом	С. Алиев	1952	—>—
Тун оқиноми	С. Калонов		
Най ялласи	Б. Гненко	1971	—>—
	С. Жалил,		
	М. Муҳамедов	1972	—>—
Най газали	С. Жалил,	1974	оригинал асар
Элегия	М. Пасимов	1976	—>—
Концерт фантазияси	С. Қарим-Ҳожи	1980	—>—
Едимда сен	Р. Турсунов	1980	—>—
Қўнгил навоси	С. Жалил	1980	—>—
<b>КУШНАЯ</b>			
Пьеса	Г. Восконян	1952	оригинал асар
Пьеса	Р. Фелициант	1953	—>—
Диримсан	К. Жабборов	1953	—>—
Қўрмадим	Д. Зокиров	1954	—>—
Мушкилоти дугоҳ	А. Одиллов	1965	мослаштирилган ўзбек халқ куйи
Наврўзи ажам	А. Одиллов	1966	—>—
<b>ЧАНГ</b>			
Муסיқали дақиқа (Скерцо)	И. Адмони	1946	оригинал асар
Гулбахор ва тановар	Б. Гненко	1947	мослаштирилган ўзбек халқ куйи
Концерт импровизацияси	Н. Зокиров	1957	оригинал асар
Муножот сауги	Г. Собитов	1957	мослаштирилган ўзбек халқ куйлари
Муножот уфори	А. Одиллов		
Муножот (туркум)	Т. Азимов	1957	оригинал асар
Скерцо	Б. Гненко,		
Вальс	Ф. Содиқов	1960	мослаштирилган асар
Шарк рақслари (№ 1, 2, 3, 4, 5)	М. Тожиёв	1970—80	оригинал асар
Фарғонача жонон	А. Одиллов	1960	мослаштирилган ўзбек халқ куйи
Жазонр	Д. Зокиров	1960	—>—
Эшвой, Уфори қала банди	А. Одиллов	1966	—>—
Гулузорим, «Сардор»			мослаштирилган

1	2	3	4
илльси	Р. Неъматов	1980	ва оригинал асар
